

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЗИМХҮЖА ОТАХҮЖАЕВ**

**ИЛК ЎРТА АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА  
ТУРК-СУҒД МУНОСАБАТЛАРИ**

**“ART-FLEX”  
Тошкент – 2010**

**Масъул мухаррир: т.ф.д., проф. М.М. Исхоков**

**Тақризчилар: т.ф.д., проф. Т.Ш. Ширинов**

**т.ф.д. Г.А. Агзамова**

**т.ф.н. Ф.Б. Бобоёров**

Монография Марказий Осиё минтақасининг илк ўрта асрлар даври (V–VIII аср биринчи ярми)да кечган тарихий воқеликни турк-суғд муносабатлари доирасида очиб беришга бағишенган. Бу икки этнос Марказий Осиё цивилизацияси шаклланишида минтақада юз берган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда мухим роль ўйнагани тарихий мисоллар востасида ёритиб берилган. Китобда, туркийлар ва сұғдийлар ўртасидаги муносабатлар асосида бу даврдаги давлатчилик ҳолати ва эволюцияси холис, илмий асосланган, манбаларга суяңган ҳолда очиб берилган. Хусусан, илк ўрта асрларда вужудга келган Биринчи Турк хоқонлиги ва Суғд конфедерацияси ўртасидаги серкірра муносабатлар нафақат минтақадаги, балки ўзбек давлатчилиги эволюциясидаги ўзига хос бир босқич эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу жараёнларнинг минтақада кузатилган кейинги даврлардаги давлатчилиги анъаналарининг ривожланиши ва ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўзига хос ўрини манбавий маълумотлар билан асосланган. Ушбу монография тарихчилар, талабалар, ижтимоий соҳа мутахассислари ҳамда мазкур масала билан қизиқувчи китобхонлар оммосига мўлжалланган.

**Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010.**

**ISBN 978-9943-301-84-9**

**© “ART-FLEX” нашриёти, 2010**

## МУНДАРИЖА

Кириш

4-6

<b>I БОБ.</b> Марказий Осиёда турк-суғд муносабатларининг тарихий илдизлари	7-64
1.1. Буюк Ипак йўлининг турк-суғд симбиозида тутган ўрни.	7-27
1.2. VI аср ўрталари - VII аср бошларида туркий халқлар консолидацияси ва илк туркий давлатлар хукмронлиги (Биринчи Турк хоқонлиги (552-603) ва Шарқий Турк хоқонлиги (603-744)) даврида турк-суғд муносабатлари	28-40
1.3. Турк хоқонлиги ва Суғд алоқаларининг характерли хусусиятлари ва эволюцияси	40-48
1.4. Маънавий ва маданий ҳаёт: ўзаро таъсир, юз берган ўзгаришлар	48-64
 <b>II БОБ.</b> Суғдда конфедератив давлат тизими ва маъмурий – бошқарув тамойиллари (V-VIII асрлар)	65-108
2.1. Биринчи Турк хоқонлиги (552-603) ва Ғарбий Турк хоқонлиги (603-742) даврида Суғднинг маъмурий бошқарув тизими	65-73
2.2. Ғарбий Турк хоқонлиги: маҳаллий ҳокимликлар ва марказий бошқарув тизими ҳамда уларнинг асосий хусусиятлари	73-89
2.3. Турк хоқонликлари даврида Суғд маъмурий бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар	89-100
2.4. Суғднинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ривожида туркийларнинг тутган ўрни	100-108
 <b>III БОБ.</b> Араб истилоси ва халифалик даврида Мовароуннахрда кечган этник жараёнларда туркийлар ва суғдийларнинг роли	109-154
3.1. Араб истилосига қарши курашда Суғд-Турк хоқонлиги иттифоқининг вужудга келиши ва унинг дастлабки босқичи (651-715 йиллар)	109-123
3.2. Суғд-турк қаршилик ҳаракатининг иккинчи босқичи (715 -751 йиллар) ва унинг оқибатлари	123-140
3.3. Мовароуннахрда халифалик хукмронлигининг ўрнатилиши ва Суғд конфедерациясининг тақдири. Маҳаллий халқларнинг шаклланишида турк-суғд ассимилияциясининг ўрни	140-154
 <b>Хулоса</b>	155-158
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	159-180
Шартли қисқартмалар	181-182
Иловалар	183-225

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи муаммолари устида қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда Марказий Осиё худудининг географик яхлитлиги, тарихий воқеаларнинг унда жойлашган барча давлатлар ва халқларга даҳлдорлиги, улар этномаданий умумийлик асосида яратилган маданий ва маънавий мероснинг ворислари эканлигини англаб етиш даври келди. Хусусан, Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг: “Биз учун Турон – минтақадаги туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ўта сиёсий эмас, балки маданий бирлигининг рамзиdir. Бундан ташқари, умумий маданий, тарихий ва антропологик илдизларимиз бизни тожик халқи билан ҳам туташтиради. Бу ҳол бизга ўз маданиятимизни Марказий Осиё учун маълум даражада ноёб бўлган турк ва форс маданиятларининг синтези деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради”,<sup>1</sup> - деб, таъкидлагани бежиз эмас.

Ўзбекистон ва қолаверса, Марказий Осиё тарихининг илк ўрта асрлар босқичи (V–VIII аср биринчи ярми) ўзига хос тарихий жараёнлари билан аҳамиятлиdir. III–IV асрларга келиб, Кушон ва Қанг каби давлатлар таназзули кучайиб, улар ўрнига сиёсий жиҳатдан мустақил ва маҳаллий маъмурий бошқарувига эга давлатлар (Афригийлар, Чоч ва Фарғона) ва давлат уюшмалари (Суғд ва Тоҳаристон конфедерациялар) вужудга келди. Уларнинг шакланишида минтақада кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар мухим роль ўйнади. Хусусан, икки йирик этник гурӯҳ: ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб суғдийлар, хоразмийлар, бохтариylар ва олтой тиллари оиласи вакиллари – туркийларнинг ўзига хос синкетик яқинлашуви кучайди. Прототурк қабилалари уюшмаси “турк” номи остида минтақада етакчи мавқега чиқа бошлади. Натижада, бу ҳодиса этномаданий жараёнларни такомиллаштируди. Марвдан Хитой деворига қадар турли этнослар, жумладан туркий ва суғдий компонентлар симбиози рўй берди. Бу янги типдаги давлатларининг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ривожи маҳаллий халқларнинг шаклланишига замин ҳозирлади.

Илк ўрта асрлар янги тарихий давр сифатида ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихида мухим босқич бўлиб, ҳанузгача илмий адабиётларда тўлақонли ёритилмаган. Бу даврни чуқур ўрганиш, атрофлича таҳлил этиш ва воқеаларга объектив баҳо бериш XXI аср бошларида вужудга келган ҳудудий ва этник мансублик каби муаммоли масалаларнинг ечимини топишга ҳам ёрдам беради.

Илк ўрта асрлар даврида Марказий Осиё минтақасида кечган мураккаб жараёнларда бошқа этник гурӯҳлар қатори фаол иштирок этган туркийлар ва суғдийлар ўртасидаги муносабатлар бу даврдаги давлатчиликнинг ҳолати ва эволюциясини холис, илмий асосланган, манбаларга сунянган ҳолда тўлақонли ёритишнинг долзарблигини тасдиқлайди. Зоро, минтақада кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларни суғдий, қадимги туркий, хитой, араб-форс ва бошқа манбалардаги маълумотлар асосида, кўп босқичли, узвий ва тадрижий турк-суғд муносабатларини ўрганиш орқали объектив ва чуқур ёритиш мумкин.

Муаммо XIX аср охири – XX аср бошларида топилган археологик ашёлар ва ёзма ёдгорликлар маълумотлари асосида айrim тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Улар масалани ёритишида ўзларининг сиёсий ва мафкуравий ёндашувлари асосида муаммонинг муайян жиҳатларига эътибор қаратганлар. Бироқ, турк-суғд муносабатларининг V–VIII асрлар давлатчилиги ва этномаданий жараёнларга таъсири маҳсус тадқиқ этилмаган. Баъзан тадқиқотчиларга масалани очишида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 143.

материаллар етишмаган бўлса, баъзида тадқиқотчилар турк-суғд муносабатларига жиддий эътибор бермаганлар. Шуни қайд этиш лозимки, тарихи, тақдири, маданияти, дини ва урф-одатлари яқин бўлган Марказий Осиёнинг ҳинд-европа (шарқий эроний) ва туркий тилли халқларининг ўзаро муносабатларига уларнинг тилларидағи фарқли жиҳатлар тўсиқ бўлмаган. Қолаверса, минтақада илк ўрта асрларда турк-суғд икки тиллилик (билингвизм) муҳити ҳукмронлик қилган. Бу бир худудда тинч-тотув ҳамда бир-бирининг ҳаётига даҳл қилмай яшаш – симбиоз ҳолатини келтириб чиқарган. Муаммонинг айрим жиҳатларига эътибор қаратган олимлар бу даврни “турк-суғд” даври деб, эътироф этганлар<sup>2</sup>. Бу даврда вужудга келган Биринчи Турк хоқонлиги ва Суғд конфедерацияси ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар нафақат ўзбек давлатчилиги, балки минтақадаги давлатчилик эволюциясида ўзига хос бир босқич эди.

Томонларнинг манфаатли ҳамкорлик илдизлари қадимий бўлиб, бу жараён мил. авв. IV–III асрлардан бошланганигини археологик тадқиқотлар ва хитой манбалари тасдиқлади. Шу жиҳатдан турк-суғд муносабатларининг бир ярим минг йиллик тарихи (то X–XI асргача) ва унинг чўққиси – илк ўрта асрлар (V–VIII биринчи ярми) босқичини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга молик бўлиб, тадқиқот натижасида кўплаб муаммолар – сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, этномаданий, диний масалалар ўз ечимини топади.

Турк-суғд муносабатларининг энг юқори даражаси ҳисобланган 552–750 йиллар Марказий Осиёда кечган тарихий жараёнларнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучлари – туркийлар ва суғдийларнинг ўзаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий алоқалари натижасида Биринчи Турк хоқонлиги (552–603) ва Ғарбий Турк хоқонлиги (603–742) вужудга келди. Бу давлатлар ўз навбатида Марказий Осиёнинг, хусусан, Суғднинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир этди. Этномаданий жараёнлар янада фаоллашиб, турк-суғд симбиозини вужудга келтирди. Минтақада ягона “тарихий-маданий макон” хосил бўлди. Томонлар Хитой тажовузи, Эрон таҳди迪 ва Араб Ҳалифалиги қўшинлари истилосига қарши курашда бирлашдилар. Бу жараёнлар минтақадаги кейинги даврда кузатилган ўзбек давлатчилиги анъаналарининг ривожланишида ва ўзбек халқининг этник шаклланишида ўзига хос ўрин тутди. Бу ҳолатлар монографиянинг даврий чегарасини белгилайдиган асосий хусусиятлар ҳисобланади.

Мазкур даврни белгилайдиган бир қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, улар куйидагиларда намоён бўлади.

– Буюк ипак йўли бўйлаб амалга оширилган алоқалар натижасида нафақат савдо муносабатлари, иқтисодий ҳаёт борасида турли халқларнинг тажриба алмашинуви, балки турли этник қатламларнинг яқинлашуви, ассимиляцияси юз берган. Хусусан, туркий ва суғдий тилли аҳолининг ўзаро этномаданий алоқалари Марказий Осиё сиёсий харитасига ҳам муайян ўзгаришлар олиб кирди. Минтақада вужудга келган Турк хоқонликлари (VI–VIII) ва Ўрта Осиё тарихий-маданий ўлкалари тараққиёти бу муносабатларнинг маҳсулни эди.

– Суғд конфедерацияси ҳудудида яшаган ўтрок маданият вакиллари минтақада яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли билан бевосита ёки билвосита алоқаларга киришиб келганлар. Бевосита алоқа – минтақада яшаган прототурк ва шарқий эроний тилли аҳоли билан хўжалик, маданий алоқаларда бўлган. Билвосита – айрим суғдийлар фаолияти, хусусан, Буюк ипак йўлида жойлашган суғд колониялари орқали ўтрок ва кўчманчи халқлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини яқинлаштиришга, уларнинг интеграциясига хизмат қилган.

<sup>2</sup> Бернштам А.Н. Среднеазатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – 1947. – №3. – С. 91.

– Суғдийлар улар атрофидаги аҳоли ўртасида ўзига хос маданият ташувчи бўғин вазифасини ўтаган. Улар эгалик қилган оромий ёзуви асосида вужудга келган суғдий ёзув маданияти қадимги туркий, уйғур, мўғул ва манжур ёзувларининг шаклланишида замин вазифасини бажаришган. Суғдийлар дунё динлари: буддавийлик, христианлик, монийликнинг Марказий Осиё халқлари орасида тарқалишида фаол иштирок этган.

– Биринчи Турк хоқонлигининг ташкил топишида суғдийларнинг ўрни катта бўлиб, бу кейинчалик вужудга келган Турк хоқонликлари ва Суғд конфедерацияси манфаатларини ифодалар эди. Ушбу омил Хитой, Эрон ва Византия билан ташқи муносабатларда томонларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаган. Суғд манфаатлари Турк хоқонликлари томонидан ҳимоя қилинган. Суғдда ер мулкчилиги муносабатларига асосланган маъмурий бошқарув тизими Турк хоқонликлари даврида ислоҳ қилиниб, туркий унвон ва мансаблар жорий этилган. Маҳаллий бошқарувда туркий сулолаларнинг иштироки етакчилик қила бошлаган.

– Араб истилоси даврида (654-751) қаршилик ҳаракатида Суғд етакчи роль ўйнади. Суғд – Чоч – Фарғона – Турк ва Туркаш хоқонликлари коалицияси араб истилосига қарши бир аср (654-751) кураш олиб борди. 751 йилда эса маҳаллий кучлар Талас жангидага минтақага хавф солган Хитой босқинини тўхтатиш учун араб қўшинлари билан бирлашди. Бу воқеа Мовароуннаҳри исломлашиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилди.

– Томонларнинг яқин алоқалари натижасида Суғддаги азалий прототурк қатлами хоқонлик турклари хисобига янада бойиди. Бу ҳолат этногенетик жараёнларга таъсир кўрсатиб илк ўрта асрлар феномени – турк-суғд симбиозини вужудга келтирди ҳамда ҳозирги ўзбек ва тожик халқлари шаклланишида муҳим босқич бўлди.

Ушбу монографик тадқиқотни яратища ўз илмий маслаҳатлари билан катта ёрдам берган т.ф.д., проф. М.М. Исҳоқовга, т.ф.д., проф. Д.А. Алимовага, т.ф.д., проф. Т. Шириновга, т.ф.д. Г.А. Агзамовага, т.ф.н. Ф.Б. Бобоёровга ва ЎзРФА Тарих институти “Ўрта асрлари бўлими”, Археология институти “Мовароуннаҳр археологияси” бўлими олимларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

# I БОБ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТУРК-СУҒД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ

### ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

#### **1.1. Буюк ипак йўлининг турк-суғд симбиозида тутган ўрни**

Марказий Осиё ҳудудида шаклланган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик савдо йўллари тизими Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Мил. авв. III–II минг йилликлардан фаолиятини бошлаган бу йўлни мил. авв. 138 йилда Чжан Цзян Хитой учун кашф этди<sup>3</sup>. XIX асрда “Буюк ипак йўли” номи илмий адабиётлардан ўрин олди. Бу йўл тармоқлари минтақадаги турли этносларнинг ўзаро алоқаларга замин яратган. Жумладан, мил.авв. IV–III асрларда шаклланган “дашт йўли”<sup>4</sup> орқали суғдийлар Хитой билан туташ чегараларга етиб бордилар<sup>5</sup>. Натижада, Амударёда то Гансудаги Хэси йўллагига<sup>6</sup> қадар Ипак йўлининг “турк–суғд” йўналиши вужудга келди. Македон савдогари Маэс Татионос таъбирича, Хиерополис (Hieropolis)дан Хитой (Sera Metropolis)гача мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан то мил. I минг йилликча суғдийлар етакчилик қилишган<sup>7</sup>.

**Буюк ипак йўли** антик давр (I–IV асрлар)да Рим, Парфия, Кушон ва Хан салтанатлари ўртасида сиёсий ва иқтисодий манфаатлар кураши майдонига айланган. III–IV асрларда минтақадаги Қанғ ва Кушон салтанатлари парчаланди. Шундан сўнг, тахминан 350 йилдан Ипак йўлида суғдийларнинг мустақил фаолияти кучайди<sup>8</sup>. Бу даврни минтақа учун “суғдийлар даври” деб, ҳам аташ мумкин.

Илк ўрта асрлар (V–VIII асрлар)да “Ипак йўли” учун Хитой, Эрон, Византия ва Турк хоқонлиги ўртасида рақобат давом этди. Бу йўл тизимининг функционал аҳамияти нафақат тијорат, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт билан ҳам белгиланарди<sup>9</sup>. Жумладан, тужкорлар ўзлари бўлган юртлари ҳақида “маҳсус сухбат ва учрашувлар” орқали ўз ҳукмдорларига зарурий маълумотларни етказиб турганлар.

Суғдийлар нафақат моҳир савдогар, балки бозорларга сифатли маҳсулот етказиб берувчилар ҳам эди. Суғд маҳсулотлари Византиядан Корея ва Япониягача,

<sup>3</sup> Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь // Энциклопедический справочник. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1999. – С. 12–21; Его же. Из истории Великого шелкового пути // Мозийдан садо, 1999. – № 3. – С. 8–13; Его же. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005. – С. 196, 233; Мавлонов Ӯ. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 8–131; Кобзева О.П. Великий Шелковый путь: проблемы научной периодизации и источники изучения европейскими учеными во второй половине XIX – начале XX вв. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2001. – С. 17; Её же. Великий шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 16.

<sup>4</sup> Дашт йўли – минтақа орқали ўтган транзит савдо йўли. Олтойдан бошланиб, Эрон, Месопотамия, Арабистон ва шимолий Африка ҳамда Итил ва Ёйик дарёлари оралиғидаги даштлардан Ҳиндистонга олиб борувчи йўл. Бу йўлда чорвард қабилаларнинг миграцияси катта ўрин тутган. Қаранг: Мавлонов Ӯ. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 88–91.

<sup>5</sup> Henning W. B. The date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – Vol. XII. – Pt. 3–4. – P. 608; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – С. 16.

<sup>6</sup> Хеси коридори ёки Хеси йўллари – Хитойдаги Хеси дарёсининг гарбий томони. Гансу (Кенгсув) ўлкасида жойлашган. Ғарбдан Шарққа ҷўзилган бўлиб, узунлиги энгига нисбатан катта. Буюк ипак йўлида муҳим стратегик аҳамият касб этган. Савдо йўллари ва савдо учун кулай. Уруш ва ҳарбий ҳаракатлардан ҳоли зона ҳисобланган.

<sup>7</sup> Ҳўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – Б. 66–70; Ртвеладзе Э.В. Самарканда на Великом шелковом пути // Самарканда шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. – Тошкент–Самарканда, 2007. – С. 109.

<sup>8</sup> Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Paris, 2004. – vol. XXXII. – P. 14–82.

<sup>9</sup> Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – С. 16; Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarihi’ne giriş. Cild I. – İstanbul, 1981. – S. 54; Мирбобоева Т.Х. Вклад Согда и согдийцев в Великом шелковом пути. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Худжанд, 2005. – С. 12.

Тибетдан Шри-Ланкагача қуруқлик ва денгиз йўллари орқали етиб борган<sup>10</sup>. Хорижда Суғднинг қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилиги маҳсулотларига талаб кучли эди. Хитой манбалари Суғдга: “Иқлими иссиқ, сифатли буғдой етиштиришга мос. Аҳолиси боғдорчилик ва зироатчиликка мойил. Дараҳтлари кўркам”<sup>11</sup>, – деб таъриф берган. Бу даврда Суғддан боғдорчилик (шафтоли ва гилос), узумчилик (майиз) маҳсулотлари, зотдор отлари ва қўйлари Хитойга экспорт қилинган<sup>12</sup>. Ҳатто ипакчиликда Суғд соҳа ватани Хитой билан рақобатлашган<sup>13</sup>.

Мил. авв. IV-III асрлардан халқаро тижоратга киришган суғдийлар, шимолий-шарқий йўналишда кейинчалик шаҳарларга айланган савдо манзилгоҳларини вужудга келтириди<sup>14</sup>. Бу манзилгоҳларда турли маданиятлар синтези, хусусан, турк-суғд симбиози шаклланди. Бу табиий жараён ўзаро манфаатдорлик асосида кечди. Кўчманчи (прототурк<sup>15</sup>)лар суғдийлар билан бўладиган иқтисодий ва маданий алоқалардан, суғдийлар эса улар билан бўладиган сиёсий алоқалардан манфаатдор эди. Шу боис ҳам Чочдан Ганьсугача бўлган йўналишдаги “турк-суғд манзилгоҳлари” тизимидағи жой номларида суғдий кент (*k’nd*) – қишлоқ ёки шахар ҳамда диз (*buz*) – қўргон ёки қалъани англатувчи топонимлар учрайди<sup>16</sup>. Айниқса, Уструшона, Чоч, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Ганьсудаги манзилгоҳлар савдо, хунармандчилик марказлари сифатида бу ўлкаларнинг маданий ва диний-мағкуравий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди<sup>17</sup>.

Суғдийларнинг шимолий-шарқий ва қўшни маданий ўлкалар билан алоқалари турк-суғд муносабатларининг муҳим омили бўлди. Жумладан, **Суғднинг минтақавий ва ташқи алоқаларида Уструшона** муҳим ўрин тутган. Бу ҳудуд ўтрок ва кўчманчи минтақалар ўртасида “контакт макон” эди. Азалдан Суғд ва Чоч таъсиридаги бу ўлгадан ўтган савдо йўллари чўл минтақаси ва Сирдарё бўйларини Зарафшон воҳаси – Суғд ва жануб – Тохаристон билан боғларди<sup>18</sup>. Уструшона

<sup>10</sup> Grenet F. Les Merchants Sogdiens Dans les mers du Sud à L'époque preislamique // Cahiers d'Asie Centrale. – 1996. – N 1-2. – Ss. 65–84; Compareti M. Sogdiyana tarihihe giriş // Türkler, 2 cilt. – Ankara: Yeni Türkiye yayınları, 2002. – S. 161; Sims-Williams N. The Sogdian Merchants in China and India, Cina e Iran // Da Alessandro mango alla Dinastia Tang, a cura di Alfredo Cadonna e Lionello Lanciotti, 1996. – S. 45–68; Yoshida Y. Review of the Sims-Williams 1989 // IJL. – vol. 36. – P. 252–256; ib. Additional Notes on Sims-Williams Article on the Sogdian Merchants in China and India, Cina e Iran // Da Alessandro mango alla Dinastia Tang, a cura di Alfredo Cadonna e Lionello Lanciotti. – 1996. – S. 69–78; Симс-Вильямс Н. Путишественники в Тибет: согдийские надписи Ладака // ВДИ. – 2005. – № 2. – С. 61–65.

<sup>11</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1950–1953. – Т. II. – С. 281.

<sup>12</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311; Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент. – С. 12–20; Yoshida Y. On the Taxation System of the Pre-Islamic Khotan // Acta Asiatica. Bulletin of the Institute of Eastern Culture. Japanese Studies in the History Pre-Islamic Central Asia. – Tokyo, 2008. – P. 95–126; Schefer Ed. The golden peaches of Samarkand. A study of Tang exotics. – Berkeley and Los Angeles, 1963. – P. 1, 117.

<sup>13</sup> Колганов А.П. К истории шелка в Средней Азии (по китайским источникам). В кн. Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 110–111.

<sup>14</sup> Рысбергенова К.К. Древние топонимы по маршруту «Великого шелкового пути» / Шелковый путь и Казахстан. – Алматы: Жибек жолы, – 1999. – С. 141–148; Мирбобоева Т.Х. Вклад Согда и согдийцев в Великом шелковом пути. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Худжанд, 2005. – С. 15–17.

<sup>15</sup> Прототурк – мил. авв. II м. й. оҳ. – мил. I м. й. биринчи яримигача Марказий Осиёдаги кўчманчи чорвадор ва ярим ўтрок ҳаёт кечирган туркий тили қабила ва элатлар (сак-скифлар, канғлар, усунлар ва б.). Турк хоконлиги вужудга келгач, айримлари “турк” атамаси билан умумлашган.

<sup>16</sup> Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Автореф. дисс.... кан. фил. наук. – СПб., 2004. – С. 10–13; Рысбергенова К.К. Древние топонимы по маршруту «Великого шелкового пути». – С. 141–142; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006. – С. 77–122.

<sup>17</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии / Тюркологический сборник 1972. – М.: Наука, 1973. – С. 258; Исхаков М.М. Палеографическое изучение согдийских памятников. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1992. – С. 3.

<sup>18</sup> Негматов Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА. – М., – 1953. – № 37. С. – 231–252; Пардаев М.Х. Северо-Западная Уструшана в эпоху раннего средневековья: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1997. – С. 3; Ўша. Уструшона ва Суғдиённинг антик ҳамда илк ўрта асрлардаги моддий-маданий алоқалари // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни: ҳалқаро илмий конференция маъruzalari тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 107–108; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 136.

Суғднинг Маймурғ мулкига чегарадош бўлиб, Зарафшоннинг юқори оқимидағи Суғд қишлоқларига Уструшона орқали ўтилган<sup>19</sup>. Хитой манбаси “Тан шу”га кўра, Су-дуй-ша-на (Suo-tuai-sa-na)<sup>20</sup>дан Ши (Чоч) ва Кан (Самарқанд)гача бўлган масофа бир хил, Тухоло (Тохаристон)гача узоқроқ ҳисобланган. 618-626 йилларда Су-дуй-ша-нанинг ёш ҳукмдори Кан (Самарқанд) билан биргаликда Хитойга элчилар юборган бўлса, 627-йилда Уструшона Бухоро, Самарқанд ва Иштихон билан бирлашган карвонини Хитой юборган<sup>21</sup>.

Хитой сайёхи ва роҳиби Сюань Цзяннинг VII асрга оид маълумотига кўра, сутулисен (уструшона)ликларнинг урф-одатлари чочликларнига ўхшаш бўлиб, подшоси Турк ҳоқони вассали ҳисобланган<sup>22</sup>. Бу Уструшонанинг Суғд, Чоч каби Турк ҳоқонлиги таъсирида эканлигини ҳамда турк–суғд муносабатларидаги ўрнини кўрсатади.

Уструшона Суғд каби VI–VIII асрларда бунёд этилган “Канпирак девори” мудофаа тизими<sup>23</sup> орқали кўчманчилардан ҳимояланган. Бундан ташқари VIII аср бошларига оид суғдий тилли Муғ архивининг А-14 ҳужжати – Панч вилояти ҳокими Деваштичнинг Чочга юборган элчиси “Фатуфарн мактуби”да: ’strwšnyk ’wt’k s’tw ’ry’nstk – “Эструшана вилояти ҳаммаси (душманга – арабларга) топширилган”<sup>24</sup> жумласи ва А-9 ҳужжатидаги: ’strwšnk n’βw – “Эструшана одамлари”,<sup>25</sup> сатрлари Суғд ва Уструшона тарихи ва тақдири бир бўлганлигини кўрсатади.

Уструшонана ҳукмдорлари – “афшин” (’ршун)лар<sup>26</sup> қароргоҳи Қалъаи Қаҳқаҳа саройидаги тасвиirlарда бўри эмаётган икки бола акс этган. Буни Н.Н. Негматов христианлик мифологияси билан боғлайди<sup>27</sup>. Бизнингча, бу манзара туркий қавмлар келиб чиқиши билан боғлиқ ва у Уструшонанинг кўпчилик аҳолиси VI–VIII асрларда туркийлардан бўлганлигини исботлайди. Хусусан, Уструшона ҳокими Афшин халифалик хизматига ўтганда, ўз ўрнига холавачаси Мангужур (Мангучур)ни қолдирган эди<sup>28</sup>. Бу маълумот Афшиннинг аждодлари, она томонидан туркийлардан эканлигини исботлайди. Ҳукмрон табака орасида турк–суғд никоҳлари одатий ҳол бўлган. Қолаверса, Суғд каби Уструшона аҳолиси орасида зардуштийлик эътиқоди кузатилади. Улар марҳумларни Суғд ва Чочдаги каби остодонларда дағн этишган<sup>29</sup>. Бу Уструшонада ҳам Суғд ва Чоч каби анъаналар амал қилганлигини исботлайди.

Уструшоналиклар тилини суғдий тилнинг бир шеваси эди, дейиш мумкин. В.А. Лившиц Чилхужрадан топилган ёғоч таҳтачага тушь билан ёзилган ҳужжатларни ўқиб, уни Муғ архиви ҳужжатлари билан қиёслагач,<sup>30</sup> Уструшонада маҳкамачилик ишлари суғдий тилда юритилганини исботлади.

**Суғд–Чоч (Тошкент воҳаси) алоқалари** минтақадаги турк–суғд муносабатларида ўзига хос ўрин тутган. Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларидаги дехқончилик ва кўчманчи чорвадорларнинг ҳудудлари кесишган минтақада

<sup>19</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. – М.: ИВЛ, 1963. Т. II (1). – С. 188–189; Негматов Н. Настенная живопись дворца афшинов Уструшаны // СА. – 1973. – С. 183–202.

<sup>20</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск, 1989. – С. 83; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 365.

<sup>21</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 138.

<sup>22</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 366.

<sup>23</sup> Пардаев М. Уструшона ва Суғдиённинг антик ҳамда илк ўрга асрлардаги моддий ва маданий алоқалари. – Б. 108.

<sup>24</sup> Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: чтение, коммент. и пер. В.А. Лившица. – М.: Наука, 1962. – С. 87 (далее СДГМ II); Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 5.

<sup>25</sup> СДГМ II. – С.87; Исхоков М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 48.

<sup>26</sup> Бартольд В.В. Афшин / Соч. – М.: Наука, 1962. Т. II (2). – С. 497.

<sup>27</sup> Негматов Н.Н. «Капитолийская волчица» в Таджикистане // Новый журнал. – 1968. – № 2. – С. 33–34.

<sup>28</sup> Ахунова Н. Тюрки в системе государственного управления арабского халифата. – Баку: Элм, 2004. – С. 16–18.

<sup>29</sup> Henning W.B. F Sogdian God // BSOAS. – 1965. – vol. XXVIII. – pt. 2. – Pp. 242–254.

<sup>30</sup> СДГМ II. – С. 71–74.

жойлашган Чоч<sup>31</sup>, Ипак йўлининг шимоли-шарқий йўналишида стратегик аҳамият касб этган. Бу ҳудудга суғдийлар дастлаб мил. авв. VI–IV асрда аҳамонийлар ва юонон–македон истилолари даврида кириб кела бошлади. Илк ўрта асрларга қадар Чочда бир неча ўтроқ маҳаллий (сак) ва суғдий аҳолининг манзилгоҳлари пайдо бўлган бўлса, илк ўрта асрларга келиб улар сони ниҳоятда ошди.

Чочга прототурк қабилаларининг таъсири мил. авв. I минг йиллик сўнгги чорагида яққолроқ сезилди. Турк хоқонлиги даврида эса туркийлар воҳада етакчи кучга айланди. Аммо воҳанинг туркий хукмдорлари маҳкамама ишларида суғдий тилва ёзувдан фойдаланишган. Жумладан, VII–VIII асрларга мансуб тангаларини ҳам суғдий ёзув ва тилда зарб эттиришган. Бу фанда турк–суғд намунасида тангалар деб юритилади<sup>32</sup>. Чочда суғдий тил ва ёзув қаторида туркий тил ва ёзувнинг ҳам амал қилиши Қанҳа шахри харобасидан топилган сопол идишдаги турк руний битигидаги<sup>33</sup> Чоч – с’с атамасида<sup>34</sup> ўз аксини топган. Бу воҳанинг илк ўрта асрлардаги этник манзарасини ҳам акс эттиради.

Чоч – Чжэшэ (Чиачиат) давлати VI асрга оид “Вэй шу” солномасида тилга олинади. Шу маълумот VII асрга оид “Бэй шу” солномасида ҳам такрорланади. Уларда келтирилишича, 437 йилда мустақил Чоч Хитойга элчилар юборган. Бошқа хитой манбаси “Тундян”да Чоч давлатининг Суй сулоласи (581-618) билан дипломатик алоқаси тилга олинади.<sup>35</sup> Қолаверса, VII аср бошларигача Суғд ва Чоч хукмдорлари (605 йилгача) келиб чиқиши юэчжиларга<sup>36</sup> бориб тақалувчи чжаоулар хонадонига мансуб бўлганлар<sup>37</sup>. Чочда Қанғ давлати даврида маҳаллий чжаоулар, Турк хоқонлиги давридан, 605 йилдан сўнг туркий сулола давлат бошқарувини амалга оширган.

Чочга суғдийларнинг кириб келиши, маҳаллий сакларнинг ўтроқлашиб<sup>38</sup>, зардуштийликни қабул қилишига туртки бўлган. Воҳада зардуштийлик анъаналари кенг ёйилган. Бунга 1871 йилда Тошкентдан<sup>39</sup> ва 2001 йилда Тўйтепадаги Бешкападан топилган VI–VII асрларга оид остодонлар мисол бўлади<sup>40</sup>. Қолаверса, Чоч кўплаб диний конфесиялар кесишган минтақа бўлиб, бу ерда маҳаллий туркларнинг тангричиллик, христианликнинг несториан оқими, монийлик каби динлари ҳам тарқалган. Воҳа топонимида диний ибодатхоналар билан боғлиқ: Динбағинакет ёки Динфағнекет, Фарнкет (Паркент), X(в)арашкет<sup>41</sup> кабилар сақланиб колган.

<sup>31</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 136.

<sup>32</sup> Смирнова О. И. Каталог монет с городища Пенджикент. – М.: Наука, 1963. – С. 130–134.

<sup>33</sup> Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. – 2002. – № 3. – С. 11.

<sup>34</sup> Суғдий тилда Чоч (с’с) атамаси II–III аср биринчи ярмига оид Култепа харобасидан топилган сопол лавҳда акс этган. Каранг: Грене Ф. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. – Ташкент – Карши, 2006. – С. 34–36; Sims-Williams N., Grenet F. The sogdian Inscriptions of Kultoba // Shygys. – 2006. – № 1. – Р. 95–111; Исхаков М.М., Камолиддин Ш.С., Бабаяров Г.Б. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VIII вв.) // Серия рабочие документы ИФЕАК. – Вып. 26. – Ташкент, 2007. – С. 7–26.

<sup>35</sup> Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekston tarixi. – 2005. – С. 3–18.

<sup>36</sup> Юэчжилар – мил. авв. II асрда хуннлардан зарбага учраб Шаркий Туркистон ҳудудидаги Рузие –Юэчжи давлатидан Ўрта Осиёга кириб келган туркий қабилалар гурухи. Улар хукмрон сулола хитой манбаларида чжаоулар деб келтирилади. Ўрта Осиё жанубида юэчжилар эроний тилтасирида эронлашган. Каранг: Ходжаев А. О трансформации «юэчжи» из топонима в этномоним // O'zbekiston tarixi. – 2005. – № 4. – С. 3–14.

<sup>37</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – М.: Наука. – С. 272–282; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 24–27.

<sup>38</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы к этнической истории бассейна Средней Сырдарьи в древности и средневековье // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 50–51.

<sup>39</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 309, 359.

<sup>40</sup> Миноянц Б.С. Новые находки оссуарииев из Тойтепа // O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi, 33-nashri. – Самарканд, 2002. – С. 168–172.

<sup>41</sup> Буряков Б.Ф. К истории раннесредневекового Чача. – С. 18–19.

Самарқанддан чиққан карвонлар Уструшона ва Чочдан ўтиб, Еттисув томон йўл олган<sup>42</sup>. Суғдий савдогар, тадбиркор, хунарманд ва дехқонлар турли даврлар ва вазиятларда Чочнинг тоғли ва тог олди худудларига ҳам ўрнашиб, атрофдаги ярим кўчманчи ва ўтрок маҳаллий (прототурк) аҳоли билан бирга яшай бошлади. Айrim қишлоқ ва шаҳарлар: Паркент, Пискент, Заркент, Хўжакент, Дукент, Нукет, Харашкент, Чинончкент суғдий, Тўқкент, Тўнкент, Хатункент кабилар турк-суғд топонимлари сифатида<sup>43</sup> воҳада юз берган симбиоз ҳолатини кўрсатади.

Буюк ипак йўли Қанғ давлати (мил. авв. II – мил. IV асрлар) даврида савдо карвонлари орқали улкан худуддаги мулклар ва шаҳарларни, жумладан Суғд ва Чочни ўзаро боғлаган бўлса, Эфталийлар даврида (V–VI асрлар) Чочнинг Ипак йўлидаги муҳим стратегик аҳамияти камаймади. Шу боис, Сосонийлар подшоси Хусрав I (531–579)нинг эфталийларга қарши кураши баён этилган манбада, Чоч Фарғона каби эфталийларнинг чегара худуди сифатида келтирилган<sup>44</sup>. Бу даврда Чоч Суғд ва бошқа мулкликлар каби ўз мустақил ички ва ташқи сиёсатини давом эттирган.

VI аср иккинчи ярмидан Чочда Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилиб, воҳа аҳолиси этник таркибида туркийлар салмоғи кескин ошди. Маҳаллий туркий забон аҳоли хоқонлик вакиллари каби “турк” деб аталади. Шу боис бу даврида сиёсий ва маъмурий бошқарув маҳаллий туркийлар ва суғдийлар қўлида қолаверди<sup>45</sup>. Воҳанинг этник таркиби ўзгаргани билан, анъанавий маъмурий бошқарув сақланди.

Чоч вассал мулк сифатида Истами ябгу-хоқон тасарруфида, хоқонлик иккига бўлингач (603 йил), Фарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлди. Хусусан, 605 йилда Шегуй шад (шаҳзода) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдириб, ўрнига Истами авлодларидан ашина сулоласига мансуб Тегин Тянҷини (605–609) тайинлайди. Тегин Тянҷжи Фарбий Турк хоқонлиги яратган иқтисодий ва сиёсий эркинликдан фойдаланиб, Хитой билан дипломатик алоқа ўрнатди<sup>46</sup>. Тегинлар сулоласи Чочни 750 йилга қадар бошқарди. Чоч маъмурий бошқарувида тегиндан кейин солиқ йиғиш бўйича нозирлар – тудунлар турган. Манбаларда Ган-тутун – Тўн тудун (658) Моҳэду-тутун – Баҳадур тудун (Табарийда Бадар тархон 713–740), Инай тутун Кюйле ёки Инай тудун Кюлюк (741) каби тудунлар келтирилади<sup>47</sup>.

618 йилда ҳокимиятга келган Фарбий Турк ҳукмдори Тўн ябгу ўз қароргоҳини Чоч яқинидаги Мингбулоқ (хитойча Ҷян-циоан) мавзесига кўчирди. Бошқарувда ислоҳатлар ўтказиб, қарам ўлкаларга ўз вакиллари – элтабар (эл (давлат) бошқарувчилар)ни юборди. Тушадиган солиқ назоратини тудунлар орқали амалга ошириди<sup>48</sup>. Бу даврда пойтахтнинг кўчирилиши сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишга, айниқса Ипак йўлида савдо назорати ҳамда тижорат ишининг жонланишини таъминлади.

Илк ўрта асрларда воҳада дехқончилик ва хунармандчилик ривожланиб, 255 атрофида манзилгоҳлар, 30 дан зиёд қалъя ва шаҳарлар қад ростлади. Лашкарак

<sup>42</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёning қадимги йўллари. – Б. 136.

<sup>43</sup> Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – С. 81–84.

<sup>44</sup> Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача. – С. 10–11.

<sup>45</sup> Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрёстке истории. – Ташкент: Фан, 2001. – С. 6.

<sup>46</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 2. – С. 277–282, 313–314; Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача. – С. 12.

<sup>47</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 2. – С. 313–314; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннахдаги бошқарув тизими ҳакида // O'zbekiston tarixi. – 2000. – № 4. – Б. 73–74; Его же. Древнетюркские монеты Чача (VII–VIII вв. н.э.). – Ташкент: Изд-во Нац. библиотеки им. Алишера Навои, 2007. – С. 46–49; Чоч – Фарбий турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция маърузалари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 118–125.

<sup>48</sup> Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги / ЎзМЭ 8. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 642.

кумушлари, Тункет ва Тўқкет металли, Қорамозор мовий ферузалари<sup>49</sup> четга чиқарилди. Ички бозор учун тангалар зарб этилди. Чоч худудида Ғарбий Турк хоқони Тарду хоқон (576-603) – *trdw γ'γ'п* номи чекилган тангалардан то Тўн ябғу хоқоннинг (618-630) – *twn cρw γ'γ'п* рну – “ябғу-хоқон пули” деб номланувчи тангалар муомалада бўлган<sup>50</sup>. Бу тангалар сүғдий ёзувда битилгани билан аҳамиятли эди. Қолаверса, туркий ҳокимларнинг сүғдий ёзувли тангаларининг муомалага киритиши иқтисодни ўсиши ва халқаро савдонинг ривожига ёрдам берган. Хусусан, Чоч савдогарлари сүғдий тужжорлар билан четга маҳсулот олиб чиқиб, хориждаги манзилгоҳларида бир жамоа бўлиб яшашган<sup>51</sup>. Бу савдо алоқалари хоқонлик хазинасида даромад келтириш баробарида, хоқонликка сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўртаосиёликлар муҳожир савдогарларни ҳимоя қилиш масъулиятини юкларди.

Асрлар давомида шаклланган Суғд урбанистик маданияти Чочга ҳам ўз таъсирини кўрсатди<sup>52</sup>. Бу ерда сүғдий ва туркий шаҳарсозлик анъаналари синтезлашди. IX-X асрларгача Шошнинг Бинкет, Динифонкет, Бенакет, Ҳарашкет, Ардланкет, Ҳудайнкет, Кабарна, Нужекет, Ҳатункент, Жабғукет, Фарнкет; Илоқнинг Тўнкент, Секекет, Банжхаш, Нуке, Балаян, Тўқкент, Арбилах, Немудлик, Ҳумрек, Бискет, Кухисим, Даҳкет, Ҳаш, Ҳангандек<sup>53</sup> каби шаҳарларда туркий ва сүғдий қавмлар ёнма-ён яшаб, Чоч тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўзлари мард, юрти обод, ҳукмдорининг муҳтор бўлган<sup>54</sup> оччиликлар ҳақида Афросиёб деворий тасвирларидан ҳам маълумот олиш мумкин. Самарқандга ихшид Вархуман (Авархуман) (650/655- 675) ҳузурига келган Хитой ва Ҷағониён элчилари қаторида Чоч элчиси ҳам бўлган<sup>55</sup>. Бу элчилик Чоч ҳукмдори Тўн тудун (658) томонидан Суғдга юборилган бўлиши мумкин.

Араб истилоси даврида Чоч ўз ҳукмдори (*c'сук xwb*) – турк тегини ва тудун (*tdwn*) томонидан бошқарилган. Хусусан, Моҳэду тутун – Баҳадур тудун (713-740) ва Суғд маъмурияти муносабатлари Муг архивининг А-14 ҳужжатида ўз аксини топган<sup>56</sup>.

Илк ўрта асрларда оччиликлар сүғдий аҳоли таъсирида уларнинг тили ва ёзувидан фойланганлар<sup>57</sup>. Сүғдий тил бу ердаги туркий қатлам учун мулоқат тили вазифасини ўтаган.

<sup>49</sup> Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – М.: Наука, 1974. – С. 101–107.

<sup>50</sup> Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ. – 1982. – № 8. – С. 32–36; Его же. Монеты Тюркеш –правителя Чача // Нумизматика Центральной Азии. – Вып. V. / Сб. статей. – Тошкент, 2001. – С. 43–47; Зеймаль Е.В. Монеты раннесредневековой Средней Азии / Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху раннего средневековья. – М., 1999. – С. 203–205; Бабаяров Г. Монеты с титулом тудун // Нумизматика Центральной Азии. – Вып. VII. – Ташкент, 2004. – С. 40–43; Его же. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. н.э.). – С. 9–14; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу монетного чекана Западно-туркского канстаната (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюркология. – Туркистан, 2005. – № 6 (20). – С. 97–105; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III–VIII вв. – Ташкент: Фан, 2006. – 326 с.

<sup>51</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. – 2002. – № 2 (14). – Б. 42.

<sup>52</sup> Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК. – Вып. 33. – М.–Л., 1950. – С. 152–163; Филанович М.И. О раннесредневековых престижных сооружениях Чача и Согда // Великий Шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее. Материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент, 2006. – С. 40–43; Её же. Взаимодействие элитных субкультур Согда и Чача в раннем средневековье // Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. – Ташкент–Самарқанд, 2007. – С. 65–68; Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (қадим даврлардан бугунги кунгача) – Ташкент: Art flex, 2009. – Б. 31–35.

<sup>53</sup> Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ. – Вып. IV. 1957. – С. 22–24.

<sup>54</sup> Худуд ул-олам (Моварооннахр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б. 17–18.

<sup>55</sup> Альбаум Л.И. Новые списки Афрасиаба // СНВ. – Вып. X. – М.; Наука, 1971. – С. 88–89.

<sup>56</sup> СДГМ II. – С. 77; Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (док. А-14 с горы Муг) // СЭ. – 1960. – № 2. – С. 92–109.

<sup>57</sup> Исхаков М.М. Палеографическое изучение согдийских письменных памятников: Автoref. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1992. – С.3; Зуев Ю.А. Ранние тюрк: очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002. – С. 158.

Чоч воҳаси стратегик ўрни, карвон йўллари ва Суғд билан яқин алоқаси туфайли турк-суғд муносабатларида муҳим аҳамият касб этган.

Суғд ва Шарқ савдо алоқаларида ва турк-суғд муносабатларида **Фарғона водийси** ва ундан ўтган транзит йўлларнинг ўрни бекиёс эди. Фарғона водийсидан ўтган савдо йўллари Суғднинг минтақавий ва ташқи алоқаларида бир тармоқ сифатида шаклланиб<sup>58</sup>, бу йўналишда суғдийлар Чоч билан бир вақтда мил. авв. IV–III асрлардан ҳаракатлана бошлаганлар. Ҳатто илк ўрта асрларга оид хитой манбалари Фарғона (Да-ван, Полона (мил. авв. V а.), Боханъ (VI–VII аа.) ёки Ниньюоань (VII–VIII аа.))ни Суғд таркибидаги мулк деб қайд этилган<sup>59</sup>. Хусусан, “Бей шу”нинг 435 йилга оид маълумотида ҳам Фарғона алоҳида мулк сифатида тилга олинмайди<sup>60</sup>. Хитойшунос Э. Пуллейблэнк хитой манбаларида Фарғонанинг Суғд конфедерацияси таркибига киритилганлигини Фарғона аҳолисининг тили, антропологияси, урф-одати ва эътиқоди суғдийлар билан айнан<sup>61</sup>лиги билан боғласа, А.Н. Бернштам Хитой сайёхлари Сюань Цзян ва Хой Чаоларга суюниб, фарғоналикларнинг тили қўшни аҳоли тилидан фарқланишини эслатади<sup>62</sup>. Буни VII асрда водийда туркий тил етакчилиги билан изоҳлаш мумкин.

Хитой манбаларига кўра, фарғоналиклар чарм ва пахта матодан кийим кийганлар<sup>63</sup>, харидоргир шишалар ишлаб чиқаришган. Хусусан, Хитой императорига совға сифатида қирмизи ранг Фарғона отлари қатори (479 йил) ва 675 йилда Фарғонанинг яшил шишаси юборилган<sup>64</sup>.

Фарғона маҳсулотлари ички ва ташқи савдони ривожлантирган. Хусусан, ташқи савдо алоқаларида суғдийларнинг водийликларга таъсири сезиларли эди. Буни VII–VIII асрларга қадар Фарғонада муомалада бўлган Сосоний ва Суғд дирҳамлари ҳам тасдиқлайди<sup>65</sup>. Қолаверса, дастлаб Фарғона маҳсулотлари Суғд савдогарлари воситачилигига Шарқий Туркистон ва Хитойга етказилган. IV–V асрлардан эса даванликларнинг ўзлари савдо фаолияти билан шуғулланиб, фойда устида рақобатлаша бошлаганлар<sup>66</sup>. Тижорат иши Фарғона аҳлининг иқтисодий эҳтиёжига айланиб борган.

Водийнинг мис, қўрошин, олтин, темир конлари металлсозлик хунарини ривожлантириди. Фарғона Хитойга беда (“му-су”) уруғи ва ёнғоқ етказиб турди. “Бой хонадонлардаги хумларда 10 000 дан миқдорида май сақлаган”<sup>67</sup>. Фарғонанинг самовий отлари эса азалдан машхур эди. Улар ҳам даромад соҳасига айланган. Суғд ва Чочда ҳам шу каби отлар етиширила бошланган<sup>68</sup>. Минтақа ишлаб чиқариши ва савдосидаги бундай ҳамкорлик томонларнинг иқтисодий манфаатларига хизмат килган.

VIII аср бошлари, яъни араб истилоси даврида Суғд ва Фарғона сиёсий иттифоқи хусусида Муғархиви<sup>69</sup>нинг А-14 рақамли ҳужжати – Панч вилояти ҳокими

<sup>58</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 137.

<sup>59</sup> Pulleblank E.G. Chines and Indoeytopian // Jurnal of Royal Asiatic of Great Britan and Irland. – London, 1966. – P. 25–30.

<sup>60</sup> Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 54.

<sup>61</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 161–162.

<sup>62</sup> Бернштам А.Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). – Ташкент: АН УзССР, 1951. – С. 16–17.

<sup>63</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 369.

<sup>64</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 260, 321–322; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Б. 55.

<sup>65</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 165.

<sup>66</sup> Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати (Даванъ) / Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерки. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 33.

<sup>67</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 161–162, 186–188; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 202.

<sup>68</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М: ГВЛ, 1981. – С. 578–585.

<sup>69</sup> Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг: СДГМ I. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 90 (Далее СДГМ I).

Деваштичга элчиси Фатуфарнинг “жавоб мактуби”да маълумотлар бор. Унда Суғд, Чоч, Фарғона ва Шарқий Турк хоқонлигининг араб истилочилигига қарши тузган каолициясига оид воқеалар акс этган<sup>70</sup>. Ҳужжатга кўра, Фатуфарн “Фарғона подшосига мўлжалланган мактубни Фарғона тутуғи орқали Фарғона ҳукмдори (βγ'nk MLK')<sup>71</sup>га” топширган. Томонлар ўртасида иттифоқчилик муносабатлари йўлга қўйилган. Муғ архивининг В-17 хужжати – Деваштичнинг Хоҳсар ҳокими Афарунга мактубига кўра, Фарғона подшосидан Ғўнак<sup>72</sup>ка ҳарбий бошлиқ юборилган<sup>73</sup>. Бу Фарғона ҳукмдори қўшниси Панч билангина эмас, балки Самарқанддаги Суғднинг қонуний подшоси Ғурак билан муносабат ўрнатганига ишора беради. Воқеалар баёни тахминан 719-720 йилларга тўғри келади.

Хитой манбаларига кўра, Фарғона подшолари (Моцай, Чан, Фин, Мугуа (мил. авв. 104 йилда хитойликларни мағлубиятга учратган ҳукмдор), Яньмо<sup>74</sup>, Чонпон<sup>75</sup> кабилар) келиб чиқиши Суғд каби чжаоу хонадонидан бўлган<sup>76</sup>. Илк ўрта асрларда эса Фарғона маҳаллий ва туркий сулолалар томонидан икки пойтахтдан: маҳаллий ва суғдий ихшидлар Ахсикент ва Гесай (Косон)дан, Турк хоқонлиги вассалигидаги ҳокимият тутуқ назорати остида Хумин (Қува)дан бошқарилган. Ашина Шуни (630-650), Йебочжи (Косонда 650-660), Аляоцен (Хуминда 640-660), Алатар (700-720), Асилан-даган – Арслон тархон (720-745) каби ҳукмдорларнинг номлари манбаларда қайд этилган<sup>77</sup>.

Тўн ябғу (618-630) маъмурий ислоҳотларидан сўнг маҳаллий маъмуриятда туркий “чўр, тутук, тархон” каби унвонлар жорий этилган эди. 630 йилда Тўн ябғу вафотидан кейин ҳам бу унвонлар амалда бўлган. Хусусан, тутуклар Фарғонада ҳарбий маъмурият бошлиғи ҳисобланишган<sup>78</sup>.

Фарғона ҳам Суғд ва Чоҷдаги каби VII аср иккинчи яримидан туркий ашина сулоласи вакиллари бошқарувига ўтган. Фарғонадаги ихшидлик бошқаруви ҳақида XIX аср муаррихи Ибрат: «...Косонда Мугний қўргони ва ўрдаси деб машҳурдир... Ани тарихлар қўрган кишилар бўлса Ихшид деб зикр қиласурғон Суғд подшолари ҳам бул ерда ҳукмронлик қилган»<sup>79</sup> деб, ёзади. Манбада келтирилгандек, VII аср биринчи ярмигача маҳаллий, сўнгра Суғд подшолари – “ўн ўқ” туркий сулоласи вакиллари суғдий ихшид унвон остида Фарғона шимолида ўз бошқарувини жорий этган, дейиш мумкин.

Манбалар Фарғона ҳукмдорларидан бири Алутар<sup>80</sup> шахсига алоҳида урғу беради. Унинг бошқаруви О.И. Смирнова бўйича 715 йилдан - Кутайба ибн Муслим

<sup>70</sup> Исҳоков М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Т.: Фан, 1990. – Б. 25.

<sup>71</sup> СДГМ II. – С.84; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 5.

<sup>72</sup> Ғўнак, яъни гуноҳкор, эҳтимол Суғд ихшиди Ғурак бўлиши мумкин. Чунки унинг 712 йилда Кутайба билан имзолаган “Самарқанд шартномаси” Ўрта Осиё ҳокимларни орасида салбий қабул килинган.

<sup>73</sup> СДГМ II. – С. 119-121.

<sup>74</sup> Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати (Давань). – Б. 32.

<sup>75</sup> Абхолик Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. – Т.: Фан, 2002. – Б. 98

<sup>76</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 41; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Б. 57.

<sup>77</sup> Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳақида // O'zbekiston tarixi. – 2000. – № 4. – Б. 74-75.

<sup>78</sup> Бу атама IX-X асрга оид Қораболғасундан топилган сүғдча матнда ҳам учрайди. Тадқиқотчилар уни хитойча “toutouk” – “тоутуқ” атамасининг туркий тилларга ўзлаштирилган шакли деб кўрсатадилар. Қаранг: Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 26; СДГМ II. – С. 85; Бобоёров Ф. Тутук // ЎзМЭ, 8-жилд, 2004. – Б. 683. “Тутук” – туркий “тутмок, тутиб турмок” феълидан ясалган “(ҳарбий) ҳокимиятни кўлда тутувчи” маъносида.

<sup>79</sup> Исҳокхон Жунайдуллоҳожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи // Мерос туркуми. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 277.

<sup>80</sup> VIII аср бошларидаги Фарғона подшоси, йирик тарихий шахс Алутар ёки Алатар араб манбаларида ат-ТАР деб, келтирилади. Табарий кўра, у Фарғона малики (ҳукмдори) бўлган. Қаранг: История ат-Табари. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 185. О.И. Смирнова. Алутар исмени сүғдча – Алутар ёки Алудар, хитой манбаларида А-лео-та шаклини Таншу манбаси асосланиб, Аллода деб келтиради. Баъзи тадқиқотчилар “ат-тар”, эроний «қора» – тар сўзидан келиб чиқкан деб талкин этишади. Қаранг: Согдийские документы с горы Муг. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и

Фарғонани эгаллаб, уни таҳтга чиқаришидан бошланган<sup>81</sup>. О.И. Смирновага асосланиб, Ф. Бобоёров Алутарнинг бошқарувига 700-720 йиллар деб аниқлик киритади<sup>82</sup>. Аммо Алутарнинг 720 йилдан кейинги фаолияти ҳам Табарийда учрайди. Унга кўра, Алутар Хўжанд фожиаси<sup>83</sup>дан сўнг, 723 йилда арабларга қарши кураш олиб борган<sup>84</sup>. Унинг даврида, яъни 726 йилда Фарғонадаги икки ҳокимликка барҳам берилган.

Ушбу шахснинг этник мансублиги унинг амакиваччаси Нилон (Балаз) ва Нилоннинг ўғли кейинчалик Фарғона подшоси бўлган Алтичўр исмининг туркий эканлиги орқали аён бўлади. Бу Турк ҳоқонлиги даврида Фарғона ва Панжикент ҳокимлари (Чакин чўр Билга) ҳоқонлик жорий этган чур (чўр) унвонли амалдорлар томонидан бошқарилган дейишга асос беради. Қолаверса, илк ўрта асрларда (V–VIII) Фарғонада туб туркий тилли аҳоли, VIII асрдан сўнг эса туркий қарлуқлар етакчилик қилишган<sup>85</sup>.

Хитой манбаларига кўра, 739 йилда Фарғона таҳтига Асилян-даган, яъни Арслон тархон келади. Ф. Бобоёров О.И. Смирнова фикрига таянган ҳолда, Арслон тархон хукмронлигини 720-745 йиллар билан белгилайди<sup>86</sup>. А. Фон Лекокка кўра, Арслон тархон чигил қабилаларидан бўлиб, 739, 745 ва 751 йилларда Фарғонани бошқарган<sup>87</sup>. Бу маълумот ҳам Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши масаласига ойдинлик киритади.

Суғд таъсирида Фарғона водийсида ҳам зардуштийлик анъаналари, урф-одатлари ёйилди<sup>88</sup>. Буни Шахристонийнинг (XII аср) Косондаги оташпараст – муғлар ҳақидаги маълумоти ҳамда Ибратнинг “Муғний кўрғони” ҳақидаги маълумотлари ҳам тасдиқлайди<sup>89</sup>. Зардуштийлик фарғоналиклар ва суғдийларни маънавий яқинлаштирган<sup>90</sup>. Бундан ташқари Фарғонада буддизм тарқалганини 1957 йилда Кува шаҳри харобаларидан топилган будда ибодатхонаси қолдиқлари<sup>91</sup> орқали исботлаш мумкин.

Гарчи VII–VIII асрларда туркийлар Фарғонада кучли мавқега эга бўлсалар-да, туркий тил девон тили мақомида бўлмаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Фарғонанинг ўз маҳаллий тили бўлиб, унинг “ўзга қўшни ўлкалар тилларидан фарқланувчи” тил эканлиги ҳақида хитойлик сайёҳ Хой Чао (726 йил) маълумот беради<sup>92</sup>. В.А. Лившиц бу тилни шарқий эроний тиллардан бири эди деб, Й. Маркварт эса Фарғона тилини суғдий тил таъсирида бўлган деб<sup>93</sup>, таҳмин қиласи.

комментарии М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. – М.: ИВЛ, 1962. – С.85. (Далее СДГМ III). Аммо О.И. Смирнованинг бу қараши асосли эмас.

<sup>81</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 285.

<sup>82</sup> Бобоёров F. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳақида. – Б. 75.

<sup>83</sup> Хўжанд фожиаси ҳақида кейинги бобларда маълумот берилади.

<sup>84</sup> История ат-Табари. – С. 188

<sup>85</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская руническая надпись на бронзовом перстне из Ферганы //Археологические работы в Таджикистане 1957 году. – Вып. IX. – Сталинабад, 1959. – С. 167–171; Заднепровский Ю.А. Тюрки в Фергане (по археологическим данным) // Новое о древнем и средневековом Кыргызстане. – Вып. 2. – Бишкек, 1999. – С. 77–79; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 145.

<sup>86</sup> Бобоёров F. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳақида. – Б. 75.

<sup>87</sup> Le Coq von A. Türkische manichaica aus Chotscho I // APAW. – Anhang 1911. – Berlin, 1912. – S. 44.

<sup>88</sup> Аширов А. “Авесто”да мерос маросимлари. – Тошкент, 2001. – Б. 7–8; Его же. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины): Автoreф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент. – С. 25–26; Ўша. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Milliy kutubxonasi нашриёти, 2007. – Б. 9–72.

<sup>89</sup> Бернштам А.Н. Древняя Фергана (научно-популярный очерк). – С. 19–21; Ибрат. Фарғона тарихи. – Б. 277.

<sup>90</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Б. 53–72.

<sup>91</sup> Роберт Ч. Истер. Буддизм. Путь к нирване. В кн. Религиозные традиции мира. – Бишкек: 1997. – С. 52; Литвинский Б.А. Буддизм в Средней Азии // ВДИ. – 2001. – № 4. – С. 188–199.

<sup>92</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – 1952. – № 1. – С. 195.

<sup>93</sup> Лившиц В.А. Письменность древней Ферганы (?) // НАА. – 1968. – № 6. – С. 229.

Хусусан, Қувадан топилган ашёдаги сүғдий ёзув намунаси ва Фарғона хукмдорининг “ихшид”, деб аталиши бежиз эмас.

Фарғона ёзуви хусусда В.А. Лившиц Самарқанд музейи фондидағи «Фарғона подшоси» унвони ва исми зикр этилган тангани ўрганиб, уни сүғдий, хоразмий ва парфиён ёзувларидан фарқлайди. Палеографик шаклини оромий ёзувига ўхшашлигини қайд этиб, бу ёзувни “махсус Фарғона ёзуви” эмасмикан, деган фикрни ўртага ташлайди<sup>94</sup>. Бундан ташқари, Фарғонадан руник ёзувда намуналар ҳам топилган. Ю.А. Заднепровский Исфарадан сополга битилган руник кўринишидаги ёзув намунасини топган бўлса, С.Г. Кляшторний бир узукка битилган руник ёзувини ўрганиб, ундаги “ynanch” сўзини бирор унвон ёки шахс исми билан боғлайди. Умуман, VI–VIII асрларда Фарғонада руник ёзуви ҳам ривожланганлигини Қува, Исфара ва Лўмбитепа ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди<sup>95</sup>. Бу ёзув Фарғонада амалда бўлиб, баъзи жиҳатлари илк сүғд ёзувига ўхшайди<sup>96</sup>. Бу илк ўрта асрлардаги турк-суғд муносабатларининг ёзув маданиятида мисолида водийдаги ҳолатини акс эттиради.

Водий топонимиясига назар солинса, унда Ахсикент, Шавкат, Навкат<sup>97</sup> ва Куркат, Хуваканд (Қўқон)<sup>98</sup> каби жой номлари учрайди. Бу ҳам Ипак йўлида кечган турк-суғд муносабатлари Фарғона водийсида ҳам фаол кечганлигидан дарак беради.

Суғднинг минтақавий алоқалари нафақат шимоли-шарқий, балки жанубий йўналишда ҳам амалга ошган. Унинг жанубдаги қўшниси **Тоҳаристон** ва унинг мулки **Чагониён** билан муносабатлари ўзига хос кечди. Гарчи Чагониён антик даврда Кушон таъсирида<sup>99</sup>, Суғд Қанғ таъсирида бўлса-да, улар ўртасидаги муносабатлар савдо йўллари туфайли узлуксиз давом этган.

Суғдийлар I асрдан бошлаб Тоҳаристон орқали Ҳиндистон худудларига кариб борганлар. Хусусан, Қоракурум водийсида Германия – Покистон экспедицияси томонидан топилган бир ярим мингдан ортиқ 17 тилдаги ёзма ашёларнинг 250 таси суғдийларга тегишлилиги аниқланган. Суғдийлар Қоракурум водийсининг тоғли Шатиал ва Чилос йўлида фаол савдо олиб бориб, ўз ҳаракатларини жанубий ва шарқий йўналишда давом эттирганлар<sup>100</sup>.

Хитой сайёхи Сюань Цзан 630 йилдаги хотираларида Чинганиен-на (Чи-о-ян-на) ҳақида маълумот бериб, унда 500 гача буддавий монастр ва нисбатан камроқ роҳиблар бўлганлини таъкидлайди<sup>101</sup>. Бу Суғдан фарқли равишда Чагониёнда буддавийлик дини етакчи бўлганлигини кўрсатади.

VI аср иккинчи ярмида Турк хоқонлигидан мағлуб бўлган эфталийлар жанубга чекиниб, ўзларига Чагониён ҳукмдори Фаганишни подшо этиб сайлашган. Аммо у

<sup>94</sup> СДГМ II. – С. 51, 84–85; Лившиц В.А. Письменность древней Ферганы (?). – С. 229.

<sup>95</sup> Раҳмонов Н., Матбообов Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Б. 16–44.

<sup>96</sup> Бернштам А.Н. Древнетюркские рунические надписи из Ферганы // ЭВ. – 1956. – Вып. IX. – С. 54–58; Литвинский Б.А. Проблемы этнической истории древний и раннесредневековой Ферганы / История и культура народов Средней Азии (древность и средние века). – М.: Наука, 1976. – С. 56–57.

<sup>97</sup> Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – С. 84–88.

<sup>98</sup> Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топономии: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб., 2004. – Лист. 103.

<sup>99</sup> Камолиддин Ш. Чагониён карвон йўллари // Шарқ машъвали. – 1993. – № 1–3. – Б. 23; Его же. Историческая география Южного Согда и Тоҳаристана по арабоязычным источникам. IX – начале XIII в. – Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – С. 132–149. Чагониёнда Кушонларнинг илк пойтахти Ходзо шахри жойлашган эди.

<sup>100</sup> Буряков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. – С. 161–162.

<sup>101</sup> Notes on Hwen Thsang's account of the principalities of Tokharistan / By colonel H.Yule. C.B. // Real Asiatic Society Great Britain and Ireland. – London, 1872. – Р. 1–29; Бартольд В.В. Чаганиан. Статьи из “Энциклопедии ислама”/ Соч. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 558; Камалиддинов Ш.С. К исторической географии средневекового Чаганиана // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 196; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 285; Пардаев М. Шимолий Тоҳаристон Турк хоқонлиги даврида. – Б. 22; Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarihi'ne giriš. – С. 19.

Хусрав I Анушервон (531-579) Чагониёнга кириб келгач, Сосонийлар хукмронлигини тан олган. Ҳудуд масаласида Хусрав I ва Турк ябғу-хоқони Истами ўртасида музокаралар олиб борилган<sup>102</sup>. VI аср охирларида турк-эфталий, VII аср бошларида турк-сосоний ҳарбий тўқнашувларидан сўнг, Тарду хоқон даврида (576-603) бутун Тохаристон, жумладан, Чагониён хоқонлик тасарруфига ўтган<sup>103</sup>. Тарду хоқон тегин унвони остида ўз ўғлини Тохаристонга юборгач, бу ўлкада Тарду авлодлари: Тегин (Деле) (VI аср сўнги чораги), Тун ябғунинг ўғли Тарду шад (Дату ше) (618-630), Тарду шаднинг ўғли Ишбара ябғу (Шабало-шэху) (630-650), Ашина Учебо (653-660), Гун Ишбара ябғу (gwn spr'ур) (VII аср сўнги чораги), Надунили (700-720), Кутлуғ Тун Тарду (Гудулу Тун Дату (720-730), Шилиман Гало (Сулаймон (?)) (750) каби туркий сулола бошқаруви йўлга қўйилган. VIII аср иккинчи чорагида эса Тохаристон бошқаруви қарлуқ ябғулари – “жабғу ал-харлухий”лар қўлига ўтган. Тохаристон ҳукмдорлари хитой манбаларида “Тухало шеху” – Тохаристон ябғуси, араб манбаларида “жабғуя ат-Тухарий”, суғд ҳужжатларида tyw'r'k MLK’ – Тохар малиги шаклида учрайди<sup>104</sup>. Бу Турк хоқонларининг минтақада, жумладан Чагониёнда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни таъминлашга харакат қилганликлардан далолат беради. Вилоятлар ҳокимларини хоқонлик билан боғлаш мақсадида жойларда “ябғу”лик жорий қилингани<sup>105</sup> ўзини оқлаган қўринади. Шу боис, Турк хоқонлиги васийлигида Чагониён Тохаристонда ярим мустақил сиёсат олиб борган. Сюань Цзанга кўра, Чагониён маркази Будрач Тохаристон пойтахти Термиздан икки баробар кичикроқ бўлган<sup>106</sup>.

Суғд ва Чагониён ўртасидаги иқтисодий алоқалар Ипак йўлининг жанубий ўйналиши Субоҳ, Хузор, Темур Қапуғ (Бузгола) орқали Термизга қадар амалга оширилган<sup>107</sup>. Суғддан чиққан карвонлар Чагониёнга Темир қопуг (Дарбанд) орқали ўтган. Иқтисодий жиҳатдан эса Чагониён Суғдга нисбатан кам тараққий этган эди<sup>108</sup>. Воҳадаги сугориши учун яроқли ерларининг танқислиги, ахолининг сийраклиги, қишлоқ ва шаҳарларнинг камлиги бунга сабаб эди. Бироқ бу ердаги чорвачилик, дәҳқончилик ва муайян даражада ривожланган ҳунарманчилик савдо муносабатлари учун имконият яратган. Хусусан, 660 йилда у ерда ясалган қизил ва зумрад рангли шиша буюмлар Хитойга юборилган<sup>109</sup>.

Илк ўрта асрларда Суғд ва Тохаристондаги конфедератив давлат тузилиши<sup>110</sup>, улар таркибидаги мулкларга ички бошқарувни мустақил амалга ошириш имконини берган. Хусусан, Чагониённинг қўшни мулклар билан алоқаси элчилик муносабатлари даражасигача кўтарилган. VII аср иккинчи ярмига оид Самарқанд Афросиёби саройидаги Суғд ихшиди Вархуман (Авархуман) ҳузурига ташриф буюрган элчилик миссияси акс эттирилган деворий тасвиirlарида<sup>111</sup> туркийлардан

<sup>102</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 272.

<sup>103</sup> Пардаев М. Шимолий Тохаристон Турк хоқонлиги даврида. – Б. 22-23.

<sup>104</sup> Бобоёров Ф. Тохаристон ябғулари тарихига доир (VII-VIII асрлар) // О'zbekiston tarixi. – 2003. – № 3. – Б. 3-12.

<sup>105</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). – Б. 190; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Моварооннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида. – Б. 77.

<sup>106</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 286; Камолиддинов Ш. Чагониён карвон йўллари. – Б. 23; Его же. К истории географии средневекового Саганиана. – С. 197; Пугаченкова Г.А. К исторической типографии Чаганиана // Научные труды Таш ГУ. Вып. 200. – Ташкент, 1963. – С. 59.

<sup>107</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – С. 134.

<sup>108</sup> Камолиддинов Ш. Чагониён карвон йўллари. – Б. 23.

<sup>109</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 153.

<sup>110</sup> Гафуров Б.Г. Тажики. Кн.1. – С. 285, 313-314.

<sup>111</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 55; Альбаум Л.И. Росписи Афрасиаба. Иллюстрация (табл. X. Западная стена. Деталь 1.). – Ташкент: Фан, 1976. – Табл. X. Матн мазмуни: “Шунда ихшид (подшо) Авархуман (Вархуман)...ёнига \элчи\ келиб оғиз жуфтлади: Мен дапиррати (девонхона бошлиғи) \исмим\ Букарзат. Чагониён подшоси Туронтош (номидан) бу ерга – Самарқандга, ихшид (подшо) ҳузурига эҳтиромимини билирмок учун келдим. Ва мен ҳозир ихшид (подшо) ҳузурида\ эҳтиром билдиримокдаман. Ва \сен\ (Вархуман) менга нисбатан хеч қандай шубҳага бормагин – Самарқанд (Суғд) худолари ҳақида, ҳамда /сугд/ ёзуви ҳақида менинг яхши

бўлган Чагониён ҳукмдори Туронтош томонидан Самарқандга ўз саройи дапирпати Букарзат - мирзо бошисини элчи сифатида юборганлиги қайд этилган. Суғдга ташриф буюрган бу элчилар ўзлари билан совға сифатида тұякуш олиб келишган<sup>112</sup>.

Тохаристон, жумладан Чагониён аҳолисининг аксарияти буддавийлик динига эътиқод қилгани боис, Турк хоқонлари Тохаристонда буддавий монастрлар курдишган. Хой Чао ва У Кун каби хитой сайёхларининг маълумотларига кўра, турк подшоси ўғли Телекин ва малика Катун (Хотун)лар шарафига монастрлар бунёд эттирган. Қолаверса, Чагониён аҳолиси миллий ва диний бағрикенглик анъянларига ҳам содик бўлганлар. “Бэй шу” ва хитой тарихчи Сон Юн маълумотларига кўра, маҳаллий тегинлар икки сулолалага мансуб бўлиб, бири буддавийликка, бошқаси девлар ва париларга эътиқод қилганлар<sup>113</sup>.

Суғднинг минтақавий алоқаларида туркий қавмлар зич яшаган тарихий-маданий ўлка Еттисув<sup>114</sup> алоҳида ўрин тутган. У ерда мил. авв. II–I минг йиллиқдаёқ кўчманчи саклар яшаб, ўзига хос юксак маданият яратганлар. Тасвирий санъатда уларнинг “скифча ҳайвонларни тасвирлаш усули”,<sup>115</sup> илк ўрта асрларда туркийлар дунёси орқали суғдийлар ва бошқа халқларга ўз таъсирини кўрсатган эди<sup>116</sup>.

Еттисув саклари, кейинчалик усунлари<sup>117</sup> мил. авв. II асрдан – милодий V асрга қадар минтақадаги бошқа ўлкалар, хусусан, Суғд билан узвий алоқада бўлганлар<sup>118</sup>. Қанғ давлати таркибида Суғд ва Еттисув алоқалари янги босқичга кўтарилиган. Еттисув савдо факторияларидағи суғдийлар маҳаллий сак ва усунлар билан этномаданий жиҳатдан яқинлашган<sup>119</sup>.

Еттисув хўжалигига чорвачилик ва қисман, дарёлар бўйлари ва тоғ олди худудларида дехқончилик етакчилик қилган. Мил. авв. IV–III асрдан то илк ўрта асрларгача бу ерда қатор суғдий колониялар тизими шаклланган эди. Турк хоқонлигининг қарор топиши эса ўлкалараро савдо-сотик алоқаларига катта имконият яратди.

Суғднинг урбанистик маданияти Еттисув шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Жумладан, VI асрда рўй берган Абрўй кўзғолонидан сўнг Еттисувдан паноҳ топган кўплаб бухороликлар бу ерда Ҳамуқат (Жамуқент) шаҳрига асос солдилар<sup>120</sup>. Ипак йўли бўйлаб Еттисувдаги суғдийлар жойлашган худудларда кент (канд) – шаҳарлар тармоғи (Шалжикат, Жувикат, Навикат, Нуздат) вужудга келди<sup>121</sup>. VI–VIII асрлар давомида биргина Чу водийсида

хабарим бор. Ва /Самарқанд (Суғд)/ ихшиди (подшоси)га ҳеч кандай ёмонликни амалга оширмадим ”. Авархуман... унга рұхсат берди. Ва үшундан сўнг Чоч дапирпати оғиз жуфтлади...” каби жумлалар сакланган. Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики Кн. I. – С. 319.

<sup>112</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 321; Бобоёров F. Тохаристон ябгулари тарихига доир (VII–VIII асрлар). – Б. 11.

<sup>113</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). – С. 190.

<sup>114</sup> Еттисув – Ҳозирги Қозогистоннинг жануби-шаркий қисми. Шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Жунғор Алатови, жанубда Танритоғ (Тяньшан) тоғлари орасидаги тарихий маданий ҳудуд. Еттисув номи Балхаш кўлига қуядиган Или, Коратол, Оксу, Биён, Лепса, Баскан ва Сарканд каби еттита дарё ва сойлар умумлашмасидан келиб чиққан.

<sup>115</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 100, 106.

<sup>116</sup> Гюль Э.Ф. Проблемы этнокультурных взаимодействий в античном и средневековом искусстве Узбекистана: Автореф. дисс. ... докт. искуск. наук. – Ташкент, 2002. – С. 15–22.

<sup>117</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – Тошкент: ЎзФАН, 1941. – Б. 5.

<sup>118</sup> Заднепровский Ю.А. Об этнической принадлежности памятников кочевников Семиречья усуньского периода II в. до н.э. – V в. н.э. // СНВ. – Вып. X, 1971. – С. 27–36; Marşak B. I. Türkler ve Soğdlular // Türkler. 2 cilt. – Ankara: Yeni Turkiye yayınları, 2002. – S. 172–173.

<sup>119</sup> Бернштам А.Н. К вопросу об усунях, Кушанах и тохарах ( Из истории Центральной Азии) // СЭ. – 1947. – № 3. – С. 43; Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғиллар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 168.

<sup>120</sup> Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос туркуми. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 91.

<sup>121</sup> Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья / Соч. – М.: Наука, 1963. Т.II (1). – С. 46–47; Рысбергенова К.К. Древние топонимы по маршруту «Великого шелкового пути». – С. 142–143; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – С. 77–80.

суғдийларнинг 18 та шаҳар ва қўрғонлари бўлиб, уларда туркий ва суғдийлардан ташқари сурёнийлар ва форслар яшашиб, асосан савдо билан шуғулланганлар. Чу водийси маҳаллий аҳолиси суғдийлар таъсирида V-VI асрлардан ўтроқлаша бошлаган эди<sup>122</sup>. Мазкур шаҳарлар ҳокимларининг бир қисми Суғдан бўлган. VI аср 80-90 йилларида Ҳамукат (Жамукент) ҳокими пойкентлик Ҳамук (Жамук), 710 йилларда Навикат<sup>123</sup> ҳокими Самарқанд ёки панжикентлик Вахзанак ўғли Чер, 732 йилда Семекна ҳокими суғдий Нек-сенгун, Тароз ҳокими бухоролик Ўғултархон шулар жумласидандир<sup>124</sup>.

Чу водийсидаги суғд-турк шаҳарлари орасида Суёб алоҳида ўрин тутган. Бу шаҳар Турк ҳоқонлигини иқтисодий ва маданий марказлардин бири бўлган. Талас дарёси бўйидаги Талас шаҳри эса Ғарбий Турк ҳоқонлиги даврида сиёсий ва ҳарбий марказга айланди<sup>125</sup>.

Сюан Цзан Еттисув аҳолисини суғдийда сўзлашувчи “ху” – “ғарбликлар”лар деб атаган эди<sup>126</sup>. Гарчи суғдийлар Еттисув туркийларга кучли маданий таъсир ўтказган бўлса-да, бироқ катта салмоққа эга бўлган туркийлар кейинчалик суғдийларнинг туркийлашувига сабаб бўлди. Маҳмуд Кошғарий: “Балосоғундаги суғдаклар Бухоро ва Самарқанд орасидаги Суғдан бўлиб, улар туркларнинг кийим ва одатларини қабул қилганлиги” ҳақида ёзган<sup>127</sup>. Бу маълумот IX-X асрга келиб, туркийлар орасидаги суғдийларнинг ассимиляцияга учрай бошлаганини кўрсатади.

Еттисувда кечган этносимбиозни Муғ архивининг Nov. 3 ва Nov. 4 рақамли – “никоҳ битими ва мажбуриятлари” тўғрисидаги хужжатлари орқали ҳам кузатиш мумкин. Унда панжикентлик туркий аслзода Ўттегин (’wttkyn)нинг Еттисувнинг Навикат шаҳри ҳокими Чер (суг) ҳомийлигидаги Чатта (ctth) лақабли суғдий қиз Дуғудғунча (dγwtγwnch) билан никоҳи қайд этилган<sup>128</sup>.

Еттисувдаги турк-суғд муносабатлари бу ердаги туркий ҳукмдорларнинг суғдий ёзувли тангаларни зарб қилдиргани орқали ҳам кузатиш мумкин. Ғарбий Турк ҳоқонлиги ва Туркаш ҳоқонлари (699-766) анъанавий (суғдий βγ tuwrkyš γ'γ'п pny – “Хукмдор Туркаш ҳоқон пули”) турк-суғд тангаларини муомалага киритишган<sup>129</sup>.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Еттисувдаги жараёнлар ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар синтезига олиб келди. Суғдийларнинг дехқончилик, хунарманчилик, ва савдодаги маҳорати, шаҳарсозлик маданияти, кўчманчи ва ярим кўчманчиларнинг ўтроқлашувига ижобий таъсир этди. Қолаверса, Еттисувда турк-суғд симбиози шаклана ва ривожлана бориб, суғдийларнинг туркийлашувига олиб келди.

<sup>122</sup> Кляшторный С.Г. Согдийцы в Семиречье // СЭ. – 1958. – № 1. – С. 7–11; Его же. Согдийцы в Центральной Азии (по руническим текстам) // ЭВ. – 1961. – Вып. XIV. – С. 29–31; Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – Фрунзе, 1959. – С. 168–169; Его же. Оседлое поселение Таласской долины // Археологические памятники Талассской долины. – Фрунзе: Илим, 1963. – С. 145–171.

<sup>123</sup> Навикат - nwyt - Янги шаҳар Чу дарёси ўнг соҳилидаги мухим истеҳком ва савдо марказ.

<sup>124</sup> Мокрынин В.П. Византийский историк о согдийцах в Семиречье. Из истории до революционного Киргизстана. – Фрунзе: Илим, 1965. – С. 179–180; Лившиц В.А. Согдийцы в Семиречье: лингвистические и эпиграфические свидетельство. В кн. Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XV годичная научная сессия ЛО АН СССР (доклады и сообщения). Часть 1(2). – М., 1981. – С. 81.

<sup>125</sup> Зуев Ю.А. Китайские известия о Суябе // Изв. АН Каз. ССР. Серия истории, археологии, этнографии. Вып. 3(14). – Алма-Ата, 1960. – С. 89–97; Каримова Э.Н. Суяб и Талас – важные стратегические пункты на Великом шелковом пути // Shygys. – 2005. – № 2. – С. 20–25.

<sup>126</sup> Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX века). – Бишкек: Илим, 2004. – С. 54; Зуев Ю.А. Китайские известие о Суябе. – С. 90–91; Камалов А. Тюрки и иранцы в Танской империи (618–907 гг.): Автoreф. дисс. ... докт. ист. наук. – Алматы, 2008. – С. 13.

<sup>127</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 65.

<sup>128</sup> СДГМ П. – С. 18.

<sup>129</sup> Смирнова О.И. О классификации и легендах тюргешских монет // Уч. Зап. ИВАН СССР. – Вып. XVI. – 1958. – С. 531.

Турк-суғд муносабатлари Ўрта Осиё ҳудудидан чиқиб Марказий Осиёнинг **Шарқий Туркистон воҳаларида** ва Хитойга туташ ҳудудларда ўзига хос ривож топди. Маълумки, Ипак йўли Хитойни нафақат Даван (Фарғона), балки бутун Ўрта Осиёга қизиқишини кучайтирган. Шу боис императорлар ўз сайёҳ – жосусларини (Сон Юн, Сюан Цзян, Хой Чао кабилар) Ўрта Осиёга йўллаб, кўплаб маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган.

Суғдийлар мил. авв. V–IV асрлардан бошлиб савдо йўллари орқали Шарқий Туркистон воҳаларига кириб борган. Мил. авв. III асрдан эса, Хитой билан савдо муносабатлари ўрнатилган<sup>130</sup>. Шу давларда Шарқий Туркистонда илк суғдийлар колониялари пайдо бўлди. Милодий 197 йилга оид суғдий мактублар тўплами “Кўхна ҳатлар”да (2-хат) Хитойнинг Лоян (суғдча s’ry – Сараф) ва Чанъян (суғдча ’ywmtn – Ахумтан) шаҳарларини Цзюцюан (суғдча cwc’n – Чучан) билан боғлаган ҳудудда мавжуд бўлган суғдийларнинг колониялари зикр этилган.<sup>131</sup> Шу боис, Э.Г. Пулейблэнк: “Улар (суғдийлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, хунарманд ва янги дин тарғиботчиси эди. Суғдийлар Марказий Осиёга тарқалиб, Ипак йўли бўйлаб жойлашиб, Хитойнинг ички вилоятлари ҳамда қўчманчилари орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдийларнинг туркийларга цивилизацион таъсири эди”, - деб таърифлаганида ҳақ эди<sup>132</sup>.

350–йилларгача асосан тиҷорат мақсадларида барпо этилган суғдий савдо манзилгоҳлари 350-750 йилларда сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамият касб этди<sup>133</sup>. Жумладан, улар туркийларда савдо маҳоратини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Савдо соҳасида катта тажрибага эга бўлган суғдийларнинг ватани ҳақида маълумотлар тўплашга юборилган хитой элчилари – V аср 20-50 йилларида Шимолий Вэй (386-550) сулоласи Эфталийлар хузурига юборган уч элчилиги (425 йилдаги Ван Эншен ва Хэй Ван, 437-438 йиллардаги Тье Юань ва Шао Мин, 444-453 йилдаги Чжечжиба миссияси) Самарқанд ва Маймурда бўлиб, муҳим маълумотларни тўплашга муваффақ бўлганлар<sup>134</sup>. Суғдийларнинг савдо маҳорати ҳақида Хитой императори Ян-ди (605-617)нинг элчиси Вэй Цзе Самарқанднинг “барча аҳолиси асл савдогар, ўғилларини беш ёшга тўлгандан савдога ўргатадилар. Бола ўқиши бошлагач, уни савдо ишларидан таълим олишга соладилар. Наф кўриш аҳолисининг кўпчилиги томонидан қадрланади”,<sup>135</sup> - деб ёзган эди. Шу ҳислат суғдийлардан туркийларга ва айниқса, уйғурларга ўтган, чунки асрлар давомида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон аҳолиси ягона этномаданий маконда<sup>136</sup>, доимо бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатганлар.

Суғднинг **Хитой** билан муносабатлари узлуксиз давом этган. Айниқса, бу жараён Тан сулоласи даврида (618-907) янада жонланди. Биргина 627-647 йилларда Суғд

<sup>130</sup> Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дунъхуана // СНВ. – Вып. X. – М.: Наука, 1971. – С. 147.

<sup>131</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 158; Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // Prolegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1972. – Pp. 152–165.

<sup>132</sup> Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // TP. – 1952. – vol. 41. – P. 317–356

<sup>133</sup> Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – P. 86–108.

<sup>134</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – С. 139.

<sup>135</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 190; Pulleyblank E. G. Chinese and Indo-Europeans // JRAS. – 1966. – № 1–2. – P. 29.

<sup>136</sup> Кляшторный С.Г. Проблемы ранней истории племени турк (ашина) // Новое в советской археологии. –М., 1965. – С. 278–281; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. – Вып. X. –М.: Наука, 1971. – С. 143–144; Содиков Қ. Эски уйғур ёзуви. – Тошкент, 1989. – Б. 44; Литвинский Б.А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. История, культура, связи. – М.: Наука, 1984. – С. 28.

конфедерацияси мулкларидан Хитойга 9 та элчилик юборилган<sup>137</sup>. Бу иккинчи томондан суғдийларнинг туркийлар билан муносабатига ҳам йўл очган.

Марказий Осиёда Турк хоқонлигининг қарор топишида суғдийларнинг ўрни бекиёс эди. Улар Ганьсудаги сұғдий колониялар вакиллари сифатида, жануб, шарқ ва шимолга йўналган савдони ўз қўлларига олган эдилар<sup>138</sup>. Турк хоқонлиги Хитойнинг Суй сулоласини мағлуб этгач, суғдийлар Кумул шаҳри яқинидаги Хами вилоятини назоратга олиб, бу ерда хоқонлик тасарруфидаги бошқарувини жорий қилгандар. Самарқандлик Кан Су-ми Ордосдаги Бэйан округи губернатори (духуфуси) лавозимига тайинланган. Бу даврда мазкур худудларга Суғдан муҳожирларнинг келиши давом этган. Жумладан, 630 йилда “улуғ сардор” бухоролик Ах Ту-хан 5 минг суғдийни шимолий Хитойга олиб келиб жойлаштирган<sup>139</sup>. Ўзи эса Ордосдаги Вэйжоу округи ҳокими бўлган. VII асрнинг иккинчи ярмида самарқандлик Кан Ян-тян гурухи Тарим сойи шарқдаги Лоб Нор кўли атрофидаги ташландик шаҳарга ўрнашиб, бу ерда учта қишлоқ бунёд этган. Улардан бири Путаочэн – Узумзор деб аталган (узум ва май р’и-tao хитой ва япон тилларига сұғдий bu-dav (аникроғи βwδw) орқали кириб борган)<sup>140</sup>. VII асрдан сўнг суғдийларнинг бу худуддаги нуфузи ошиб борган, буни Дунъхуандан топилган хужжатлар тасдиқлайди. Уларда VII–VIII асрларда Лоб Нор кўли жанубида тўртта суғдийлар шаҳри бўлганлиги<sup>141</sup> қайд этилган.

Суғдийлар томонидан бунёд этилган ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар, Хитой ва Турк хоқонлиги манфаатлари тўқнашадиган Ордос ва Шанси ўлкалари оралиғидаги Лучжоу, Личжоу, Ханчжоу, Сайчжоу ва Ичжоуда жойлашган эди. Жумладан, Култегин битиктошининг 24 қаторида : sekiz jegirmi jashima alti chub \ sogdaq\... tapa suladim – “ўн саккизинчи йилда мен олти суғд ўлкасига юрдим”<sup>142</sup>, - деб ёзилган. Суғдийларга қарашли “олти вилоят” хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Турк хоқонлари у ерга ҳарбий кучларини юбориб турганлар. Бу шаҳарлардаги суғд-хитой савдо рақобати Хитойнинг савдо-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатган<sup>143</sup>.

Суғдийлар учун Хитой билан савдо қилиш осон кечмаган. Тарихчи Хоу Жэнжининг ёзишича Хитой: “тўлов йўқ, савдо йўқ, тўлов бор – савдо бор” сиёсатини олиб борган<sup>144</sup>.

Хитой ичкарисида муқим қолган суғдийлар бу мамлакат иқтисоди ва маданияти ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Хитой тарихчилари Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ кабилар: “Хитой ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда сак, хун, суғдий, рузеи (юэчжи), турк ва уйғурлар ниҳоятда катта ҳисса кўшганлар. Саклар Евроосиё шимолий савдо йўлини илк бор очган ҳалқ ҳисобланса, суғдийлар мил. авв. V асрдан то мил. X асрдагача, тахминан бир ярим минг йил

<sup>137</sup> Кляшторный С.Г. Согдийцы в Центральной Азии (по руническим текстам). – С. 29–31; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – С. 28.

<sup>138</sup> Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 112-125.

<sup>139</sup> Камалов А. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.). Автореф. дисс. – С. 21; Его же. Китайские источники по истории кочевых уйгуротов // Исследования по уйгурovedению. – Алматы, 2002. – С. 109–126; Marşak B. I. Türkler ve Sogdular. – S. 174.

<sup>140</sup> Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом шелковом пути. – С. 111; Pulleyblank E.G. A sogdian colony in inner Mongolia. – Р. 317-354; Pelliot P. Le “Cha tcheoutou fou t’ou king” et la colonie sogdienne de la region du Lob-Nor // JA. – 1916. – vol. VII. – № 1. – Р. 122.

<sup>141</sup> Кызласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI-XIII вв. (язык, письменность, религия) // ЭО. – 2004. – №6. – С. 3-4.

<sup>142</sup> Древнетюркский словарь. Под ред. В.М. Наделяева, Д.М. Насилова, Э.Р. Тенишева, А.М. Щербака). – Л.: Наука, 1969. – С. 39.

<sup>143</sup> Кляшторный С.Г. Роль согдийцев в экономической жизни тюркского и уйгурского каганатов (VI–IX вв.) // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. – Вып. IX. – М., 1973. – С. 19–22; Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 125-134.

<sup>144</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // ТС. – 1972. – М.: Наука, 1973. – С. 256.

давомида Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшганлар”, - деган холис фикрни билдирадилар<sup>145</sup>. Бунга қуидагилар орқали амин бўлиш мумкин. Хитой пойтахти Чанъян (Сиан)га ўтиладиган йўл – Хэси коридори Гансу ўлкасидаги энг қулай жой бўлиб, бу ердан келадиган савдо даромади худуд ҳавфсизлиги учун сарфланган. Хэсини тарихчи Ли Мин-вэй: “ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил, баркарор ҳудуд”, - деб таърифлайди. Бу ердаги Гуочжоу (Анси), Сучжоу (Жючюан), Шачжоу (Дунгхуан), Ганчжоу (Чжангъе), Лянгжоу (Увэй) ва Ланчжоу (Гансунинг маркази) каби туманларда асосан суғдийлар яшаган<sup>146</sup>. Шимолий Вэй сулоласи даврида, яъни 439 йилда император У-ди Ланчжоуни эгаллаб, суғдийлардан иборат аҳолисини асирилкка олади. Фақатгина Суғддан юборилган элчилик вакиллари катта тўлов эвазига бу асиirlарни озод қиласди<sup>147</sup>. Кейинчалик, урушлардан ҳоли этилган бу ҳудудларда савдо-сотиқ учун кенг имкониятлар яратилган эди. Буни Дунъхуан вилояти мисолида яққол кузатиш мумкин. Дунъхуандан Ўрта ер денгизигача Буюк ипак йўлининг учта йўналиши: шимоли Хами, марказий Турфон ва жанубий Дунхуандан бошланган<sup>148</sup>. Суғдийлар яшаган бу иирик марказ “Дунгхуан – Друан” ҳакида Ли Мин-вэй “Суттан сично чжилу” асарида: “Дунгхуан вилоятидаги 13 та қишлоқдан бири Сунгхуа деб аталади”. Вэй (220-265) ва Цзин (317-425) сулолалари давридан то 534 йилгача Увэй шахрида суғдийлар сони бир неча баробар кўпайишига Вэй сулоласи яратган имтиёзлари сабаб бўлган. “Суй шу” солномасига кўра, бир миллионлик Чанъян аҳолисининг 50 мингга яқини муҳожирлар, жумладан, суғдийлар эди. Улар “Чжаоу жю шин ху” – “тўқиз ўлка хулари”, - деб номланган<sup>149</sup>.

Суғдийларнинг шимолий Хитой ҳудудларидаги фаолиятлари ҳам диққатни тортади. V аср бошларида улар Амур дарёси бўйларига Еттисув, Жанубий Сибир, Мўгулистондан ўтган “сувсар йўли” орқали ўтиб, Онон, Шилка, Амур дарёси ёки Керулен дарёси ва Далай нор кўли йўналишига чиқсанлар. Амурнинг Сунгари ва Уссури ирмоқлари орқали Амур бўйидан Приморье ўлкасига қадар етиб борганлар. Муданцзян ва Сунгари дарёлари кесишувида Угочэн – Беш мулклик шахрига асос солганлар ва кўшини қабилалар билан фаол савдо олиб борганлар<sup>150</sup>.

Суғдийлар савдодан ташқари маъмурий ва ҳарбий соҳаларга ҳам жалб этилган. Буни Хитой саройига хизмат қилган самарқандлик отлиқ қўшин бошлиғи Фаданинг ўғли Канг Можанинг Лоянгдаги қабр устидаги ёзув тасдиқлаб, у ҳарбий жасорати учун мукофатлангани қайд этилган<sup>151</sup>. Бундан ташқари 2000 йилда қадимги Сиан (Чанъян) шахри харобаларидан топилган 557-581 йилларга оид Аньцзя сартбау – Тунчжоудаги суғд савдо манзилгоҳи раҳбарига тегишли даҳма ҳам ва ундаги саркафагда акс этган тасвирлар<sup>152</sup> ҳам суғдийларнинг бу ҳудуддаги мақеи турк-суғд муносабатлари даражасини белгилайди.

<sup>145</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. – Б. 41.

<sup>146</sup> Маявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск, 1989. – С. 36; Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. – Б. 41–43.

<sup>147</sup> Шавкунов Э.В. Согдийско-иранские элементы в культуре бохайцев и чжуржаней // Проблемы древней истории Сибири. – Новосибирск, 1985. – С. 76–80.

<sup>148</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – С. 140.

<sup>149</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. – Б. 42; Ўша. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 216.

<sup>150</sup> Шавкунов Э.В. Великий шелковый путь и соболья дорога согдийцев // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 73–74; Его же. Согдийско-иранские элементы в культуре бохайцев и чжуржаней // Проблемы древней истории Сибири. – Новосибирск, 1985. – С. 76–80.

<sup>151</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 217.

<sup>152</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. – 2009. – № 1. – С. 113–118.

Хитой тарихининг Тан сулоласи давридаги 755-762 йилларда асли бухоролик Ан Лу-шан ва унинг сафдоши Ши Чао-илар исёни ўчмас из қолдирган. Император Сичуан “варварларини варварлар қўли билан енгиш” усулини қўллаб, исённи кўчманчилар ва Уйғур хоқони ёрдамида бостирган<sup>153</sup>. Бу уйғурларга савдода имтиёзлар берган. Суғдийлар ўзларини уйғур деб эълон қилиб, бу имтиёзлардан унумли фойдаланганлар.<sup>154</sup> Бу суғдийларнинг бир кисмини уйғурлар ичида ассилияциялаштирган.

Хитой бозорларида кўчманчилар чорва маҳсулотига, Ўрта Осиё отларига, Хўтан яшмасига талаб кучли эди. Агар 607 йилда 3000 (уч минг) отга 13000 (ўн уч минг) ўрам ипак тўланган бўлса, 763-779 йилларда уйғурлар Хитойга 100 минг от етказиб, ўрнига 1 млн. ўрам ипак олиб, ҳар бир от баҳосини 10 ўрамга баҳолаган. VII аср охири – VIII аср бошларида эса битта отга 50 ўрам ипак мато тўланган<sup>155</sup>. Бир ўрам ипак мато 20 суғдий дирҳамга баҳоланган<sup>156</sup> ва отнинг баҳоси икки баробар қимматлашган. Самарқандда эса бир ўрам ипак мато 28 дирҳамга сотилган. Бу эса Суғдда ипак ишлаб чиқаришни кучайтирган ва юқори даражага олиб чиққан<sup>157</sup>. Суғд ипак безаклари Тан сулоласи даврида (618-906) “Ўрта Осиё усули” сифатида хитой матоларида ўз аксини топган<sup>158</sup>.

Суғд молларининг асосий харидори биринчи навбатда туркийлар эди. Суғдийлар ўз матолари, тикувчилик ва хунармандчилик маҳсулотларини иқтисодий ва сиёсий манфаатлардан келиб чиқиб туркийларга арzon баҳога сотганлар.

Муҳожир суғдийлар Суғддаги қавмдошлари билан мунтазам алоқада бўлғанниклари II–IV асрларга оид “Кўхна хатлар”да ўз аксини топган. Мактублар, Н. Симс-Вильямс фикрича, 313 (314) йилларда ёзилиб Самарқандга жўнатилган, аммо манзилига етиб келмаган. Мактубларнинг биринчиси Минайнинг онаси Чатисга ўз ахволи хақида, иккинчисида Нанай Канакнинг Варзакка номаси, учинчисида Нанайдотга Шайон исмли қиз номаси ва бешинчиси савдогар Аспандотнинг Фрихватавга ёзган хати эди<sup>159</sup>. Бошқа бир 639 йилга оид мактуб эса, Турфондаги Чинончанд бозорида самарқандлик савдогар Вахшубирт Тўдак ўғлининг ва хитойлик роҳиб Йон-Сийон Ута ўғлига Упачаҳ исмли чўрини сотишига бағишланган. Унда Упачаҳнинг туркий ва суғдийлар юрти – Турк хоқонлиги тасарруфидаги ҳудуд – Туркистондан эканлиги алоҳида таъкидланган<sup>160</sup>.

VII–VIII асрларда Суғдда Турк хоқонлиги таъсирида Хитой намунасидаги тангалар зарб қилинди. Улар V–VII асрларда Ўрта Осиёга эфталийлар ҳарбий ўлжа сифатида келтирган сосоний тангалари ўрнини эгаллади. VII асрнинг иккинчи ярмидан Суғд ва Чочда танга зарб қилиш марказлари шаклланди. Бу тангалар Тан сулоласи тангалари стандартида бронзадан бўлиб, асосий муомала воситасига айланди. Суғдийлар уларни хитойча *fen-piuen* – “фен” – рп (у) - “пан(и)” ва туркийлар *rin* – “пунг”, - деб аташган<sup>161</sup>. Бу пул бирлиги Муғ тоғи архивининг Б-27

<sup>153</sup> Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстания Ан Лу-шаня и Ши Чао-и (755–562 гг.) // Shyguys. – 2005. – № 2. – С. 10–20; Его же. Тюрки и иранцы в Танской империи (618–907 гг.). – Автореф. дисс. канд. ист. наук. – С. 13; Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – С. 20.

<sup>154</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. – Б. 42–43.

<sup>155</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Б. 154.

<sup>156</sup> История ат-Табари. – С. 266.

<sup>157</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 151–155.

<sup>158</sup> Колганов А.П. К истории шелка в Средней Азии (по китайским источникам). – С. 111.

<sup>159</sup> Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 43–67; Sims-Williams N. The Sogdian Ancient Letters (1, 2, 3 and 5). Shool of Oriental and African Studies University of London. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>; Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Tranition Periods in Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgau, Studia iranica. Cahier 5, Leuven, 1987. – Ss. 101–122; Ртвеладзе Э.В. Самарқанд на Великом шелковом пути. – С. 110.

<sup>160</sup> Исҳоков М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 20 – май. – Б. 1, 5.

<sup>161</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 167, 179.

ракамли хужжатида: (1)... sgtv 20+4+3 pny (2)... |n|w' sg|ty| 20+20 pny ds' sgt-... - “(1)... ўтган (ой), 27 пани- (2)... тўққизинчи ўтган (ой), 40 пани – ўнинчи ўтган (ой)”<sup>162</sup> тарзида қайд этилган.

Умуман олганда, турк-суғд муносабатларида яқин қўшни Хитой билан алоқалари ўзига хос серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, бу минтақанинг кўп асрлик тараққиётини четлаб ўтмаган.

Ипак йўлидаги халқаро савдо ва иқтисодий сиёсатда Биринчи Турк хоқонлиги Мухан хоқон давридан (554-574) Византия, Сосонийлар Эрони ва Хитой билан Узок Шарқдан то Ўрта Ер денгизигача бўлган ҳудудда кечган курашга қўшилди. Бунда хоқонликнинг **Эрон ҳамда Византия** билан алоқалари турк-суғд муносабатлари учун муҳим босқич бўлди. Суғдийлар Амударёдан Хитой деворигача бўлган “турк-суғд” карвон йўлларини Турк хоқонлиги ҳомийлигига назоратга олди. Бу хоқонликнинг сиёсий мавқеи, иқтисодий мустақиллиги ва молиявий эркинлиги учун ҳам зарур эди.

562-567 йилларда Эфталийларнинг тор-мор этилиши, Сосонийларни Турк хоқонлиги билан яхши муносабат ўрнатишга мажбур қилди. Эфталийларга қарши кураш мақсадида Сосоний ҳукмдори Хусрав I Анушервоннинг (531-579) турк ҳукмдори Истами ябғуга куёв бўлиши турк-сосоний иттифоқини юзага келтирди. 567 йилдаги шартномага кўра, Амударё шимоли-шарқидаги ерлар хоқонликка, жануби-ғарбидаги ерлар сосонийлар ихтиёрига ўтди. Аммо иқтисодий манфаатлар тўқнашуви, айниқса ипак савдосида кучайди. Ўрта Осиё, хусусан Суғд ипаги Ғарб бозоридан Хитой матоларини сиқиб чиқара бошлади. Византияга бу маҳсулотни етказиб бериш фақат Эрон орқали ўтарди. Ўрта Осиё – Византия алоқалари азалий эди<sup>163</sup>. Эрон эса VI асрда Хитой пойтахти Лоянга ўз элчиларини юбориб, Ғарбга Хитой ипагини етказиш тўғрисида битим имзолаган эди<sup>164</sup>. Аммо Суғд тадбиркорлари Эрон иштирокисиз, Византия билан бевосита алоқа ўрнатишга интилдилар. Натижада, Эрон савдогарлари ипак таннархини сунъий оширдилар<sup>165</sup>. Византиянинг Эронни четлаб Ҳиндистондан ипак олишга бўлган уриниши самара бермади. Византияда ипак матолар қимматлашиб, вазиятдан чиқиш учун VI асрдан ипак курти етиширишга ҳаракат қилиб кўрилди. Бироқ кутилган натижага эришилмагач<sup>166</sup>, Византия яна Суғд билан боғланди. Бу эса Турк хоқонлиги манфаатларига мос келарди.

Турк хоқонлиги ва Византия муносабатларида сиёсий муаммолар ҳам бор эди. Шулардан бири – 565 йилда Баёнхон ташкил этган Шимолий Кавказдаги Авар хоқонлиги ва унинг Турк хоқонлиги билан зиддияти эди. Дастрлар, Византия аварларга ҳайриҳоҳ эди, аммо аварлар Византия ерларига ҳам ҳужумлар уюштира бошлагач, Византия аварларни бартараф қилишда Турк хоқонлиги билан ҳамкорлик қилишга киришди. Истами ябғу 563 йилда шу масалада нушиби қабиласи оқсоқоли Эскил бошчилигидаги элчиларни Константинополга юборди. Икки томон манфаатдор бўлган сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожи учинчи томон – Эрон билан муносабатларни чигаллаштириди. Хусусан, Турк хоқонлиги Суғд ташаббускорлигига 568 йили Византияга ипак матолар етказиш мақсадида Эронга элчилар юбориб, бу савдода форсларга воситачиликни таклиф қилди. Элчиларга

<sup>162</sup> СДГМ III. – С. 55–56.

<sup>163</sup> Массон М.Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики // Труды САГУ. – 1951. – Вып. XXIII. – С. 91–104.

<sup>164</sup> Кызласов Л.Р. Историко-культурное взаимодействие иранских и тюркских народов. – С. 6; Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 204–207.

<sup>165</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 276; Vaissiere de la E. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 211–223.

<sup>166</sup> Пигуловская Н.В. Византийская дипломатия и торговля шелком // ВВ. – 1947. – Т.1 (XXVI). – С. 184–196.

суғдийлар “раҳбари” Маниах бош бўлди<sup>167</sup>. Эрон шохи Хусрав I эфталий маслаҳатчиси Катульф қуткуси билан бу элчиларни Суғд эмас, Турк хоқонлиги номидан келганлигини баҳона қилди. Элчилар таклифи рад этилиб, улар келтирган ипак матолар сотиб олиниб, уларнинг кўз ўнгига ёқиб юборилди<sup>168</sup>. Бу форсларнинг турклар хизматидаги суғдийларнинг маҳсулотларига эҳтиёж йўқлигини белгиси эди<sup>169</sup>. Истами ябѓу муросага бориб, кейинги сафар турклардан иборат элчиларни Эронга юборди. Хусрав I бу гал ҳам масалага нохолис ёндашиб, элчиларнинг бир қисмини қайтариб, бир қисмини заҳарлади. Турк хоқонига эса “элчиларинг иссиққа дош беролмади” қабилида сохта хабар етказилди. Аслида бўлиб ўтган воқеани яширди<sup>170</sup>. Бу Турк хоқонлиги ва Сосонийлар Эрони ўртасидаги иттифоқчилик барҳам топиб, уруш ҳолатини пайдо қилди<sup>171</sup>. Иқтисодий манфаатлар сиёсий вазиятни чигаллаштириди. Турк-суғд карвонлари учун Эрон чегаралари ёпилиб, дипломатик алоқалар узилди. Хоқонлик ҳукмдорлари Сосонийлар рақиби Византия билан алоқаларни тиклаш учун яна “Истами ябѓу (Силзабул)га садоқат” кўрсатган Маниах хизматидан фойландилар<sup>172</sup>. У Византияга Каспийнинг шимолий соҳили орқали элчиларни бошлаб боришни зиммасига олди. Нотаниш ва хатарли бу йўлнинг иқлими ва табиати оғир бўлиб, карвонлар сувсиз чўл ва Кавказнинг тор даралардан ўтиши лозим эди. Шундай бўлса-да, Маниах элчилар гурухи 568 йилда Константинополга етиб келди. Бу Турк хоқонлигининг Эрон олдидаги сиёсий ютуғи эди. Ушбу “Кавказ ипак йўли” орқали Яқин Шарқ ва Мисрга чиқиши мумкин эди<sup>173</sup>.

Турк хоқонлиги элчилари Византия базилевси - император Юстин II саройида қабул қилинди. Менандрга кўра, элчилар императорга Истами ябѓу хоқоннинг “скиф” хати<sup>174</sup> билан ёзилган мактубини ўқиб беришди. Музокаралардан сўнг император элчилар таркибидаги савдогарларга Константинополда божсиз савдо қилиш ҳуқуқини берди. Савдогарлар ўз ипак мато ва бошқа буюмларини сотиб, Рум молларини харид қилдилар<sup>175</sup>.

Томонлар ўртасида савдо-сотиқ, элчилик ва ҳарбий иттифоқ характердаги шартномалар имзоланди. Шартнома Эронга иқтисодий тазиик ўтказиб, савдо карвонларига бу давлат ҳудудидан йўл очишга қаратилган эди. Анъанага кўра, шартнома имзоланган томонлар унга содиқликка онт ичдилар. 568 йил августида эса Маниах ва унинг ҳамроҳлари Византия императори Юстин II элчиси Земарх ҳамроҳлигида Истами хузурига қайтадилар<sup>176</sup>. Улар 568 йил кузида Ўтукандаги хоқон ўрдусига<sup>177</sup> етиб келди. Истами ябѓу элчиларни қабул қилиб, Маниахнинг

<sup>167</sup> Кызласов Л.Р. Историко–культурное взаимодействие иранских и тюркских народов. – С. 6; Harmatta J. Byzantinoturcica // Madyar tudomanyos Academia. Acta antique Academiae scientiarum Hungaricae. – Т. 10. – Budapest, 1962. – Р. 131–150.

<sup>168</sup> Турғун Алмас. Уйгурьы. Кн. 1. – С. 83.

<sup>169</sup> Пигуловская Н.В. Византия во пути в Индии. Из истории торговли Византии с Востоком в IV–VI вв. –М.-Л.: 1951. – С. 203.

<sup>170</sup> Турғун Алмас. Уйгурьы. Кн. 1. – С. 83.

<sup>171</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 277.

<sup>172</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 189. Яна қаранг: Golden P.B. Khazar studies. An historico–philological inquiry into the origins of the Khazars. – Budapest, 1980. – Vol. 2. – Р. 190.

<sup>173</sup> Пигуловская Н.В. Византия во путях в Индию. – С. 203; Иерусалимская А.А. К вопросу о связях Согда с Византией и Египетом // НАА. –М.: Наука, 1967. – № 3. – С. 118–126; Ртвеладзе Э.В. Из истории Великого шелкового пути. – С. 8.

<sup>174</sup> “Скиф хати”. Л.Р. Кызласовнинг фикрича, VI асрдан XIII асрчага Ўрта ва Марказий Осиёдаги ҳамда Жанубий Сибирдаги туркий халқлар ва уларнинг ҳукмдорлари сүгдий тил ва ёзувига давлатнинг расмий мақомини берганлиги боис, “скиф” хати суғдий ёзувнинг айнан ўзи эди. Қаранг: Кызласов Л.Р. Культурные взаимосвязи тюрков и иранцев в VI–XIII вв. (язык, письменность, религия). – С. 3–13.

<sup>175</sup> Пигуловская Н.В. Византия на пути в Индию. – С. 203.

<sup>176</sup> Пигуловская Н.В. Византия на пути в Индию. – С. 203; Morovcsik G. Byzantinoturcica / Die byzantischen Quellen der Geschichte der Turk Volker. – II. 2. Aufl., Bd. 1-2. – Berlin, 1958. – Р. 67–78; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги ўўллари. – С. 143–144.

<sup>177</sup> Ўтукан - Тангриотганинг Оқтоғ этагидаги жойлашган ўрдугоҳ.

хисоботини тинглади ва уни муносиб тақдирлади<sup>178</sup>. Шартномаларни хоқон номидан Маниах имзолагани турк-сүғд муносабатлари даражасини кўрсатади. Унинг дипломатик фаолияти Марказий Осиё минтақасидаги умумманфаатлар учун хизмат қиларди.

Византия ва Турк хоқонлигининг яқинлашуви Эронни ўз элчиларини хоқон хузурига юборишга мажбур қилди. Истами ябӯу византийлар кўз олдида Эрон элчиларига Хусрав I қилган муомаласига жавобан салбий муносабат билдири. Византия элчилари билан яна хоқонлиқдан Тағма Тархон бошчилигидаги элчилари гурухи Константинополга юборилди<sup>179</sup>. Баъзи тадқиқотчилар Тағма Тархонни Маниахнинг ўғли деб қарайдилар<sup>180</sup>. Фикримизча, Тағма Тархон Маниахнинг шогирди сифатида у билан Эрон ва Византия миссияларида иштирок этган. Тағма Тархон бошчилигидаги элчилар гуруҳига Истами рухсати билан Хоразмшоҳ Афригийлар сулоласи вакиллари ҳам қўшилди. Бундан хабар топган эронликлар улар йўлига пистирма қўйди. Аммо кўчманчи туркий қабилалар элчилар карвонини Византияга бехатар етиб боришлирига имконият яратиб бердилар<sup>181</sup>. Томонлар ўртасида элчилар алмашуви саккиз йил давом этди. Византиядан Еттисувга Валентин Меченосец (Қиличбардор) бошчилигидаги элчилар гуруҳи ташриф буюргани ҳақида Менандр ўзининг “Агафиева тарихи давоми” асарида маълум қилган<sup>182</sup>.

576 йилда Истами ябӯу вафот этиб, ўғли Билга Тарду – Турксанф (Tourxanth) (576-586)<sup>183</sup> ҳокимиятга келди. Юстиан II нинг аварлар билан яна муносабат ўрнатиши Farbий Турк ябӯлиги ва Византия муносабатларини жиддийлаштириди. Аммо Византия – Ўрта Осиё муносабатлари тури таражада то XIII асргача Византия империяси тугагунча ҳам давом этган<sup>184</sup>.

Бу даврда Эрон билан сиёсий муносабатлар кескинлашди. 588 йилдаги Чўрбуға хоқон (Қораҷўр) ва Сосоний кўмондон Баҳром Чўбин тўқнашувида 300 минг кишилик турк армияси тор-мор этилиб, Чўрбуға ҳалок бўлди. Унинг ўғли Бармуд Текин (Эл тегин) қўшин тўплаб, 589 йил Ҳиротда Сосонийлар билан яна тўқнашди. Бу жангда у асир олиниб, томонлар ўртасида “Термизыва сулҳи” имзоланди.<sup>185</sup> Баҳром Чўбин Пойкентни эгаллаб, шаҳар хазинасидаги бойликларни бир неча тужда ўз шоҳи - Истами ябӯунинг қизидан туғилган Хурмурзд Туркзодага жўнатди<sup>186</sup>. Бу ҳақда арман тарихчиси, епископ Себеос: “Баҳром Чўбин тетал (эфталий)<sup>187</sup> ларни енгиб, подшосини жангда ўлдирди ва барча хазинасини эгаллаб олиб кетди (ўғирлади)”<sup>188</sup>, - деб қайд қиласи. Бироқ турк қўшинлари сосонийларга ўз мавқеларни бериб қўйишни хоҳламасдилар. 598 йилда Тўнга Турон (Тўлон) хоқон (588-600) қўшинлари Эроннин Рай ва Исфахон шахригача етиб бориб, Сосонийларга

<sup>178</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 189; Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (проблемы ономастики и топонимии). Пер. с французского М.И. Филанович // ОНУ. – 1995. – № 1–3. – С. 33–38.

<sup>179</sup> Пигуловская Н.В. Византия на пути в Индию. – С. 206; Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь . – С. 138.

<sup>180</sup> Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Сүғд // Шарқшунослик. – 2002. – № 11. – Б. 123–124.

<sup>181</sup> Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (проблемы ономастики и топонимии). – С. 35–38.

<sup>182</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С.189–190.

<sup>183</sup> Турксанф исми Farbий Еттисув сүғд-турк тангалирида учрайди. Бу тангалар Тургаш хоқонлиги (699-766) даврига оид бўлиб, уларда *t̄w̄s'p'k γwβw* – тухсан хвабу, яъни тухсилар хукмдори жумласи учрайди. Қаранг: Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – М.: Наука, 1981. – С. 405–410.

<sup>184</sup> Массон М.Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики. – С. 91–104.

<sup>185</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – С. 126–132; Гумилев Л.Н. Война 589 года и Гератская битва // ИООН АН Тадж. ССР, 1960. – № 2 (23). – С.64–74; Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 85.

<sup>186</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 85.

<sup>187</sup> Арман тарихчиси Себеос анахронизмга йўл қўйган, у туркларни тетал, яъни эфталийлар деб келтирган. Ваҳоланки, бу даврда Эфталийлар давлати тугатилиб, эфталийларнинг Ўрта Осиё сиёсий саҳнасида иштироки йўқ эди.

<sup>188</sup> Тревер К.В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. // СА. –1954. – Вып. XXI. – С. 140.

жиддий зарба берди<sup>189</sup>. Айрим маълумотларга кўра, бу курашда Шимолий Афғонистонда сақланган эфталийларнинг турклар билан иттифоқи муҳим роль ўйнаган. Айтиш мумкинки, ҳатто Сосонийларнинг Византияни тор-мор этиши ҳам уларга Ипак йўлида назорат ўрнатиш имкониятини бермади<sup>190</sup>. Ипак йўлининг Марвдан Хитой деворигача бўлган қисми туркийлар ва суғдийлар қўлида қолаверди.

Умуман олганда, Марказий Осиё бўйлаб суғдийларнинг савдо ҳаракатлари илк ўрта асрлардаги турк-суғд муносабатлари учун сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий замин ҳозирлади ҳамда улкан минтақада ягона этномаданий маконни вужудга келтириш жараёнини фаоллаштириди. Қолаверса, Буюк ипак йўлининг Марвдан Хитой девори қадар тармоғи шу худудда яшаган элат ва халқларни иқтисодий ҳамкорлик асосида сиёсий ва этномаданий жиҳатдан яқинлаштириди. Шарқда Хитой ва Фарбда Эрон билан рақобатда, минтақа мустақиллигини сақлашда туркийлар ва суғдийлар тенгма-тенг ҳаракат қилдилар. Суғдийларнинг колониялари Хитой билан Фарбий Осиё халқлари орасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларда воситачилик вазифасини бажарди. Бу савдо манзилгоҳлари шаҳарларга айланиб, уларда ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар синтези рўй берди. Суғдий тил ва ёзув хоқонлик аҳолиси тили туркий тилнинг мавқеига путур етказмаган ҳолда расмий мақомга эга бўлди. Бу эса ўз навбатида суғдийларнинг туркийлар билан ассимилияциялашуви жараёнини жадаллаштириди. Томонларнинг урф-одатлари, анъаналари яқинлашуви кузатилди.

Буюк ипак йўлида ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар муштараклик топди ҳамда бир-бирини бойитди. Минтақадаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва маданий юксалиш кўп жиҳатдан турк-суғд муносабатлари ва симбиози асосида қурилди. Энг муҳими суғдийлар таъсири остида туркийлар ўтроқ маданиятга, туркийлар таъсирида эса суғдийлар ишончли иқтисодий шерик ва сиёсий ҳимоячига эга бўлдилар.

<sup>189</sup> Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarihi’ne giriş. Cild I. – S. 72.

<sup>190</sup> Тургун Алмас. Уйгурсы. Кн.1. – С. 85.

## **1.2. VI аср ўрталари – VII аср бошларида туркий халқлар консолидацияси ва илк туркий давлатлар (Биринчи Турк хоқонлиги (552-603) ва Шарқий Турк хоқонлиги (603-744)) даврида турк-суғд муносабатлари**

VI аср ўрталарида ташкил топган илк туркий давлат – Биринчи Турк хоқонлиги минтақада кечган сиёсий жараёнлар натижаси эди.

Биринчи Турк хоқонлигининг (552-603) вужудга келишида давлат ядроси туркийлар ва ўтрок маданият вакиллари суғдийларнинг ўзаро муносабатлари мухим ўрин тутди. Қолаверса, Ўрта Осиё воҳаларида ўтрок маданиятга Марказий Осиёнинг дашт ва чўл минтақаларига нисбатан эрта киришилган эди. Бу кўп жиҳатдан сув заҳиралари ва иқлим билан ҳам боғлиқ эди. Аммо табиий шароит минтақада ўтрок ва кўчманчиларнинг ягона тарихий-маданий макон яратишига тўсқинлик қилмади ва илк ўрта асрлардаги турк-суғд муносабатлари ўрнини белгилаб берди. Эътироф этиш керакки, Марказий Осиёда антик даврдан ўрта асрлар даврига ўтиш босқичида минтақадаги туркий ва шарқий эроний тилли этносларнинг симбиози натижасида юксак даражадаги цивилизация вужудга келди.

Марказий Осиё – Биринчи Турк хоқонлиги вужудга келиши ва тарихий ўрни боис, нафақат географик, балки тарихий-маданий минтақани англатувчи атамага айланди. Унда шаклланган этномаданий мухит бепоён Евросиёнинг Кора денгиз бўйидан то Ордосгача ҳудудда ўзига хос ягона маданиятни вужудга келтирди<sup>191</sup>. Воҳаланки, Турк хоқонлигига қадар ҳам минтақада кўчманчи давлатлар бўлиб, улар хоқонлик даражасига кўтарила олмадилар. Жумладан, Хуннлар давлати (мил. авв. III – мил. V аср) гарчи ҳарбий жиҳатдан қудратга тўлиб, Европа марказига қадар етиб борган бўлсалар-да<sup>192</sup>, бу давлат даврида маданий жиҳатдан туб ўзгаришлар кузатилмади. Улар фақат ўз йўлида учраган кўчманчи дашт маданиятини Марказий Европа қабилалари маданиятига қўшиб юбордилар, холос.

II асрда хуннларнинг бир қисми Қанғ давлати таркибига қўшилди. Ҳатто усунларга қарши курашда томонлар иттифоққа бирлаши<sup>193</sup>. Хуннларнинг ворислари қизил хуннлар – хионийлар, кидарийлар ҳамда оқ хуннлар - эфталийлар IV–V аср биринчи ярмида Ўрта Осиёда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда иштирок этиб, этник жиҳатдан маҳаллий аҳоли билан ассимилияциялашди. Хуннларнинг авлодлари Ўрта ва Марказий Осиёдаги туркий қабилалар орасида ўзига хос хўжалик турини, сиёсий жамиятни ва маданий анъаналарни шакллантиришда иштирок этди<sup>194</sup>.

Турк хоқонлиги маъмурий бошқарув тизими асосида харбийлашган саркардаларнинг қабилавий ҳукмронлиги ётар эди<sup>195</sup>. Улар давлат сиёсатининг ички ва ташқи вазифаларини белгиларди. Ички сиёсат асоси қабилаларни консолидацияга, бир давлат остида бирлаштириб, иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш бўлди. Давлатнинг ташқи сиёсати халқаро майдонга чиқиши, мустақил сиёсат юргизиш ва ташқи савдони ўстириш билан характерланди.

Марказий Осиё кўчманчи аҳолисининг иқтисодий ҳаёти, асосан, чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашиб, улар ўзларини дехқончилик ва

<sup>191</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. – С. 254.

<sup>192</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Кн. 1. – С. 54–55; Гумилев Л.Н. Хунну. – М.: ИВЛ, 1960. – С. 291; Его же. Хунны в Китае. – М.: Наука 1974. – 236 с.

<sup>193</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 2. – С. 168; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 124; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – Toshkent: Йод dunyosi, 2002. – В. 69–72; Раҳманалиев Р. Империя тюроков. – М.: Прогресс, 2002. – С. 12–15.

<sup>194</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии. – С. 254–255.

<sup>195</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии. – С. 255; Грач А.Д. Хронологические и этнокультурные границы древнетюркского времени // ТС. – М.: Наука, 1966. – С. 188–189, 193; Его же. Древние кочевники в центре Азии. – М.: Наука, 1980. – С. 256.

хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлай олмас эди. Бу иқлим шароити, ўтроқлашув жараёнининг сустлиги, шаҳарсозлик маданиятининг юқори эмаслиги билан изоҳланарди. Бироқ улар яшаган худуддаги фойдали қазилмалар кўчманчи хаёт кечирган туркий қабилаларга уларни қазиб олиш, маъданлардан металларни ажратиш ва уларга ишлов бериш каби технологияни ўзлаштириш имконини берган<sup>196</sup>. Натижада улар металлга, айниқса, темирга ишлов бериш технологиясида етакчи бўлиб, буни улар кейинчалик Ўрта Осиёга ҳам олиб келганлар.

Марказий Осиё қабилаларининг дехқончилик ва хунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи дастлаб, яқин кўшни Хитой ҳисобидан, тинч ёки ҳарбий юришлар натижасида қондирилган. Аммо улар хуннлардан фарқли ҳолда, милоднинг бошларидан ўзлари ҳам дехқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиб, шаҳарсозлик ишига бош қўшдилар. Бунда уларга Ипак йўли манзилгоҳларида яшовчи сұғдийлар яқиндан ҳамкор бўлганлар. Хоқонлик худудига келиб жойлашган кўп сонли ўртаосиёлик савдогар, хунарманд ва дехқонлар кўчманчиларнинг ўтроқлашув жараёнини тезлаштириди. Бу ҳолат минтақада туркий, сұғдий ва хитой муносабатларини белгилаб берди. Туркийлар ва сұғдийларни умумманфаат бирлаштирган бўлса, Хитой уларга нисбатан гоҳ шерикчилик, гоҳ рақиблик йўлидан борди.

Турк хоқонлигига сұғдийларнинг тутган ўрнини эпиграфик манбалардан бири “Буғут ёдгорлиги” тасдиқлайди<sup>197</sup>. Ушбу сұғдий тил ва ёзуvdаги ёдгорлик тахминан 581-587 йилларда Биринчи Турк хоқонлиги хукмдорларидан бири Махантегиннинг шарафига ўрнатилган матн бўлиб, 30-32 қатордан ташкил топган<sup>198</sup>. Ёдгорлик хукмдор мақбараси характеристига эга бўлиб, лавҳа остидаги тошбақа ҳайкали турк ва уйғур хоқонлари қабрларига хосдир. Ёдгорлик кейинчалик пайдо бўлган туркий ва уйғур хоқонлари шарафига ўрнатилган қабртош ёзувлардан фарқланган.

“Буғут ёдгорлиги” матни (Б I томони 1-қатор) *ywkh* – “таълимот”,<sup>199</sup> ёки “билимдон” маъноларидаги жумла билан бошланиб, давомидаги *wst’t d’r’nt tr’wkt* *cunst’n* жумлалари – “Чинистондаги турклар ўрнатди” маъносини беради<sup>200</sup>. Битиктошнинг сиртидаги тамға – тоғ эчкиси тасвири Ғарбий Турк хоқонлигининг сұғдий ёзуви тангаларда ҳам учраши<sup>201</sup> аҳамиятлидир. Аслида туркийларда бўри тотем ҳисобланса-да, уларнинг илк тангаларида асосан тоғ эчкисининг шакли кўзга ташланади<sup>202</sup>. Шарқий Турк хоқонлиги хукмронлигининг иккинчи босқичида (691-742) ҳатто, тоғ эчкиси тасвирили тамғалар сулолавий белгига айланган<sup>203</sup>.

<sup>196</sup> Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. – М.: Изд. АН СССР, 1951 – С. 515–525; Рахманалиев Р. Империя тюроков. – С. 91–95.

<sup>197</sup> “Буғут ёдгорлиги” 1956 йилда мўгул археологи Ц. Доржсүрэн томонидан топилган. Қаранг: Лившиц В.А., Хромов А.А. Согдийский язык / Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 363.

<sup>198</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии. – С. 257; Bazin I. Turcs et Sogdiens: les enseignements de l’inscription de Bugut (Mongolie) // Melanges linguistiques offerts a E. Benveniste. – Paris, 1975. – P. 46–87; Кляшторный С.Г. Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 124–125.

<sup>199</sup> Gershevitch I. A grammar of Manichean Sogdian. – Oxford, 1954. – pr. 1635; MacKenze D.N. The Buddhist sogdian texts of the British library // Acta Iranica. – № 10. – Teheran – Liege: Leiden, 1976. – P. 18–31.

<sup>200</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 128; Исҳоқов М.М. Суғдча Буғут мангу битиги (суғд–турк маданий, ижтимоий–сиёсий, этник муносабатларига доир) // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 106–107. Матнаги Чинистонни Хитой билан айнанлаштириш нотўғри. Зоро, Чин бу Хитой деворининг ташки томони, Мочин ички томони деб, каралиши керак. Турк хоқонлиги худудий ўрнига кўра, Чинга тўғри келади.

<sup>201</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент. – Л., 1963. – С. 12–19.

<sup>202</sup> Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг илк тангалари // Moziydan sado. – 2007. – № 1 (33). – Б. 24–25; Его же. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VII–VIII вв.). – С. 34–35.

<sup>203</sup> Радлов В.В. Атлас древней Монголии. – СПб., 1892–1899 // Тр. Орхонской эксп. – Вып. 1–4. – Табл. XVII.

Туркийлар тотеми бўрининг олтин бошли тасвири турк хоқонлари туғларида акс этган. Ҳатто хоқонлар ўз шахсий тан соқчиларини “бўрилар” деб аташган<sup>204</sup>. Хитойшунос А. Хўжаев тадқиқотларига кўра, туркийларнинг илк маконлари “Ғарбий денгиз (Ши хай)нинг ўнг томони”, яъни Каспий денгизининг шимоли бўлган. Хитой манбалари ва Шюе Зунгҷэнгнинг “Тужюэ ши” (“Туркийлар тарихи”) асарига кўра, Ашина авлодлари Оролнинг ғарбий соҳилларидан шарққа – Тангритоғ этаклари ва кейинчалик Олтой томонга кўчган. Улар ўзларини турк (*turka*) деб атаб, кўшни қабилаларни ўз сафларига қўшиб бориб, Кўк (Биринчи) Турк хоқонлигига асос солғанлар<sup>205</sup>. Шу жараёнда Каспий денгизи шимолидан суғдийлар жанубга кўчиб, Зарафшон бўйларига жойлашган. Бу ерда улар Суте ёки Суйи (Суғд) давлатига асос солғанлар<sup>206</sup>. Бу қараш анча асосли кўринади. Аммо Л.Н. Гумилев, дастлаб туркийлар Хитой ҳудудидан Олтойга кўчган. Бу Ашина авлодлари - “беш юз оила” бўлиб, улар аввал мўғулча сўзлашиб, сўнгра туркийлашган дейди ҳамда ўз изоҳини туркий унвонлардаги мўғулча илдизларга боғлайди<sup>207</sup>. Бироқ бунда, туркий ва мўғул тилларининг бир оиласи мансуб бўлса-да, мустақил тараққиёт босқичини босиб ўтгани эътиборга олинмаган. Ҳатто антропологик жиҳатдан ҳам туркийлар ва мўғуллар кескин фарқланади. Унвонлар эса асли туркий бўлиб, мўғулларда ҳам кўлланилган. Қолаверса, Ашина авлодларининг туркий эканлигини юқоридаги каби хитой манбалари тўлиқ тасдиқлаб турибди.

“Буғут ёдгорлиги” Биринчи Турк хоқонлиги тарихига оид *benkü/ bengü, bejü*, яъни “мангу” битикдир<sup>208</sup>. Ёдгорликда товушқон йили (туркий *tavişgan jili*, суғдий γ'γywšk srdu) воқеалари зикр этилган. Товушқон йили шарқий мучалнинг тўртинчи йиллари (559, 571, 583, 594, 607 ва 619) га тўғри келади. Унда Биринчи Турк хоқонлигининг 30 йиллик тарихи акс этган<sup>209</sup>.

“Буғут ёдгорлиги” орқали хитой манбаларидаги ўқилиши мураккабликлар туғдирган турк хоқонларининг номларини асл туркий ифодасини топамиз. Булар хоқонлар: Бумин (хит. Тумин), Мухан, Қора (хит. Коло), Таспар ва Ниварлардир. Бу ёдгорликнинг суғдийларга ёт бўлган эпиграфик усулда битилганлиги хоқонликдан аввалги (VI асрдаги) ҳам суғдийлар туркийлар билан яқин алоқаларда бўлганлигини кўрсатади.

VI асрдан туркийлар бирлашиб, бошқа ҳудудларни эгаллашда нафақат ҳарбий, балки дипломатик усулдан ҳам унумли фойдаландилар. Уларга бу ишда Суғд дипломатияси қўл келди. Бу борадаги суғдийларнинг дипломатик қобилияти янги ташкил топаётган туркий давлат ҳукмдорлари назаридан четда қолмаган эди. Туркийларнинг мустақил сиёсати тарафдори бўлган асли бухоролик, Ганъсуда яшовчи суғдийлардан бўлган Аннапанто (Наҳбанд) 544 йилда Хитой императори саройига туркийлар элчиси бўлиб борган эди. Хоқонлик қарор топгач эса, Дулан хоқон (Тўнга Турон)нинг (588-599/600) энг яқин маслакдоши яна бир бухоролик Ах

<sup>204</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 126; Clauson G. Turks and wolves // *Studia Orientalia*. – Helsinki, 1964. – т. XXVIII, 2. – Р. 1–22.

<sup>205</sup> Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: Маънавият 2001. – Б. 10; Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 171; Манба: Шюе Зунгҷэнг. Тужюэ ши. – Пекин, 1992. – Б. 63–71.

<sup>206</sup> Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларида туркий халқларга оид айрим этонимлар // *O’zbekiston tarixi*. – 2003. – № 1. – Б. 3–11; Его же. Сведение китайских источников о тюрках в II и I тыс. до нашей эры // Взаимодействие Казахстана с сопредельными странами в XVIII – нач. XX вв. Современный взгляд на проблемы. – Актиба, 2004. – С. 16–22; Ўша. Хитой манбаларидаги суғдийларга оид айрим маълумотлар // *O’zbekiston tarixi*. – 2004. – № 1. – Б. 52–61.

<sup>207</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 37.

<sup>208</sup> Gabain A. von. Inhalt und magische Bedeutung der altturkischen Inschriften // *Anthropos*. – 1953. – vol. 48. – S. 534–545; Лившиц В.А. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии. – С. 52–58; Мансуров Ў. Суғдча Буғут ёдномаси ва Турк хоқонлиги тарихидан // *O’zbekiston tarixi*. – 1999. – № 3. – Б. 16–19.

<sup>209</sup> Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – С. 44.

Суй-цзе бўлиб, хоқоннинг етакчи маслаҳатчиси сифатида хитойликларнинг туркийларга нисбатан юритаётган сиёсатига жиддий қаршилик кўрсатган<sup>210</sup> шахс сифатида тарихда қолди. Шиби (Сивар) хоқон (609-619) саройида хизмат қилган чочлик Ши-Ши Хуси эса, Шарқий Турк хоқонини Хитойга ён босмасликка чақирганлардан бири эди<sup>211</sup>. Туркий битиклардан бири “Тўнюқук”да келтирилишича, “хоқонлар – қаҳрамон, маслаҳатчилар – доно бўлишган”<sup>212</sup>. Шундан кўринадики, суғдийлар минтақада Хитойга бас келадиган давлат сифатида Турк хоқонлигининг кучайиши ва худуддаги геосиёсий вазиятни қўлга олишидан, шерикчиликда ўзларига яқин туркийлар билан ҳамкор ва иттифоқчи бўлишдан манфаатдор бўлишган. Туркийлар учун ҳам суғдийларнинг сиёсий иттифоқчилиги ва иқтисодий шериклиги янада муҳим эди.

Айнан ана шундай муҳит туркий сардорларини янги мустақил давлат тузишга унади. Элчи Аннапанто (Наҳбанд) туркийларнинг аварларга қарши ҳаракатига Хитойнинг тўскинлик қилмаслигига эришган кўринади. Туркийлар устидан ҳукмронлик қилган жужан (авар)лар вассаллигидаги илк туркий уюшмага 535 йилда Турум Улук Ябғу асос солган эди. Шу даврдан мазкур худудда яшовчи муҳожир суғдийлар туркийларнинг сиёсий мустақил бўлишларини ҳар томондан рағбатлантириб турганлар. Туркийлар 550-551 йилларда аварларга зарбалар бериб, ўз ҳокимиyatини мустаҳкамладилар. 551 йилда эса сардор Турум Улук Ябғунинг ўғиллари Бумин ва Истамиларга ўз қавмини бирлаштириб, **Турк хоқонлигига асос солиши** имкони яратилди. У қасдан Жужан (Авар) хоқони Анагуай (Анаухан) хузурига унинг қизини сўраб совчи жўнатди. Буминни “темирчи кул”<sup>213</sup> деб хақорат қилиниб, совчиларнинг рад жавобини олиши урушга баҳона бўлди. Бумин эса Хитойнинг Фарбий Вэй сулоласи ҳукмдори Вэн-ди билан сиёсий иттифоққа эришиш мақсадида куда-андачилик қилди. Вэй-ди малика Чан Лунни Бумин (Тумин)га асира (канизак) сифатида жўнатди. Бумин қўшинлари ва аварлар ўртасидаги жанг 552 йилда Буюк Хитой деворининг ташқарисидаги ҳозирги Хэйбэй вилоятида юз беради. Мағлуб бўлган Авар хоқони ўзини ўлдирди. Шу аснода мустақил Турк хоқонлигига асос солинди. Туркийлар ҳам аварлар каби ўз ҳукмдорларини “қаған” – “хоқон” унвони билан юритдилар. Бу унвонга илк бор Бумин (хит. Тумин, суғд. ۋىتۇن) муносиб топилди<sup>214</sup>. У Или (к) – қаған (элик хоқон), баъзи манбага кўра, элхон ёки илихон - “элнинг хони”, - деб улуғланди<sup>215</sup>. Сардорлар туркий унвон билан ябғу (жабғу / чабғу) деб аталди. Турк хоқонлигининг ўзи илоҳийлаштирилиб, “Кўк Турк хоқонлиги” деб ҳам юритилди<sup>216</sup>.

552 йилда Бумин вафот этиб, таҳтга “Буғут ёдгорлиги”да келтирилгандек, ворис Кора хоқон (хит. Коло-кэхан) келди. У гарчи юртни бир йил бошқарса-да, хитой

<sup>210</sup> Кляшторный С.Г. Проблемы ранней истории племени турк (ашина). – С. 278–281; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 143; Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der ost – Turken (t'u-kue). – Wiesbaden, 1958, Buch I – P. 6; II. – P. 490–491; Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 158–159

<sup>211</sup> Pulleyblank E.G. A sogdian colony in Inner Mongolia. – P. 318; Liu Mau Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der ost – Turken (t'u-kue). I. – P. 102–103; Marşak B. I. Türkler va Soğdlular. – S. 170–173; Vaissière de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – P. 184–185.

<sup>212</sup> Рахманов Н.А. Орхено-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. –Ташкент, 1991. – С. 22.

<sup>213</sup> Дарҳақиқат, турклар узоқ йиллар Олтой тогларидан темир рудаси ковлаб, аварларга хизмат қилишган. Қаранг: Рахмонов Н. Турк хоқонлиги. – Б. 43–46.

<sup>214</sup> Тургун Алмас. Уйгурлы. Кн. 1. – С. 80; Содиков Қ. Култегин, Билга хоқон битикларидан ўрин олган “хоқон” сўзининг бошланмалари ва ёдномаларнинг матн тузилиши ҳакида // О'zbekiston tarixi. – 1999. – № 3. – Б. 7–13.

<sup>215</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 129; Тургун Алмас. Уйгурлы. Кн. 1. – С. 81. Mori M. Historical studies of the ancient Turkic peoples. 1. – Tokyo, 1967. – S. 10; Аслида Элик ёки Или эмас, балки Элхон – элнинг хоқони варианти тўғри.

<sup>216</sup> Туркларда “кўк – осмон” илоҳийлик ва буюклик сифатида “кўк турклар – илоҳий турклар” маъносини берган. Қаранг: Садыков К. Титулы древнетюркских каганов и понятие «сын небо» // Shygys – 2005. – № 2. – С. 157–159.

манбаларига кўра, Исиғи-кэханъ, Аи-кэханъ, И-кэханъ номлари остида 553 йилда аварларга иккинчи бор зарба берди<sup>217</sup>. “Бэй ши” солномасига кўра, 553 йилда Коло ўз укаси Сегин (Мухан)ни хоқон этиб тайинлади<sup>218</sup>. Мухан хоқон эса 555 йилда аварларни батамом маҳв этди.<sup>219</sup> Мағлубиятдан сўнг аварларнинг бир қисми Баёнхон бошчилигида Қора дengиз шимолига ўрнашиб, Авар хоқонлигига (565-835) асос солишиди. Лекин турк-авар рақобати яна узоқ йиллар давом этди.

Бугут битигида келтирилган Мухан хоқон (*mwy' n γ'γ' n*) даврида (554-574) хоқонлик қудрати янада ошди. Мухан хоқон моҳир саркарда ва дипломат эди. Унинг даврида хоқонлик худуди кенгайди. Тадқиқотчилар уни ҳатто “турк Аттиласи” деб ҳам аташган<sup>220</sup>. Бу ҳукмдор бағрикенглиги боис, суғдийларга хоқонликда буддавий динини тарғиб этишларига имкон берди. А. фон Габэн фикрича, бу даврда суғдийлар буддавий сутраларини туркчага таржима қила бошлаганлар<sup>221</sup>. Бу таълимот маълум маънода туркийлар ва суғдийларни маънавий жиҳатдан бирлашишига ҳам хизмат қилган.

Аварлар устидан қозонилган ғалаба Турк хоқонлигининг минтақадаги сиёсий обрўсими ошириди. Натижада, Хитой ҳукмдорлари турк ҳукмдорлари билан алоқаларини оиласиб никоҳ орқали мустаҳкамлашга ҳаракат килдилар. Жумладан, 551 йилда Бумин хоқон Ғарбий Вэй давлати маликаси Чан Лунга уйланган бўлса, 558 йилда Мухан хоқон ўз қизи Ашинани Шимолий Чжоу ҳукмдори Мин-дига узатди. Шунингдек, Чжоу ва Суй давлатлари ўз маликаларини турк хоқонларига канизак сифатида юборгандар<sup>222</sup>.

Мухан хоқон Хитойга нисбатан эҳтиёткор сиёсат юритди. У Шимолий Ци сулоласи (550-577) билан яқинлашиб, Шимолий Чжоуга (557-581) нисбатан зиддиятда турди. Баъзан аксинча ҳам бўлган<sup>223</sup>. Жумладан, Мухан хоқон 562-564 йилда Шимолий Чжоу билан иттифоқда Шимолий Цига қарши уруш олиб борди<sup>224</sup>. “Шимолий Чжоу сулоласи солномаси. Турклар ҳақида қисса” қисмida келтирилишича, Шимолий Чжоу ўз навбатида туркларга 100 минг бўлак ипак матоси юбориб, пойтахти Чанъанда фаолият кўрсатаётган туркийларга (жумладан суғдийлар ҳам) катта савдо имтиёзини берди<sup>225</sup>.

Муханнинг ҳарбий юришлари 569 йилда тўхтади. “Суй шу”га кўра, Мухан хоқон йигирма йил ҳукмронлик қилди<sup>226</sup>. Бу даврда Византия, Сосонийлар Эрони ва Хитой билан минтақадаги етакчилик учун курашган Биринчи Турк хоқонлиги катта ютуқларга эришиди. Буни нафақат туркларнинг ҳарбий қудрати, балки суғдийларнинг иқтисодий ва дипломатик ҳаракатлари натижаси деб, баҳолаш мумкин. Шу боис, турк-суғд муносабатлари Биринчи Турк хоқонлиги даврида янада мустаҳкам ва барқарор эди. Бу кейинги давр Турк хоқонларини ташқи сиёсати, ижтимоий – иқтисодий аҳволи ҳамда минтақадаги этномаданий жараёнларга ижобий таъсир

<sup>217</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 131; Rybatzki V. Titles of Türk and Uigur Rulers in the Old Turkic Inscriptions // CAJ. – 2000. – vol. 44. – P. 207.

<sup>218</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.–Л.: Наука, 1959. – С. 56–67.

<sup>219</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн. 1. – С. 80–81.

<sup>220</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн. 1. – С. 81.

<sup>221</sup> Исҳоқов М.М. Суғдча Бугут мангу битиги (турк-суғд маданий, ижтимоий-сиёсий, этник муносабатларига доир). – Б. 109–110; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. – С. 270; Gabain A. von. Altтурkische Grammatik. 2. Auflage. Leipzig. – 1950. – S. 213; Rybatzki V. Titles of Türk and Uigur Rulers in the Old Turkic Inscriptions. –P. 215.

<sup>222</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн.1. – С. 85

<sup>223</sup> Хитой деворини мил. авв. 221-207 йилларда ҳукмронлик қилган Цин императори Цин Ши-хуанди курилишини бошлаган. Мил. авв. 206 йилда асосан битказилган.

<sup>224</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн.1. – С. 85–87.

<sup>225</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 217.

<sup>226</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 130; Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost - Turken (T'u - kue). Buch II. – S. 504; Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 44–46.

этди. Тарихан сүфдийларнинг Марказий Осиёning шимоли-шарқий худудларига кириб бориши ва ерли элатлар билан тинч-тотув яшаши ўзини оқлади.

Мухан хоқон шарқ ва шимолда ҳаракатлар олиб борган бир пайтда, ғарбда Буминнинг укаси Истами ябғу ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. У уйғурлар ва Еттисувдаги усунларни енгид, Ўрта Осиё сарҳадларига етиб келди. 555 йилда Ғарбий денгиз (Орол денгизи)га чиқиб, аварлар изидан Қора денгиз соҳилига қадар борди. Киммирийлар Босфорини эгалладилар. Мухан ва Истами даврида хоқонлик Корея ярим оролидан Қора денгизга қадар ерларни ўз тасарруфига олди. Хоқонлик куч-құдрати жиҳатидан замонасининг икки империяси Эрон ва Византия билан тенглашди.

574 йилда хоқонлик таҳтига Таспар хоқон (Буғут битигида *t'sp'r γ'γ'n*, хит. \**t'ârâp*<sup>227</sup> – Тобо кәханъ) келди. Ўзининг муваффақиятли юришлари, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги барқарор сиёсати туғайли турли қабила ва элатлардан иборат салтанатни қўл остига бирлаштириди.<sup>228</sup> Шу билан бирга қўшнилари, Шимолий Чжоу, Шимолий Ци хукмдорларини ҳам ўз тизгинида ушлаб турарди. Хитой худудида бир неча майда сулолаларнинг бўлиши Турк хоқонлиги учун қўл келарди. Унинг канизакларидан бири Шимолий Чжоу маликаси Чян Жин эди<sup>229</sup>.

Таспар хоқон маъмурий ислоҳатлари сифатида ўз давлатининг шарқи ва ғарбида саккизта “кичик хонликлар” таъсис этди. Шарқ бошқарувини Нйету Эрфу-хон (Нивар /Севар)га, Ғарбни кичик укаси Булихон (Бўрихон) – Жутанхонга топшириди<sup>230</sup>. “Кичик хонлар” ноиблик даражасида Биринчи ва Шарқий Турк хоқонликлари даврида амалда бўлди. Шу даврда сүфдий манзилгоҳларнинг сардорлари ҳам сиёсий бошқарувга жалб этилиб, элтабар унвонига эга бўлдилар. Айрим сүфдийлар туркий аслзодалар билан қариндош тутиниб, ашина насабига ҳам эришдилар. М. Морининг ёзишича, сүфдийларнинг тегин – шахзода унвонини олиши ҳам хоқонлик билан қардошлиқ белгиси эди. Шулардан бири Туруғшад, яъни Элби низук турк элхони (Элхоқон) билан қариндош бўлиб, элтабар унвони<sup>231</sup> остида “туркий ва сүфдийлар хоқони” сифатида Гоби жанубидаги ерларни бошқарди<sup>232</sup>.

Таспар хоқон вафот этган 581 йилда Хитойда ҳам Шимолий Чжоу сулоласи ўрнини Суй сулоласи (581-618) эгаллади. Таспардан сўнг хоқонликда низо ва сарой келишмовчиликлари кучайди. Таспар ва Мухан хоқонларнинг ўғиллари ўртасида таҳт учун кураш<sup>233</sup> бошланиши, император Вэн-ди учун айни муддао бўлди. Қўмондон Чжан Суншин режасига кўра: “туркларнинг бирлиги ва кучига путур етказиб, ...вақт пойлаб, уларга ҳужум қилиб, давлатини тугатиш керак” эди. Шу режа асосида Хитой узокдаги хоқонларга совғалар жўнатиб, яқиндагиларга ҳужум уюштира бошлади<sup>234</sup>.

<sup>227</sup> Spuler B. Mittelasien sut dem Aufreten der Turken // HbO. – Leiden – Köln, 1966. – I, Abt., Bd. V: Altaistik, Absch. 5. – C. 128–136.

<sup>228</sup> Мокрынин В.П. Тюркский каганат / История Киргизской ССР. – Т.1: С древнейших времен до середины XIX века. – Фрунзе: Қыргызстан, 1984. – С. 226.

<sup>229</sup> Турғун Алмас. Үйгурлы. Кн. 1. – С. 88–89.

<sup>230</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. – С. 223.

<sup>231</sup> Ҳатто Суғдда ҳам VII–VIII асрларда элтабар унвони мавжуд бўлған. Сўнгги тадқиқотларга кўра, Муғ архивининг А–16, Б–13 ва Б–15 ҳужжатларида Литпир – lyttrip атамаси элтабар деб изоҳланмоқда. Қаранг: Исҳаков М., Камолиддин Ш.С., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннего средневекового Чача. – С. 39; Исҳоқов М. Суғд ёзма ёдгорликларида этно-сиёсий муносабатларга доир маълумотлар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент – Намарган, 2007. – Б. 51.

<sup>232</sup> Мори М. Политическая структура древнего государства кочевников Монголии // Материалы XIII Международного конгресса исторических наук. Москва, 16–23 августа 1970 г. – М.: Наука, 1970. – С. 1–8; Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 156.

<sup>233</sup> Турғун Алмас. Үйгурлы. Кн. 1. – С. 88–89.

<sup>234</sup> Турғун Алмас. Үйгурлы. Кн. 1. – С. 89; Яна қаранг: “Суй сулоласи солномаси – Суй шу. Чжан Суншин ҳақида кисса”. 51–қисм. – Пекин – Шанхай, 1958.

Турклараро можаролар суғдийларни бефарқ қолдирмади. Улар хоқонлиқда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни сақлашга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда суғд дипломатияси туркларни иттифоқ бўлишга ва Хитой ҳукмдорларининг қуткусига учмасликка чақира бошлади. Аммо “соддадил ва ишонувчан турклар”,<sup>235</sup> Хитой ҳукмдорларининг макрига учиб, хоқонликни ҳалокат сари боришининг олдини ололмадилар.

581 йилда ҳокимият тепасига Нивар хоқон – (*nw”r γ’γ’n*; хит. Нйету қэхань) келди. У 587/588 йилларгача Ишбар (хит. Шиболио) номи билан ҳокимиятни бошқарди. “Буғут ёдгорлиги”да келтирилишича, Мухан хоқоннинг иниси Нивар Таспар даврида “кичик хоқон” Нйету Эрфухон номи остида давлатнинг шарқий ҳудудларини бошқариб, катта тажриба орттирган эди<sup>236</sup>. У Мухан хоқоннинг ўғли, жияни Апа билан тахт учун курашда мувафақият қозонгач, хоқонлик тахтига Эл Қутлук Садбаға Ишбар номи билан келди. Аммо Апанинг мағлубияти ва турклараро низодан Хитой императори Вэн-ди – Ян Цзян унумли фойдаланди. У Хитой деворини янада мустаҳкамлаб, катта қўшин тўплади<sup>237</sup>. Шу даврдан Биринчи Турк хоқонлигидаги сиёсий таназзул кучайди. “Буғут ёдгорлиги”нинг тикланиши ҳам Нивар хоқон даврига (572-581 й.) тўғри келади. Шу боис битик солномаси Нивар хоқон даври билан бошланган<sup>238</sup>. Суғдий котиб, бу шажаравий ёдгорлиқда Ниваргача бўлган Турк хоқонлари Бумин (βtup γ’γ’n), Мухан (*mwy’n γ’γ’n*), Таспар (*t’sp’r γ’γ’n*) ва Нивар (*nw”r γ’γ’n*) ҳамда “Мухан хоқоннинг укаси” деб келтирилган Қора хоқонлар ҳақидаги муҳим маълумотларни қолдирган. Бу маълумотлар хитой манбаларида учрайдиган Биринчи Турк хоқонларининг номлари ўқилишидаги хатоларни тузатиш имконини беради.

Ёдгорликни бунёд эттирган тарихий шахс ва давлат арбоби Махан тегин (*my’n* тукуп) нафақат Мухан хоқон (*mwy’n γ’γ’n*)нинг, балки Таспар хоқон (*t’sp’r γ’γ’n*)нинг ҳам яқини бўлган<sup>239</sup>. Чунки Махан тегин Таспарга оталиқ вазифасини ўтаган. Хитой манбалари 569 йилдан сўнг Мухан хоқон ҳақида маълумот бермайди. Уларда 573 йилда Тобо-қэхань – Таспар хоқоннинг тахт эгаси бўлганлиги баён қилинади. Демак, шу давр ичida Махан тегин оталиқ сифатида хоқонликни бошқарган. Битикнинг Б 1 ва Б 2 матнлари қиёси Махан тегиннинг Таспар хоқоннинг ёрдамчиси ва ҳамфирки эканлигини кўрсатади. Буғут ёдгорлиги айнан Махан тегин шарафига тиклангани<sup>240</sup>, бу шахснинг хоқонликдаги ўрнини белгилайди.

Ёдгорликда Биринчи Турк хоқонлигининг сиёсий-маъмурий тизими ва ижтимоий таркиби ҳақида маълумотлар мавжуд. Унда давлат ва жамият бошқаруви поганавий қатлами – иерархияси: хоқон – *γ’γ’n*, ворислари – *wkwrt*, шадапит – *s’drut*, тархван (тархун ёки тархон)лар – *tryw’nt*, кўрқапинлар – *γwr-γ’p* (‘y-)nt<sup>241</sup>, тудунлар – *twδwnt*, отлиқ қўшинлар – *β’r’k ’sp’dy’n* ва оддий ҳалқ – *n’β* ҳақида маълумотлар мавжуд. Шулар орасида хоқон, тудун, тархун ёки тархон ва наф – ҳалқ атамалари Муғ тоғи

<sup>235</sup> Pulleyblank E.G. A sogdian colony in Inner Mongolia. – Р. 318; Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. – С. 248.

<sup>236</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 130; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. – С. 270; Исхаков М.М. Палеографическое исследование памятников согдийской письменности. Дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. – Лист. 155–157

<sup>237</sup> Туғун Алмас. Уйгурсы. Кн. 1. – С. 88–89.

<sup>238</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 129; Bazin I. Turcs et Sogdiens: les enseignements de l’inscription de Bugut (Mongolie) // Melanges linguistiques offerts à E. Benveniste. – Paris, 1975. – Р. 65–68.

<sup>239</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 131.

<sup>240</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 132; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика / В кн. Источниковедение Кыргызстана (с древности до XIX в.). – Бишкек: Илим, 2004. – С. 120–121.

<sup>241</sup> Бу атама руний матнлардаги *bag* га мос келиши мумкин.

архиви хужжатларида ҳам учрайди<sup>242</sup>. Бу атамаларнинг аксарияти Тўн ябгу (618-630) ислоҳатлари даврида Суғдда жорий қилинган эди. Бундан ташқари Бугут ёдгорлигига бошқа манбаларда учраймайдиган γwr-γ'r ('у-nt унвони (Б-2, 2, 12-қатор) ва орфографик шакли ноаниқ бўлган tryw'nt атамаси (Б-2, 2-қатор, Б 3, 4-қатор) учрайди. Бизнингча, γwr-γ'r ('у-nt < γwry'r't бўлиб, “кўрқапат” – туркча “кўриқламоқ” ва суғдий “пат – бошчи” маъноларидан “соқчилар бошлиғи” ёки “тан соқчи” мазмунини берса, tryw'n эса, тархан ёки тархун унвонлари варианти ҳисобланади.

Ёдноманинг суғдийлар тили ва ёзувида битилиши жуда катта аҳамият касб этади. Бу Марказий Осиёга хос бўлган этномаданий жараёнларни турк-суғд муносабатлари мисолида ўзида акс эттиради.

603 йилда то Турк хоқонлиги Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлингунича ҳам суғдийлар Биринчи Турк хоқонларига хизмат қилишни давом эттирганлар. Жумладан, Дулан-хоқон (588-600)нинг маслаҳатчиси Ан (бухоролик) Суй-цзе бўлиб<sup>243</sup>, у хоқоннинг Хитой тажовузига қарши чоралар кўришга чақирган. Чунки суғдийлар азалдан Турк хоқонлигининг мустақил сиёsat юритиши ва минтақада етакчи бўлишидан манфаатдор эдилар. Шу боис улар Хитойнинг хоқонлик ички ишларига аралашувига қаршилик қилганлар. Аммо Турк хоқонлиги Сивар (581-587) ва Чўрбуға (587-588) хоқонлардан то Тўнга Турон давригача (588-600) 20 йил давомида Суй сулоласи тузогига тушиб, парчалана борди. Оқибатда 603 йилда ягона Турк хоқонлиги икки мустақил Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб кетди<sup>244</sup>. Қолаверса, 600 йилда император Вэн-ди – Ян Цзян хоқон Тўнга Туронни мағлуб этишда хитойлар хизматига ўтган турк шахзодаси (?) Кимин Тўра ёрдамидан ҳам фойдаланди. Тўнга Туроннинг мағлуб бўлиши хоқонлик бошқарувида ўзгаришга олиб келди. Хусусан, 600 йилда Тарду хоқон - Билга Тарду давлатни ўз қўлига олди. Кимин Тўра яна хитойлар ёрдамида Билга Тардуга қарши зарба берди. Кукунордаги жангда Билга Тарду ҳалок бўлди. 603 йилдан Кимин Тўра хоқон сифатида ҳоқимиётга келди. Бироқ шарқий турклар унга бўйсунишдан бош тортдилар<sup>245</sup>. Унинг даврида Хитойнинг хоқонлик ички ишига аралашуви кучаяди. Яна суғдийлар хоқонлик манфаатини ҳимоя қилиб чиқадилар. Бу ҳолатни 607 йилда Ғарбий ўлка (Шарқий Туркистон) ноиби сифатида суғдийларнинг ўлқадаги фаолиятини кузатган, туркларга қарши режаси барбод бўлиб, император Ли Пэнга нома юборган Пэй Цзюй ахбороти орқали ҳам англаб олса бўлади. У ўз саройига жўнатган номасида: “Турклар соддадил бўлганликлари учун узоқни кўролмайдилар ва улар орасига нифоқ солиш мумкин. Аммо улар ичидаги кўплаб суғдийлар ўта айёр ва муғомбирдирлар. Ўшалар туркларга ўргатиб, йўналтириб туради. Айниқса, улардан бири Ши-ши ху-сининг режалари риёкор, у Шиби-хоқондан унумли фойдаланади”, - деб ёзган эди<sup>246</sup>. Ши-ши ху-си Шиби хоқон<sup>247</sup> (609-619) саройида юқори мавқе эга бўлган. Бу даврида суғдийларнинг хоқонлик саройидаги ўрни ҳақида Хитой императори Тайцзунга: “Хоқонлар ўз туркларидан ажраб, ху (суғдий)ларга ишонч билдиримоқда” ва “улар доимо ху (суғдий)ларга қулай шароит яратади ва ўз

<sup>242</sup> СДГМ II. – С. 222

<sup>243</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 143–144.

<sup>244</sup> Первый Тюркский каганат и его значение для истории Восточной Европы // Татарская археология. – 1997. – №1. – С. 23–30; Его же. Первый Тюркский каганат и его значение для истории Восточной Европы // Историческая археология. Традиции и перспективы. – М., 1998. – С. 346–348.

<sup>245</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 89.

<sup>246</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. – С. 258; Liu Ma-tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turkan (Tu-kue). – Bd. II. – Р. 87–88.

<sup>247</sup> Бошқа манбаларда Шарқий Турк хоқони Сивар хоқон: қаранг. Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 144.

қабиладошларига беътибор”, каби маълумот юборилган<sup>248</sup>. Аммо Хитойнинг Шарқий Турк хоқонлиги ички ишларига аралашуви тўхтамади.

Туркларнинг барча кучлари шарқда Ишбара ҳоқон ва ғарбда Истамининг вориси Тарду Бўка хоқонлар (576-587) атрофига бирлаша борди. Тарду Бўка Истами эгаллаган худудларни яна кенгайтириб, давлатни мустаҳкамлади. Бу даврда у шарқдаги низоларга аралашиб, айрим хоқонларни қўллаб турди. Курашларда тўртта даъвогардан учтаси ҳалок бўлгач, Тарду Бўка ўзини шарқий туркларнинг ҳам хукмдори деб эълон қилди (587-603)<sup>249</sup>. Аммо бу ҳам ягона Турк хоқонлигини барқарорлигига кафолат бўла олмади.

603 йилда, кудратли ва минтақада етакчи бўлган Биринчи Турк хоқонлиги ўзаро низолар ва “узоқни кўролмаслик” оқибатида бўлинниб кетди. Шундай бўлса-да, **Шарқий Турк хоқонлиги** ўзини тиклаш имконига эга эди. 609 йилда Кимин Тўра вафот этгач, тўнғич ўғли Сивар (Буғут ёдгорлигидан Нивар /Зивар - А.О.) хоқон даври (609-619)га келиб бу давлат қўшини сони деярли бир миллионга етди<sup>250</sup>. Бу Суй империясига қарши ҳаракат қилишга қодир катта куч эди.

618 йилда Хитойдаги Суй сулоласи ўрнини Тан сулоласи эгаллади. Унинг биринчи императори Ли Юань<sup>251</sup> (618-629)га Сивар хоқон Чанъян шахрини эгаллашда кўмаклашгани боис император Ли Юань дастлабки йилларда ўзини Сивар хоқонга тобе, деб ҳисобларди. Аммо 619 йилда Сивар хоқон вафот этиб, таҳти Чулук хоқон эгаллагач, Хитой маликаси Йе Чин Тан хукмдорлари топшириғига кўра, 621 йилда Чулук хоқонни заҳарлаб ўлдирди. Шарқий хоқонлик таҳтига келган Қора хоқон (Коло кэхан) (621-630) 622 йилда бир неча юз минг қўшин билан Хитойга юриш қилиб, Хитойни ўзга бўйсинтерди. Император Ли Юань ўз элчиси орқали тинчлик сулҳини тузишга эришди. Бу битим Қора хоқонни тўхтатмади. 626 йилда у Чанъандан 40 саржин узоққликкача бўлган худудларни эгаллади. Янги император Ли Шимин совға-саломлар эвазига пойтаҳти сақлаб қолди. Шу билан бирга у туркларга қарши кураш йўлларини излай бошлади. 627 йилдаги қаҳатчилик хоқонликдаги ички низо ва ғалаёнларни кучайтириди. Уйғурлар қўзғолонини бостириш учун 628 йилда Сиварнинг ўғли Тўри ва Қора хоқоннинг ўғли Його (Йуқуқ) шадни юз минг қўшин юборилди. Аммо бу қўшин уйғур хукмдори Пасо қўшинларидан мағлубиятга учради. Уйғур ва телеларнинг сиртардущ тармоғи Сеяньто – Сиртардущ хоқонлигини вужудга келтирди. Бу давлатни Тан империяси тан олди<sup>252</sup>. Бу янги хоқонлик 628 йилдан 646 йилгача фаолият кўрсатди холос.

629-630 йилларда Тан империяси шарқий турклар давлатини қулатишга жиддий киришди<sup>253</sup>. Император Тай Цзанг (626-649) турклараро ички низоларни кучайтириди<sup>254</sup>. Турклардан бўлган Чжиши Сили, Ашина Шэр ва Сиби Хэлиларнинг

<sup>248</sup> Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kue). – Bd. II. – P. 87–88; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники - как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 118; Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии.– С. 258.

<sup>249</sup> Мокрынин В.П. Тюркский каганат. – С. 226.

<sup>250</sup> Турғун Алмас, Уйгуры. Кн 1. – С. 90-91; Манба: Ян Зижоу. Суй, Тан ва яна беш сулола тарихи бўйича узундилар. – Урумчи, 1978. – Б. 16.

<sup>251</sup> Ли Юан (566-635), 618 йилда Гаоцу номи билан таҳтга ўтирган. Ганъсунинг Чанъян вилоятида, айрим манбаларга кўра, хитойлашган туркий оиласда туғилган. Унинг аждодлари Фарбий Вэй (535–557) сулоласи хизматида бўлишган. Қаранг: Хўжаев А. Буюк ипак йўли: тақдирлар ва муносабатлар. – Б. 171; Манба: Цихай (“Сўзлар дengизи”). – Шанхай, 1979. – Б. 856; Чян Бочоан, Ван Бингхуа. Тунгсу Шинжянг-ши (Оммабоп тилда баён этилган Шинжон тарихи). – Урумчи, 1986. – Б. 128.

<sup>252</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 90-91; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги ёзма манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. – Б. 24–27.

<sup>253</sup> Малявкин А.Г. Мар ionетки из рода Ашина // Восточный Туркестан и Средняя Азия. – М.: Наука, 1984. – С. 138–155.

<sup>254</sup> Compareti M. Sogdiana Tarihine giriş. – S. 161.

Хитой томонига ўтиб кетиши<sup>255</sup> турклар учун катта йўқотиш бўлди. Шарқий туркларга қарши Ли Цзин қўмондонлигидаги юз минг қўшин юборилиб, 629 йил ноябридаги Чоғай этагидаги жангда Қора хоқон мағлуб бўлди. Турк сардорларидан бири Ашина Суниш Қора хоқонни тутиб Ли Цзин қўлига топширди. Қорахон Чанъянга келтирилиб, у ерда 634 йили вафот этди. Бу хиёнат туркларга қимматга тушди. 630 йилдан 682 йилгача Шарқий Турк хоқонлиги Хитой вассалига айланди<sup>256</sup>.

Шарқий турклар Хитой асоратига тушган 630 йилда самарқандлик Кан Су-ми ва бухоролик Ан Ту-хан бошчилигига хоқонлик ҳудудига Суғдан беш минг киши олиб борилган. Эҳтимол бу куч шарқий туркларга ёрдам учун келган бўлиши мумкин. Чунки Ан Ту-ханнинг отаси Ан У-хуан бу даврда Шарқий Турк хоқони саройида хизматда бўлиб, элтабар унвонига эга эди. Маълумки, баъзан хитойлар суғдийларни турклар орасидаги бир қабила сифатида билганлар<sup>257</sup>. Бу илк ўрта асрларда суғдийларнинг нафақат хукмдорларнинг, балки бутун турк улусининг ажралмас қисмига айланиб улгурганини исботлайди. Шундан бўлса керак, Хитойнинг шарқий туркларга тажаввузи кучайган бир пайтда Кан Су-ми ва Ан Ту-ханлар бошчилигига суғдий кучларнинг етиб келиши иқтисоддан кўра кўпроқ сиёсий аҳамият касб этган. Бу пайтда турклар суғдийларнинг ҳар томонлама кўмагига муҳтож эдилар. Турк-суғд иттифоқи бу вазиятда муҳим ҳисобланган. Шарқий Турк хоқонлигининг танг аҳволидан хабар топган Суғд томони ушбу гурухни юборган бўлишлари ҳам мумкин. Хитойлар бежизга суғдийларни “туркларни йўналтирувчи кучи”, - деб билмаган.

630 йилдаги Шарқий Турк хоқони Қора хоқоннинг мағлубияти билан бошланган таназзул оқибатида минглаб суғдийлар ҳам Хитойга асир олиб кетилди. Улар асосан деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарлар эди. Буюк Хитой деворининг бу томони - Ордосдаги суғдийлар эса Тан саройига мато етказиб, ўлпон тўлашга мажбур этилган<sup>258</sup>.

650 йилда Хитой вассаллигидан бош тортган, “кичик хон”лардан бири Чўби бошчилигидаги кўзголон хитойликларни сергак тортириди. Бу давр ҳакида Култегин битигининг 9-10 қаторларида: “Турк фуқароси, барча халқ шундай дебди: давлатли халқ эдим, давлатим қани энди? Кимга давлатни эгаллаб беряпман? - дер экан. Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қилипман? – дер экан. Шундай дебди-ю барибир табғач хоқонга қарам бўлиди. Қарши бўлиб ўзини эплаб ва тиклаб ололмай, яна таслим бўлиди”, - дейилади. Хитой императорларининг турк кўшинларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганликлари ҳакида Култегин битигининг 8-қаторида: “Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилиди. Шарққа – кун чиқарга Бўкли (шимолий Корея) хоқонига лашкар тортиб борибди. Ғарбга – Темир дарвозага лашкар тортиб борибди. Табғач хоқонга уларнинг давлатини, ҳукуматини олиб берибди”<sup>259</sup>, - дейилган. Бу сатрлар туркларнинг хитойликлар асоратига тушиб, оғир аҳволда қолганликларини исботлайди.

Асиrlар Хитой деворининг нариги томонига олиб ўтилди. Бўйсунмаган туркларнинг бир қисми Фарбий Турк хоқонлиги ҳудудига – Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёга, бир қисми шарқий уйғурларга келиб қўшилди. 639 йилда император Ли

<sup>255</sup> Камалов А.К. Тюрки в раннетанском Китае: жизнеописание Чжиши Сыли, Ашина Шэр и Циби Хэли (VII-VIII) // Shigis. – 2006. – № 1. – С. 25–35.

<sup>256</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 271.

<sup>257</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийский надпись из Бугута. – С. 144; Lie Mau Tsai Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost - Turken (T'u - kue). – Bd. I. – Rp. 68, 143, 196, 324.

<sup>258</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – С. 94–100.

<sup>259</sup> Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Б. 54.

Шимин шарқий туркларга Ашина Сирба – Ли Симани ҳукмдор этиб тайинлади.<sup>260</sup> Бироқ бу “қўғирчоқ” ҳукуматни турклар тан олмади. Мустақиллик курашига 630 йилда Чанъанга асир қилиб келтирилган Сивар (Чулук)нинг кичик ўғли Кўршод бошчилик қилди. Турклар Кўршодни хоқон деб эълон қилишди. Аммо Кўршод ворисликка ўз жиянларидан бири таклиф этди. 639 йилнинг апрелида унинг гурухи Тан императори Ли Шиминни асир олишга харакат қилди. Аммо режа амалга ошмагач, Кўршод саройга ҳужум қилиб, императорни асир олишга қарор қилди. Тенгиз тўқнашувдан сўнг қўзғалончилар Вэйхе дарёси бўйида тор-мор этилди. Бу воқеа тафсилотлари Сима Гуаннинг “Хроника” (“Солнома”) асарининг 195-бетида Жун Гуаннинг 13-йилидаги воқеалар баёнида келтирган<sup>261</sup>.

Шарқий турклар Хитой асоратига қарши 658 йилда бош кўтарди. Бу сафар ҳам Тан ва туркий теле қўшинлари исёнчи Ашина Хэлуга зарба берди<sup>262</sup>. Узоқ йиллик курашлар натижасида Ашина Незук давридан кейин (679-680) шарқий турклар мустақиллик учун жиддий кураш бошланди. Ашина сардорлари Ашина Низукни тахтга кўтардилар. Аммо у хитойлар билан жангда халок бўлди. Ўрнига сайланган Ашина Инан ҳам 681 йилда хитой жосуслари томонидан ўғирланиб, Чанъанда ўлдирилди. Турклар Кутлуғ бошчилигида кўшин тўплашди. Унинг маслаҳатчиси Билга Тўнюқуқ битигида шундай дейилади: “Турк халқи йўқ бўлмасин деб, халқ бўлсин деб, отам Элтариш хоқонни, онам Элбилга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб юқори кўтарган экан. Хоқон отам ўн етти эр билан четга чиқиб кетган”. Хитой зинданларида ётиб, ҳатто император саройида хизмат қилишга эришган Тўнюқуқ Хитой армиясининг заиф томонларини яхши биларди. Кутлуғ қўшинлари Тўнюқуқ битигида кўрсатилишича, “икки қисм отлиқ, бир қисми пиёда эди. Етти юз кишини уюштирадиган улуғи шад эди”. Кутлуғ қўшинлари сони ўн икки минг кишига етди<sup>263</sup>. 682 йилда сардорлар уни тахтга кўтарди. Хитой билан жанглар зафар билан тугади. Шарқий Турк хоқонлиги тиклангач, Ашина Кутлуққа Элтариш – “элни тикловчи” унвони берилди<sup>264</sup>. Бу озодлик курашида турклар қаторида суғдийлар ҳам иштирок этган эди. Юқорида айтилган Кан Су-ми ва Ан Ту-ханлар бошчилигида хоқонликка келган суғдийлар ва бу худудда асрлар давомида яшаётган суғдийлар бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмас эди. Чунки хоқонликнинг тикланиши ҳар жиҳатдан минақадаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга ижобий таъсир этарди.

Суғдийларнинг озодлик курашдаги иштирокини 692 йилда Шарқий Турк хоқони бўлган Қапоғон (Мочжо)нинг Хитой девори ичкарисидаги суғдийларни қайтариш мақсадида ҳарбий куч ишлатиб, суғдийларнинг авлодларини олтмиш йиллик туткинликдан сўнг ортга қайтаришга муваффақ бўлганлигида<sup>265</sup> ҳам кўриш мумкин. Бунда турк аслзодаларидан бирининг куёви Ан Ян-ян каби суғдий саркардалар жонбозлик кўрсатишди<sup>266</sup>. Бу улар ўзаро бир-бирларининг тақдирига бефарқ бўлмаганлигини ва турк-суғд муносабатларининг сиёсий ахамият касб этганлининг исботидир.

Хитойга олиб кетилган суғдийларнинг айримлари Тан империяси хизматига тортилиб, ҳатто юқори лавозимларга эришишга ҳам муваффақ бўлди. Лоянг шахридан топилган Кан Можи исмли суғдий ҳарбий амалдорнинг қабри ва ундан

<sup>260</sup> Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги ёзма манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. – Б. 29.

<sup>261</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 91–94; Эрол Гунгўр. Тарихда туркий давлатлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 7-8.

<sup>262</sup> Малявкин А.Г. Марыонетки из рода Ашина. – С. 142.

<sup>263</sup> Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Б. 56; Эрол Гунгўр. Тарихда туркий давлатлар. – Б. 8.

<sup>264</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 96.

<sup>265</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. – С. 258. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск, 1989. – С. 111. Турғун Алмас. Уйгуры. Часть 1.– Алма–Ата, 1993. – С. 144.

<sup>266</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 159.

топилган ёзма маълумотлар<sup>267</sup>, Тан саройидаги суғдийларнинг юксак мартабасидан далолат беради. Элтариш ўрнини эгаллаган Мочжо – Қапоғон хоқон даврида (692-716) яна туркларнинг хитойликлардан устиворлиги таъминланди. Шимолий Хитойда турклар хукмронлиги ўрнатилди<sup>268</sup>. 716 йили Қапоғон хоқон уйғурларнинг бойирғу қабиласи пистирмасига тушиб халок бўлди. Шарқий Турк хоқонлиги таҳтига Элтариш ўғиллари Култегин ва Могилянлар келди. Улар бош-бошдоқликка чек қўйдилар<sup>269</sup>. Култегин ўз акаси Могилянни “Буюк хоқон” ёки Билга хоқон деб улуғлади. Билга Тўнюкуқ эса Билга хоқон саройида хизмат қилди. Култегин эса лашкарбоши этиб тайинланди<sup>270</sup>. Ака-укалар ўртасидаги бу муроса ички низоларга барҳам берган ва душман олдида давлат құдратини оширган.

Шарқий Турк хоқони Ашина Билга Қутлуғ даврига (734-741) келиб, хоқонликнинг отлиқ қўшинлари сони 220 мингга етди. Тан империяси ўз шимолий чегарасида 400 минг қўшинни сақлаб туришга мажбур бўлди<sup>271</sup>. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмади. Ўзмиш (742-744) ва Бўлмиш (744-745) хоқонлар даврида Шарқий Турк хоқонлиги аввалги құдратини йўқотди.

Биринчи Турк хоқонлиги эллик йил (552-603) бутун минтақада етакчи бўлиб ўз бошидан саккизта ҳукмдорни ўтказган бўлса, Шарқий Турк хоқонлигинингда 140 йиллик (603-745) тарихида 21 ҳукмдор алмашди. Ғарбда хоқонлик Истеми ябғу хоқондан (552-576) то Ашина Ўн Ўқ (738-742) давригача 24 ҳукмдор алмасиб, бу давлат 190 йил яшади. VIII аср 40-йилларида бир пайтлар ягона бўлган Биринчи Турк хоқонлиги ва унинг ворислари Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликлари тарих сахнасидан тушди. Аммо минтақа сиёсий майдонига янги турк давлатлари кириб келди. Суй ва Тан сулолаларининг туркий давлатчиликни батамом тугатиш ҳаракатлари зое кетди. Туркийларнинг деярли икки аср минтақада етакчилик қилишларида яқин иттифоқчisi Суғд ва суғдийлар билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муносабатлари муҳим ўрин тутган. Турк-суғд муносабатлари нафақат сиёсий, ижтимоий-иктисодий манфаатлар орқали, балки асрлар давомида шаклланган қон-қардошлиқ алоқалари орқали ҳам ўз аҳамиятини кўрсатди. Туркийлар учун суғдийлар азалий биродар, ишончли иттифоқчи, энг собит ҳамкор бўлиб қолди. Илк ўрта асрлар учун феномен бўлган, тарихи ва тақдирни муштарак боғланган турк-суғд этномаданий симбиоз ҳолати ҳукм сурарди.

Шу тариқа, милодий биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Ашина авлодлари асос солган Турк хоқонлиги жаҳон тарихида ўз муносиб ўринига эга бўлди. VI аср ўрталарида бу давлат минтақада янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. Мавжуд шарт-шароитлар Марказий ва Ўрта Осиёда яшаган турли этник қатламлар, хусусан, туркийлар ва суғдийлар орасида миграцион, интеграцион жараёнларни кучайтирди. Биринчи Турк хоқонлиги ўзидан аввалги кўчманчи давлатлар (Хуннлар, Кидарийлар, Хионийлар ва Эфталийлар)дан фарқли маъмурий бошқарув тизимини ташкил этишда, ички ва ташқи сиёсий фаолиятда, иқтисодий тараққиётда ва маданий ҳаётда катта ўзгаришларни амалга оширишиб, ўтрок ҳалқлар билан яқин алоқаларга киришди. Бу эса 552-603 йиллар давомида Биринчи Турк хоқонлигини мустақил сиёсатга эга, иқтисодий юксак ва ҳарбий салоҳиятли минтақада етакчи давлатга айлантирди. Бунда уларга Суғд ва суғдийлар катта ёрдам кўрсатгани эътирофга лойикдир. Жумладан, Бумин хизматидаги Аньнапанто, Дулон (Турон) хизматидаги Ан Суй-цзе, Истеми хизматидаги Маниах кабилар ўз

<sup>267</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 217.

<sup>268</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 271.

<sup>269</sup> Эрол Гунгўр. Тарихда туркий давлатлар. – Б. 9.

<sup>270</sup> Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Б. 57-58.

<sup>271</sup> Тургун Алмас. Ўйгур. Кн. 1. – С. 96-97.

фаолиятлари билан туркий давлатчилик тараққиёти учун хизмат қилғанлиги кузатилади. Аммо 603 йилда хоқонлик икки давлатга ажралди. Бу мінтақа сиёсий харитасига муайян ўзгаришлар олиб кирди. Асосан ўтроқ ахоли жамланган Farbий Турк ябғулиги ўз эътиборини Византия ва Эрон билан муносабатларга қаратган бўлса, аксарияти кўчманчи бўлган Шарқий Турк хоқонлиги Хитой билан кескин муносабатлар гирдобида қолди. Шундай бўлса-да, VI асрдан кейинги даврда Турк хоқонликлари Буюк Ипак йўлида назорат ўрнатишга эришдилар. Бунда Маниах, Эсхил, Тағма Тархон каби суғдий ва туркий дипломатларнинг хизматлари бекиёсдир. Қолаверса, Турк хоқонлиги ва ундан кейин вужудга келган туркий давлатлар мінтақада кечган тарихий жараёнларда иштирок этган турли-туман этнослараро азалий симбиоз, маданиятлар синкетлашуви ва этник ассимиляциялар ривожига ҳамда туркий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатди.

### 1.3. Турк хоқонлиги ва Суғд алоқаларининг характерли хусусиятлари ва эволюцияси

Жаҳон тарихида Турк хоқонлигининг ўзига хос ўрни ҳақида B.V. Бартольд: “Мўғулларга қадар мавжуд бўлган кўчманчи империяларнинг энг қудратлиси турклар империяси эди”,<sup>272</sup> деб ёзганида тамоман ҳақ эди. Зоро, тадқиқотчилар Марказий Осиё сиёсий харитасида турклардан аввалги эфталийлар даврини<sup>273</sup> Ўрта Осиё тарихидаги тушкунлик даври<sup>274</sup> деб баҳолайди.

Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёда қарор топиши ўз объектив ва субъектив асосларига эга эди. Биринчидан, Ўрта Осиё ва Турк хоқонлиги этнослари: рузие (юэчжи)лар, саклар, суғдийлар ва туркийлар хитой манбаларига кўра, умумий этник бирликка эга эдилар. Бу қавмлар мил. авв. II минг йиллиқда Каспий ва Орол денгизлари шимолий сарҳадларидан шарқ ва жануб томон кўчганлар<sup>275</sup>. Улар ўртасидаги муносабатлар эса савдо йўллари бўйлаб узлуксиз давом этган. Фақат тилда ўзгариш бўлган ҳолда, антропология ва урф-одатда умумийлик сақланган. Иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий манфаатлар устуворлиги Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёда хукмронлигини тезлаштирган. Шундан келиб чиқиб, туркларнинг Ўрта Осиёга юриши истило эмас, балки Марказий Осиёдаги туркий қабилаларнинг Ўрта Осиёга миграцияси<sup>276</sup> деб баҳоланмоғи лозим. Турк хоқонлиги ўз навбатида улкан худуддаги этносларнинг сиёсий, иқтисодий, этномаданий муносабатларини фаоллаштириди<sup>277</sup>. Бу жараёнда турк-суғд муносабатлари доирасида VI–VIII асрларда Шарқ ва Farb ҳалқлари ўртасидаги маданий алмашувлар, мінтақада тараққиёт ва ҳамжиҳатлик таъминланди.

<sup>272</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 181.

<sup>273</sup> Эфталийлар давлатини Сосонийлар билан тинимсиз урушлар заифлаштириди. Уларнинг маҳаллий ўтроқ ахолига сингишиб кетиши ҳам осон кечмади ва Ўрта Осиёнинг маҳаллий мулқдорларни ва йирик савдогарлари билан мустахкам алоқа ўрнатмадилар. Маниахнинг Византия императори Юстиниан II га жавоби: “Улар (эфталийлар) шаҳарларда яшовчи қабилалардир, жаноби олийлари”, - дебишида катта маъно бор эди. Буларнинг барчаси Турк хоқонлигининг мінтақада янги тартиб ўрнатилиши конунгиятга айлантириди. Эфталийлар даври (V аср ўрталаридан VI аср охири)да шаҳарлар таназзули кучайиб, ахоли нуфузи камайиб, хунармандчилик ва савдо сустлашгани кузатилади. Иқтисодин Сосонийлардан кўлга киритилган ўлпонлар ва ўлжалар қоплади. Бу ички иқтисодий тараққиёт ахамиятини камайтириди. Хоразм, Бухоро ва Нахшаб каби вилоятларда дехкончилик инқизози йирик қишлоқ ва шаҳарларнинг хувиллашига олиб келди. Шунга қарамай Эфталийлар давлати мінтақада нисбий осойишталиктни таъминлаб, Ўрта Осиёни Сосонийлар хуружидан саклаб қолди. Қийин кечсада, пратотурк деб тахмин қилинаётган эфталийларнинг айрим гурухлари ўтроқлашиб маҳаллий ахоли орасида ассимиляцияга учраб, этник жараёнларга таъсир кўрсатди.

<sup>274</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек ҳалқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Б. 5–6.

<sup>275</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 214.

<sup>276</sup> Зуев Ю.А. Западнотюркский каганат. В кн. История Казахской ССР. Том 1. – Алма-Ата, 1977. – С. 325.

<sup>277</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 79.

552 йилда аварларга зарба берган турклар Бумин – “Элхон” бошчилигига янги давлат – хоқонликка асос солинди<sup>278</sup>. Буминнинг укаси **Истамига “ябғу”** унвони билан хоқонликнинг ғарбий қисми бошқаруви топширилди. 554 йилда уйғурлар бўйсундирилиб, сўнг нушиби, дулу ва туркаш қабилалари хисобига хоқонлик кўшини сони юз мингга етди<sup>279</sup>. Бу ҳарбий ҳаракатлари учун катта имкон берди. Истами ябғу “ўн ўқ” қабилалари хоқонига айланди<sup>280</sup>. Унинг тасарруфига дастлаб Еттисувдан Сирдарёнинг ўрта оқимигача бўлган ҳудудлар кирган эди<sup>281</sup>.

Истами кейинчалик ўз давлатининг ҳудудларини кенгайтириш мақсадида, Эфталийлар давлатининг марказига юриш бошлади. Бу ҳаракат суғдийлар ва туркийларнинг ҳамкорлигини тақозо этарди. Мазкур воқеалардан хабар топган Биринчи Турк хоқони Мухан (554-574) 554 йилда сосонийлар шохи Хусрав I Анушервон (531-579) ҳузурига ўз элчиларини юбориб, эронликларнинг эфталийлар билан бирлашишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганди. Аммо элчилар бу вазифани бажара олмайдилар, чунки эфталийлар подшоси Гатифар буйруғи билан элчилар тутилиб, ўлдирдилади. Шундай бўлса-да, турклар эфталийларга қарши Эрон билан иттифоққа эришди<sup>282</sup>. Арман муаррихи Себеос “тетал (эфталий)лар устидан хукмронлик қилган буюк подшо” Истами ва Хусрав I Анушервон ўртасида сулолавий яқинлик ўрнатилди. Анушервон Истамининг Қайин исмли қизига уйланди<sup>283</sup>, - деб қайд этган эди.

555 йилгача Истами томонидан Сирдарёдан Орол денгизи то Хоразмгача чўзилган ҳудуд қўлга киритилиб<sup>284</sup>, Африйлар Хоразми хоқонлик вассалига айланди<sup>285</sup>. Бироқ туркларнинг ҳарбий салоҳиятини, Менандр маълумотига кўра, эфталийлар тўла англаб етмаган эдилар<sup>286</sup>. Бу пайтда турклар ҳал қилувчи ҳаракатларга ҳозирлик кўрарди.

Айни вақтда эфталийларнинг сосонийлар билан муносабатлари ҳам чигаллашиб кетди. Хусусан, улар эфталийларга тўловларни етказишдан бош тортиб<sup>287</sup>, 554 йилдан эфталийларга қарашли Хурросон ва жанубий Бақтрияни эгаллашга киришди. Истами ябғу эса эфталийларни Торим водийсидан сиқиб чиқарди<sup>288</sup>. Эфталийлар иккита куч ўртасида қолган эди.

558 йилдан Мухан хоқон қўшинлари Текес водийсидан ўтиб, Еттисув орқали Ўрта Осиёга кириб келиб, илк уринишидаёт Темир Қапуғ – Бузғола довонига етиб борди. Бу ҳақда Култегин битиги 2-3 қаторларида: “Илгару Қадырқан йышқа (Хинган тоги, Онон, Керулен дарёлари ҳавзаси) теги, киру Темир қапыққа теги қонтурмиш. Икин ара иди оқсыз Кўк Турк анча олуур эрмиш” – “Шарқда Қодиркан водийси қадар,

<sup>278</sup> Маликов А. Тюрки в Среднеазиатском Междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). – Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 2000. – С. 7.

<sup>279</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 81–82.

<sup>280</sup> Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – С. 52; Феофилакт Симикатта. История / Пер. С.П. Кондратьева. – М.: ИВЛ, 1957. – С. 159–161.

<sup>281</sup> Маликов А. Тюрки в Среднеазиатском Междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). – С. 9.

<sup>282</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 82; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 272; Marşak B.I. Türkler va Suğdlular. – S. 170–171.

<sup>283</sup> Мокрынин В.П. Западнотюркский каганат и вассалы // Этнические и историко-культурные связи тюркских народов СССР. – Алма-Ата, 1976. – С. 73–74; Его же. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции VI–VIII вв. / Из истории дореволюционного Киргизстана. – Фрунзе: Илим, 1985. – С. 152–154; Его же. Сирийские и армянские источники / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.) – Бишкек: Илим, 2004. – С. 71–72.

<sup>284</sup> Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алокалари. – Б. 46.

<sup>285</sup> Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – С. 52. Феофилакт Симикатта. История. – С.159–161.

<sup>286</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 271; Vaissière de la È. Histoire des marchands sogdiens. – Paris: College de France, 2004. – Р. 211–213.

<sup>287</sup> Дақонов М.М. Очерки истории древнего Ирана. – М., Наука, 1961. – С. 309–315, 321.

<sup>288</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 82.

ғарбда Темир Дарвозагача манзил қилдирғанлар. Иккаласининг орасида танобсиз ерга эга бўлиб, Кўк Турк шу тариқа ўтирган экан”, - дейилади<sup>289</sup>. Сосоний шоҳи Хусрав I турклар билан алоқани боғлади<sup>290</sup>. Туркларнинг ҳаракати уни ҳавотирга солган эди.

562 йилда Мухан хоқон эфталийларни бартараф этишни Истами ябўуга топшириб, ўзи пойтахт Ўтуканга қайтди.<sup>291</sup> Истеми эса ҳарбий ҳаракатларни давом эттириди.

Бу даврда Турк хоқонлиги сиёсий жиҳатдан минтақадаги вассал мулклари билан алоқаларни яхшилади. Кул тегин битигининг 52-қаторида: “Қурыя кун батсықдағы Соғд, Барчакар, Буқарақ улус, бадунта Нанг Сангун, Оғул тарқан келди” – “Жанубий-ғарбдаги Суғд, Барчакар, Бухоро эли (ва) халқидан Нанг Сангу (ва) Ўғул тархон келди” жумлалари<sup>292</sup>, Суғднинг Турк хоқонлиги билан тўғридан-тўғри дипломатик алоқалар ўрнатганилигидан далолат беради. Аммо барча ҳудудлар ва қабилалар хоқонлик билан муроса қилмади. Айрим маҳаллий туркийларнинг бир қисми, аварлар томонига ўтиб кетди<sup>293</sup>. Бу Баёнхоннинг Авар хоқонлиги ҳарбий қудратини оширди.

563 йилда сосонийларнинг Балхга хужум бошлиши туркларнинг Парак водийси – Чочга кириб келишини тезлаштириди. Турк хоқонлиги эгаллаган ҳудудлар бошқарувни маҳаллий хукмдорларга қолдириб, ўzlари аввалги позицияларига қайтган эди. Бундан фойдаланган эфталийлар подшоси Гатифар туркларга зарба бериш мақсадида Бухоро яқинида Балх, Хутталон, Шуғнон, Вашгирд, Термиз, Омул ва Заммдан қўшин тўплаб жангга ҳозирлик кўрди. Саккиз кунлик жангда эфталийлар тор-мор этилди. Ҷағониённинг эфталий хукмдори ва янги подшоси Фаганиш Ҷағониёнга кириб келган Сосоний шоҳи Хусрав I ҳокимиятини тан олиб, вазиятни чигаллаштириб юборди. Натижада Сосонийлар ва турклар ўртасида музокаралар<sup>294</sup> бошланди. Томонлар Эфталийлар давлатига барҳам бердилар.

Турклар эфталийларга тегишли Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёни, сосонийлар эса Хурросон ва Балхни қўлга кириши Ипак йўлига эгалик қилиш учун иттифоқчилар ўртасида курашга сабаб бўлди. Бу масалага савдода етакчи суғдийларнинг муносабати мухим эди. Суғдийлар туркийлар билан қардошлиқ анъанасига содик ҳолда хоқонлик манфаатларига хизмат қилди. Хоқонлик эса суғдийлардан бу масалада маслаҳат, иқтисодий иштирок ва кўмак кутарди. Чунки суғдийлар орқали савдо йўлларида назоратни қўлга олиш мумкин эди. Аммо Гарбга борадиган карвон йўллари Эрондан ўтарди. Турк хоқонлиги Византия билан Эрон ҳудуди орқали, Эрон Хитой билан Ўрта Осиё орқали боғланиши томонларни муроса қилишга ундарди. Туркларнинг Византия билан яқинлашиши Эронни мушкул ахволга солди. Натижада “иттифоқчилар ўртасида сиёсий ва иқтисодий қарашларда зиддият кучайди”<sup>295</sup>. Суғдий савдогарларнинг Эрон орқали ҳаракати чекланди. Улар Турк хоқонлиги мадади билан бу муаммони ҳал этишлари мумкин эди холос.

Аммо минтақадаги вазият Турк хоқонлиги, хусусан марказдан мустақил<sup>296</sup> Ғарбий ябўулик хукмдори Истами, вориси Тардунинг (576-603) ва Сосонийлар ҳаракатига

<sup>289</sup> Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий матнлар юзасидан амалий машғулотлар. – Самарқанд, 2001. – Б. 35.

<sup>290</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 272.

<sup>291</sup> Турсун Алмас. Уйгурлы. Кн. 1. – С. 82.

<sup>292</sup> Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий матнлар юзасидан амалий машғулотлар. – Б. 46.

<sup>293</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 27; Феофилакт Симикатта. История. – С. 159–161.

<sup>294</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 272.

<sup>295</sup> Турсун Алмас. Уйгурлы. Кн. 1. – С. 83; Vaissière de la È. Histoire des marchands sogdiens. – Р. 206.

<sup>296</sup> Кляшторный С.Г. Генеалогия и хронология западнотюркских и тюргешских каганов VI-VIII вв. / Из истории дореволюционного Киргизстана. – Фрунзе: Илим, 1965. – С. 164.

боғлиқ эди<sup>297</sup>. Улар даврида Ғарбий Турк ябгулиги миңтақа учун Сосонийларга қарши курашга киришди.

Турк хоқонлиги ва Сосонийлар муносабатлари бузилиши, хоқонликнинг Византия билан алоқаларни яхшилашга ундади. Хоқонлик элчиси Маниахнинг Византияга сафари натижасида келишилган аҳдлашувдан кейин 569 йили Хурсонда Сосоний қўшинларига зарба берилди. Сосонийлар ва Турк хоқонлиги ўртасидаги сулҳга (570 йил) кўра, Сосонийлар туркларга 40 000 рум олтин тангаси миқдорида тўлов тўлайдиган бўлди<sup>298</sup>. Византия мұхаррихлари Феофилакт Симокатта ва Феофан маълумотларига кўра, сосонийлар бу битимдан сўнг Византияга хужум қилиб, ундан тушган ўлжанинг бир қисмини “туркларга тўлов”га сарфлаганлар. 571-588 йиллар орасида хоқонлик ва Сосонийлар ўртасида нисбий тинчлик ўрнатилди<sup>299</sup>. Минтақада Турк хоқонлиги қудрати Мухан хоқон ва Истами ябғу сиёсати натижасида янада мустаҳкамланди.

574 йилда Мухан хоқон ва 576 йилда Истами ябғу вафот этди. Хоқонлик хукмдорларидан бири Чўрбуға – Қорачўрин (587-588) 588 йилда Тохаристонни эгаллаб, Ҳиротга етиб борди. Эронга қарши бу курашда эфталийлар турклар билан иттифоққа бирлашди<sup>300</sup>. Бироқ, Баҳром Чўбин бошчилигидаги сосонийлар билан жангда Қорачўрин халок бўлди. Ўғли Бармуд тегин асир тушишиб, Термиз яқинида сулҳ имзоланди<sup>301</sup>. Турк хоқонлиги Сосонийларнинг шартларини қабул қилди. Пойкентда олинган ўлжа Ҳусрав I нинг ўғли Ҳурмузд Туркзодага жўнатилди<sup>302</sup>.

Ғарбий Турк ябғу-хоқонлигини 576 йилдан 583 йилгача Билга Тарду мустақил бошқарса-да, сиёсий устунлик Шарқий Турк хоқонлигига эди. Шу боис Тарду 600-603 йилларда икки хоқонликни Шарқ ва Ғарб хоқонликларини бирлаштиришга эришди. Ғарбий ябгуликни Муханнинг ўғли Апа Тўраман (Апа Дабалян) (576-593) ва 600 йилдан Инал хоқоннинг набираси Чўлу хоқон мавжуд анъанага мувофиқ биргаликда бошқардилар<sup>303</sup>. Мана шу даврдан Хитой манбаларида Шарқий ва Ғарбий хоқонликлар мустақил Dong Tu-jue – Шарқий турклар, Xi tu-jue – Ғарбий турклар<sup>304</sup> сифатида келтирилади.

603-611 йилларда Ғарбий Турк хоқонлигини Чўра ябғу-хоқон бошқарди. Бу давлат ҳудудига Или водийси ғарби, Ўрта Осиё, Балх ва Ҳирот вилоятлари кириб, Исфижоб яқинидаги Мингбулоқ ёзги қароргоҳ, Суёб қишики пойтахт қилиб танланди. Или дарёси шарқи Шарқий Турк хоқонлиги тасарруфига ўтди<sup>305</sup>, Ўтукан унинг пойтахти бўлиб қолди. 611 йилда улар ўртасидаги тўқнашувда Чўра ябғу Сивар (Нивар) хоқон томонидан ўлдирилди. Аммо Ғарбий хоқонлик ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Тахтга дастлаб Чўранинг амакиси Шегуй (Шихай) ябғу-хоқон (611-618), сўнгра ўғли Тўн ябғу (618-630) келди. Бу даврида давлат ҳудуди шимоли-

<sup>297</sup> Бабаяр Г., Кубатин А. К вопросу монетного чекана Западно-туркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса). – С. 97–105; Бобоёров F. Ғарбий Турк хоқонлигининг илк тангалари. – Б. 24–25.

<sup>298</sup> Тургун Алмас. Уйгурсы. Кн. 1. – С. 85.

<sup>299</sup> Мокрынин В.П. Сирийские и армянские источники / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.) – С. 67; Пигулевская Н. (В.) История Иоанна Ефесского. Сирийские источники по истории народов СССР. – С. 137; Феофилакт Симокатта. История. – С. 77–78; Гумилев Л.Н. Древние тюрок. – С. 47.

<sup>300</sup> Тревер К.В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. – С. 140.

<sup>301</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 278–279; Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники о Средней Азии. V–VII вв. – М.: Наука, 1979. – С. 57.

<sup>302</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – Б. 6.

<sup>303</sup> Wang H. Apa Qaghan, Founder of the Western Turkish Khanate, the Splitting up of the Turkish Khanate and Formation of the Turkish Khanate // Social Sciences in China. – 1982. – № 2. – Р. 124–132, 143–147; Golden B. Türk Halkları tarihi'ne giriş. Gev. O. Karatay, Karam. – Ankara, 2002. – S. 109.

<sup>304</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. III. – С. 166, 178, 289; Chavannes Ed. Documents sur les Tou-kieu (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – Р. 219.

<sup>305</sup> Суприченко Г.П. Китайские источники / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.) – Бишкек: Илим, 2004. – С. 76.

шарқда Олтой, жанубда Амударё ва Хурасон, ғарбда Каспийга қадар кенгайди. Шегүй ябғу Сосоний шоҳи Ҳусрав II Парвез ва 576 йилда Билга Тардуш даврида аварлар масаласида бузилган Византия императори Ираклий I (610-641) билан алоқаларни тиклади<sup>306</sup>. Лекин бу муносабатлар аввалги даражага кўтарилилди.

616-617 йилда Смбат Багратуни бошчилигига сосонийларнинг хоқонлик вассали бўлган эфталийларга қарашли Ҳирот, Бадгис, Таликон ва Балх вилоятларини талаши<sup>307</sup> жавобсиз қолмади. 618 йилда таҳтга келган Тўн ябғу Сосонийларга зарба бериб, эфталийларни ўз тасарруфида сақлаб қолди. Тўн ябғунинг ҳарбий салоҳияти, стратеглиги ва тактик маҳорати ҳамда давлат бошқарувидаги ислоҳотчилиги Мухан хоқонга тенглаштириларди. Унинг қўшини чап ва ўнг қанотдан иборат бўлиб, “осиёча” тизимга асосланганди. У 100 минг атрофида қўшинига шадлардан иборат қўмондонлар тайинланди. Қатъий интизом ва ҳарбий тартиб ўрнатилди<sup>308</sup>. Бу ябғулик қудратини яна бир карра намойиш этарди.

Тўн ябғу 630 йилда Истами ябғу ва Бумин хоқон ворисларининг таҳт учун кураши қурбони бўлди. Унинг ўғли Си ябғу отасининг қотили Билга Тардунинг (576-600) ўғли Баҳодир хоқонга зарба бериб, Фарбий Турк хоқонлигини тиклади. Таҳт учун курашлар туркий қабилаларини ҳар бири беш қабиладан иборат икки шахобча (Беш Нушиби ва Беш Тўлис (Дулу))га ажратиб юборди<sup>309</sup>. Беш Нушиби қабилалари Иссиқ кўл ғарбига, Беш Тўлис (Дулу) қабилалари шарқига жойлашди. Ҳар бир қабила сардорига Улуг Чўр унвони берилиб, улар иттифоқи умумий ном билан “Ўн ўқ” деб аталди<sup>310</sup>.

Турк хоқонлигидаги бундай иккига бўлиниш қадими давлатчилик анъаналари билан боғлиқ эди. Бу икки қанот – “ўн ўқ” қабилалар иттифоқи ўзаро ҳокимият учун курашиб, Фарбий Турк ябғулигини заифлаштириди<sup>311</sup>. Бу Хитойнинг Суй ва Тан сулолаларини кучайтириди. Улар 630-682 йилларда аввал Шарқий Турк хоқонлигини, сўнг Фарбий Турк ябғулигини қарам этишга киришди<sup>312</sup>. Бу ўринда уйғурларнинг Хитойга ён босиш сиёсати Турк хоқонликларини тор-мор этилишини тезлаштириди. 640 йилда Тан императори Ли Шимињ Ғарбий Турк хоқонлигига қарши Торим водийсидан ҳаракат бошлади. Хитойлар синовдан ўтган: “варварларни варварлар қўли билан бўйсиндириш” сиёсатини амалга ошириди. Ғарбий туркларга қарши Ашина Тўр<sup>313</sup> бошчилигидаги Шарқий туркларнинг 100 минглик қўшинини, уйғурларнинг тўққиз уйғур қабилалар уюшмасидаги жебни қабиласидан бўлган Жебни Алп қўшини ва Тан империясининг Хоу Цзюньцзи бошчилигидаги қўшинлари ташланди<sup>314</sup>. Улар Ғарбий Турк хоқонлигига қарашли Турфон ҳокимлиги (460-640), Бешбалиқ ябғулиги, 644 йилда Қорашарни, 648 йилда Кучар, Қашғар, Хўтандекликларини эгаллади. 650 йилдан Ғарбий турклар Торим водийсини қўлдан чиқарди. Фақатгина Ашина Алп (651-658) Ғарбий туркларни бирлаштириб, узок йиллар душманга қарши кураш олиб борди. Юз минг кишилик Ашина Алп қўшинларини 657 йилда уйғур хоқони Баянхон ва хитой генерали Сяо Сье

<sup>306</sup> Турғун Алмас Уйғуры. Кн. 1. – С. 97.

<sup>307</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 279; Тревер К.В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. – С. 142–143.

<sup>308</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. –С . 60; Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. – Новосибирск, 1986. – С. 26–27; Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – М.: Наука. – С. 45–48.

<sup>309</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. – С. 289; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 294.

<sup>310</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн. 1. – С. 97–98; Enoki K. Sogdiana and Hsiung-nu // CAJ. – 1955. – vol. I. – № 1. – P. 43–62.

<sup>311</sup> Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии / Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 171.

<sup>312</sup> Турғун Алмас. Кн. 1. – С. 101–102.

<sup>313</sup> Ашина Тўр–Ғарбий ябғулик хоқони Чўра (600-611)нинг Хитойга қочиб ўтган ўртанча ўғли.

<sup>314</sup> Турғун Алмас. Уйғуры. Кн. 1. – С. 99.

кўшинларини Чочгача таъкиб қилиб келди. Аммо Чоч хукмдори Инал Тархон Ашина Алпни душманга тутиб берди. Бу билан хитойларнинг Чочга кириб келишини олдини олмоқчи бўлди. Тан империяси ўз хавфсизлиги учун буфер давлатчалар ташкил этиб, садоқатли туркийлардан хукмдорлар тайинлади<sup>315</sup>.

Айни шу пайтда Хитойнинг Суғдга ҳам таъсири кучайди. Суғд хукмдори Шишпир (650-655) ва Авархуман (650-675)лар Хитой билан муносабатда дипломатик йўлни тутдилар. Эҳтимолки, Суғдда зарб этилган хитой намунасидағи тангалар Хитой тазиқи остида чиқарилиган. Суғд томони Тан императорлари саройига совға-саломлар юбориб туришга<sup>316</sup> мажбур бўлган. Шундай бўлсада, Хитой на Ғарбий Турк хоқонлиги ва на унинг вассаллари устидан назорат ўрната олмади. Ашина Алп ворислари<sup>317</sup> Ғарбий Турк ябғу хоқонлиги мустақиллигини сақлаб қолдилар. Ашина Қайди (699-704) ва Ашина Шан (704-711) даврида яна Хитой тазиқи кучайди. Натижада 711-716 йиллардан Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви ашина уруғининг нисбатан собитроқ тургаш авлодлари қўлига ўтиб<sup>318</sup>, Чочдан то Бешбалиқ ва Турфонгача бўлган ҳудудларда тўлис (дулу) қабила иттифоқидаги **туркашлар хукмронлиги** ўрнатилди. Бу давлат ярим аср давомида 766 йилгача Тан империяси қўшинларининг Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга босқинига йўл қўймади. Шу билан бирга тургашлар ғарбий сарҳадларда янги истилочи арабларга қарши Бухоро, Суғд ва Чоч аҳолиси қўшинлари билан бир сафда жангларда қатнашди<sup>319</sup>. Шу воқеалар замирида Ғарбий турклар, тургашлар ва суғдийларнинг мураккаб вазиятда юрт мустақиллигини сақлаш учун ҳарбий ва дипломатик чоралар қўллаганини кузатиш мумкин.

Минтақадаги мураккаб тарихий жараёнлар натижаси: 629 йилда Тибет давлати қарор топиши, 682 йилда Кутлуғ Элтариш Шарқий Турк хоқонлигини тикланиши, айниқса 654 йилдан арабларнинг Мовароуннаҳрга юриш бошлиши<sup>320</sup> ҳам Хитойнинг ғарбга силжишини олдини олиб, Ўрта Осиёни Хитой экспансиясидан сақланиб қолди. Бунда 751 йилдаги Талас бўйида Гао Сяньчжи бошчилигидаги хитой қўшинига Зиёд ибн Солих бошчилигидаги араб-ўртаосиё иттифоқининг берган қақшатқич зарбаи<sup>321</sup> нафақат ҳарбий, балки сиёсий аҳамият касб этди.

Минтақадаги сиёсий жараёнлар, 603-742 йиллар давомида мавжуд бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги, Тургаш хоқонлиги ва Суғднинг ҳамжиҳатлигини намойиш этди. Ғарбий Турк хоқонлиги ва Суғд муносабати Ўрта Осиё тарихида муҳим воқеалик бўлди. Бу минтақадаги икки юз йил жадал кечган интеграцион ва этномаданий жараёнларни белгилаган “турк-суғд” даври маҳсулни эди.

Ғарбий Турк хоқонлиги аҳолисининг ўтроқлашувига Еттисув ва Шарқий Туркистонга бориб жойлашган ўртаосиёликлар ижобий таъсир кўрсатди. Хунармандчилик ва савдо-сотиқ, дехқончилик ривожланди. Суғдий савдогарлар турк зодогонлари молларини турли юртларда сотиб, уларнинг катта даромад кўришларига имконият яратди.

Ўрта Осиё ва Хурсонда туркий қатлам азалий-автохтон эди. Фақат хоқонлик турклари уларни умумий ном остида бирлаштириб, туркий қатлам салмоғини анча оширган эди. Табарийда Дехистон, Кўхистон ва Бадғис вилоятидаги туркийлар

<sup>315</sup> Тургун Алмас. Уйгурьы. Кн. 1. – С. 100.

<sup>316</sup> Compareti M. Sogdiana Tarihine giriş. – S. 161.

<sup>317</sup> Ашина Алп ворислари: Ашина Миш (657/658 – 622), Ашина Буркин (662/666 – 666/668), Ашина Тўрчи (671 – 679), Ашина Низук Бек (679 – 680), Ашина Ёлчин (686 – 690), Ашина Хужуло (686 – 690) ва Ашина Ўн-ўқ (694 – 699 йилгача).

<sup>318</sup> Асина Ёлчин ва Асина Хужуло ҳокимиятни бирга бошқаришган кўринади.

<sup>319</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 213–238; СДГМ, II. – С. 77–91.

<sup>320</sup> Тургун Алмас. Кн. I. – С. 100.

<sup>321</sup> Хўжаев А. Талас жангиги // Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: Ўз МЭ, 2004. – Б. 240; Камалов А.Б. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.): Афтореф. дисс. ... докт. ист. наук. – С. 19.

арабларга қаттиқ қаршилик кўрсатган кучлар сифатида эътироф этилади<sup>322</sup>. Минтақадаги Суғд, Чоч, Фарғона, Тоҳаристон маҳаллий турклари билан хоқонлик турклари ҳамда шарқий эроний тилли суғдийлар, чочликлар, фарғоналиклар ва тоҳарийлар умумманфаат йўлида бирлашганлиги эътиборлидир.

Турклар “Суғдни ўз уйларидай ҳис қилганлари”<sup>323</sup> боис ҳам Суғд тупроғини Сосонийлар ва араб истилосидан химоя қилди. Қолаверса, суғдийлар ҳам турк қўшинлари сафида умумий душманларга қарши курашларда иштирок этган эди<sup>324</sup>.

Дастлабки йилларда Биринчи Турк хоқонлиги маҳаллий ҳокимликларнинг ички бошқарувига аралашмади<sup>325</sup>. Хоқонлик маркази Ўрта Осиёдан олислиги боис, аввалида хоқонлар ўлкалардан йифиладиган бож - ясоқ билан кифояландилар. Ҳатто маҳаллий маъмурий бошқарувга ҳам таъсир этилмади. Хоқонлик ўз вассалларини химоя қилишни асосий вазифа деб, билди. Аста-секин вазият ўзгариб, Фарбий Турк хоқонлиги давридан Ўрта Осиё мулкларидағи маъмурий бошқарув тизимида ябғу-хоқонлар ташқаридан кузатувчиси эмас, балки ички ҳаётда фаол қатнашчига айландилар<sup>326</sup>. Хусусан, бундай ички сиёсатни Тўн ябғу-хоқон амалга ошириб, туб маъмурий ислоҳатлар ўтказди. Натижасида ўлкалар маъмурий бошқарувида туркий унвонлар амалга киритилди. Ўз вазифаларига кўра, Ўрта Осиё мулкларида қуйидаги унвонлар: ябғу – хоқон ўринбосарлари ҳамда йирик қабила сардорлари; тегин – шахзодалар, таҳт ворислари (Муғ архиви Nov. 3 ва Nov. 4 хужжатларида Уттегин (’wttkyn)<sup>327</sup>); шад – тегинлардан бўлиб, ўз қўшинига эга ҳарбий саркарда ва маълум бир ўлканинг ҳарбий ноиби; элтабар – тегиндан кейинги учинчи даражали маъмур; хотун – ҳукмдор хотини, малика; тудун – хоқон уруғидан бўлган, бўйсундирилган ўлкалар ҳокимияти фаолиятини назорат қилувчи ўлпон ва солиқ йифимларини ташкиллаштирувчи ноиб (Муғ архиви А-14 хужжатида (tδ'wn) - Чоч тудуни<sup>328</sup>); тутук – ҳарбий маъмурият бошлиғи (Муғ архиви А-14 хужжатдаги (twttk) – Фарғона тутуғи<sup>329</sup>); тархон – элтабардан кейин турадиган маъмур (Муғ архиви А-13 хужжатида (trγ'n)<sup>330</sup>); чўр (cwr) – хоқонликнинг ғарбий қисмидаги Ўн ўқ кабилар иттифоқига мансуб беш дулу (тўлис) уруғи ва бошқа йирик қабила уруғлари сардорлари унвони (Муғ архиви В-8 хужжатида Панч ҳокими ck'up cwr βylk” – Чакин чўр Билга Бичут ўғли<sup>331</sup>); эркин – Ўн ўқ қабилалар иттифоқининг иккинчи тармоғи беш нушиби уруғи ва бошқа йирик туркий уруғлар бошлиқлари; чабиш (чавуш) – субоши (лашкарбоши)дан кейин турадиган ҳарбийлар каби унвонлар<sup>332</sup> жорий этилди. Бу билан томонлар манфаатларининг муштараклигини, ўтроқ вилоят ҳокимларини ябғулик маъмурияти билан боғлаш ва назорат қилиш мақсади кўзланган эди. Қолаверса, Турк хоқонлари ва ўлкалар ҳокимликлари ўртасида қардошлик алоқалари йўлга қўйилиб, анъана тулага кирди. “Бей ши” ва “Суй шу” солномаларига кўра, Суғд ҳукмдори Ши-фу-бига Тарду хоқон (576-603) ўз қизини узатган. “Тан шу”да келтирилишича, Суғд ихшиди Кюе-му-ҷхи Тўн ябғу-хоқоннинг қизига уйланган. Кейинчалик Қорачўрин Турк ҳам ўз қизини Кан (Самарқанд)

<sup>322</sup> История ат-Табари. – Т.: Фан, 1987. – С. 164.

<sup>323</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – С. 7.

<sup>324</sup> З бобнинг 1- ва 2-параграфларрида бу ҳақда тўхтаб ўтилади.

<sup>325</sup> Маршак Б.И., Распопова В.И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата, 1989. – С. 423.

<sup>326</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 279–280.

<sup>327</sup> СДГМ. II. – С. 17–44; СДГМ III. – С. 43–47.

<sup>328</sup> СДГМ. II. – С. 77–91; СДГМ III. – С. 43–47 (Б-1 хужжатида tδwn).

<sup>329</sup> СДГМ. II. – С. 77–91.

<sup>330</sup> СДГМ III. – С. 71–72.

<sup>331</sup> СДГМ II. – С. 45–53.

<sup>332</sup> Бобоёрөв F. Турк хоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими. – Б. 73 (7-изоҳ).

ҳокимиға турмушга берган эди<sup>333</sup>. Бу нафақат марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган, балки турк–сүғд муносабатларининг узвий қисмиға айланган жараён эди. Шу каби яқинлик вассал ўлкалар ҳокимликлар билан ябғу-ҳоқонлик муносабатларини мустаҳкамлади. Сиёсий назорат ябғуларнинг ҳарбий ва молиявий вакиллари – “тудунлар” томонидан амалга оширилди. Улар вилоятларда нафақат молия ёки ҳарбий иш билан шуғулланди, балки тегинлар қатори бевосита вилоятларнинг сиёсий ҳаётida етакчига айланиб, маъмурий бошқарувни ҳам ўз назоратига олдилар<sup>334</sup>. Айрим худудларга Тўн ябғу фармони билан “элтабар” унвони жорий этилиб, улар устидан “тутук”лар назорати ўрнатилди<sup>335</sup>. Бундай амалиёт ўз самарасини берib, марказ ва вассаллик ўртасида узвийлик таъминланди.

Воқеалар ривожи суғдийларнинг нафақат Еттисув, Шарқий Туркистон, Олтой худудларидағи азалий иштироки билан, балки туркийларнинг Ўрта Осиёдаги автахтонлиги билан ҳам характерланади. Ўрта Осиёдаги туркий автахтонлик, V–VIII асрлар билан белгиланмайди. Тадқиқотчи А. Маликов археологик маълумотларга суюниб, туркий қатлам Суғд худудида Турк ҳоқонлигидан аввал ҳам яшаганлигини, ҳоқонлик даври бу жараённи янада кучайтирганлигини таъкидлайди<sup>336</sup>. Натижада ўтроклашган туркийлар нуфузи ортиб бориб, улар бошқа этнослар қатори сиёсий ҳаёт ва бошқарувда фаол иштирок этганлар. **Тўн ябғу** даврида (618–630) турк-сүғд алоқалари янги босқичга чиқди. Туркийлар сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолликдан ташқари ҳарбий соҳада ҳам етакчи эди. Бунинг таъсирида Суғд қуролли кучлари такомиллаштирилди. Туркий ва суғдий аскарлар бир хил қурол-аслаҳа билан қуролланди<sup>337</sup>. Ҳоқонлик турклари, шунингдек, Ўрта Осиё хунармандчилигига, металлга ишлов бериш ва ундан сифатли зебу-зийнат, рўзгор буюмлари, қурол-аслаҳа тайёрлашнинг янгича услубларини олиб кирди. Маънавий ҳаётда урф-одатлар, эътиқодлар, удум ва анъаналар ҳамда маданиятлар синтези рўй берди<sup>338</sup>. Ҳатто кийим-кечак ва уст-бошда ҳам Олтойдан Суғдгача бўлган худудда бир хиллик кузатилади. Бу ўхшашлик илк ўрта асрларнинг сўнги даври (VIII аср)да янада яққол акс этди. Суғд тасвирий санъати туркий маданият элементлари билан бойиди<sup>339</sup>. Афросиёб ва Панжикентдаги деворий суратларда туркийлар ва суғдийларнинг ёнма-ён тасвиrlаниши ҳам бежиз эмас эди. Ҳоқонлик турклари маҳаллий динлардан зардуштийликни қабул қилган бўлса, туркий одат бўйича Суғдда ҳам марҳум жангчилар ўз отлари билан дағн қилинди<sup>340</sup>. Тимсолларда, жумладан Суғд тангаларда туркийларга хос тоғ эчкисининг акс эттирилиши кузатилди<sup>341</sup>. Бу тарихий жараёнлар табиий кечган бўлиб, ҳеч бир томон иккинчи томонга тазиик ўтказган эмасди. Ўша даврдаги вазият бу ҳодисанинг юзага келишини таъминлаган. Томонларнинг бир-бирини тақозо қилиши ва ўзаро яқинлиги Ўрта Осиё тақдири учун муҳим бўлиб, бу воқеаларнинг замирида умумий манфаатлар ётарди. Бу араб истилосига қадар кечган энг муҳим сиёсий, ижимоий-иқтисодий ва этномаданий жараён бўлиб қолди.

<sup>333</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 2. – С. 271, 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kieu (Turks) occidentaux. – Рр. 24, 133; Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Б. 7. Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 280; Бобоёров Ф. Турк ҳоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 121.

<sup>334</sup> Баратова Л. Турк ҳоқонлиги ва уннинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари. – Б. 52; Маликов А. Тюрки в Среднеазиатском Междуречье в VI–VIII вв. – С. 9.

<sup>335</sup> Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуков. – С. 117–118.

<sup>336</sup> Маликов А. Тюрки в Средней Азии и Междуречье в VI–VIII вв. – С. 6–8.

<sup>337</sup> Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. – С. 267.

<sup>338</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 281.

<sup>339</sup> Маршак Б.И., Распопова В.И. Кочевники и Согд. – С. 423.

<sup>340</sup> Зуев Ю.А. Тамги лошадей из вассальных княжеств (перевод из китайских сочинений VIII–X вв. Танхуйяо. 3, гл. 72. С. 1305–1308 // Тр. ИИАЭ АН Каз. ССР. Том 8, 1960. – С. 97.

<sup>341</sup> Бобоёров Ф. Чоч–Фарбий Турк ҳоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида. – Б. 118–125.

Таъкидлаш жоизки, Турк хоқонлиги Ўрта Осиё тарихида Эфталийлар давлатидаги тушкунлик даврига барҳам бериб, Ўрта Осиёнинг маҳаллий хукмдорлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Натижада Сосонийлардан тушган ўлжаларга асосланган Эфталийлар иқтисодидан фарқли равишда Турк хоқонлиги даврида асосий эътибор ишлаб чиқариш ва савдога қаратилди. Сиёсий ва иқтисодий манфаатдорлик Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёда хукмронлигини таъминлади. Бу жараёнда турк-суғд муносабатлари учун катта аҳамиятга эга эди. Хусусан, 552 йилда ташкил топган янги давлат Биринчи Турк хоқонлиги ва унинг Истами “ябғу” бошчилигидаги ғарбий тармоғи Ўрта Осиё тарихида муҳим роль ўйнаши Суғд учун ҳам сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Шу билан бирга суғдийларнинг туркийлар билан қардошлиқ анъаналари, Турк хоқонлигини Сосонийлар тазиқидан олиб чиқди. Турк хоқонлигининг қудрати Мухан хоқон ва Истами ябғу сиёсати натижасида мустаҳкамланди. Ғарбий турк хоқонлиги даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, дехқончилик тез ривожланди. Тўн ябғу (618-630) ислоҳатлари натижасида туркий ябғу, тегин, шад, элтабар, хотун, тудун, тутуқ, тархон, чўр, эркин, чабиш каби унвон ва насаблар маҳаллий бошқарувга жорий этилди. Бу Суғд ва Турк хоқонлиги манфаатлари муштараклигининг ифодаси эди. Бундан ташқари миллий ва диний умумийлик турк-суғд симбиозида етакчилик қилди. Маънавий жиҳатдан урф-одат, эътиқод ва маданиятлар синтези рўй берди. Бу Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихида муҳим воқелик бўлди.

#### 1.4. Маънавий ва маданий ҳаёт: ўзаро таъсир, юз берган ўзгаришлар

Шу кунгача турли тадқиқотчилар томонидан турк-суғд **диний таълимотлари ва маданиятлари синтези** масаласига етарлича муносабат билдирилгани ҳолда, улар орасидаги диний бағрикенглик ва маданий умумийлик масаласи чуқур таҳлил этилмаган эди.

Марказий Осиёнинг суғдий ва туркий этнослари орасида **зардуштийлик эътиқоди** кўп асрлик (мил. авв. I минг йил. – мил. VIII–IX асрларгача) тарихга эга. Суғдийларнинг етакчи дини зардуштийлик<sup>342</sup>, суғд колониал ҳаракати орқали минтақага тарқалди. Хитой сайёҳи ва буддавий роҳиби Сюань Цзан (VII аср): «турклар оловга эътиқод қилишар эди. Шу боис улар ёғоч таҳтдан фойдаланмасдилар»,<sup>343</sup> - деб ёзганида эҳтимол туркийларнинг зардуштийликка бўлган эътиқодини назарда тутган.

568 йилда Еттисувга келган Византия элчиси Земархнинг ёзишича, элчилар Истами ябғу қароргоҳи олдида шарққа қараб чўккалаб ўтирганлар. Сўнгра бўри калласи тасвири туширилган байроққа таъзим бажо келтириб, ёниб турган олов билан покланганлар. Шундан сўнгтина Истами ябғу ўтирган улкан чодир – қароргоҳга кирганлар<sup>344</sup>. Бунда у турк-суғд умумийлигининг бир жиҳатини – туркларнинг тангричилик анъанаси: шарққа қараб ўтириш ва кўк бўри тотемига эътиқод ҳамда суғдийларнинг зардуштийликка хос бўлган муқаддас олов орқали покланиш удумлари синтезини кўрган эди.

Марказий Осиёнинг шимоли-шарқида макон топган муҳожир суғдийлар асрлар давомида маҳаллий туркийларга зардуштийликни тарғиб қилиб, биргаликда зардуштийлик ибодатини амалга оширганлар. Шарқий Туркистонда Суғддаги каби,

<sup>342</sup> Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cild I. – S. 49–50; Грене Ф. Знание яштов “Авесты” в Согда и Бактрии по данным иконографии // ВДИ. – 1993. – № 4. – С. 149–160.

<sup>343</sup> Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань Цзяня. – М.: Наука, 1991. – С. 5–6.

<sup>344</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн.1. – С. 84; Шювен П. Византийские посольства к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топономики). – С. 33.

эхром – “вағн” бунёд этилиб, коҳинлар – “вағнпатлар” диний амалларни бажо келтиришган<sup>345</sup>. Туркийлар самимий ва бағрикенг бўлгани боис, бирор-бир манбада тангричилик эътиқодидаги туркийларнинг бу жараёнга қаршилик қилинганлиги хақида маълумот учрамайди.

Суғдийлар орқали зардуштийлик ҳатто Хитойга ҳам кириб борди. Унинг элементлари Хитой тасвирий санъатида ўз аксини топди<sup>346</sup>. Дунъхуандан топилган Р 3929 рақамли хужжатда, сугдийлар оловга сифинишлари ва уларнинг ибодатхоналари борлиги зикр этилади. Бундан ташқари Шимолий Вэй сулоласи пойтахти Лояндаги муҳожир суғдий савдогарлар ўзларига зардуштийлик ибодатхонаси барпо этгандар<sup>347</sup>. Ҳатто хитойлар ва уларнинг маъмурияти ҳам суғдийларнинг диний эътиқодларига монеълик кўрсатишмаган.

Биринчи Турк хоқонлигига оид Буғут ёдномасини битган шахс зардуштий бўлиб, матн тузишда зардуштийлик атамалари (’swšwy’nt < av. Saošyant – кутқарувчи, βγ, βγyst – худо ва худолар)ни кўлланган. Матндаги k’w βγw s’r pwrsty (Б II, 10-12-қаторлар) – “У худодан сўради” жумласида тузувчи турк хоқони Таспар эътиқод қилган буддавийликни эмас, балки ўзи эътиқод қилган зардуштийликнинг олий илоҳи Ахура Маздани назарда тутган. Чунки, якка худоликни тарғиб қилувчи зардуштийликда βγ - худо жумласи асосан, Ахура Маздага нисбатан кўлланилган. Ёдгорликни битган суғдлик зардуштий ва уни битишга амр этган буддавий турк бир-бирига чуқур эҳтиром сақлаб иш тутган.

Муғ архивининг А-17, В-15 ва I.1 хужжатларида зардуштийлик билан боғлиқ жумлалар учрайди. I.1 хужжатидаги prn’m βγу δ’mδ’nk - “яратувчи худо номи билан” жумласи ўрта форсий зардуштий матнларида nami dadar Ohrmizd – “яратувчи Ормузд номи билан” жумласига мос келади. Қолаверса, Nov. 4 хужжатидаги: ZKn βγу ZY ZKn тудѓ’ nβ’nty жумласини – “худо (Ахурамазда) ва илоҳ Митра олдида қасамёд қиласман”<sup>348</sup>, - деб талқин қилиш мумкин.

Муғ архивининг I.1 рақамли хужжатидаги<sup>349</sup> араблар вакили Абдураҳмон ибн Субҳнинг Диваштичга мактубида (720-721 йиллар воқеалари) куйидагилар қайд этилган: “Мана кеча Нижитак (nuzytk) келди ҳамда коҳин Кўрчи (βγprt kwrcy) (келди).... Ахир ўзинг биласанки, Нижитак (nuzytk) ва коҳин Кўрчи (βγprt kwrcy) сенинг энг яхши (комил) дўйстларингдир ... ”, - дейилади. Мактубда номлари келтирилган Деваштичга яқин шахслар: суғдий Нижитак, туркий коҳин – вағнпат Кўрчи (Кўрчи)<sup>350</sup> (βγprt kwrcy) зардуштий коҳинлари бўлишган. Хусусан, Коҳин Кўрчи (Кўрчи) зардуштийликни қабул қилган туркийлардан бўлиб, коҳин – вағнпат - βγprt даражасига кўтарилган ва туркча Кўрчи (Кўрчи) – kwrcy деб юритилган. Айтиш мумкинки, зардуштийликни шу юртда яшаган суғдийлар ва туркларнинг умумий дини бўлган. Қолаверса, Суғд жамиятида зардуштийлик ибодатхонаси вакиллари – mγwprt – “мағупат” ва βγprt – “вағнпат”ларнинг нуфузи баланд ҳисобланган. Бироқ зардуштийлик туркийлар орасида ёппасига тарқалмаган. Чунки,

<sup>345</sup> Windengren G. Die religionen Iran. – Stuttgart, 1965. – S. 326.

<sup>346</sup> Jiang Boqin. The Zoroastrian Art of the Sogdians in China // China Archaeology and Art Digest. – 2000. – Vol. 4. – № 1. – S. 35–71; ib. An Iconological Survey of the Decorative Elements on the Zoroastrian Temple in Jeixiu, Shanxi // China Archeology and Art Digest. – 2000. – Vol. 4. – № 1. – S. 85–101.

<sup>347</sup> Хўжаев А. Сўғдийларнинг Хитойга бориб колиши. – Б. 42–43; Ўша. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 218.

<sup>348</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 133, прим. 18; СДГМ II. – С. 110–112, 162–163, 169.

<sup>349</sup> СДГМ II. – С. 108–114; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан ҳатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 33–37.

<sup>350</sup> Кўрчи / Кўрчи – аслида туркий “кўрчи” иборасини кўлланилган. Суғдийда “к” товуши учун маҳсус ҳарф белгиси йўклиги боис, матнда к – билан берилган. Туркий “кўр” – олов сақланадиган жой маъносини бераб, “кўрчи” – зардуштий “атарбан” – “олов сақловчи / кўриқловчи” маъносида, мантиқан вағнпат – βγprt маъносига мос келади.

туркийлар ўз динлари тангричилик, шомонлик ёки қам, буддавийлик, монийлик ва шарқ христианлиги – несторианликка ҳам эътиқод қилишган.

Суғддаги туркийлар ҳаётида зардуштийликнинг аҳамиятини Муғ архивининг Nov. 3 – “суғда никоҳ гувоҳномаси” ва Nov. 4 – “куёвнинг келин томон олдидағи мажбуриятлари”га оид ҳужжатлар акс эттиради<sup>351</sup>. Мазкур ҳужжатларда суғдий қиз – Дуғдғунча (лақаби Чата) – Вийуснинг кизи ва туркий Ўттакин<sup>352</sup> (лақаби Нидон) никоҳи қайд этилган. Ҳужжат “Қонунлар уйи”да, унинг бошлиғи Вахфуқан Вархуман (*wyw'k'n ZKn ғrym'n BRY*) ўғли ҳузурида бир қанча гувоҳлар иштирокида тузилган. Ҳужжатларда йигит ва қизнинг қайси дин ёки миллат вакили эканлиги қайд этилмагани ҳам Суғд жамиятига хос толерантлик белгиси эди.

Ҳужжатдаги Дуғдғунча еттисувлик суғдийлардан, Ўттакин эса, Суғднинг туркий такин (tkyn) наасабли мансабдорларидан бўлган. “Қонун уйи” (*bwntyn'k 's'ny*)нинг бошлиғи Вахфуқан Вархуман (*wyw'k'n ZKn ғrym'n BRY*) ўғли ва никоҳ битими гувоҳлари (Скатч Шиш ёки Ғифч ўғли - sk'tc ZK šy-ś /γy-γs BRY, Чахрин Рамч ўғли – сүг'ун ZK r'mc BRY, Шав Махак ўғли – š'w ZK m'γ'kk BRY ва котиб Рамтиш Ағушфарн ўғли – r'mtyš ZKn 'ywšprn BRY) барчаси зардуштийлик дини вакиллари эди. Nov. 3 нинг мантиқий давоми Nov. 4 да Ўттакин келин олдидағи ўз мажбуриятларини зардуштийликнинг бош илоҳларидан бири Митра – тудғ’ олдидағи қасам билан мустаҳкамлаб: “Митра гувоҳлигига қуидагиларни зиммамга оламан – rtβγ ZKn βyy ZY ZKn тудғ’ nβ'nty”, - дейди. Бу ҳужжат тузилган сана 710 йилнинг 25 марта Суғд календари бўйича “Тархун подшонинг 10 (Х) йили, масвуғич ойи (m'γy msβwγy), осмон руч куни (туд 'sm'n rwc) тузилган”<sup>353</sup>. Ўттакин ва Дуғдғунча никоҳи азалий турк-суғд муносабатидаги бир кўриниши бўлиб, бу никоҳ учун на этник ва на диний мансублик монелик қилмаган. Бу Суғд жамиятидаги диний конфессияларро ўзаро тушуниш ва эътироф руҳи ҳукмрон бўлганидан далолатdir.

Муғ архивида фрамандар Ўтт (prm'nδ'r 'wtt) шахси билан боғлиқ кўплаб ҳужжатлар учрайди.<sup>354</sup> Суғд, жумладан, Панч вилоятида юқори лавозим эгаси бўлган Ўттни ҳам зардуштийликни қабул қилган туркий эди, дейиш мумкин.

Туркий ва суғдийлар аралаш яшаган ҳудудлардан топилган оstadонлар мисолида<sup>355</sup> бу икки қавмнинг зардуштийлик таъсирида урф-одати ҳам синтезлашганигини кузатамиз. Ҳатто Ўтра Осиё зардуштийлиги Сосонийлар Эрони зардуштийлигидан фарқлаган. Эронда зардуштийлик расмий давлат дини мақомида, қатъий талаблар асосида ривожланган. Ўтра Осиёда эса, диний толерантлик негизида унга амал қилинган<sup>356</sup>. Суғд зардуштийлиги «маздачилик» ёки маздаясна дини<sup>357</sup> деб юритилади. Ўтра Осиё халқлари эътиқодининг асоси бўлган бу диний

<sup>351</sup> СДГМ II. – С. 17–45; Исҳоков М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Т.: Фан, 1990. – Б. 15–18; Ўша. Унтилган подшоликдан хатлар. – Б. 37–46.

<sup>352</sup> Ҳужжатлардаги туркий Ўттакин –'wttkyn исми ўзагида эхтимол зардуштийлик элементи “ўт – олов” –ётади.

<sup>353</sup> СДГМ II. – С. 21–26.

<sup>354</sup> СДГМ II. – С. 136–156; СДГМ III. – С. 29–38.

<sup>355</sup> 1886 йилда Н.И. Веселовский Афросиёбдан бўртма тасвири оstadон топиб, уни «мусулмон давригача бўлган лойли қабр» деб хисоблаб, у 1900 йилда фанги лотинча *ossuarium* – «сүяқдон» ёки «остадон» атамасини олиб кирди. Бундай оstadонларнинг дастлабкиси 1871 йилда Тошкент шаҳридан, сўнгиси 2001 йилда Тўйтепа яқинидан топилган. Қаранг: Бартольд В.В. Еще раз о Самарканских оссуариях / Соch. – M.: ИВЛ, 1966. – Том. IV. – С. 119–123; Ставиский Б.Я., Большаков О.Г., Мончадская Е.А. Пянджикентский некрополь // МИА. – M., 1953.– № 37. – С. 82–88; Аскаров А. Бешкапа оссуарийлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2001–йил. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ нашриёти, 2002. – Б. 33–38; Миносянц Б.С. Новые находки оссуарииев из Тойтепа. – С. 168–172.

<sup>356</sup> Якубовский А.Ю. Вопросы изучения пянджикенской живописи // Живопись древнего Пянджикента. Сб. статьей. – M.: Изд. АН СССР, 1954. – С. 21–22.

<sup>357</sup> Ставиский Б.Я., Большаков О.Г., Мончадская Е.А. Пянджикентский некрополь. – С. 82, 88; Исҳоков М.М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби // Авесто китоби – тарихимиз ва мънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Илмий – амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000. – Б. 7–22; Lurje P.B. Die Sprachen Zentralasiens in Vergangenheit und Gegenwart // Zentralasien. 13, bis. 20. – Wien, 2006. – S. 38.

қарашлар тизимида Ахурамазда, Митра, Нана каби илоҳаларга эътиқод алоҳида ўрин тутган<sup>358</sup>. Суғд жамияти этник ва диний муросанинг энг адолатли йўлидан боргани боис, бирор-бир манбада Суғдда рўй берган этник ва диний можаро ҳақида маълумот учрамайди. Хусусан, Хитой доимо ўз буддавий роҳибларини Ўрта Осиёга юбориб турган. Сюань Цзандан ташқари, Чжанг Чян, Бан ЧАО, Чжу Сишинг, Фа Сян, Сунг Юн Хуэй Шэнг, Шюан Занг Ву Кунг каби роҳиблар<sup>359</sup> турли мақсадларда Ўрта Осиёга ташриф буюришган. Қолаверса, минтақада кенг тарқалган дунё динларидан бири **буддавийлик** эди. Бу диннинг антик давр ва илк ўрта асрларда Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилганлигини қатор археологик ашёлар ва ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар тасдиқлайди<sup>360</sup>.

Турк хоқонлигига қадар Ўрта Осиё (Бақтрия ва Парфия) буддизмнинг Хитойга тарқалишидаги транзит худуд ҳисобланган. Тарғибот ишларида кўплаб ўртаосиёлик миссионерлар иштирок этган. Жумладан, манбаларда тарғиботчи-таржимонлар суғдлик Кан Мэнсян ва қанғлиқ Кан Цзюхай номлари зикр этилган<sup>361</sup>. Хитой тарихчиси Ван Чжилайнинг юэчжиларни дастлабки буддавий тарғиботчилари эди,<sup>362</sup> дейиши эса бу динни дастлаб юэчжилар қабул қилганлигини исботлайди.

IV–V асрларда буддавий адабиётларни хитой тилига ўирган таржимонлар орасида 16 та ўртаосиёлик: олтига юэчжей, тўртта парфиялик, учта суғдлик, иккита кучалик - тоҳар ва битта хўтанлик бўлган<sup>363</sup>. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Хитойга буддизм Ўрта Осиёдан, Шарқий Туркистонга эса Ҳиндистон – Қорақурум довонидан ўтиб келган<sup>364</sup>. Шарқий Туркистондаги суғдийларнинг бир қисми то моний дини вакиллари бу минтақаларга кириб келгунига қадар буддавийликка эътиқод қилишган. Монийлар кириб келгач, буддавий-моний динлари синтези рўй берган. Айниқса, буддавий санъат намуналарида монийлик таъсири кузатилади<sup>365</sup>. Бундан ташқари буддизм таъсирида санъат ва меъморчилиқда хинд, бақтрия ва эллин-рим анъаналарининг синтези кўзга ташланади<sup>366</sup>. Бу бой маданий меросдан минтақа халқлари қатори туркийлар ва суғдийлар баҳраманд бўлишган. Ўз навбатида уни яна такомилаштиришга хизмат қилганлар.

<sup>358</sup> Henning W.B. A Sogdian God. – Р. 250; ib. The date of the Sogdian ancient Letters // BSOAS. – 1965. – vol. XXVIII. – pt. 2. – Р. 250–252; Дьяконова Н.В., Смирнова О.И. К вопросу о культе Наны (Анахиты) в Согда // СА. – 1967. – № 1. – С. 74–84.

<sup>359</sup> Chavannes Ed. Voyage de Song Jun dans l' Udyana et la Gandhara (518-522) // BEFEO. – 1903. – Р. 379–471; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 146–166.

<sup>360</sup> Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории / Под ред. С.Л. Тихвинского, Б.А. Литвинского. – М., 1988. – С. 28–43, 67–72; Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara Jātaka // JA. – 1912. – ser. 10. – t. 19. – Р. 13–46; ib. A propos des dix premiers noms de nombre en sogdien bouddhique // MSL. – 1911. – t. 17. – Р. 23–34; ib. Le surta du religieux angles – longs // MSL, 1912. - t. 17. – Р. 9–14;

<sup>361</sup> Литвинский Б.А. Буддизм // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Этнос, язык, религия. – М., 1992. – С. 442–443.

<sup>362</sup> Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии. – С. 165.

<sup>363</sup> Brough H. Comments on Third century Shanshan and history of Buddhism // BSOAS. – 1965. – vol. 28. – № 3. – Р. 587.

<sup>364</sup> Литвинский Б.А. Буддизм и буддийская культура Центральной Азии (древность) // Московское востоковедение. Очерки, исследования, разработки. – М., 1997. – С. 57–59. Litvinsky B. Die Geschichte des Buddhismus in Ost-Turkestan. – Wiesbaden, 1999. – С. 37–39; Ставский Б.Я. Была ли Средняя Азия ретранслятором буддизма? // Эрмитажные чтения памяти В.Г. Луконина 1995–1999 гг. Тезисы докладов. – СПб., 2000. – С. 18–19.

<sup>365</sup> Согдийские фрагменты Центрально-азиатского собрания института Востоковедения. Факсимile / Изд. текстов, чтение, пер., предис., прим. и глоссарий А.Н. Рагоза. – М.: Наука, 1980. – 183 с.; Литвинский Б.А., Сиагина Е.Б. Манихейство // Восточный Туркестан в древности. – М., 1992. – С. 527–529.

<sup>366</sup> Пугаченкова Г.А. Бактрийско-индийские связи в памятниках искусства // Древняя Индия. Историко-культурные связи. – М., 1982. – С. 264; Виноградова В.В. О наименованиях буддийского пещерного монастыря на Кара-тепе в Старом Термезе // Санскрит в древнеиндийской культуре. – М., 1979. – С. 83–94; Мкртычев Т.К. Кувинский храм: проблемы интерпретации // Верования и культуры домусульманской Средней Азии. – М., 1997. – С. 39–41; Gimaret D. Bouddha et les bouddhistes dans la tradition musulmane // JA. – 1969. – vol. 257. – № 3. – Р.28-34; Menges K.H. Manichaeismus, Christentum und Buddhismus in Zentralasien und ihr gegenseitiges Verhältnis // CAJ. – 1991. –vol. 35/ – Р. 81–85.

Суғднинг ўзида буддавийлик кам тарқалган. Фақат тасвирий санъат намуналарида унинг белгилари кўзга ташланади. Панжикент деворий суратларида Майтрейи тасвири ва Будданинг ўтирган ҳолатини берувчи терракота шакли соф буддавий намуналардан фарқланиб, уларда суғдий ва буддавий анъаналари синтезини кузатиш мумкин<sup>367</sup>. Ўрта Осиёдаги буддавийлик хинд маданиятига “кўприк” вазифасини ўтаб, маданий алоқаларини кучайтиргани<sup>368</sup> алоҳида аҳамиятга эга.

Буддавийлик кенг тарқалган ҳудудлардан бири Шарқий Туркистон эди. Хитой манбаларига кўра, 713 йилда у ерда 5358 монастир ва 126100 роҳиб рўйхатга олинган<sup>369</sup>. VIII–XI асрларда Шарқий Туркистоннинг суғдий манзилгоҳларида кўплаб суғд-буддавий намунасидаги фалсафий-ахлоқий асарлар таржимаси пайдо бўлди.

Суғдийлар буддавийликни Биринчи Турк хоқонлиги қароргоҳи Ўрхун воҳасида, кейинчалик Турфон ва бошқа ҳудудлардаги туркийлар орасига тарқалишида ҳам иштирок этганлар<sup>370</sup>.

Туркий ҳукмдорлардан Мухан (554-574) буддавийликнинг тарқалишига изн берган бўлса, Таспар хоқон (574-581) унинг кенг ёйилишига шароит яратиб берди<sup>371</sup>. “Буғут ёдгорлиги”даги хоқонлик марказида буддавий сангҳа<sup>372</sup>нинг ташкил этилганлиги ҳақида маълумотлар шундан далолатдир. Битикнинг Б. II, 10-қаторда: «RBkw nwh snk’ ’wst – улуғ, янги сангҳани тикла», дейилган<sup>373</sup>. Бу сангҳани ё Таспарнинг ўзи жорий этган ёки Таспарнинг амри билан Махан тегин жорий этган бўлиши мумкин.

Хоқонлик ҳудудига буддавийлик анъаналарининг кириб келишида асосий транслятор вазифасини суғдий ва хинд миссионерлари ўйнаган. Улардан бири 574 йилда Чжоу ҳукмдори У-дининг қувғинига учраб, хоқонлик ҳудудидан паноҳ топган хинд миссионер-роҳиби Чиногупта бўлган. Буддавий матнларни таржима қилишда суғдий тил ва ёзув муҳим ўрин туттган<sup>374</sup>. Таспар хоқон учун баъзи буддавий сутра<sup>375</sup>лар турк тилига таржима қилди. Таржимонлик ва котиблик ишини, кўпроқ суғдийлар амалга оширган<sup>376</sup>. Бунда жамиятдаги билингвизм анъаналари муҳим ўрин туттган.

Хоқонлик аҳолисининг аксарияти бу даврда тангричилик – кўк-осмон билан боғлиқ, азалий – Ашина даври эътиқодида бўлишган<sup>377</sup>. Қолаверса, туркийлар тангричилик, зардуштийлик ва буддавийлика яраттувчига бўлган умумий эътиқодни тушунишган. “Буғут ёдгорлиги”да ҳам, Урхун битикларидағи каби хоқон ўз вазифасига кўра Тангри ва халқ ўртасидаги воситачи эканлиги таъкидланади. Чунки туркларнинг умумий диний эътиқоди йигирма йил (535-555) ичida уларни қабилалар иттифоқига бирлаштириб, қудратли давлат тузишларига имкон берган эди. VI асрнинг 70-йилларида Турк хоқонлиги халқлари ҳаётига зардуштийлик ва

<sup>367</sup> Marshak B.I., Rasporova V.I. Buddhist icon from Panjikent // Silk Road art and Archeology. 5. – Kamakara. 1997. – P. 98; Abdullaev K. Une image Bouddhique de'couverte a Samarkand // Archeology Asiatic. – 2000. – T. 55/ – P. 173–176.

<sup>368</sup> Литвинский Б.А. Буддизм в Средней Азии (проблемы изучения). – С. 199.

<sup>369</sup> Reischauer E.O. Ennin's Travels i T'ang China. – New York, 1955. – P. 225.

<sup>370</sup> Исҳаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты) // O'zbekiston tarixi. – 2000. – № 4. – С. 46.

<sup>371</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 133.

<sup>372</sup> Сангҳа (санскр.: sangha) – жамоа. Асосан буддавий роҳиблар хамжамиятига нисбатан қўлланилган. Қаранг: Роберт Ч. Истер. Буддизм. – С. 151.

<sup>373</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута.– С. 140.

<sup>374</sup> Gabain A. von. Buddhistische Turkenmission // Asratica Festschrift Friedrich Weller. – Leipzig, 1954. – P. 196.

<sup>375</sup> Сутра (санскр.: sutra) – Будда сўзларининг узвийлик, фикрлар тизимидан иборат матни. Қаранг: Роберт Ч. Истер. Буддизм. – С. 151.

<sup>376</sup> Gabain A. Von. Buddhistsche Turkenmission . – P. 196.

<sup>377</sup> Джумаганбетов Т.С. Культ тенгри как основа государственной идеологии древнетюркского каганата // Восток. – 2006. – № 2. – С. 119–126.

бuddaviiylik каби динларнинг кириб келиши ва улар ҳаётидан ўрин олиши диний ва миллий бағрикенглигидан ўзга нарса эмас эди.

Хоқонликдаги аксарият кўчманчи турклар тангричилик эътиқодига событ қолдилар. Чунки буддавийликдаги юмшоқлик ва мискинлик, туркий жангавор менталитетга хос эмас эди. Шу боис, Будда динини Билга хоқон (716-734) ва унинг вазири Тўнокуқ рад этишга журъат қилдилар<sup>378</sup>.

Муғ архивида эса Суғд ва Шарқий Туркистон алоқалари мисолида буддавийлик билан боғлиқ маълумотлар бор<sup>379</sup>. Жумладан, “Кўшни ҳокимликлардаги ахвол тўғрисида Деваштичга унинг айғоқчиси ёзган мактуб” – А-9 хужжатидаги: (1) ’rty ’sty ZK z-’w ZK kwc’nth ZY ”ум rty ZK mÿwn n’bw pr (2) pr-ym’ny руг нуз-’nt – Ва шундай овозалар борки, “хўжандликлар (?) (кучаликлар) ва айям (?) ҳамма халқ (2) мудофаа девори тепасига чиқди”, жумласидаги kwc’nthни М.М. Исҳоқов “хўжандликлар (?) ёки кучаликлар деб талқин этса<sup>380</sup>, В.А. Лившиц “кучаликлар” деб келтиради<sup>381</sup>. М.М. Исҳоқов матннаги ”ум иборасини айям (?) деб, В.А. Лившиц эса, “брахман динидагилар” деб изоҳлади. Қолаверса, М.М. Исҳоқов фикрича, юқоридаги жумлани В.А. Лившиц томонидан “и есть такой слух: кучинцы (?) ... и весь народ в брахманскую веру перешли (“вышли”)” каби таржима қилиниши мактубда баён этилган фактлар билан ва воқеаларнинг географик ўрни - Куча ва ундаги “ҳамма халқ брахман динига ўтганлиги” ҳақидаги хабар ўзаро сифишмайди. М.М. Исҳоқов гап Куча шахри<sup>382</sup> ҳақида эмас, балки Хўжанд ҳақида бормоқда деган қарорга келади<sup>383</sup>. Бироқ, В.А. Лившиц Куча дейиш учун асос сифатида Шарқий Туркистондаги муҳожир суғдийлар ва метрополия – Самарқанддаги суғдийларнинг ўзаро алоқаларини келтиради. Бундан ташқари Деваштич Хитой империясидан мадад сўрагани ҳам (В-17 хужжат) маълум. Эҳтимол Хитой императори Суғдга яқинроқ бўлган Куча шаҳридаги ҳарбий гарнizonни ёрдамга юборган<sup>384</sup>. Шу кучлар араб истилоси даврида суғдийларга ёрдамга келган. Қолаверса, хужжатидаги prym’ny руг - брахман динини жумласини буддавий pr’ym’ (санскр. Brahma) < pr’ymn < pr’mn - brahman, brahmana деб, изоҳлаш мумкин. М.М. Исҳоқов матн мазмунидан келиб чиқиб «браҳма дини» сўзини «мудофаа девори» деб талқин этган<sup>385</sup>. Бироқ матнни таҳлил қиласак, Суғдга Кучадан келган ёрдамчи куч браҳма (будда) дини вакиллари (муҳожир суғдийлар, туркийлар, саклар) ҳақида гап бораётгани англашилади. Қолаверса, VII–VIII асрларда Кучада браҳманизм эмас, хитойлик сайёҳ Сюань Цзан 630 йилдаги маълумотида, Куча ҳокимлигининг шарқидаги “худолар эхроми” – t’ien-ts’eu ва бу ердаги буддавий жамоалар ҳақида гап боради<sup>386</sup>. Аксарияти ўртаосиёлик бўлган Кучадаги буддавийлар 713-714 йилларда араб истилосига қарши қураш учун Суғдга келганлиги асос эга.

VIII–X асрларда Шарқий Туркистондаги турк-суғд буддавийлари томонидан ўнлаб диний-фалсафий, ахлоқий асарлар таржима қилинди<sup>387</sup>. Улар V–VI ва IX–X

<sup>378</sup> Усмон Турон. Туркий халқлар мағқураси. – Т.: Чўлпон, 1995. – Б. 13.

<sup>379</sup> СДГМ II. – С. 97–100.

<sup>380</sup> Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 48–49.

<sup>381</sup> СДГМ II. – С. 95.

<sup>382</sup> Куча (Kuṣa, хит. K’in-tche) VII аср бошларида Марказий Осиёдаги Хўтандан кейин иккинчи буддавийлик маркази эди. Куча мулки тутатилгач, (VII аср 50-йиллари) Хитойнинг Ань-си вилоятига қўшиб юборилиб, вилоятнинг йирик маъмурӣ маркази бўлиб колган. Қаранг: СДГМ II. – С.97.

<sup>383</sup> Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 4.

<sup>384</sup> СДГМ II. – С. 97.

<sup>385</sup> Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 49.

<sup>386</sup> Pelliot P. Tokharien et Koutcheen. – Рр. 50–56.

<sup>387</sup> Henning W.B. Mitteliranisch // HbO. – Leyden-Köln, 1958. – Abt.1. – Bd. IV. – Р. 20–130; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 354–358; Lurje P.B. Die Sprachen Zentralasiens in Vergangenheit und Gegenwart . – S. 44.

асрларгача амал қилинган “сутра хуснихати”да ёзилиб,<sup>388</sup> буддавий матнлар асли санскритдан эмас, хитойчадан<sup>389</sup>, айримлари тохар Б - Куча тилидан таржималар эди<sup>390</sup>. Фақатгина Vessantara Jataka матни суғд тилига бевосита санскрит тилидан ўгирилган<sup>391</sup>. Суғд-буддавий адабиёти таржимон ва котиблар орасида туркийлар ҳам бўлган. Жумладан, “Важрачхидика” – Vajracchidika матнини Қутлуғ – Qutlug исмли турк котиби кўчирган<sup>392</sup>. Буддавийликни тарғиб этиш ва бу динга оид матнларни таржима қилишда суғдийлар қатори туркийлар ҳам иштирок этган.

Шарқий Туркистонда буддавийлик Қорахонийлар давлатида (Х аср) ислом дини расман қабул қилингунга қадар сақланди<sup>393</sup>. Буддавийликнинг айрим жиҳатлари исломдаги сўфийликда ўз таъсирини ўтказган эди<sup>394</sup>.

Суғд-турк муносабатлари маънавий ва маданий синтезида антик даврда Ўрта Осиёга кириб кела бошлаган **христианлик динининг несториан оқими** ҳам муайян аҳамият касб этди.

III асрда Марвда, V асрда Самарқандда христиан жамоалари ва митрополияси вужудга келди<sup>395</sup>. Сўнгра суғдий несторианлар орқали Шарқий Туркистон (Кошғар)га ёйилди<sup>396</sup>. 196 йилда ёзилган сурёний манбаларига кўра, эфталийлар орасида христианлик II–III асрлардан тарқалган бўлиб,<sup>397</sup> арман манбаларида, 451 йилдаги Аварайр жангига, арманлар ва эфталийлар сосонийларга қарши “насронийлик қасами” билан сулҳ тузганлар<sup>398</sup>. Бу маълумотлар Ўрта Осиёда христианликнинг тарқалиши даврига аниқлик киритади. Самарқанд Суғди, Бухоро ва Чочга христианлик 412–720 йиллар орасида тарқалиб, епископия ва митрополия каби диний муассасалар ташкил қилинган<sup>399</sup>. Шулардан бири Самарқанд жанубидаги Шавдорнинг Вазкерд қишлоғида X асргача фаолият юритган<sup>400</sup>. Қишлоқнинг шимоли-шарқидаги қояда сурёний ёзув ва хоч тасвири,<sup>401</sup> сой жарликларидан топилган остодонлардаги хоч тасвири эса зардуштийлик ва христианлик ўртасидаги

<sup>388</sup> Henning W.B. Mitteliranisch. – Р. 55; Исхаков М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты) – С. 49.

<sup>389</sup> Weller F. Bemerkungen zur soghd. Vajracchaedika // AO. – 1936. – т. 14. – Р. 136; MacKenzie D. N. Buddhist terminology in Sogdian: a Glossary // AM. – 1971. – vol. 17. – pt. 1. – Р. 28.

<sup>390</sup> Кучада “тоҳарлар” (“тоҳар Б”) шеваси. Тоҳар тил шеваси А ва Б гурухларига бўлинган. Мазкур тил хинд-европа тилларига мансуб ўлик тил бўлиб, Корашар аҳолиси - ағнеанлар А гурухини, Кучаликлар Б гурухини ташкил қилган. Ёзма ёдгорликлари V–VIII асрларга оид. Қаранг: Иванов В.В. Языковые данные о происхождении кушанской династии и тохарская проблема // НАА. – 1967. – № 3. – С. 110–112; Levi S. Le Tokharien // JA. – 1933. – Р. 1–30; Pelliot P. Tokharien et Koutcheen. – Рр. 23–106; Bailey H.W. Thaugara // BSOS. – vol. VIII. – Р. 896–900), хитойлар, саклар, суғдийлар, хиндлар ва турклар яшаган (Bailey H.W. A Khotanese Text concerning the Turks in Kantsou // AM. – 1949. – vol. 1. – Рр. 28–52); Henning W.B. Sogdica. – London, 1940. – Р. 61; Hansen O. Die buddhistische Literatur der chotan-saken // HbO. – 1968. – Bd. 4. – Abschn. 2. – Р. 85, ann.1.

<sup>391</sup> Benveniste E. Vessantara Jataka. Text sogdian ed.,trad.,et com. – Paris, 1946. – 273 р.

<sup>392</sup> Müller F.W.K. Soghdische Texte I // APAW. – S. 32–106; Müller F.W.K., Lentz W. Soghdische Texte II // SPAW. – 1934. – vol. XXI. – S. 548; Reihelt H. Die soghdischen Handschriften reate des Brütschen Musoums, II. – Heidelberg, 1931. – Р. 71–75; Benveniste E. Notes sur les textes sogdiens bouddhiques du British Museum // JRAS. – 1931. – Р. 61–66.

<sup>393</sup> Grenet F. Zhan Guangha. The last refuge of the Sogdian Religion: Dunhuang in the Ninth and Tenth Centuries. // Bulletin of the Asia Institute. – 1996. – vol. 10. – Ss. 175–186; Содиков Қ. Туркий матнавислик тарихидан / Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б. 118.

<sup>394</sup> Klimkeit H.J. Buddhism in Turkish Central Asia // Humen. – 1990. – vol. 37. – fasc. 1. – Р. 56; Scott D. Buddhism and Islam: Past to Present Encounters and Intefaitl lusons // Humen. – 1995. – vol. 42. – № 2. – Р. 143–147.

<sup>395</sup> Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С.131; Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi’ne giriş. Cild I. – S .49.

<sup>396</sup> Буряков Ю.Ф. Христианство в Средней Азии в древности и средневековье / Культура народов Центральной Азии. Религия и демократия. – Самарканд: МИЦАИ, 1999. – С.12.

<sup>397</sup> Mingana A. The Early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East A New Document // Bulletin of the John Rylands Library. – Manchester, 1925. – vol. 9. – pt. 2. – Р. 301.

<sup>398</sup> Егише. О Вардане и войне армянской / История. Пер. Шаншиева. – Тифлис, 1853. – С. 79.

<sup>399</sup> Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 131.

<sup>400</sup> Бетгер Е.К. Извлечение из книги “Пути и страны” Абул Касыма ибн Хаукаля. – С. 18.

<sup>401</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. I. – С. 145; Его же. О христианстве в Туркестане в домонгольский период / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. 2 (2). – С. 287–288.

синтез элементларини кўрсатади. Кўштепадаги (Ургут яқинида) эхром комплексидан топилган хумда чўқинтириш маросими - бири ўтирган, бири тик ҳолда қўлида хоч ушлаган иккита эркак тасвирланган. Шу эхромда зардуштийларнинг оташдонларининг ҳам топилгани<sup>402</sup> бу ерда турли диний жамоалар ибодат қилганлигини кўрсатади. Айниқса, ер ости ибодатхоналари кўплаб қурилган<sup>403</sup>.

Бухоро Суғди ва Уструшонадан христиан дини тимсоллари туширилган буюмлар ва тангалар топилиши<sup>404</sup> ҳам бу дин тарқалган ҳудудлар кўламини белгилайди.

Ўрта Осиёга несториан оқимидан ташқари, “мулкийлар” оқими (Хоразм) таъсир ўтказган. Христианлар ўз динлари тарғиботидан ташқари, хукмдорларнинг саройларида табиб, олим ва тадбиркор сифатида ҳам давлат ишларида фаол иштирок этишган<sup>405</sup>. Бу эса Ўрта Осиёда барча дин вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатлигидан далолат беради. Фақат араб истилоси бу анъанага барҳам берди. Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухородаги Аттарон дарвозаси яқинидаги черков араблар томонидан бузилиб, ўрнига масжид қурилган. Уни Наршахий «оташпастлар калисиё (ибодатхона)си бўлган»<sup>406</sup> деб, ёзади.

Христианлик IV–VII асрларда туркий қабилалар яшайдиган ҳудудларга тарқалди. Жумладан, Тароздан топилган сурёний ёзуви идиш, IV–VI асрларга оид Қанқа харобаларида христианлар эхроми, хоқонлик маркази Суёбдаги Оқ Бешим харобасидан топилган черков харобаси<sup>407</sup>, Даشتி Ўрдакон қабристонидан топилган бронза хоч туширилган ва хумга дафн этилган қизча суяқ қолдиқлари ҳамда хум ташқарисида эгилиб турган хоч тасвири акс этиши<sup>408</sup> қабилар христианликнинг таъсир доирасини кўрсатади. Христианлик Илье III патриархлик килган XII асргача Навакат ва Кошгарда сақланиб турди<sup>409</sup>. IX–XI ва XII–XV асрларга оид сүфд-турк, сурёний-турк эпиграфик ёдгорликлари<sup>410</sup> христианликнинг Еттисувда узоқ сақланганлиги исботлайди. Уларнинг бу ерларда эхромлар ва черковлар қуришига туркийлар хукмдорлар ва турк-сүфд аҳолисининг монелик қилмагани ибратлидир.

Милодий I минг йиллик ўрталаридан христианлик Ўрта Осиё орқали Шарқий Туркистонга кириб борди<sup>411</sup>. VII–VIII асрларда Шарқий Туркистон ва Хитойдаги сүфдий ва туркий жамоалар орасида христианликнинг кенг ёйилишида диний адабиётлар катта ўрин тутган. Христианлик таълимотига оид асалар сурёний ёзуви

<sup>402</sup> Исхаков М.М., Ташходжаев Ш.С., Ходжайов Т.К. Раскопки Коштепе // ИМКУ. – Ташкент, 1977. – Вып. 13. – С. 88–97.

<sup>403</sup> Ер ости ибодатхоналари Карши воҳасининг Шайхали қўрғонидан, Қожартепа харобаларидан ва Култепа ёдгорлигидан, Тошкент воҳасидаги Илок маркази Тўнкентдаги Корхона манзилгоҳидан, Самарқанд Афросиёбининг гарбий кисмидан ҳамда Регистондан, Ўзган шаҳристонидан топилган бўлиб, улар VI асрнинг иккинчи ярми ва VIII аср бошларига оид хисобланади. Каранг: Раимкулов А. Подземные культовые сооружения христиан Средней Азии // Кадимги Қарши. Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 8–10.

<sup>404</sup> Иванецкий И.Д. Христианская символика в Согде // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. – Ташкент, 1994. – С. 64–70.

<sup>405</sup> Буряков Ю. Христианство в Средней Азии в древности и средневековье. – С. 12–13.

<sup>406</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 128.

<sup>407</sup> Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период (по поводу Семиреченских надписей). – С. 275, 287, 294; Борисов А.А. Сирийская надпись на сосуде из Тараза // Изв. АН Каз ССР, серия Археология. – 1948. – Вып. 1. – С. 105–108; Бернштам А.Н. Памятники старины Таласской долины. – Алма–Ата, 1949. – С. 21; Кысласов Л.Р. Археологические исследования на Ак Бешиме в 1953–1954 гг. // Тр. Кирг. АЭЭ. – Т.2. – М., 1959. – С. 231–233; Его же. Городская цивилизация срединной и северной Азии. – М.: Восточная литература, 2006. – С. 322–330.

<sup>408</sup> Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийцы в Семиречье. – С.128.

<sup>409</sup> Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период (по поводу Семиреченских надписей). – С. 275. Его же. К вопросу об языках согдийском и тохарском / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 213–224.

<sup>410</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – С. 75-84; Джумагулов Ч. Язык сиро–туркских (несторианских) памятников Киргизии. – Фрунзе: Илим, 1971. – С. 5–20.

<sup>411</sup> Богомолов Г.И. О христианстве в Чаче // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. – Ташкент, 1994. – С. 71–78; Сандра С.Ф. Христианство / Религиозные традиции мира. – Бишкек: Туран, 1997. – С. 283–428.

(эстронголо)да суғд тилига кўчирилган<sup>412</sup>. Диний матн намуналари Турфон воҳаси ва Булойиқдан топилиб, VI (576 йил) – X аср суғдий жонли мулоқот тилида ёзилган<sup>413</sup>. Яна бир христиан ёдгорлиги Кашмир ва Тибет чегарасидаги Ладакдаги қоятошда самарқандлик христиан Ношфарн 841-842 йиллар орасида қолдирган суғдий битик ҳисобланади<sup>414</sup>.

Ўрта Осиё диний муроса ва бағрикенглик, маданиятлар синтези учун қулай минтақа эканлиги христианлик мисолида ўз тасдигини топади.

Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё ва Марказий Осиё тарихида ўзига хос ўрин тутган Моний (216-276/277) таълимоти<sup>415</sup> ва у тарғиб қилган дин зардустийлик, буддавийлик, христианлик каби динлар синтези эди<sup>416</sup>. **Моний таълимоти** зардустийликдан дуалистик назарияни, христианликдан хоч тимсолини олди<sup>417</sup>. У нафақат янги дин асосчиси, шоир ҳамда 21-23 ҳарфли оромий ёзуви негизида 29 ҳарф белгили маҳсус ёзувга асос солган олим эди.

Аммо Моний қарашлари Эронда зардустий коҳинлар эътиrozига учраб, 275 йилда Баҳром I (275-282) фармони билан Моний зиндонга ташланиб, қатл этилди. Унинг тарафдорлари Эрондан қувғин қилинди. Натижада моний жамоалари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон (Кошғар)дан паноҳ топди. Ўрта Осиёда бу таълимоти Мар (Устоз) Аммо исмли шахс тарғиб қилган. IV асрда дастлабки моний ибодатхоналари – монастирлари пайдо бўлди. Таълимотнинг VI асрда туркийлар орасидаги тарғиботида самарқандлик Кан Сюань - Чан Мин (“Мангу ёғду”)нинг муносиб ҳиссаси бор эди<sup>418</sup>. Суғдийлар таъсирида Моний таълимоти Хитойга ёйилиб, 584 йилда Хитой шарқида моний жамоаларининг илк ибодатхонаси қурилди. 694 йилда эса бу таълимот пойтахт Чанъянгача етиб борди<sup>419</sup>.

600-йилда монийлар орасида бўлиниш рўй берди. Ўрта Осиёдаги динаворий (dēnāwarih) мазҳаби маркази Самарқандда эди<sup>420</sup>.

Марказий Осиёда бу дин Уйғур хоқонлиги, қадимги Хакас, Қирғиз ва Кимак каби туркий давлатларда то IX–X асрларгача сақланди<sup>421</sup>. Динлараро синтез маҳсули сифатида минтақа халқлари ҳаётида ўз ўрнини топди.

<sup>412</sup> Müller F.W.K., Lentz W. Soghdische Texte II. – S. 603; Benveniste E. Etudes sur quelques texts sogdiens chretiens II // JA. – 1959. – P. 111–123; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 132.

<sup>413</sup> Henning W.B. Mitteliranisch. – Рр.78 (Anm. 4), 105; Telegrdi S. Notes sur la grammaire de Sogdien chretien // JA. – 1938. – т. 230. – P. 56–64; Müller F.W.K., Lentz W. Soghdische Texte II. – S. 603; Sims-Williams N. The Sogdian fragments of the British library // ИJ. – 1976. – vol. 18. – P. 63–65; Пигулевская Н.В. Сирийские и сиро-туркские фрагменты из Харо-Хото и Турфана // Советское Востоковедение. – 1940. – № 1. – С. 213–234; Pigoulewskaya N. Fragments syroagues et syro-turcs de Hara-Hoto et la Tourfan // Revue de l’Orient chretien. – 1938. – ser. 3. – Т. X (XXX). – № 1–2. – P. 21–28.

<sup>414</sup> Müller F.W.K. Eine sogdische Inschrift aus Ladakh // SPAW. – 1925. – т. 21. – P. 13–19; Benveniste E. Notes sogdiennes IV // BSOAS. – 1938. – vol. 9. – pt. 3. – P. 502–505; Henning W.B. Mitteliranisch. – P. 54; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 138.

<sup>415</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 218; Togan A.Z.V. Ummû Türk tarihi'ne giriş. Cild I. – S. 49; Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии (древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). – Ташкент: Изд-во им. А. Кадыри. – Ташкент: 2000. – С. 57.

<sup>416</sup> Брагинский И.С. Иранское литературное наследие. – М.: Наука, 1984. – С. 106; Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. – С. 57.

<sup>417</sup> Кызласов Л.Р. Символ креста у манихеев и сакральное пространство города Суяба на реке Чу // Вестник МГУ. История. – 2006. – сер. 8. – № 2. – С. 138–150; Его же. Городская цивилизация срединной и северной Азии. – С. 219, 314–322.

<sup>418</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 184.

<sup>419</sup> Henning W.B. Two Manichaean magical texts // BSOAS. – 1947. – vol. XII. – pt. 1. – P. 49; ib. New Materialen zur Geschichte des Manichäismus // ZDGM. – 1936. – Bd. 90. – Н. 1. – P. 16–17; ib. A Sogdian fragment of the Manichaean Cosmogony // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – pt. 2. – P. 9–14; Кызласов Л.Р. Историко-культурное взаимодействие. – С. 13.

<sup>420</sup> Беленицкий А.М. Вопросы идеологий и культов Согда (по материалам пянджикентских храмов) // Живопись древнего Пянджикента. – М.: 1954. – С. 39–52, 62–81; Его же. Новые памятники искусства древнего Пянджикента. Опыт иконографического истолкования / Скульптура и живопись древнего Пянджикента. – М.: Изд. АН СССР, 1959. – С. 61–64; Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 139–140; Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 189.

<sup>421</sup> Кызласов Л.Р. История Южной Сибири в средние века. – М.: Наука, 1984. – С. 52–68; Его же. Историко-культурное взаимодействие. – С. 13–14; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 124–127; Исхаков М.

Йиллар давомида моний таълимотининг суғдий ва туркий кўлёзмалари вужудга келди<sup>422</sup>. VII асрда шарқий монийлик черковининг расмий тили суғдий тил бўлиб, барча каноник асарлар шу тилга таржима қилинди<sup>423</sup>. Моний таълимотида тасвирий санъатга алоҳида эътибор берилган. Дастлаб диний мазмундаги китобларда Моний талқинидаги сюжетлар акс эттирилган<sup>424</sup>. Бунинг таъсирини ҳатто Афросиёб, Варахша, Панжикент тасвирий санъати намуналарида ва ўрта асрлар даври Ўрта Осиё минатюра санъатида кузатиш мумкин.

Монийдан 10 та китоб (7 таси диний-таълимот асоси (канони) – ақоидларига бағишлиланган) сақланиб қолди. Унинг издошлари томонидан кўплаб турли мазмун ва мавзудаги асарлар яратилди<sup>425</sup>. Улар орасида 825-832 йилларга оид “Mahrnamag” (“Қүёшнома” – М I рақамли кўлёзма) катта аҳамиятга эга. Унда Тегин – Tegin каби туркий, Фрирам – Friram, Фарнвам – Farnvam, Зарғвич – Zarғvus, Сатуйан – Satyan, Махфарн – Maxfarn ва Хутпайон – Xūtpayān каби суғдий исмлар учрайди<sup>426</sup>. Монийнинг қатор асарлари<sup>427</sup> фанга маълум. Хусусан, суғдий асосда шаклланган уйғур ёзувлари тавбанома – “Хуастуанифт” асари нафақат диний-фалсафий балки, моний – турк адабиётининг ўзига хос ёдгорлиги ҳисобланади<sup>428</sup>. Асар ўрта-форс тилидан туркийга ўтирилган.

Суғд-моний матнлар ичида “Nafname” – “Халқнома” асари алоҳида ўринга эга. Унда Марказий Осиё халқлари: k’s’r – кошғарлик, γwδnyk – хўтандлик, ’kwcyk – кучалик, ’rkcyk – арка (қорашар)лик, mrk’yt – меркетлик, түкгүк – микриклик, p’rsyk – форслик, pwx’r – бухоролик, ’tgw’r’k – тохарлик, c’sp’u – чочлик, s̄wt’yk – суғдлик каби жаъми 21 элат ва қабилаларнинг номлари зикр этилган<sup>429</sup>. Бу VII–VIII асрлар Марказий Осиёнинг реал этник манзарасини беради. Умуман суғд-моний

Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты). – С. 46; Lurje P.B. Die Sprachen Zentralasiens in Vergangenheit und Gegenwart. – S. 43.

<sup>422</sup> Фридрих И. История письма. – М: Наука, 1979. – С. 166; Лоукотка Ч. Развитие письма. – М.: 1950. – С. 134.

<sup>423</sup> Кысласов Л.Р. Историко-культурное взаимодействие иранских и тюркских народов в Средней Азии (язык, письменность, религия) // Вестник МГУ. История. – 2004. – Серия 8. – С. 5–20.

<sup>424</sup> Луконин В.Г. Культура сасанидского Ирана / Иран в III–IV вв. Очерки по истории культуры. – М.: ИВЛ, 1969. – С. 74–81.

<sup>425</sup> Бу кўлёзмалар XX аср бошларида Турфон воҳаси, Кучча шаҳри, Туйок, Муртук, Сангин, Ёрхоро, Булойик шахарларидағи археологик қазишмаларда топилган. Қаранг: Boyce M.A. Catalogue of the dranian manuscripts in Manichean script in the German Turfan collection. – Berlin, 1960. – Р. 12–20; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 347–515; Язбердиев А. Книжное дело в древней Средней Азии (доисламский период) // Изд. АН Туркменистана. Центральная научная библиотека. – Ашгабад: Ылым, 1995. – 324 с.; Его же. Манихейское учение и книжное дело в Средней Азии в III–IV вв. // Изд. АН Туркменистана. Гуманитарные науки, 1992. – № 1. – С. 28–37. Моний диний матнлари тили И. Гершевич томонидан «Суғд-моний грамматикиаси» асарида таҳлил этилган. Қаранг: Gershevitch I. A grammar of Manichean Sogdian. – XVIII–XIV.

<sup>426</sup> Müller F.W.K. Mahrnāmag. Ein Doppelblatt aus einem Manichaischen Hymnenbuch // APAW. – Berlin, 1913. – S. 29–40; Benveniste E. Noms sogdiens dans un texte pehlevi de Turfan // JA. – 1930. – t. 217. – Р. 291–295; Rybatzki V. Titles of Türk and Uigur Rulers in the Old Turkic Inscription. – Р. 205–292; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 128.

<sup>427</sup> «Шобуракон», «Канз ул-аҳеъ», «Жабборлар ҳакида», «Сирлар китоби», «Авенгельон», «Кефалај», «Бунгоҳик» («Бунгоҳанг»), Монийнинг «Авенгельон» – «Инжил» асарнинг суғдча таржимасидан ва «Буюклар китоби»дан парчалар етиб келган. М-137, М-280 рақамли суғд-моний матнлар эса шеърий парчалар ҳисобланади. Қаранг: Henning W.B. Mitteliranisch. – Р. 94; ib. Sogdian tales // BSOAS. – 1945. – vol. XI. – pt. 3. – Р.465–487; Boyce M. The Manichaean literature in Middle Iranian // HbO. – 1968. – Abt. 1. – P.67–76; Boyce M. A catalogue of the Iranian manuscripts in Manichean script in the German Turfan collection. – Р.12–20; ib. A greader in Manichaen, Middle Peraian and Parthian. Texte with notes // Acta Iranica, 9. – Teheran-Liege.-1975. – Р. 12–14.

<sup>428</sup> Asmussen J.P. Xuastvanift // Studies in Manichaeism. Studia theologica Danica. – Copenhagen, 1965. – vol. 7. – Р. 11–234; Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 179; Дмитриева Л.В. Хуастуанифт. Введение, текст, перевод // Тюркологические исследования – М.–Л., 1963. – С. 214–232; Содиков К. Туркий матнавислик тарихидан. – Б. 135–139; Ўша. Турк-моний диний жамоаларида яратилган ёзма манбалар. Турк-моний шеърияти / Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2003. – Б. 81–89;

<sup>429</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней согдийской письменности Бухары // ВДИ. – 1954. – № 1. – С.154; Henning W.B. Sogdica. – Р. 8–11.

ёзма ёдгорликлари жамият, тарих, санъат, адабиёт, тиббиёт каби соҳаларни қамраб олган.

Ўрта Осиё аҳолиси ислом динини қабул қилгач, монийлар шиа ва исмоилия мазҳабларига таъсир этган<sup>430</sup>. Берунийнинг ёзишича, монийлар асосан ислом дини таъсиридан узоқ бўлган ўлкалардан паноҳ топган<sup>431</sup>. Шундай бўлса-да, илк ўрта асрларда ёйилган монийлик таълимоти минтақадаги туркийлар ва суғдийлар ҳаётида ўзига хос из қолдирди.

Минтақа шаҳарлари диний муроса ва бағрикенглик марказлари эди. Уларда турли динга эътиқод қилувчи аҳоли яшаган. Жумладан, Қораболғасун “шаҳар аҳолиси турклар ва оловга топинувчилар (зардуштийлар – А.О.) ҳамда зиндиқ (моний)лардан иборат”<sup>432</sup> бўлганлиги ҳамда X асрда ҳам Турфондаги бешта “бектегин” қишлоғи суғдийларга тегишли бўлиб, аҳолиси христиан, зардуштий ва сабий (моний ёки буддавий) динига эътиқод қилганлиги<sup>433</sup> турк-суғд муносабатларидаги ҳамжиҳатликни акс эттиради.

Минтақа халқлари маънавий ҳаётида ёзув маданияти муҳим аҳамият касб этди. Оромий ёзуви асосида мил. авв. V–III асрларда Ўрта Осиё маҳаллий 22 ҳарфдан иборат мустақил алифболар тизими вужудга келди<sup>434</sup>.

**Суғдийлар оромий ёзувининг уч хил ёзув туридан** (хусусий суғдий, моний ва сурёний) фойдаланганлар<sup>435</sup>. Ёзувларнинг моний ва сурёний шакли диний матнлар учун, “хусусий суғд ёзуви” эса буддавий матнлар ва девон хужжатчилигига кенг қўлланилди<sup>436</sup>. Бу ёзувнинг суғдий манзилгоҳлар орқали туркий халқлар орасида ёйилиши натижада VIII–IX асрларга келиб уйғур ёзуви шаклланди. Кейинчалик уйғур ёзуви таъсирида мўғул ва манжур ёзувлари тизими – галик ёзуви вужудга келди. Ундан эса ойрот ва бурят ёзувлари ҳосил бўлди<sup>437</sup>.

Марказий Осиёда суғд ёзуви IV–XI асрларда халқаро мақом даражасида бўлиб, туркий давлатларининг расмий хужжатчилигига қўлланилди. Минтақада турк-суғд икки ёзувлик ва **икки тиллилиқ** мухити яратилди<sup>438</sup>. Улкан худудда катта ҳажмдаги маданий ва маънавий меросга асос солди. Бу хитой, қадимги турк ва Хўтандаги эроний манбалар билан суғдий манбаларни қиёслаш имконини берди<sup>439</sup>.

**Суғдий ёзувдаги** энг қадимги намуналар милоднинг бошларига оид Ўрта Осиё танглари ва Дунъхуандаги соқчилик минорасидан 1906 йилда А. Стейн топган, қофоз ва ипакка ёзилган ўнта мактубдан иборат “Кўхна хатлар”dir. Хатлар

<sup>430</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 216–217.

<sup>431</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1–жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 242–243.

<sup>432</sup> Тургун Алмас. Уйтуры. Кн.1. – С. 138–139; Yoshida Y. On the Taxation System of the Pre-Islamic Khotan // Acta Asiatica. Bulletin of the Institute of Eastern Culture. Japanese Studies in the History of Pre-Islamic Central Asia. – Tokyo, 2008. – P. 95–126;

<sup>433</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 190.

<sup>434</sup> Tedesco P. Ostiranische Nominalflexion // ZII. – 1926. – Bd. 4. – P. 94–166; Исҳоков М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тарақиёти масалалари / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 3–143; Ўша. Абадий ўчмас битиклар. Қадимги ёзувларимиз маданиятимиз белгиси / Миллӣ тикланиши. 1995, 20-май. – Б. 2.

<sup>435</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 368; Исҳоков М.М. Уч алифболи ёзув // Фан ва турмуш. – 1983. – № 3. – Б. 18–19.

<sup>436</sup> Мокрынин В.П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI–VIII вв. – С. 156; Lurje P.B. Die Sprachen Zentralasiens in Vergangenheit und Gegenwart . – S. 47.

<sup>437</sup> Дъяконов И.М. Письмо / Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1990. – С. 377.

<sup>438</sup> Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 136; Ein iranischen sprachdenlamal aus der nordlichen Mongolei // SPAW. – 1909. – № 5. – S. 726–730; Подушкин А.Н. Новые памятники письменности культуры Южного Казахстана // Shygys. – 2005. – № 2. – С. 133–139.

<sup>439</sup> Лившиц В.А. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии. – С. 52–58; Исҳаков М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты). – С. 46; Ахунжанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. – С. 57.

самарқандлик муҳожир томонидан Суғдга юбориш учун мўлжалланган эди<sup>440</sup>. Ёзилиш санаси Г. Райхельт фикрича, II асрларда, В.Б. Хеннингга кўра, IV асрларда, Я. Харматта бўйича 196 йил билан белгиланади. Бизнингча, В.Б. Хеннинг белгилаган 312-313 йиллар санаси<sup>441</sup> асосли кўринади.

Суғдий матнлар жанри хилма-хил бўлиб, уларда зардуштийлик алқовларидан, туркий дуоларгача акс этган<sup>442</sup>. Бу турк-суғд маданий ва маънавий якинлигининг ифода эди.

Суғд тили ва ёзуви туркийлар орасида кенг тарқалган эди. Жумладан, туркий котиб *Qutlug'* – Кутлуғ суғд-буддавий ёдгорлиги “*Vajracchedika*”ни суғдийда кўчиргани матндаги пр’γṣṭy γwtl’γ γурб dstwβry – “Кутлуғ томонидан ўз кўли билан ёзилди” жумласида келтирилади<sup>443</sup>.

Суғдда эса суғдий тил ва ёзув қаторида туркий тил ва ёзув ҳам амал қилган. Муғ архивида туркий тил ва ёзувли матнлар топилгани<sup>444</sup> Суғдда, хусусан Деваштич саройида туркий тил эгалари (фрамандор Ўтт каби) хизмат қилишганини ва туркий тил амалда қўлланганини исботлайди.

Кўп асрлик турк-суғд муносабатлари VI–IX асрлардаги туркий давлатлар тарихига оид “Буғут ёдгорлиги”, “Қораболғасун битиклари”, Сэврэй-сомон мармар қоясидаги вертикал ёзув, Тайхир-чўлун қоясидаги ёзувлар, Тераксой ва Кулонсой дараларида XI аср – 1025 йилга оид “келиб–кетувчилар”га даҳлдор битикларда ўз аксини топган<sup>445</sup>.

Суғдий ёзув туркий ёзув анъанасининг икки йўналишига: руний ва уйғур ёзувига асос солди. Бунда суғд ёзуви асоси – оромий ёзуви белгиларини акс эттирган янги ёзув шакллантирилди<sup>446</sup>. Аммо руний ёзувнинг мустақил шаклланганлиги хусусидаги қарашлар ҳали бу масалани очиқ қолганлигини кўрсатади. Аммо

<sup>440</sup> Sims-Williams N. Ancient Letters. Encyclopedia Iranica / 1. ed. E. Yarshater. – London, 1985. – vol. II. – P. 7–9; ib. The Sogdian Ancient Letters: 1, 2, 3 and 5. Shool of Oriental and African studies University of London. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts.html>.

<sup>441</sup> Reichelt H. Die soghdischen Handschriftenveste des Britischen Museums II. – Ss. 1–56; Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – pt. 3–4. – P. 601–615; ib. The date of the Sogdian Ancient Letters. – Pp. 250–252; Henning W.B. Mitteliranisch. – S. 52–56; Лившиц В.А. Иранские языки народов Средней Азии // Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 1. – М., 1962. – С. 135–136.

<sup>442</sup> Шеърий парчалар, тошларнинг табиий ва тиббий хоссалари орқали бажариладиган амалларнинг қадимий туркий дуоларига яқин жиҳатлари ва ҳатто Авесто яштларидаги шамол худосига алқови мазмунлари (Р–3 хуж.) акс этган. Р–3 хуж. – Nwbwsth – “Тўққиз китоб” ёки “Янги китоб”да қадимги турк, Авесто ва буддавий анъаналарини ифодаловчи атамалар кўлланилган. Каранг: Henning W.B. Mitteliranisch. – S. 85; Исҳаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-тюркские контакты). – С. 47; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 354; Benveniste E. Textes Sogdiens. – Paris, 1940. – P. 59–73, 148, 203–219; Henning W.B. The Sogdian Texts of Paris // BSOAS. – 1946. – vol. 11. – pt. 4. – Pp. 714, 729; Hennigh W.B. A Sogdian god. – P. 253; Henning W.B. Mitteliranisch. – Pp. 85, 108.

<sup>443</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 357; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 126, прим. 44; Müller F.W.K., Lentz W. Soghdische Texte II. – S. 548.

<sup>444</sup> СДГМ II. – С. 222.

<sup>445</sup> Ядренцев Н.М. Путешествие на верховье Орхона, к развалинам Каракурума // Изв. Вост. Сибир. отд. геог. общ. – СПб., 1889. – т. 26. – вып. 4. – С. 257–272; Hansen O. Zur sogdische Inschrift auf dem drie sprachigen Denkmal von Karabalgasun // Journal de la Société Finno-Ougrienne. – 1930. – т. 44. – фacs. 3. – С. 3–39; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 121–146; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Сэврэйский камень // СТ. – 1971. – № 3. – С. 106–112; Лившиц В.А. Согдийская надпись из Семиречья. Лингвистические и эпиграфические свидетельства // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока: доклады и сообщения 15-й научной сессии ЛО ИВАН СССР. Часть 1 (2). – М., 1981. – С. 79–87; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 364; Джумагулов Ч. Эпиграфика Киргизии. Вып. 1. – Фрунзе, 1963. – 203 с., рис. 24; Его же. Эпиграфический памятники Киргизии // Памятники Киргизстана. Вып. 1. – Фрунзе, 1970. – С. 43; Кожемяко П.Н. Оседлые поселения Таласской долины. – С. 145–172; Сыдыков С. Древние надписи в ущельях Кулан-сай и Терек-сай // Материалы по общей тюркологии и дунгановедению. – Фрунзе, 1976. – С. 102–106, рис. 1–6; Yoshida Y. Some New Readings of the Sogdian Version of the Kara Balgasun inscription // Documents et archives de l' Asie Central. – Paris, 1988. – P. 117–123.

<sup>446</sup> Müller F.W.K. Neutestamentlich Bruchstücke in soghdischer Sprache // SPAW. – 1907. – т. 24. – P. 43–65; Исҳаков М.М. Қадимги туркий ёзув қанчалик қадимий // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995, 20 – май. – Б. 2.

Шимолий Европага хос “руний ёзув”<sup>447</sup> ибораси қадимги туркий ёзувга даҳлийўк<sup>448</sup>. Чунки XIX– XX асрларда олиб борилган тадқиқотлар қадимги турк ёзувининг маҳаллий ёзув эканлигини ва унга қўшни халқлар (суғдийлар) таъсири бўлганлини кўрсатди<sup>449</sup>. В. Томсен, турк ёзувини финикий алифбоси асосида шаклланган ёзув деб ҳисоблаб, ундаги белгиларнинг сомий – паҳлавий ёзув белгиларига мослиги билан изоҳлади. Р. Готьо эса қадимги туркий ёзувни “Кўхна хатлар” матнидаги ёзувлар билан қиёслаб, уларни яқин эканлигини таъкидлади<sup>450</sup>.

Туркшунос Е.Д. Поливанов фикрича, турк алифбоси, маълум бир босқични босиб ўтиб, шу кўринишда бизгача етиб келган. Ёзув шакли, фонетикаси, шу худудга хосдир<sup>451</sup>. Туркий тил шимолий (туркий-сирлар), жанубий (уйғур) ва шу икки лаҳжа аралашган диний (моний ва буддавий) матнлар тили асосида шакллангани<sup>452</sup> боис ёзув ҳам шунга мослаштирилган.

А.С. Аманжолов туркий алифбони мил. авв. 1-минг йиллиқда қадимги юонон ва шимолий семит-финикий ҳамда жанубий семит алифболарига боғлайди<sup>453</sup>. Аммо Р. Готьо, В. Томсен ва В.А. Лившиц, М.М. Исҳоков кабилар бу ёзув VI–VII асрларда суғд ёзуви таъсирида шаклланган десалар,<sup>454</sup> Ж. Клосон қадимги турк ёзуви илдизини суғд-баҳтар-паҳлавий ёзувлардан излайди<sup>455</sup>. Туркшунос С.Г. Кляшторний қадимги туркий ёзувини бевосита суғдий ёзуви билан боғлаб, туркий алифбо график шакллари жиддий ўзгаришлар ва қўшимчалар қабул қилган ҳолда туркий тил фонетикасига мослаштирилган<sup>456</sup> деб, изоҳлади. В.А. Лившиц шу фикрни қўллаб, туркий ёзув асосан монументаль, яъни тош битикларга мослашганлигига ва 583–588 йилларда битилган “Буғут ёдгорлиги”<sup>457</sup> асосида VI асрғача туркий ёзуви шаклланмаганлигига эътиборни қаратади<sup>458</sup>. Бошқа бир тадқиқотчилар туркий битикларнинг VIII–X асрларга оид қисмини ёзув шакланиш даврига асос қилиб олганлар<sup>459</sup>. Бизнингча, қадимги турк ёзуви V–VI асрлардан мустақил ривожланиб, ўз тараққиётида суғдий ёзув элементларидан унумли фойдаланган. Чунки туркий ёзув классик суғдий ёзувидан фарқланади.

<sup>447</sup> Tomsen V. Inscriptions de l’Orkhon // MSFOU. – 1896. – vol. V; ib. Ein Blatt in türkischen ‘runen’ – schrift aus Turfan // SPAW. – 1910. – P. 296–306; Heikel A. Inscrifions de l’Orkhon recueillies par expédition finnoise 1890. – Helsingfors, 1892. – tabl. 57–61; Аманжолов А.С. К генезису тюроко-рунических надписей // ВЯ. – 1978. – № 2. – С. 17–24; Его же. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности: Автoref. дисс. .... докт. филол. наук. – Алматы, 1975. – 71 с.; Clauson G. The origin of the Turkish “runic” alphabet // Acta Orientalia. – Kopenhagen, 1970. – vol. 32. – P. 615–675; Клосон Дж. Происхождение тюркского «рунического» письма // Зарубежная тюркология. Вып. 1. – М.: Наука, 1986. – С. 35–158.

<sup>448</sup> Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности // СТ. – 1978. – № 4. – С. 84–98.

<sup>449</sup> Исҳаков М.М. Палеографические изучение согдийских письменных памятников: Дисс. ... докт. ист. наук. – Лист. 108; Его же. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД. 2009. – С. 77–85.

<sup>450</sup> Thomsen V. Insscriptions de l’Orkhon // MSFOU. – 1896. – vol. V. – P. 14–32; Andears F.C. Zwei soghdische Exkurse zu Wilhelm Thomsens: Ein Blatt türkischer Runenschrift // SPAW. – 1910. – Н. XV. – S. 307–314; Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древнетюркские памятники в Кошо-Цайдаме // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Том IV. – СПб., 1897. – С. 47–59; Gauthiot R. De l’alphabet sogdien // JA. – 1911. – ser. 10. – t. 17. – Pp. 81–85.

<sup>451</sup> Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. – С. 84–98.

<sup>452</sup> Щербак А.М. П.М. Мелиоранский и изучение памятников тюркской письменности // ТС. – 1972. – М.: Наука, 1973. – С. 24–35; Насилов Д.М. О лингвистическом изучении памятников тюркской письменности // ТС, 1972. – М.: Наука, 1973. – С. 62–67; Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.) – С. 46–47.

<sup>453</sup> Аманжолов А.С. К генезису тюроко-рунических надписей. – С. 17–24.

<sup>454</sup> Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 122–123; Исҳаков М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты). – С. 47; Его же. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – С. 77–85.

<sup>455</sup> Clonson G. The origin of the Turkish “runu’s” alphabet. – P. 623–651; Клосон Дж. Происхождение тюркского «рунического» письма. – С. 145–152.

<sup>456</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – С. 94–100.

<sup>457</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 21–46.

<sup>458</sup> Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. – С. 84–98.

<sup>459</sup> Кызласов Л.Р. Новый памятник енисейской письменности // СЭ. – 1965. – № 2. – С. 104–113; Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. – С. 89–94.

Қадимги турк ёзувига сүғд ёзувининг таъсирига мисол ҳарфий белгиларнинг графемо-фонетик мослигидир<sup>460</sup>. Агар турк-сүғд муносабатларининг кўп асрлик тарихга эга эканлигини эътиборга олсак, “сүғдча фараз” табиийдек кўринади. Туркийлар 22 алифболи сүғд ёзувини ўз фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб 42 тага етказганлар<sup>461</sup>. Умуман олганда, сүғдий ёзув асосидаги туркий ёзув тизими асосан тош битиклар ёзишга мослаштирилиб, туркий тили шеваларидағи фонетик қоидаларига бўйсундирилган<sup>462</sup>. Туркий ёзув намуналари нафақат, Марказий Осиё, балки Еттисув ва Ўрта Осиёдан ҳам топилмоқда<sup>463</sup>. Айниқса, XX асрнинг 70-йилларида қозоғистонлик археолог К. Акишев Алмати яқинидаги Иссик қўрғонидан мил. авв. 1 минг йиллик ўрталарига мансуб қабр сиртига Урхун ёзувларига ўхшаш, лекин ўзига хос икки қатор ёзув битилган кумуш косача топиб, уни фанга “Иссик ёзуви” деб, киритди<sup>464</sup>. Афғонистоннинг Даشت Навуридаги Сурхондарё ва Амударё ҳавзасидан топилган номаълум ёзувлар (мил. авв. II ва мил. I-II асрлар) санаси туркий ёзувни сүғдий ёзув билан тенгдош эканлигини кўрсатади. Қолаверса, қадимги туркий ёзувлар (милодий VII-X асрлар) ва кейинги йилларда топилган ёзувлар (мил. авв. I ва милодий I-II асрлар) ўртасидаги умумий илдиз мавжуд. Агар парфия, хоразм ва сүғд ёзувлари каби туркий ёзув ҳам Олд Осиёнинг қадимий ёзув аньналари асосида ўзига хос тараққиёт йўлидан шаклланган ва ривожланган<sup>465</sup> деб, ҳисобласак, бу ёзув маданияти илдизларини аниқлаш борасида ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатади. Бундан ташқари, туркийлар ва сүғдийларнинг араб ёзуви жорий қилингунига қадар руний, сүғдий, уйғур, моний, брахма, сурёний каби ёзувлардан фойдаланганлариди<sup>466</sup>, уларнинг юксак билим даражаси ва маънавий салоҳиятидан дарак беради.

Гарчи ҳозирда сүғдий тил ўлик тил ҳисобланса-да, бу тилнинг диалекти ҳисобланган Яғноб водийси аҳолисининг тили – янги сүғдий тил сифатида фанга

<sup>460</sup> Исхаков М.М. Палеографическое изучение согдийских письменных памятников. – С. 114; Его же. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – С. 77-85.

<sup>461</sup> Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. – С. 86-87.

<sup>462</sup> Габен фон А. Культура письма и печатание у древних тюроков // Зарубежная тюркология. – Вып. 1. – М.: Наука, 1986. – С. 159-190.

<sup>463</sup> Тұргаш хоқонлиги даври – VIII асра оид турк ёзуви намуналари XX асрнинг 30-йилларида Таласнинг Күчкор водийларидан топилган бўлса, кейинги йилларда Тоғикистоннинг Исфара туманидан, Фарғонанинг Қубо шахри хароболаридан, Панжикентдаги Муг кальяси архивидан, Сурхондарёнинг Кампиртепа, Кўштепа, Кўхна Термиз харобаларидан (мил. авв. I – мил. I асрлар) ва Андижоннинг Лўмбитепа ёдгорлигидан (V-VI асрлар) ҳам қатор турк-руний ёзув намуналари топилди. Қарант: Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – С. 111; Худяков Ю.С., Табалдиев К.Ш., Солтабаев О.А. Комплекс памятников с руническими надписями в местности Кок-сай в Кочкорской долине на Тянь-Шане // Археология, этнография и антропология Евразии. – 2002. – № 3 (11). – С. 124–131; Табалдиев К.Ш., Солтабаев О.А. Рунические надписи Кочкарской долины // Изв. Нац. АН Кыргызской Республики. – 2001. – № 1. – С. 68–73; Кляшторный С.Г. Всадники Кочкорской долины // Евразия сквозь века. – СПб.: Б.И., 2001. – С. 213–215; Аманжолов А. К интерпретации Чуйских рунических надписей // Байыркы кыргыз тарыхынын суткалдуу проблемлары: Эларалык илмий конгресстим ворунун тезистери. – Бешкек: Б.И. 2001. – С. 97–100.

<sup>464</sup> Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда // Эпиграфика Востока. – 1951. – № 5. – С. 65–75; Батманов И.А. Таласские памятники древнетюркской письменности. – Фрунзе: Илим, 1971. – С. 27–31; Лившиц В.А. О происхождении древнетюркской рунической письменности. – С. 88; Джумагулов Ч. Эпиграфика Киргизии. – С. 16–18; Кляшторный С.Г. Новые открытия древнетюркских рунических надписей на Центральном Тянь-Шане // Изв. Нац. АН Кыргызской Республики. – 2001. – № 1. – С. 73–75; Кормушин И.В. К палеографическим особенностям талассских надписей // Байыркы кыргыз тарыхынын суткалдуу проблемлары: Эларалык илмий конгресстим ворунун тезистери. – Бешкек: Б.И. 2001. – С. 94–97; Исҳоқов М. Қадимги туркий ёзув қанчалар қадимий? – Б. 2; Ўша. Тарихий жараён ва холислик мезони // Тафаккур. – 1999. – № 1. – Б. 23–29; Рахмон Н. Иссик ёзуви // Мулокот. – 1994. – № 11–12. – Б. 50; Рахмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Б. 40–44.

<sup>465</sup> Исҳоқов М. Қадимги туркий ёзув қанчалар қадимий? – Б. 2.

<sup>466</sup> Исҳоқов М., Содиков Қ. Китоб маънавият кўзгуси // Тафаккур. – 1996. – № 4. – Б. 31; Henning W.B. Sogdian loan-words in New-Persian // BSOS. – 1939. – vol. 10. – pt. 1. – P. 93–106; Osawa T. Aspect of the Relationship between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a stone statue with Sogdian Inscriptoin in Xinjiang // Ėrān ud Anērān. Studies Presents to B.I. Maršak on the Occasion of His 70 th Birthday. – Venezia, 2006. – P. 471–504.

маълум<sup>467</sup>. Афсуски, яғнобийлар тили шу кунларда тожик тили мухитида аста-секин йўқолиш арафасида.

Турк-суғд маданий алоқаларида **шахарсозлик** алоҳида ўрин тутади. Суғдийларнинг савдо фаолияти ва манзилгоҳлар ташкил этиши III–V ва VII–VIII асрларда дастлаб Еттисувда туркий шахарсозлик маданиятига таъсир этди.<sup>468</sup> Археологлар Чу водийсидан V–VI асрларга оид маданий катлам топиб,<sup>469</sup> уни водий шахарларида хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик билан банд бўлган суғдийларга боғлашади. Суғдий манзилгоҳлари йирик турк-суғд шахарларга айланиб борди<sup>470</sup>. Илк ўрта асрларда айниқса, Чочда<sup>471</sup> ва суғдий манзилгоҳлар ва туркий қишлоқлар асосида Буюк Ипак йўли бўйлаб яна ўнлаб шахарлар<sup>472</sup> бунёд этилди.

Ўйғур хоқонлиги даври (745–840)даги шахарлар, хусусан, пойтахт шахарлар Ўрта Осиё шахарсозлик маданияти услубида қурилган. Жумладан, Ўрдўбалиқ, Селенга бўйида Баёнчўр (747–759) томонидан курдирилган Бойбалиқ, Буғу хоқоннинг (759–779) бўйруғи билан Урхун дарёси бўйида Балиқ, Ўйғурбалиқ, Қораболғасун, Хангай қароргоҳи ва Тувадаги шахар қалъалари қад ростлади<sup>473</sup>. Хемчик ва Улуғ Хем (Енисей) водийларида Элтутмиш Билга хоқон бўйруғи билан 750–751 йилларда хакаслардан ҳимояланиш мақсадида суғдлик меъморлар ва қурувчилар томонидан Ўрта Осиё анъанасида мудофаа девори тикланиб, бу шахар Кемижкет деб номланди<sup>474</sup>. Шахар қўрғонлар кенг мудофаа деворлари билан, қўрғонлари ичидаги қалъя эса алоҳида девор билан ўралган. Шахарлар атрофида Ўрта Осиё услубида боғлар бунёд этилган.

Бу шахарлар йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, савдо-тижорат ва маданий марказлар сифатида турк-суғд манфаатларига хизмат қилган.

Маданий симбиоз **тасвирий санъатда** ҳам акс этди. Турк-суғд ҳамжамияти ҳаётини ифодаловчи Афросиёб, Варахша, Панжикент, Кушония ва Турфондаги деворий суратларда эпик сюжетлар, сарой ҳаёти ва жамияти турмуш тарзи диққатга сазавордир. Афросиёбда акс эттирилган ҳар бир саҳна тасвири тарихий воқелик, бадиий сюжетлар, турли анъана ва маросимларнинг ифодасига бағишлиланган<sup>475</sup>. Персонажлардаги кокилдор турк жангчилари пешонасини шойи тасма билан боғлаб олингандар<sup>476</sup>. Улар Суғд ихшиди Вархуман (655–675)нинг тан соқчилариdir. Буни В.Л. Вяткин туркларнинг Суғддаги юксак ўрни сифатида баҳолаган<sup>477</sup>. Панжикент тасвиirlарида ҳам шу каби манзарани кузатамиз<sup>478</sup>. Жанубий Қозогистоннинг

<sup>467</sup> Андреев М.С., Пещерева Е.М. Ягнобские тексты (с приложением ягнобско-русского словаря. Сост. М.С. Андреев, В.А. Лившиц и А.К. Писарчик) – М.–Л.: Наука, 1957. – 354 с.

<sup>468</sup> Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья // КСИИМК АН СССР. – М.–Л., 1940. – С. 34–42.

<sup>469</sup> Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – 168 с.

<sup>470</sup> Кызласов Л.Р. Городская цивилизация срединной и северной Азии. – С. 219–350.

<sup>471</sup> Бинкат, Шутуркет, Чинончкет, Унжакет, Харашибет, Нукет, Банакет, Тўнкет, Тўккет, Нужет, Фарнкет кабилар. Каранг: Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача. – С. 11–20.

<sup>472</sup> Исфижоб, Жувикат, Новкат, Субаникет, Хамукет, Манкет, Суткент, Жанкент, Новқат, Ўзганд каби суғдий ва туркий, Карноқ, Бешбалиқ, Бойбалиқ, Жўйинок, Корашар, Қорасув, Оқсув каби туркий номдаги шахарлар вужудга келган. Каранг: Ал–Истахри. Китаб масалик ал–мамалик / Пер. с перс. З.Н. Ворожейкиной // МИКК. – Бишкек, 2002. – С. 29–40; Рысбергенова К.К. Древние топонимы по маршруту «Великого Шелкового пути». – С. 141–148; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – С. 77–112.

<sup>473</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии. – С. 258; Алмас Тургун. Ўйгуры. Кн. 1. – С. 138.

<sup>474</sup> Кызласов Л.Р. Культура древних уйголов (VIII–IX) // Археология СССР. Степи Евразии в эпоху средневековья. – М., 1981. – С. 52–54.

<sup>475</sup> Альбаум Л.И. Новые раскопки Афрасиаба. – С. 83–89; Гюль Э.В. Турк-суғд маданий муштараклик самарааси масаласига доир // San'at. – 1999. – № 3. – Б. 8–9.

<sup>476</sup> Chavannes Ed. Documents sur les Tou-kiue (turcs) occidentaux. – Р. 194; Мокрынин В.П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI–VIII. – С. 159.

<sup>477</sup> Вяткин В.Л. Афрасиаб–городище былого Самарканда. – Т.: Ўздавнашр, 1929. – 226 с.

<sup>478</sup> Marshak B. I. Les Fouilles de Pendjikent // Comptes Rendus de l'Académie des Inscriptions et Bekkes Letters. – 1990. – Ss. 286–313; Marshak B.I., Raspopova V.I. Les nomads er la Sogdiane. Nomades et sédentaires en Asie Centrale // Apports de

Кўйруқтепа ёдгорлигидан топилган тасвирлардаги туркий қиёфа Афросиёб, Панжикент деворий суратларидағи қиёфаларни эслатади<sup>479</sup>.

**Ҳайкалтарошлиқ** соҳасида VI–IX асрларда аввал Еттисув ва Фарғонада, сўнг Суғднинг марказий ҳудудларида тошга ўйиб ишланган кичик ҳайкалчалар ва сопол буюмлар «турк, суғд ва хитой унсурларининг» ўзаро таъсири натижаси эди. Турк ҳунармандлари томонидан ясалган курол-аслаҳалар, тақинчоқлар ва металл буюмларда турк-суғд элементлари акс этди<sup>480</sup>.

Санъатнинг мусиқа ва рақс соҳалари Хитой императорлари саройида намойиш этилиб, юксак баҳоланган. “Чарх ураётган қизлар гирдоби”да оччилик, кумедлик, кешлик, маймурғлиқ ва самарқандлик раққосаларнинг маҳорати акс этди. Бу рақс намуналари турк ва хитой раққосалари томонидан ўзлаштирилиб ижро этилган<sup>481</sup>. Турклар ва хитойлар орасида кўплаб суғдий мусиқа асбоблари, жумладан Бухоро мусиқа асбобларининг ўнга яқин хили маълум эди. Кўшиқларни якка ва жўр ижро этиш расм бўлди. VII асрда Ўрта Осиё қўғирчоқ театри Хитойга кириб бориб, ўзлаштирилди<sup>482</sup>.

Суғд жамиятининг туркий дунё билан узвийлиги минтақадаги кейинги этномаданий жараёнларнинг ривожи ва ҳолатини белгилади. Турк хоқонлиги даврида суғдий ва туркий маданиятлар бир-бирини тўлдириб, бетакрор маънавий ва маданият мерос вужудга келди. Бу ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар, қолаверса, турк-суғд симбиози маҳсулни эди.

Шу ўринда хуласалаш мумкинки, Буюк ипак йўлидаги узлуксиз алоқалар ўзаро маънавий ва маданий алмашинувлар учун қулай имконият яратди. Суғддаги динлараро муроса турк-суғд муносабатлари даражасида янада камол топди. Суғдийларнинг етакчи дини зардуштийликка туркийларнинг ҳайриҳоҳлиги ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Ҳусусан, Шарқий Туркистондаги зардуштийлик ибодатхоналари ва улардаги вағнппат – коҳинлар фаолияти, “Буғут ёдгорлиги” котиби суғдий-зардуштий ва хоқон турк-буддавийнинг самимий муносабатлари, Муғархивининг I.1 рақамли ҳужжатидаги суғдий Нижитак ва туркий коҳин Кўрчи (Қўрчи)нинг Деваштич вакили сифатидаги тинчликпарварлик миссияси, Nov. 3 ва Nov. 4 ҳужжатларидағи суғдий қиз – Дуғдунча, турк йигити Ўттакин ўртасидаги никоҳ, фрамандар Ўттнинг Панч бошқарувдаги иштироки турк-суғд муносабатларида этник ва диний муросанинг энг адолатли йўли танланганлигини кўрсатади. Бундан ташқари туркийлар ва суғдийлар ҳаётида буддавийлик, христианликнинг несториан оқими, монувийлик каби динлар ҳам муносиб ўрин топди. Натижада суғдий тилли бетакрор буддавий, христиан ва монувий мазмундаги бой ёзма мерос бизгача етиб келди. Бу ёзма мерос асрлар давомида шаклланган ёзув маданияти маҳсулни эди. Суғдий ёзув туркий ҳалқларнинг ёзув маданияти шаклланишига замин яратдилар. Натижада турк-руний, турк-уйгур ёзувлари вужудга келди. Суғдий шаҳарсозлик Чоч, Еттисув, Шарқий Туркистонда ўнлаб суғдий манзилгоҳларнинг шаҳар кўринишини олишига, туркий шаҳарсозлик маданияти равнақга ҳисса қўшди. Бу шаҳарлар йирик ижтимоий-иктисодий, сиёсий, савдо-тикорат ва маданий марказлар сифатида турк-суғд манфаатларига хизмат қилди.

l’arcéologie et de l’ethnologie. H.-P. Franctort. – Paris, 1990. – Ss. 178–185; ib. Arte della Sogdiane // Encyclopedia dell’ Arte Antica. Classica et orientale, Secondo suplemento, 1971–1994. – vol. V. – Roma, 1997. – Ss. 321–327; ib. Türkler va Soğdlular. – S. 174; Azarpay G. Sogdian Painting. The political epic in Oriental art. – Berkeley: University of California Press, 1981. – P. 124–128; Kreppes K. Sociolinguistic Notes of the Turcification of the sogdian // CAJ. – 1991. – vol. 35. – P. 71–72; Bussagli M. Dei Malerei in Zentralasien. – Geneva, 1963. – P. 42–51.

<sup>479</sup> Маликов А. Тюрки в Среднеазиатском Междуречье в VI–VIII вв. – С. 11.

<sup>480</sup> Гюль Э.Ф. Турк-суғд маданий муштараклик самараси масаласига доир. – Б. 8–9.

<sup>481</sup> Schafer E.N. The golden peaches of Samarkand. A study of T’ang exotics. – Berkeley and Los Angeles, 1963. – P. 55–56.

<sup>482</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 353; Ртвеладзе Э.В. Самарканد на Великом Шелковом пути. – С. 110–111.

## ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА СУҒДДА КОНФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ ТИЗИМИ ВА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

### II Боб

#### 2.1. Биринчи Турк хоқонлиги (552-603) ва Ғарбий Турк хоқонлиги даврида (604-742) Суғднинг маъмурый бошқарув тизими

Суғд географик жиҳатдан Ўрта Осиё марказидаги Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзасида жойлашган бўлиб, у мураккаб сиёсий, ижтимоий–иқтиносий ва маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида минтақанинг етакчи тарихий – маданий ўлкасига айланди. Суғд ҳақидаги илк илмий маълумотлар XIX аср 2-ярмидан фанга маълум бўлди<sup>483</sup>. Шу даврдан бошлаб археологик тадқиқотларга ҳам асос солинди.

Суғд қадимги ёзма манбаларда, жумладан, Sugda ёки Suguda (қад. форсий), Sugda (Vd. I, 4) ва Suxda (Yt. X. 14) (“Авесто”), šu-ug-da (элам), su-ug-du (аккад), Σούδανή Σούδοι (юонон.)<sup>484</sup> тарзида қайд этилган. “Авесто”даги “Гава ўлкасида суғдийлар яшайди”<sup>485</sup> деб, келтирилади. Антик манбалар ҳам Sogdiane ўлкаси ва sogdianoi ахли ҳақида тафсилотлар беради<sup>486</sup>. Суғдийларнинг бу худудга жойлашув тарихи мил. авв. II минг йиллик иккинчи ярми ва I минг йиллик бошлари билан белгиланади<sup>487</sup>. Ҳозиргача, бу этноснинг минтақа бўйлаб ҳаракатланиш босқичлари ҳақида маълумотлар маълум эмас,<sup>488</sup> деб ҳисобланар эди. Бироқ хитой манбалари уларни саклар, рузие (юэчжи) ва турклар билан бир макондан Каспий ва Орол бўйларидан кўчганликлари ҳақида хабар берадилар<sup>489</sup>. Бу масалага муайян ойдинлик киритади. Демак, суғдийлар мил. авв. II минг йиллик иккинчи ярми ва I минг йиллик бошларидан Зарафшон бўйлаб ўрнаша бошлаганлар. Уларга жанубда бақтрийлар, жанубий-гарбда парфиёнлар ва марғиёнлар, шимол ва шимолий шарқда саклар ҳамда шимолий ғарбда хоразмликлар кўшни бўлган. Суғдийлар ўз юртларига swgd- (sugd-), sgwd- (sgud-) деб ном берганликларини<sup>490</sup> Зарафшон бўйи этакларини “суғуда – сувлок” ер деб атаганликлари билан изоҳлаш мумкин<sup>491</sup>. Суғд ҳақида илк маълумотлар мил. авв. VI-IV асрларга оид Бехистун ва Нақши Рустам битикларида Ахамоний хукмдори “Доръявуш эгаллаган 23 мамлакат” қаторида тилга олинади<sup>492</sup>.

Ўрта Осиё, хусусан Суғд ҳақида юонон-рим муаллифлари Страбон (мил. авв. 64/63 - мил. 23/24) “География”сида, Поликлит (мил. авв. IV аср 2-ярми) “Тарих”ида, Демодамнинг (мил. авв. IV-III асрлар) “Скифика”сида, Каллисфеннинг (мил. авв. 370–327 йй.) “Александр қилмишлари” асарида ва Птолемейнинг (такс. 170 й. вафот

<sup>483</sup> Tomashek W. Centralasiatische Studien. I. Sogdiana // SPAW. – Bd. LXXXVIII. – Wien, 1877. – 187 s.

<sup>484</sup> Соколов С.Н. Язык Авесты / Основы иранского языкоznания. Древнеиранские языки. – М.: Наука, 1979. – С. 134; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 347; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топоними: Дисс. ... канд. филол. наук. – Лист. 9–10.

<sup>485</sup> Исҳоков М. Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал китоби. – Б. 11; Сагдуллаев А.А. “Авесто” – тарихий географияни ўрганиш манбаи сифатида // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000. – Б. 36.

<sup>486</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции. Источниковедческий анализ. – М.: ИВЛ-РАН, 1997. – С. 342.

<sup>487</sup> Fray R.N. Sughd and Sogdians: A Comparison of Archeological Discoveries with Arabic Sources // JAOS. – 1943. – vol. 63. – № 1. – P. 56.

<sup>488</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 347; Абаев В.И. К вопросу о прародине и древнейших миграциях индоиранских народов / Древний Восток и античный мир. – М.: 1972. – С.31–69; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – В. 60–64.

<sup>489</sup> Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 214.

<sup>490</sup> Henning W.B. Sogdian loan-words in New-Persian // BSOS. – 1939. – vol. 10. – pt. 1. – Pp. 93–106; Gershevitch I. A grammar of Manichean Sogdian. – Oxford, 1954. – 421 p.; СДГМ II. – С. 221; СДГМ III. – С. 128.

<sup>491</sup> Смирнова И.О. Каталог монет с городища Пенджикент. – С. 25.

<sup>492</sup> Латышев В.В. Известия древних писателей о Скифии и Кавказе // ВДИ. – 1947. – № 1. – С. 253–279; Фрейман А.А. Бехистунские надписи // Восток. – 1925. – № 5. – С. 3–13; Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов // ИАН. – 1946. – Вып. III. – С. 231–241.

этган) “Географиядан қўлланма”си ва “Александр ҳақида” асарларида, IV аср рим тарихчиси Аммиан Марцеллининг “Тарих” каби ўнлаб манбалардаги маълумотлар Ф. Бойназаров, А. Сагдуллаев, Б.Г. Гофуров, И.В. Пьянков кабиларнинг асарларида келтирилади<sup>493</sup>. Хусусан, Геродот “Тарих”ининг З-боби “Мелпомена”да: “савраматлар скифча гаплашади”<sup>494</sup> деса, Страбон ўзининг “География”сида Ўрта Осиёда яшовчи халқлар (сак, скиф, суғд, массагет қабилалари)нинг ҳаммасининг ҳаёт тарзи бир хиллиги ва сакларни суғдийлардан Яксарт (дарёси), суғдийларни бақтрийлардан Окс (дарёси) ажратиб туриши ҳамда суғдийлар ва бақтрийлар турмуши ва урф – одати номад (кўчманчи)лардан фарқ қиласлиги<sup>495</sup> таъкидланади.

Антик маълумотларни қадимги ва илк ўрта аср хитой манбалари тўлдиради. Уларда сак ва суғдийлар “ху шанг” (“хўр савдогарлари”) деб аталган<sup>496</sup>. Хитой тарихчиси Бян Цзи: “Суёб шахридан Цзешуанна (Суғднинг дастлабки пойтахти – Кеш)гача бўлган мамлакат Сули деб номланади” деган маълумотни беради<sup>497</sup>. Сули ёки Су-и – Суғд ва ташқи колониялари, яъни суғдийлар яшайдиган барча худудларни ифодалаган.

“Вей шу” – Вей сулоласи (220-265) тарихининг 102-боб, 9707-бетида Канг-куэк, яъни **Кан давлати - Самарқандни** пойтахт қилган даврида, Кангиа-Қангдан кейин пайдо бўлган давлат сифатида тилга олинади. Бу Суғдда мустақил давлатчиликнинг Қанг давлати таназзулидан кейин III аср охири IV аср бошларида вужудга келганлигини исботлайди. Бундан ташқари Кангго, яъни Самарқанд давлати ҳақида маълумот илк бор Сўнгги Хан ва Вэй сулолалари тарихида учраши ҳам тарихий асосларга эга. “Вэй шу”да суғдийларнинг чукур кўз, кирра бурун, серсоч деб, тавсифланиши ва уларнинг тўйлари, маъракалари тукуват (турк)ларга ўхшаш, деб кўрсатилиши, “Сўнгги Хан сулоласи (25-220) тарихида” Суйиго – Суғднинг иқтисодига берилган юқори таъриф, итоатида тўрт юздан ортиқ шаҳар мавжудлиги ва энг муҳими Тайвуди даврида (435-440) Хитойга элчи юборганлиги ва 766-801 йилларда ёзилган Ду Юнинг “Тундян” - “Қонунлар ва урф-одатлар баёнида”ги маълумотлардан<sup>498</sup> Суғднинг қачон мустақил фаолият бошлагани ва ахолиси (суғдийлар ва туркийлар) ҳақида керакли ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари Н.Я. Бичурин келтиришича: “Канг давлати – Кангго Канкия давлатидан кейин /ташкил топган/. Унинг ахолиси ўтроқ ҳаёт кечиради. Хан /империяси/ даврида /ушбу давлат худудида/ яшаганлар /Хитойга/ келиб-кетиб туришган. Канг давлати подшоси исми Уэн (Вэн) бўлиб, унинг келиб чиқиши ручжи (юечжи)ларга бориб тақалади. /Ручжилар Чжову шахрини пойтахт тутганлар”<sup>499</sup>. “Хуннлардан мағлуб бўлгач / ушбу шаҳарда яшаган ручжилар/ Шарқий Туркистон ва Помирдан ўтиб, шу ерга Ўрта Осиёга /Самарқандга/ келиб жойлашган ва давлат ташкил қилган”<sup>500</sup>. Уларнинг бир қисми Ўрта Осиёнинг марказига, бир қисми жанубга Даҳъя-Бақтрияга

<sup>493</sup> Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 145–169, 328–338; Гофуров Б.Г., Цибукидис Д.И. Александр Македонский и Восток. – М., 1980. – С. 235–283; Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции. – С. 53–54, 72–76; Сагдуллаев А. Поход Александра Македонского в Согдиану. – Ташкент, 2007. – 176 с.

<sup>494</sup> Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Терма парчалар / Тарж. ва туз. Зохир Аълам. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2008. – Б. 41.

<sup>495</sup> Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Терма парчалар. – Б. 56–57.

<sup>496</sup> Ҳўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб колиши. – Б. 43.

<sup>497</sup> Зуев Ю.А. Китайские известия о Суябе // Изв. АН Каз. ССР. Серия истории, археологии, этнографии. Вып. 3(14). – Алма-Ата, 1960. – С. 91–92. Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 164. Манба: Оуян Сю. Син Тан шу (История династии Тан. Новая редакция) // Серия “Бо-на”. – Пекин, 1958, гл. 43 б. – с. 301, л. 9 б.; Цзень Чжунмянь. Туцюэ цзи ши (Сборник материалов по истории тюрков) – Пекин, 1958. – С. 150; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. – С. 304.

<sup>498</sup> Ҳўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. – Б. 52–56.

<sup>499</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. I. – С. 54–55.

<sup>500</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 147–151.

бориб ўрнашганлар<sup>501</sup>. Ўрта Осиёга кириб келган юэчжилар - даюэчжи “катта юэчжилар”, Шарқий Туркистонда қолган қисми “кичик юэчжилар” деб номланган<sup>502</sup>. Баъзи олимлар юэчжиларни Шарқий Туркистондаги тохарларга тенглаштиришади<sup>503</sup>. Нима бўлганда ҳам, Ўрта Осиёга келиб жойлашган юэчжилар /ручжилар/ ҳам ўз мулкларини ташкил қилиб, келган юртларининг номини унутмаслик учун ўзларини “чжоуву” деб аташган. Хитой солнномаларига кўра, чжоуву (чжао-у) ларнинг Кан хонадони вакилларидан Самарқанд ихшиллари сулоласи, Бухоро, Хоразм, Кушония, Марв каби мулкларнинг хукмдорлари етишиб чиқкан. Бу сулоланинг 22 вакили 400 йил давомида Бухорони, Кан сулоласининг Самарқанд тармоғи эса милоднинг I асридан Кушония, Иштихон, Кеш, Нахшаб, Уструшона, Чоч, Хоразм, Фарғона ва Амударё жанубидаги мулкларни бошқарган. Суғдча бу хонадон үп kwtr’k – “Кан хонадони”, деб аталиб, “Бэй ши”, “Суй шу”, “Тан шу”ларга кўра, улар Ғарбий Турк хоқонлиги сулолалари билан қариндош бўлган ҳамда Ўрта Осиё маҳаллий ахолиси орасида ассимиляциялашиб, шарқий эроний (суғдий) муҳит таъсирига тушган<sup>504</sup>. Кан давлатига Ми, Шы, Цао, Хэ, Кичик Ань Нашебо, Унахэ ва Му мулклари тобе бўлиб<sup>505</sup>, барча хонадонлар чжаову номини олган<sup>506</sup>. Хусусан, чжаову атамаси туркий битиклардаги cub - уабгу – ябгуларга<sup>507</sup> ва эроний xša(y)-schaho - шава ёки шобо атамаларига боғланади<sup>508</sup>. Ҳ.В. Ҳауссиг фикрича, чжаову (чжао-у) туркий jību бўлиб, мусулмон манбаларида siljību ва юонон манбаларидаги siljibul “ғарбий турк хоқонлари” насабидир. Бухоро хукмдорларининг “sche-li tschao-wu” (“Тан шу”да siat-liak t’siai-miu) номланиши ҳам Е. Шаванн асарида қиёслаб ўтилган<sup>509</sup>. О.И. Смирнова ўртаосиёлик хукмдорлар унвонидаги ҳамук – حموک ёки жамук – جموک атамасига эътибор бериб, унинг буҳороликлар шевасидаги “қимматбаҳо тош”, “буюк”, “катта” ҳамда “моҳият” ва “мансублик” маъноларига боғлади<sup>510</sup>. Жумладан, Табарий ҳам “жамуклар”, яъни “чжаову”лар “туркларнинг уруғларидан” деб ёзиб, 119/737 йил воқеаларида турк хоқони Курсулнинг ўлдирилиши ва унинг дафн маросимида хоқон хонадони вакиллари – ахли байт ал-жамукиййн (ал-хамакиййн), яъни ал-жамук (ал-хамук) хонадони ахли иштироки қайд этилган<sup>511</sup>. З.В. Тўғоннинг фикрича, жамуклар Кўк туркларнинг ғарбий Беш тўлис (дулу) уруғининг бошида келган – чумукунлар ҳисобланган<sup>512</sup>. Шу боис ҳам хитой манбаларидан бири “Суй шу”да: “Кан (Самарқанд) хукмдорлари чжаовулар ўрнини туркий “ўн ўқ” сулоласи вакиллари

<sup>501</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 151, 190–191.

<sup>502</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С.163.

<sup>503</sup> Перих Ю.Н. Тохарская проблема // НАА. – 1963. – № 6. – С. 122–125; Иванов В.В. Языковые данные о происхождении кушанской династии и тохарская проблема. – С. 110–112.

<sup>504</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 23–25.

<sup>505</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 271. (“Бэй ши”), 280-281 (“Суйшу”); Бартольд В.В. Тюрки / Соч.– М.: Наука, 1968. – Том V. – С. 576–595.

<sup>506</sup> Chavannes Ed. Documents sur les T’ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Pp. 132–134; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 310; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 27

<sup>507</sup> Radloff W. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. – St.Pbg., 1895, Leief. 3. – S. 190; Marquart J. Die Chronologie der alttürkischen Inschriften. – Leipzig, 1898. – S. 68–72.; Hirth Fr. Nachworte zur Inschrift des Tonjukuk / In book W. Radloff, 1899. – Р. 48; Мелиоранский П.М. Памятник в честь Кюль-Тегина. – СПб., 1899. – С.72. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топоними: Дисс. ... канд. филол. наук. – С. 206.

<sup>508</sup> Abel-Remusat. Nouveaux mélanges asiatiques. – Paris, 1829. – т. 1. – 227 р.; Chavannes Ed. Documents sur les T’ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P.243; Shiroitori A study on Su-t’e, or Sogdiana // Toyo-bunko. – Tokyo, 1928, № 2. – Р. 100–107.

<sup>509</sup> Haussig H.W. Die Quelle über die zentralasiatische Herkunft der europäischen Awaren // CAJ. –1956. – vol. II. – pt. 1. – S. 21–44; Chavannes Ed. Documents sur les T’ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 136, n. 7.

<sup>510</sup> Смирнова О.И.Тюрокологические заметки. Титул жамук у тюроков // СНВ. – Вып. XI. – М.: Наука, 1971. – С. 64–66.

<sup>511</sup> История ат-Табари. – С. 253.

<sup>512</sup> Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarîhi’ne giriş. Cild I. – Ss. 51, 428; Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic People. Otto Harrassowitz. – Wiesbaden, 1992. – 189 р.; Бобоёров F. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳдаги бошқарув тизими хакида // О’zbekiston tarixi. – 2000. – № 4. – Б. 72–73.

эгаллади<sup>513</sup>- деб, бежиз таъкидламаган. Агар хитой манбаларида чжаоу (*t'siau-miu*) ва мусулмон манбаларидаги جموك - (\*jamug) айнан бир хил бўлса, Ўрта Осиёни бошқарган хонадоннинг этник мансублиги ойдинлашади. О.И. Смирнованинг фикрича, гарчи улар туркий қавм юэчжилардан бўлсалар-да, Ўрта Осиё мухитида йиллар давомида кучли эронлашиш жараёнини бошидан кечирганлар<sup>514</sup>. Юэчжи каби “келгиндилар” эса асрлар давомида маҳаллий маданиятни ўзлаштириб<sup>515</sup>, этномаданий синтезда хусусан, суғдийлар маданияти шакллантиришда фаол иштирок этишган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, юэчжиларга мансуб Суғднинг хукмрон доиралари маҳаллий аҳоли билан ассиимиляциялашиб кетган.

Қанғ давлати инқирози мил. III-IV асрларда **Суғдда ер эгалигининг дехқон мулкчилиги шаклланишини тезлаштириди**. Зодагонлар (хвабу - *ywβw*)лар, эркин дехқонлар (азат – ’z’t (*k’r*))лар бойиб, дехқон жамоалари (кашоварз – *kšw’rz*) уларга мулкий боғланиб кадивар (*k’dw’r*)ларга айланди. Мулкчиликнинг хусусий, жамоа ва зардуштий ибодатхоналарига тегишли “вағнзе” (*βynz’uh*) хиллари таркиб топди. Бу маҳаллий дехқонлардан иборат ҳокимликларнинг хукмронлигини мустаҳкамлади<sup>516</sup>.

VII аср иккинчи ярмидан Самарқанд атрофидаги **Суғд мулкларида марказлашиш жараёни** содир бўлди. Фарбий Турк хоқони Тўн ябгу (618-630) Суғд маъмурий бошқарувини такомиллаштиргач, бу жараён бошида маҳаллий хукмдор – **ихшид**<sup>517</sup> (MLK') **Авархуман** (650/655-675) турди. Суғддаги мулклар ўз навбатида марказга конфедератив тартибда бўйсунган. Ўрта Осиёдаги азалий ўтрок ҳаёт тарзи хукм сурган ўлкалари (Суғд, Хоразм, Тоҳаристон, Фарғона ва Чоч)да ер-сув эгалиги мулкчилигига асосланган сиёсий – ҳудудий ва маъмурий тизим шаклланган. Марказий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар йирик заминдорлар, бой савдогарлар ва шаҳарлик аслзодалар томонидан тузилган Оқсоқоллар Кенгashi орқали амалга оширилган. Ихшид – подшолар **Оқсоқоллар Кенгashi** олдида ҳисобот берувчи чекланган ҳокимиятга эга бўлган. Ҳар бир мулкнинг ҳарбий саркардалари қўл остида жанговар ҳаракатга лаёқатли **чокарлари** бўлган<sup>518</sup>. Бу маҳсус гвардия нафақат тан кўриқчи, балки дехқон ва савдогарларнинг мулклари ва савдо карвонларининг ҳимоячилари ҳам бўлишган. Хитой манбаларида келтирилишича, 759 йилнинг 12-ойида Хитой императори саройида чокарлар учун зиёфат уюштирилиб, ҳар бир чокарга 30 бўлакдан ипак мато – хизмат ҳақи берилган<sup>519</sup>. Чокарларнинг аксарияти эса туркийлардан бўлган. Бу суғдий савдогарлар ва туркий ҳарбийлар манфаати ифодаси эди.

VI аср иккинчи ярмидан минтақада Турк хоқонлиги хукмронлиги ўрнатилгач, маҳаллий мулклар қаторида Суғд билан қалин муносабатлар ўрнатилди. Бу эфталийларнинг солиқ ва тўловлар йиғиши сиёсатидан фарқ қилган ҳамда маҳаллий хукмдорларга иқтисодий ва сиёсий эркинлик берилган. Фарбий Турк хоқонлиги (603-742) эса маҳаллий маъмурий-бошқарувда бевосита иштирок этиб, Суғднинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга эришди. Бунда,

<sup>513</sup> Бабаяр Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шахрининг умумбашарий маданий тараккиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлиланган халқаро илмий симпозиум материаллари. –Тошкент – Самарқанд, 2007. – Б. 216–221.

<sup>514</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 35–36, прим. 26; Frye R.N. Jamuk, sogdian ‘peal’ ? // JOAS. – 1952. – Pp. 142–145; Frye R.N. The history of Buchara: Translated from Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954. – not. 28. – P. 143.

<sup>515</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 171.

<sup>516</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2007. – Б. 21, 28–29.

<sup>517</sup> Ихшидлик – “ихшид” < *xšaydiya* – “подшолик” маъносида. Каранг: Смирнова О.И. Очерки по истории Согда. – С. 23.

<sup>518</sup> История Самарканда. Том первый. С древнейших времен до Великой Октябрьской революции / Отв. ред. И.М. Муминов. – Ташкент: Фан, 1969. – С. 77.

<sup>519</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 48–49.

Турк хукмдорлари ва Суғд ихшидлари ҳамда жамият аъзолари ўртасидаги қариндошлик<sup>520</sup> муносабатлари катта аҳамият касб этди.

Суғд тараққиётида Ғарбий Турк хоқони **Тўн ябғу (618-630)нинг маъмурий бошқарувдаги ислоҳатлари** аҳамиятли бўлди. Натижада, тайинланган вакиллар маҳаллий бошқарувни такомиллаштириб, васалликларнинг ички сиёсий назоратини таъминладилар<sup>521</sup>. Бу чора Суғд маҳаллий бошқарув тизимининг хоқонлик марказий бошқарув тизими олдиаги маъсулиятини ошириди ҳамда Суғднинг Ғарбий Турк хоқонлик билан алоқаларини мустаҳкамлади.

**Хоқонлик бошқарув тизими** ва **Суғддаги ер мулқчилигига асосланган бошқарув тизими** бир-биридан фарқланарди. Суғдда подшо – ихшидлар Оқсоқоллар Кенгаши томонидан тайинланса, хоқонликда уруғ-қабилавий ва қариндошлик тамойилларига амал қилинар эди. Давлат бошқарувида хоқонга қариндошлари, хукмрон сулола аъзоларидан иборат маъмурият<sup>522</sup> ёрдам берган. Хитой манбаларида қадимги туркий давлатчилик маъмурий - бошқарув тизимидағи иерархик характерга эга бўлган 28 та мансаб қайд этилган. Уларнинг дастлабки 5 таси: еху (ябғу), ше (шад), дэле (тегин) ва тутунфа (тудун)лар олий мансаб ҳисобланган. Колган 23 та мансаб кичик амалдорларга тегишли бўлган. Барча мансаблар меросий ҳисобланган<sup>523</sup>.

Суғд учун туркий маъмурий бошқарувнинг айрим жиҳатлари юэчжилар, хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар давридан маълум бўлиб, Суғддаги бошқарув кўп жиҳатлари билан уларга мослашган ҳам эди.

Манбаларга кўра, Ғарбий Турк хоқонлиги маъмурий бошқарувида: ябғу (jabyw), тегин (tegin), шад (šad), элтабар (eltäbär), хатун (xatun/qatun), тудун (tudun/tubun), тутуқ (tutuq/tutuy), тархон (tarxan/tarqan), чўр (cur), эркин (ırkin), чабиш (saþiš)<sup>524</sup> каби унвон ва мансаблари амалда бўлган бўлса, Суғд бошқарувида: ихшид ('γsyd), афшин ('βsyn), хвабу (γwβw), хутав (γwtw) каби маҳаллий унвон ва лавозимлар кўлланилган<sup>525</sup>.

603 йилда Биринчи Турк хоқонлиги икки қисмга бўлиниб, Суғд Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига кирди. Дастлабки йилларда Суғдни ихшид **Тайшеби** (600 йилгача) ва **Каймочжо** (Кюе-му-ҷжи) (600-620)<sup>526</sup>, Ғарбий Турк хоқонлигини эса Чўли (Шели) (600-611) ва Истеми ябғунинг набираси Шегуй (Шихэй) хоқонлар (611-618) бошкарди. Ғарбий хоқонлик Тўн ябғу (618-630) кўлига ўтгач, ихшид Каймочжо (Кюе-му-ҷжи) Тўн ябғунинг қизига уйланиб, ўртада қариндошлик алоқалари

<sup>520</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 271, 281, 311; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 312, 135; Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 121.

<sup>521</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 280; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. I. – С. 283; Togan Z. V. Umumî Türk tarîhi'ne gîrîş. – S. 73.

<sup>522</sup> Бу маъмурият тўрт гурухга бўлинган: хоқонга иттифоқчи бўлган қабила ва элатларнинг оқсоқоллари; хоқоннинг ўнг томонида ўтирувчи амалдорлар; хоқоннинг сўл томонидан жой олган амалдорлар ва сарой маъмуриятига бўлинган. Баъзи ҳолларда хоқонлар давлатни ўз амакилари билан бирга бошқарганлар. Хоқоннинг яқин қариндошлари: амакиси, оға-инилари, ўғил фарзандлари ва жиянларига хоқондан кейин турувчилар сифатида тегин – шахзода унвони берилган. Жумладан, Буғут ёдномасидаги Махан тегин бунга мисол бўлади. Қаранг: Смирнова О.И. Заметки о среднеазиатской титулатуре (по monetnym данным) // ЭВ. – 1961. – Вып. XIV. – С. 62; Баратова Л.С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 26 с.; Ўша. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари. – Б. 50–51; Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 130; Гумилев Л.Н. Древние тюроки. – С. 58.

<sup>523</sup> Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари. – Б. 51–52; Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – С. 107.

<sup>524</sup> Древнетюркский словарь. – 676 с.

<sup>525</sup> СДГМ II. – С. 190–210 (глоссарий); СДГМ III. – С. 112–131 (глос.); Бобоёров F. Марказий Осиёда VI–VIII асрлардаги сиёсий-этник жараёнлар (Ўрхун-Энасой ёзувидағи манбалар асосида): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 29 б.

<sup>526</sup> Таджиқотчи F. Бобоёров Ши-фу-би (Тайшеби) бошқарувини VI асрнинг сўнги чораги деб беради. Қаранг: Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 120–121.

ўрнатилди. Бундан олдин ҳам Суғд ихшиди Ши-фу-би Тарду хоқон (576-603)га куёв бўлғанлигини<sup>527</sup> эътиборга олсак, ўзаро қардошлик муносабатлари томонларни янада яқинлаштирган.

630 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги таҳтига Эл Билга Ишбара (Ишбара Тириш Тўнга), 639 йилдан Ёпи Тўлу ябғу хоқон сифатида келди. Бу даврда Суғд Кешдан бошқариларди. Бу йилларда Суғд ихшиди **Шишпир** - шу́руг (хит. Шашеби ва араб. شيشپر – (شیشپر) (640/642–655) бир қадар мустақил сиёsat юритиб, ўз номидан тангалар зарб қилдириб, 642 йилда Хитойга ўз элчиларини юборди<sup>528</sup>. Чунки бу даврда хукмронлик қилган Ғарбий Турк хоқонлари маҳаллий бошқарувга кўп ҳам аралашмадилар. Ҳусусан, Ғарбий Турк ҳоқони Ашина Алп даврида (651-658) Суғдда ички курашлар бўлиб, 645 йилда Самарқанд таҳтига чиқкан туркий сулола – “ӯн ўқ” вакили **Вархуман** (Авархуман, суғд. ۋەغمۇن, хит. Фухуман) VII аср ўрталарида марказни Самарқандга кўчиришга эришди. Бу Суғд мулкларнинг марказга тобелик асосида конфедерацияга бирлашишини таъминлади. Марказ Самарқанд атрофида Панч, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Кеш ва Нахшаб каби мулклар бирлашди. Бу даврда ябғулик қилган Ашина Миш (658-662) ҳам ички низолар билан банд бўлиб, ўз васаллари ички ишига аралаша олмасди. Шундай бўлсада, 660-680 йиллар давомида Суғд ябғулик вассалиятини тан олиб, мустақил сиёsat юритмаган<sup>529</sup>. Бу даврда Суғд ихшиди **Урк Вартрамука** (675-йиллар)<sup>530</sup> эди. Ғарбий Турк хоқонларининг тез-тез алмашиниши (Ашина Алп (651-658), Ашина Миш (658-662), Ашина Бўрқин (662-666) ва Ашина Тўрчи (671-679)) натижасида ғарбий туркларнинг марказлашган давлат салоҳиятини, минтақадаги нотинч сиёсий вазиятни назорат қилишини сустлаштириди. Бу эса Араб халифалигининг Ўрта Осиёга юришларини тезлаштириди. Ўз муаммолари билан банд бўлган ябғу-хоқонлар араб истилосининг дастлабки йилларда (654-676) унга қарши жиддий чоралар кўрломадилар.

696-698 йилларда Суғд таҳтига **Тукаспадак** (twk'sp'd'k, хит. Дусабати) келди. Бу даврда Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина Низукбек (679-680), Ашина Ёлчин (686-693) ва қайта таҳти эгаллаган Ашина Хужулу (686-690)лар қўш бошқаруви асосида бошқарилди<sup>531</sup>. Ҳатто араб истилоси кучайган VII аср охири VIII бошларида ябғу-хоқон бўлган Ашина Қайру (699-704) ҳам Ашина Шан (704-710) ҳам бирор чора кўрмадилар. Суғдда эса қаршилик харакатига 700 йилда **Мастич** (суғдий m'stc 'wnc MLK' – Унаш (?) - Ӯнўқ<sup>532</sup> авлоди) (698-700) ва Тукаспадакнинг ўғли **Нинешиш** (nnyšyš, хит. Ниниёшиши) дан<sup>533</sup> сўнг ихшид этиб тайинланган **Тархун** (tr̥wn, хит. Тухун, араб. طرحون (700-710) бошчилик қилди. Унинг бошқаруви араб истилосига қарши курашлар билан ўтди. Бу даврда томонлар ўртасида қандай муносабат бўлғанлиги бизга қоронғу, аммо шу йиллар араб истилосига қарши курашнинг кескин палласи эди. Тархун эса бу курашда етакчи ўрин тутди. 710 йилда Тархуннинг фожиали ўлимидан сўнг, Оқсоқоллар Кенгаши Суғд таҳтига унинг

<sup>527</sup> Каймочко – Чюмучжи – О.И. Смирнова бўйича Цюймучжи турк ябгулари Шейгу (Шихай) (600-611) ва Тўн ябғу (618-630)ларнинг замондоши. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275; Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 145; F. Бобоёрөв ҳисобича, Кюе-му-ҷжи / Цюймучжи бошқарув йиллари 600–620 йилларга тўғри келади. Қаранг: Бобоёрөв F. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 120–121.

<sup>528</sup> Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – С. 213–216.

<sup>529</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275.

<sup>530</sup> Ахун-бабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – Самарқанд: МИЦАИ, 1999. – С. 66.

<sup>531</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 168–169.

<sup>532</sup> Унаш исмни F. Бобоёрөв ва A. Кубатинлар нумизматик манбалар таҳлили асосида “ӯн ўқ” деб ўқишини таклиф қилмоқда. Қаранг: Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. – Б. 216–221.

<sup>533</sup> Ахун-бабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – С. 68–69.

укаси **Ғуракни тайинладилар**<sup>534</sup>. Ғурак ('wyrk, хит. Улэга) арабларга қарши курашни давом эттириди. У бухорхудот, турк хоқонлари, Чоч тегин ва тудунлари ҳамда Фарғона хукмдорларининг қўллаб-қувватлаши натижасида 710-712 йилларда истилочиларга қарши кураш олиб борди. Бироқ кучлар нисбати ва ички парокандалик унинг ўз мақсадига қарши боришига олиб келди. 712 йилда у Араб халифалигининг Хурросондаги ноibi Кутайба ибн Муслим (706-715) билан “Самарқанд шартномаси”ни имзолаб, ўзини Суғд подшоси сифатида “расмийлаштириди”<sup>535</sup>. Бу сиёsat Суғд аслзодалари орасида бўлинишга сабаб бўлди. Натижада 719-722 йиллар давомида Суғдда икки ҳокимиятчилик вужудга келди. Гарчи ҳукмрон сулолага мансуб бўлмаса-да Панж вилояти ҳокими **Деваштич** “Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими” – sÿwðyk MLK’ (s)m’rkndc MR’Y<sup>536</sup> увонига даъво қилиб чиқди. У Муғ архивига кўра: “Подшо Деваштич Йодхшетак ўғли – MLK’ дуw’stys MN y-wd’gšy-tk BRY<sup>537</sup> аслзодалардан бўлиб, катта мол-мулк эгаси хисобланган. Табарий Дивасти (دوستي – Деваштич)ни Самарқанд дехқони сифатида тилга олади<sup>538</sup>. Унинг Самарқанд тахтига даъвоси Тархун ва унинг оиласига яқинлиги ҳамда Тархуннинг болаларига ҳомийлиги<sup>539</sup> билан белгиланаарди. М.М. Исҳоқов фикрича, Деваштич уларга тоға ёки почча бўлган. Бошқа маълумотларга кўра, Деваштич, Сосоний шоҳлари ва Баҳром Гўр авлодлари – Микола хонадонига мансуб “чўр”лардан бўлган<sup>540</sup>. Бу эса Деваштичининг эронлашган туркийлардан эканлигини ва тахт учун “даъвоси” қайсидир жиҳжатлари билан “қонуний эканлигини” кўрсатади. Муғ архивида Деваштич ҳукмронлиги билан боғлиқ 10 та хужжат учрайди<sup>541</sup>. Деваштичга тегишли хужжатлар уни 708 йилдан 722 йилгача Панч вилояти ҳокими бўлганлигини кўрсатади. 710 йилда Гўрак Самарқанд тахтига келгач, Деваштич Тархуннинг яқини сифатида Панчдаги ҳукмронлигини давом эттирган. Бироқ Ғуракнинг арабларга ён босувчи 712 йилги “Самарқанд шартномаси”дан сўнг, у Суғд тахтига “даъвогар” сифатида майдонга чиқди. Аммо Ғурак араб маъмурияти томонидан “Суғд афшини” сифатида эътироф этилганди<sup>542</sup>. Деваштични эса айрим Суғд аслзодалари, хусусан, Тархун ва Ғуракнинг укаси Хахсар ҳокими **Афарун** қўллаётган эди. В.А. Лившиц фикрича, Деваштич Ғуракнинг кучсизланишидан фойдаланиб, маълум муддат Суғд тахтини бошқарган ҳам муваффақ бўлган<sup>543</sup>. Ҳижрий 104 йил (722 йил) воқеаларини баён қилган Табарий

<sup>534</sup> Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkand'i zabti (higri 93-94 – miladi 712) // Ankara Universitesi Dil ve Tarih-Göografiya dergisi. Cild VI, 1948. – № 4. – Ss. 387–430; Frye R.N. Tarxun – Turxun and Central Asian History // Harvard Journal of Asiatic Studies. – Cambridge, 1951. – vol. XIV. – P. 105–129.

<sup>535</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 63–64.

<sup>536</sup> СДГМ II. – С. 58.

<sup>537</sup> СДГМ II. – С. 59.

<sup>538</sup> История ат-Табари. – С. 189.

<sup>539</sup> СДГМ I. – С. 66.

<sup>540</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // НАА. – 1979. – № 4. – С. 65–68.

<sup>541</sup> Уларда Деваштичининг Панчдаги ҳукмронлик даври (708-722) ва Суғд ҳокимиятга “даъвоси” йиллари келтирилган. Жумладан, хужжатлардан В-4 ва А-16 да: sÿwðyk MLK’ sm’rkndc MR’Y ŠNT – “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштич”нинг 1-йили (СДГМ II. – С. 56–58; 139–140, СДГМ III. – С. 70–71); А-4 да: ZKn рпсу MRY’ дуw’stys ’yw srð – “Панч ҳукмдори Деваштичнинг 6-йили” (СДГМ III. – С. 60–61); Nov. 1 да: ZKn дуw’stys ywþw ’bt’ srð – “ҳукмдор Деваштичининг еттичинчи 1-йили” (СДГМ III. – С. 62); Nov. 6 да: ZKn дуw’stys ywþw 10 srð – “ҳукмдор Деваштичнинг 10-йили” (СДГМ II. – С. 185–188, СДГМ III. – С. 49–51); А-10 да: ZKn ywþw дуw’stys 11 srð – “Деваштич ҳукмдорнинг 11-йили” (СДГМ II. – С. 73–74, СДГМ III. – С. 57–58); В-1 да: дуw’stys ywþw 10+3 srð – “Деваштич ҳукмдорнинг 13-йили” (СДГМ III. – С. 63–64); А-13 да: ZKn рпсу MRY’ дуw’stys 10+4 srð – “Панч ҳукмдори Деваштичнинг 14-йили” (СДГМ III. – С. 71–72) билан белгиланса, Б-1, В-19 ва А-7 хуж.да эса саналар кўрсатилмаган (СДГМ III. – С. 43–47 (док. Б-1), СДГМ III. – С. 75–76 (док. В-19), СДГМ II. – С. 56–58, СДГМ III. – С. 64–65 (док. А-7)).

<sup>542</sup> Крачковская В.А., Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // СС. Сборник статей о памятниках согдийского языка и культуры, найдены на горе Муг в Таджикистане. – Л., 1934. – С. 73, прим.1.

<sup>543</sup> СДГМ II. – С. 65.

Деваштичнинг Рабинжонда ўлдирилиб, зардуштийлар наусига михланганлигини, боши танасидан жудо қилиниб Ироқقا – халифа Йазид II (101/ 720-105/724)га, чап кўли Тохаристондаги қўзғолонларни бостираётган Сулаймон Абус Сарийга юборилгани айтилади<sup>544</sup>. Деваштич ўлдирилгач, Суғд тахти батамом Фурак ихтиёрида қолди. Гарчи Фурак, арабларга ён босгани билан, ўзини “турк хоқонининг қулларидан бири”<sup>545</sup>, - деб билган. У мураккаб сиёсий вазиятдан чиқиш йўлини излаган ҳамда Суғд тахтини қўлда сақлашга эришган.

“Тан шу” солномасига кўра, У-лэ-га – Фуракнинг икки ўғли бўлиб, До-гэ (Турғар) Цао – Иштихонни, Мо-чжо (Баничур) эса Ми – Маймурғ мулкларини бошқарган. 738 йилда тахтга Фурак вафотидан сўнг катта ўғли **Турғар** (twrg’r, хит. До-гэ) келди. Турғарнинг тахтга келиши қонуний мерос ифодаси эди. У пул ислоҳати ўтказиб, янги намуна ва оғирликдаги мис ва кумуш қоришимасидан тангалар зарб эттириди<sup>546</sup> ва 750 йилда Хитойга ўз элчиларини юборди<sup>547</sup>. Бу унинг араблар хукмонлигига қарамай бирмунча мустақил ички ва ташки сиёсат юритганлигини ифодалайди. Турғарнинг хукмонлиги 760 йилгacha давом этган. Иккинчи ўғли **Баничур** (Мо-чжо)<sup>548</sup> эса исломни қабул қилгач, Йазид номини олиб 780-800 йилларгача расмий равишда Суғд подшоси бўлган<sup>549</sup>. Наршахийга кўра, у ўз ҳокимиятининг легитимлигини сақлаш мақсадида 783-787 йиллар орасида Марвдаги Хурросон ноиби амир Абул Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон Тусий билан учрашган<sup>550</sup>. Шу ерда исломий исм қабул қилганлиги эҳтимоли бор. Ан-Насафийнинг “Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд” асарида шажараға таянсан, Фуракнинг иккинчи ўғли Баничурни араблар Суғдан олиб Тохаристонга хукмдор этиб тайинлашган. IX-X асрларда Тохаристонни бошқарган Баничурий (Довудий)лар шу сулола вакиллари деган тахмин мавжуд<sup>551</sup>.

VIII аср бошларида Фарбий Турк хоқонлиги ўз мавқенини йўқотиб борди. Хоқонлик тахтига “үн ўқ” тармоғининг Беш тўлис (дулу) қаноти вакилларидан туркашлар келди. 710-718 йилларда хукмонлик қилган Туркаш хоқони Соғи ўрнини **Сулухон** (718-738) эгаллагач, Ўрта Осиёдаги ҳарбий-сиёсий жараёнларга туркашларнинг қатнашуви яна кучайди. Туркашлар ёрдамида ўртаосиёликлар арабларга қарши бир неча бор зарба беришга муваффақ бўлди. Ашина Ўн Ўқ даврида (738-742) ҳам уларнинг Суғдга таъсири сезилди. Аммо араблар Ўрта Осиёни эгаллагач, бу таъсири доираси бироз чекланди. А.Ю. Якубовский таъкидлаганидек: “турклар 737 йилгacha Суғддаги арабларга қарши курашларда қатнашдилар. Суғдга тез-тез аскар юбориб турдилар. Турклар Суғд мулклари ичida қариндош – уруғлари ва ўзларига яқин одамлар бўлганлигидан Суғдни ўзларининг уйидек ҳис килдилар. 737 йилда Хурросон туркашлари ва маҳаллий турклар араблардан зарба егач, Суғд такдири араблар ихтиёрида қолди”<sup>552</sup>.

Шу ўринда айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнлар Суғдни минтақадаги етакчи тарихий-маданий

<sup>544</sup> История ат-Табари. – С. 189–190.

<sup>545</sup> Бобоёров Ф.Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 122; Камолиддин Ш.С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // ОНУ. – 2003. – № 3. – С. 63–68.

<sup>546</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 161–165.

<sup>547</sup> Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – С. 277; манба: Чефу, III, 83.

<sup>548</sup> Хитой манбаларидаги Фуракнинг ўғли Мо-чжо исмими Э. Шаванн хитой иероглифи асосида Қапоғон билан киёсласа, П. Пельо туркий Бек-чўр исми билан изоҳлайди. Қаранг: Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 122; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 136, pr. 9; Kafesoglu I. Türk Milli kulturu. – Istanbul, 1993. – S.108. n. 345.

<sup>549</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 277; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 112.

<sup>550</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 112, 170 (изоҳ).

<sup>551</sup> Камолиддинов Ш.С., Мухamedov У.З. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний. – С. 91–97.

<sup>552</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – Б. 7–8.

ўлкалардан бирига айлантирди. Тарихан, суғдийларнинг саклар, рузие (юэчжи) ва турклар билан бир макондан эканлиги, қадимги суғдийларнинг турмуши ва урф – одати номад (кўчманчи)лардан фарқ қилмагани минтақадаги этномаданий жараёнлар синтезлашувини тезлаштирган эди. Қолаверса, Суғдда мустакил давлатчиликнинг шаклланиши ҳам Қанғ давлати таназзуидан кейин III аср охири IV аср бошларига тўғри келиши, ворисликнинг бир кўриниши бўлди. Милодий I асрдан бошлаб ҳукмронлик ўрнатган юэчжи /ручжилар/нинг “чжоуву” сулоласининг Кан хонадони вакиллари Самарқанд ихшиidlари (подшолари) сифатида Суғдни VII аср ўрталаригача бошқарган бўлса, сўнг бошқарув туркийларнинг “ўн ўқ” сулоласи кўлига ўтиши ҳам табиий жараён эди. Бундай бошқарув ер мулкчилигига асосланган Суғддаги маҳаллий ҳокимликларнинг Ғарбий Турк хоқони Тўн ябғу (618-630) ислоҳатлари натижасида сиёсий жиҳатдан марказий ҳокимиятга конфедератив асосда бирлашишини таъминлади. Оқсоқоллар Кенгаши эса Суғд бошқарувини ихшид (подшо)ларнинг чекланган ҳокимияти орқали амалга ошириб, азалий бошқарув анъанаси ҳам сақлаб қолди. Суғдда ўзига хос иерархия ихшид, афшин, хвабу, хутав каби маҳаллий унвон ва лавозимларни Ғарбий Турк хоқонлиги маъмурий бошқарувидаги ябғу, тегин, шад, элтабар, хатун, тудун, тутук, тархон, чўр, эркин, чабиш каби унвон ва мансаблар тўлдирди. Шу ўринда марказлашув учун Суғд пойтахтининг Кешдан Самарқандга кўчиши муҳим ўрин тутди. Натижада Суғднинг мавқеи янада юксалди. Бироқ Ғарбий Турк хоқонлиги таназзули Суғдга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шундай бўлсада, арабларнинг Ўрта Осиёга юришларида Суғд араб истилосига фаол қаршиликни кўрсатди. Айниқса, 700 йилда Суғд таҳтига келган Тархун араб истилосига қарши курашда етакчи ўрин тутди. 710 йилда Оқсоқоллар Кенгаши Суғд таҳтига Ғуракни тайинлаши, ҳокимият учун курашга Панч ҳокими Деваштич кўшилиши Суғд тақдири учун салбий роль ўйнади. Шундай бўлишига қарамай, Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллаган Туркаш хоқонлиги ва унинг хоқони Сулухон (718-738) ўртасиёликларнинг арабларга қарши курашини янги босқичга олиб чиқа олди.

## 2.2. Ғарбий Турк хоқонлиги: маҳаллий ҳокимликлар ва марказий бошқарув тизими ҳамда уларнинг асосий хусусиятлари

Илк ўрта асрлардаги **Суғд конфедерацияси** мулклари сони Сюань-Цзан (629-630)га кўра, марказ Кан (Самарқанд) Мимокия / Мимоҳэ (Маймурғ), Цзебудана (Кабудан), Цюйшуванницзя (Кушония), Бухэ (Бухоро), Цзешуванна (Кеш) кабилардан иборат бўлган<sup>553</sup>. VIII аср бошларида ҳам Хой Чао (726) бўйича, “Ху мамлакати” – Ан (Бухоро), Цао (Иштихон), Ши (Кеш), Ши-ло (Чоч ва Илок)<sup>554</sup>, Ми (Маймурғ) ва Кан (Самарқанд) мулкларини ўзида мужассамлаштирган<sup>555</sup>. Ҳар бир мулк ҳукмдори оз сонли қўшинига эгалик қилган<sup>556</sup>. Бу вазиятни 712 йилдаги Суғд ихшиди Ғурак ва

<sup>553</sup> Н.Я. Бичурин “Бэй-ши”нинг 97-бобига суюниб, VI-VIII асрларда Кан (Самарқанд Суғди)га кирган Ми (Маймурғ), Шы (Кеш), Цао (Иштихон), Хэ (Кушония), Кичик Ан (Шарқий Бухоро), Нашебо (Нахшаб), Унагэ, Му каби саккиз мулкни ва “Тан-шу”нинг 221-боби асосида чжаоу хонадони бошқарган 9 та мулкни: Ань, Цао, Ши, Ми, Хэ, Хосюань, Маоди, Шыши ва 9-си Канни тилга олади. Карап: Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т.II. – С. 280–286; 323; Гафуров Б. Г. Таджики. Кн. 1. – С. 314; Beal S. Buddhist records of the Western Word. – London, 1906. – vol. I. – P. 32–36.

<sup>554</sup> Ши-ло – Чоч ва Илок Суғд мулклари таркибида бўлмай, балки Суғднинг иттифоқчиси ва суғдийлар компакт яшайдиган ўлка бўлган. Шу боис Хой чао уни Суғд таркибида деб ҳисоблаган бўлиши мумкин. Аслида Чоч ва Илок мустакил мулкликлар бўлган.

<sup>555</sup> Fuchs W. Huei-ch'ao's Pilgerreise durch Nordwest Indien und Zentral Asien um 726 // SPAW. – 1938. – vol. 30. – S. 451–452.

<sup>556</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С. 314; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 349; Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). – С. 187–195; Мандельштам А.М. О некоторых вопросах сложения таджикской народности в Среднеазиатском Междуречье // СА. – 1954. – Вып. XX. – С. 71.

араб лашкарбошчиси Қутайба ўртасида имзоланган “Самарқанд шартномаси”дан кейинги маъмурий бўлинишнинг бир кўриниши деб, баҳолаш мумкин.

Манбаларда Суғд пойтахти дастлаб Кеш, сўнгра Самарқанд бўлганлиги эътироф этилади<sup>557</sup>. Мавжуд барча мулклар сони VII аср ўрталарида 11 та бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд, бунга Афросиёб деворий суратларида Вархуманнинг элчиларни қабул маросими тасвирида келтирилган 11 та қизил боғичли туғлар мисол қилиб келтирилади<sup>558</sup>. Аммо бу масалада бошқача қарашлар ҳам мавжуд F. Бобоёровнинг В.А. Лившицга суюниб таъкидлашича, 11 та туғ бу “ўн ўқ” + ябгу, туғнинг тўққизтаси эса хитой манбаларида келтирилган 9 та чжаоу хонадони ҳисобланади<sup>559</sup>. Марказий Суғдда 9 та мулк бўлган ҳолда, Бухоро Суғди сиёсий жиҳатдан Самарқандга тобе бўлмаган, лекин тарихий-маданий жиҳатдан Суғднинг бир қисми ҳисобланган. Кеш ва Насаф эса 712 йилдан расмий жиҳатдан Самарқандга бўйсундирилган. Суғд маъмурий жиҳатдан иккита сиёсий бирлик Самарқанд ва Бухоро Суғди ҳамда конфедератив асосда бирлашган Кеш ва Насафдан иборат эди. Аммо бу конфедерацияда мулкларнинг марказга тобелиги турлича эди. Хусусан, Фуракнинг ўғиллари Турғар ва Баничур бошқарган Иштихон ва Маймурғ бевосита Самарқандга бўйсунган бўлса, шарқий вилоят Панч мулки бир қадар мустақил бўлган. Мулкларнинг чегараси ҳам тарихий воқеалар ва даврга қараб ўзгариб турган.

Мустақил сиёсат юритган **Фарбий Суғд-Бухоро** атрофида эса 22 та мулк бирлашган эди<sup>560</sup>. Ал-Масъудий Бухоро воҳасини ўраб турган девор Суғд ихшидлари томонидан қурилганини қайд этса,<sup>561</sup> Ёқут ал-Ҳамавий, икки Суғд: Самарқанд Суғди ва Бухоро Суғди борлиги ҳақида маълумот беради ҳамда Пойкент шаҳарининг мустақил ички маъмурий бошқарувга эгалигини таъкидлайди<sup>562</sup>. “Ҳудуд ул-олам”да Бухоронинг катта ва обод шаҳарлиги, Пойкентнинг эса бой шаҳар эканлиги эслатилади<sup>563</sup>. Бухорога бўйсунувчи 22 та мулкнинг 15 таси Бухоро воҳаси мудофаа девори ичида, 7 таси ташқарисида бўлган. Марказга Тавовис, Қуйи Харқана, Ҳитфар, Қоҳуштивон, Юқори Самжон, Қуйи Самжон, Юқори Faравиз, Қуйи Faравiz, Зар, Farfidat, Farob, Пойкент кабилар бўйсунган<sup>564</sup>.

Хитой манбаларида келтирилган Нюми (Нумичкат) илк ўрта асрларда қуйи Зарафшонда махсус мудофаа деворлари билан ўралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган<sup>565</sup>. Бухоро ва Самарқанд ўртасида Иштихон, Кушония мулклари жойлашган. Бухоро мулклигининг IV-V асрларга оид мис тангаси сиртига “ps’r γwβw - “Авсар ҳукмдор” ёки “Чавандоз ҳукмдор” номи битилган<sup>566</sup>.

<sup>557</sup> Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда // ВДИ. – 1947. – № 4. – С. 74–83; Его же. Согд и Чач // КСИИМК. – Вып. 33. – М.–Л., 1950. – С. 152–163.

<sup>558</sup> Аскаров А. Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 30.

<sup>559</sup> Бабаяров Г., Кубатин А.В. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписи в росписях Афрасиаба. – С. 216–221; Livshitz V.A. The Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab // Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the LXXVIII, Supplemento. – № 1 (2004). Ed. M. Comparetti, E. De la Vaissiere. – Pisa–Roma, 2006. – Рр. 225–231.

<sup>560</sup> Адылов Ш.Т. Административно-территориальные устройства Западного Согда в раннем средневековье // ОНУ. – 1998. – № 6. – С. 18; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 349.

<sup>561</sup> Al – Masudi. Kitab al-tambih wa'l-ischarif. Ed. M.J. de Goeje. BGA. Pars 3. – Lugduni Batavorum, 1967. – P. 65.

<sup>562</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 349.

<sup>563</sup> Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). – Б. 11–12.

<sup>564</sup> Аскаров А. Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 31; Адылов Ш.Т. Административно-территориальные устройства Западного Согда в раннем средневековье. – С. 18; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ sogдийской топонимии. Дисс. ... канд. фил. наук. – Лист. 61, 75, 218–221; Мухаммаджонов А. Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарих). – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 46–51.

<sup>565</sup> Мухаммаджонов А. Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарих). – Б. 34–38.

<sup>566</sup> Лившиц В.А., Луконин С.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // ВДИ. – 1964. – № 3. – С. 169–170; Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А. К истории денежного обращения в Западном Согде (клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ. – 1986. – № 6. – С. 35–38.

Жумладан, Муғ архивининг А-5 ҳужжатида pwγ'г атамаси “бухоро драҳмаси” жумласида<sup>567</sup>, монийларнинг “Халқнома” – “Nafname” асарида эса pwγ'г - “бухоролик” маъносида учрайди<sup>568</sup>.

Наршахийга кўра, Бухоро ўрнига аҳоли дастлаб Туркистондан келган ва улар чодир ва ўтовларда яшаган. “Сўнг вақт ўтиши билан одамлар йигилиб иморатлар қурди”, - деб қайд этади муаррих. Нумичкат ва Фаробдиз шаҳарлари қадимириқ бўлган. Воҳада Бухородан қадимириқ яна Нур (Нурота), Харқанруд (Харқана), Вардана (Қўргони Вардонзе), Таровча (Тароб), Сафна ва Искони қишлоқ (кент)лари ва подшо турадиган катта қишлоқ (кент) Пойкент (Бойкент) мавжуд бўлган<sup>569</sup>.

**Пойкент** илк ўрта асрларда 20 гектарли кучли мудофаа девори билан ўралган шаҳар бўлиб, шаҳар ичида ҳукмдор арки жойлашган<sup>570</sup>. Турк шаҳзодаси Аброй<sup>571</sup> халққа зулм қилгач, бой савдогарлар ва дехқонлар ўз юртларини тарқ этиб, “Туркистон ва Тароз (яқинида) бир шаҳар бино қилиб”, уни ўз етакчиларидан бири Ҳамук номи билан “Ҳамукет деб номлайдилар”<sup>572</sup>. Бухоро аҳли Турк ябғу-ҳоқони Истеми ўғли Биёғу, (Буюк ябғу) Қорачўриндан ёрдам сўрайди. Ябғу - хоқон ўз ўғли Эл Арслон (Шери Кишвар)ни Бухоро воҳасида тартиб ўрнатишга жўнатади. У Пойкентда Абройни қатл эттириб, отасининг розилиги билан Бухорони ўз тасарруфига олади. Эл Арслон (Шери Кишвар) Ҳамукатга одам юбориб, Бухородан кетган аҳолини қайтаради. “Ҳамукетдан келган ҳар бир киши (амир)нинг яқин кишиларидан бўлди”, - деган буйруқ беради<sup>573</sup>. Бу гуруҳ орасида юртнинг аввалги ҳукмдори “Бухорхудот”<sup>574</sup> бўлган. Бу Бухоро Суғдини 22 - авлод бошқараётган эди<sup>575</sup>. “Тан шу”да Бухоронинг чжаоу ҳукмдори Ша-Алания номи зикр этилади<sup>576</sup>. Н.Я. Бичуринга кўра, Алинга, Э. Шаванинда эса Holing-kia деб ўқилган бу ҳукмдор 22 - подшолар авлодини ташкил қилган<sup>577</sup>.

Чжао-улар бошқарувига Аброй чек қўйган, худди Самарқандда бўлгани каби Бухоро ҳам Шери Кишвар – Эл Арслондан сўнг туркий сулола қўлига ўтган. Эл Арслон (Шери Кишвар) даврида (585/586 – 605/606) Аброй вайрон қилган қўрғон ва

<sup>567</sup> СДГМ II. – С. 181–185, 209.

<sup>568</sup> Henning W.B. Sogdica. – Р. 8–10; Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 154; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian – English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XXLI. – 517 с.

<sup>569</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 90–91, 166–167; История Бухары. С древнейших времен до наших дней / Под ред. акад. АН Уз ССР И.М. Муминова. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 83–84.

<sup>570</sup> Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зеравшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 год // ТОВЭ. –1940. – Том II. – С. 51–64.

<sup>571</sup> Аброй – турк хоқонлари авлодларидан бири Абоҳон 576–593 йилларда Билга Тардуш (Биёғу) – Қорачўрин билан бирга Шаркий Турк хоқонлигини бошқарган шаҳс деб таҳмин килинади. Қаранг: Бобоёров F. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида. – Б. 76; Толстов С.П. Тириания Аброя // Исторические записки. – 1938. – № 3. – С. 10; Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 145.

<sup>572</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 282; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 91.

<sup>573</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 91–92; Мұхаммаджонов А. Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарих). – Б. 36.

<sup>574</sup> Бухорхудот атамасидаги “худот” биримасини В.А. Лившиц xvaday <xvt’у ўртафорсийдаги xva – “ўзи” ва tava – “қодир” сўзларидан ясалганлигини изоҳлайди. Бу атама Вардана, Сомона, Хутталон, Чагониён, Гузгон ва Балх вилоятлари ҳукмдорлари орасида кўлланилган. Худот атамаси В.А. Лившиц фикрича, Ўрта Осиё ҳалқлари орасида сүғдий тилнинг аҳамияти пасайған даврдан кўлланила бошланган. Қаранг: Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 155. Сүғдий манбаларда ҳукмдорлар xvaғ (буддавий ва моний мантларида), γwβw, γwβ (асл сүғдий матнларда) шаклларида кўлланилган.

<sup>575</sup> Бартольд В.В. Бухара / Соч. III. – С. 378; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 24; Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Иктисад-молия, 2008. – Б. 49.

<sup>576</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 25.

<sup>577</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн.1. – С.317; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 282; Шоёқубов Ш. VI–VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида Суғд (сүғд ёзма ёдгорликлари асосида): Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 12.

қалъалар тикланди<sup>578</sup>. Бухорхудот бино қилдирган Варахша эса Хунукхудот даврида қайта таъмирланган ва Бунёд ибн Туғшода мазкур қасрни янгилаган<sup>579</sup>.

Араблар истилоси даврида Бухорони бошқарган туркий сулола - бухорхудотлар ва шадлар сулоласи асосчиси Эл Арслон (Шери Кишвар) эди<sup>580</sup>. Милодий аср бошларидан қадар хукмронлик қилган маҳаллий сулола вакиллари - бухорхудотлар хоқонлик вассали бўлган. Шу боис Эл Арслон (Шери Кишвар)га нисбатан бухорхудот унвони кўлланилмаган. Эл Арслондан кейинги авлодларигина худди Самарқандда ихшид унвони сақлангани каби, маҳаллий унвон “бухорхудотлар” деб юритилган.

Эл Арслон (Шери Кишвар)дан сўнг Бухорони “Тан шу”га кўра, тахминан 600/605 – 620-йилларда Шелидин ёки Шели бошқарган<sup>581</sup>. 620-630 – йилларга келиб, Бухоро тахтига Нишу Гяна шад (Наршахий бўйича Шери Кишварнинг невараси Кано) келган бўлса, 649-йилдан эса хитой манбаларига кўра Хелинцзе Бухоро хукмдори бўлган. Араб манбаларига кўра, 640-660-йилларда Бухорони Шери Кишвар авлодларидан Ша (шад) - 4ш бошқарган. “Тан шу” ва “Чефу” солномаларига суюнган О.И. Смирнова фикрича, 660-680-йилларда, Ф. Бобоёров бўйича, янада аникроқ 673-680 йиллар давомида Бухорони **Бидун** бухорхудот бошқарган<sup>582</sup>. У араб истилоси даврида Муслим ибн Зиёд томонидан ўлдирилган. Ўғли **Туғшода** ёш бўлганиги боис давлатни малика **Қабаж Хотун** бошқариб турган<sup>583</sup>. Бу ҳақда Наршахий: “Бидун Бухорхудот ўлган вақтида бир эмадиган ўғил бола қолди. Унинг номи Туғшода эди. Боланинг онаси бўлган хотун таҳтга ўтириди ва ўн беш йил (680-695) хукмронлик қилди”<sup>584</sup>, - деб ёзади. Унинг бошқарув даври араб истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади. Белларига олтин камар ва қилич тақиб олган 200 чоғли куролли чокарлар унинг хизматида бўлган. Бу йигитлар бир йилда тўрт марта шу вазифага чорланган<sup>585</sup>. Хитой манбалари Ан (Бухоро) чжэ-гэ (чокар)ларини “мард ва жасур кишилар” деб таърифлайди<sup>586</sup>. 695 йилда Қабаж Хотун вафот этиб, таҳт ўғли Туғшодага ўтади. Туғшода I ибн Бидун (араб. تugas pada , хитой. Дусабати, сүғд. twy'sp'd'k) 32 йил юртни бошқарган. Унга Туркистондан Вардонхудот исмли бир вазир келиб ёрдам берган ва 707/708–709/710 йилларда у Туғшода билан давлатни бошқарган<sup>587</sup>. Туғшоданинг хукмронлик даври (693/695-739) ҳам араб истилосига тўғри келди. Бу пайтда Хурросонга **Қутайба ибн Муслим** (708-715)дан то **Наср ибн Сайёр** (110/728-729 – 121/738)гача ноиблар келиб кетган. У исломга кириб, ўғлини Кутайба деб номлади<sup>588</sup> ва қизини Наср ибн Сайёрга узатди. Сеп эвазига инъом этилган Хунбун қишлоғи кейинчалик “Алилар экинзори” номини олди. Араблар томонидан Бухорога амир қилиб тайинланган Васл ибн Амр бухорхудотларга тегишли ерларини тортиб олди<sup>589</sup>. Бу билан араб амалдори

<sup>578</sup> Бу даврда Бухоро шаҳристони, шаҳар гарбидаги Мамастин (Мамостий қишлоғи), Шоҳруд канали бўйида Сакматин (Сумитан – Чорбакр), Самтин ва Фароб қишлоқлари барпо этилди. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 90–92; Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарихи). – Б. 38.

<sup>579</sup> Шишкян. В.А. Варахша. – М.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 212–215.

<sup>580</sup> Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳакида. – Б. 76; Адылов Ш.Г. Административно-территориальные устройства Западного Согда в раннем средневековье. – С. 29–30.

<sup>581</sup> У баъзан хитой манбаларида Янсо дэле (тегин), араб-форс манбаларида شبا – Шаба ёки شو – Саве каби номларда учрайди. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 278; Шишкян В.А. Варахша. – С. 235-238; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳакида. – Б. 76.

<sup>582</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 278; Шишкян В.А. Варахша. – С. 235–238; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннардаги бошқарув тизими ҳакида. – Б. 76.

<sup>583</sup> История ат-Табари. – С. 44.

<sup>584</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 92.

<sup>585</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений Мавераннахра и Хорасана в VIII - начале IX в. – С. 35–36.

<sup>586</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 374; Pulleyblank E.G. Sogdian colony in inner Mongolia. – P. 348–349.

<sup>587</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 279.

<sup>588</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 93.

<sup>589</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений Мавераннахра и Хорасана в VIII - начале IX в. – С. 41.

бухорхудотларнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мавқеига ҳам зарба беришни мўлжаллаган эди. Натижада Туғшода истилочиларга қарши чиқди. Оқибатда у Суғд кўзғолонлари вақтида 739/740 йили Самарқандда Наср ибн Сайёр фитнаси билан ўлдирилди<sup>590</sup>. У ўлдирилгач, тахтга ўғли Қутайба ибн Туғшода ўтириди<sup>591</sup>. У ҳам истилочиларга қарши харакатларни қўллаб турди. Абу Муслим даврида исломдан қайтгач, тахминан 759/760 йилларда ўлдирилди. Сўнг 760 йилдан тахтга **Бунёд ибн Туғшода** келди. У ҳам ўз бошқарувида “оқ кийимликларни” қўллаб, араблар сиёсатига зид фаолият юритди. Натижада, хижрий 166 (782/783) йилда Варахша қасрида амир Махдий фармони билан ўлдирилди. Манбаларда Бунёднинг авлодлари то амир И smoил Сомоний даври (874 йил)гача Бухорони бошқарганликлари, сўнгги бухорхудот номи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Холиб ибн Бунёд<sup>592</sup> эканлиги айтилади. Манбалар ва илмий тадқиқотлар натижаларига кўра туркий бухорхудот Эларслонийлар сулоласи Бухорони 585/586 йилдан то 874 йилгача<sup>593</sup> бошқаргани ойдинлашади.

Фарбий Суғд - Бухорода мустақил сиёсат белгиси мис чақа (ички бозор учун) ва кумуш тангалар (ташқи савдо учун) мил. II-IV асрлардан бошлаб Евтидем тетрарахмалари кўринишида ва V асрдан сүфдий тангалар намунасида зарб этилган<sup>594</sup>. Агар II-III аср тангаларида подшо тасвири ва ёзув туширилган бўлса, V асрдан кейинги тангаларда подшолар исми ва унвони ҳамда тамға акс эттирилган. Бухоро кумуш ва мис тангалари аксариятида: *pwγ’r γwβ k’w* – “Бухоро хвабу – подшоси” жумласи ифодаланган<sup>595</sup>. Бухоронинг ўз пул бирлига эгалиги бу воҳада ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожидан далолат беради. Бухоро бозорларида<sup>596</sup> Зандана бўзлари – “занданачи” матолари Ироқ, Форс, Кермон, Ҳиндистон каби ўлкаларда машхур бўлган<sup>597</sup>.

Бухоро воҳасида **Пойкент шаҳрининг** сиёсий ва айниқса, иқтисодий аҳамияти катта бўлиб, шаҳардаги работлар сони воҳаси қишлоқлари сонига тенг бўлган. Пойкентлик савдогарлар нафақат қуруқлик, балки денгиз йўллари орқали ҳам хориж билан алоқа қилганлар<sup>598</sup>.

<sup>590</sup> История ат-Табари. – С. 269; Бартольд В.В. Бухара. Соч. III. – С. 379.

<sup>591</sup> Хитой манбалари Қутайба – Цюйдабининг бошқарувини 740 йилдан белгилайди. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 279. Аммо бу маълумот ноаник. Қутайба ибн Муслимнинг Ҳурсонони бошқарган даври 706–715 йиллар хисобланади.

<sup>592</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 94.

<sup>593</sup> Манбаларга кўра Эларслонийлар шажараси қўйидагича: 585/586–605/606 йилларда Шери Кишвар – Эл Арслон (араб-форс манбалари); 605/606–620 йилларда Шелидин ёки Шели (хитой манбалари); 620–630 йилларда Нишу Гяна Шад ёки Кано (хитой манбалари, Наршахий ва нумизматик манбалар); 630–639/640 йилларда Хелинце (хитой манбалари); 639/640 – 660 йилларда Ша ёки Шаба (хитой ва араб манбалари); 660–680/681 йилларда Бидун (араб-форс манбалари); 680/681 – 693/695 йилларда малика Ҳатун ёки Қабаб Ҳатун (араб-форс манбалари); 693/695–739/740 йилларда Туғшода I ибн Бидун (707/708–709/710 йилларда Вардонхудот билан бирга бошқарган); 739/740–760 йилларда Қутайба ибн Туғшода (хитой, араб-форс манбалари); 760–782 йилларда Бунёд ибн Туғшода (араб-форс манбалари); 873/874 йилда сулоланинг сўнгти вакили Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Холид ибн Бунёд (араб-форс манбалари).

<sup>594</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 56–57; Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А. К истории денежного обращения в Западном Согда (клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ. – 1986. – № 6. – С. 35–38; Массон В.М. Денежные хозяйства древней Средней Азии по нумизматическим данным // ВДИ. – 1955. – № 2. – С. 39–41; Аскarov А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 11, 30.

<sup>595</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 57, 159; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian –English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XXLII. – 517 s.

<sup>596</sup> Манбаларда кўпроқ Самарқанд ва Бухоро йўлидаги Арқуд ёки Тавоис (Тавовис) бозори, Искажкатдаги пайшанба кунги бўз бозори, Шарғдаги ҳар йили киши ўртаси – ўн кунлик серттармоқ вилоятлараро бозори тилга олинади. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 95–101.

<sup>597</sup> Араб истилосидан сўнг Туркистон атамаси ўрнига кўпроқ Мовароуннаҳр атамаси қўлланила бошланди. Оқибатда ўша давр муаррихлари Туркистон деганда асосан Бухородан шимолни, Сирдарё ўрта оқими ва ундан юкоридаги, яъни туркий қабилалар кўпчиликни ташкил қиласидан худудларни тушунишган.

<sup>598</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 99–101.

Бухороликлар суғдийларининг шимоли-шарқ йўналишдаги миграцион ва колониал ҳаракатдаги фаол бўлишган. Шарккй Туркистон савдо маркази Ізюмюан шаҳри аҳолисининг аксариятини бухороликлар ташкил қилган. Бухороликлар Турк давлатчилигининг вужудга келишига муносаб ҳисса қўшганлар. Жумладан, Ан-Напанъто (Нахбанд) Турк хоқони Бумин (Тумин)нинг (551-553) вакили сифатида 545 йилда турк ябгулари номидан Хитойга элчи бўлиб борган бўлса,<sup>599</sup> Ан Суй-цзе эса Тўнга Турун хоқоннинг (588-599) маслаҳатчиси эди. Ан У-хан ва унинг ўғли Ан Туҳанлар хоқон ноиблари - элтабар унвонини олишган. Самарқандлик Кан Су-ми билан Ан Ту-хан 5000 юртдошини Турк хоқонлиги ҳудудига жойлаштириб, хоқонлик иқтисоди ва сиёсий қудрати ошишига ҳисса қўшган эди<sup>600</sup>. Ан Ян-ян исмли бухоролик лашкарбоши Қапағон хоқон (692-716) қўмандони сифатида асир олинган суғдийларни Хитой асоратидан қутқаришда қатнашиб, Ашина уруғига күёв бўлишга эришди<sup>601</sup>. Ан Лушан бошлаган исён (755-762)<sup>602</sup> эса, бутун Хитойни ларзага солиб, Тан сулоласини инқизозга олиб келган эди.

Култегин битигидаги: *buqaraq ulus* - “Бухоро ўлкаси ҳалқи”<sup>603</sup> жумласи бу юрт вакилларнинг Хоқонликдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда туркийлар билан ёнма-ён иштирок этганлигини исботлайди. Маҳмуд Қошғарийнинг: “Балосоғунликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. Тароз ва Мадинат ал-Байза (Сайрам) шаҳарларининг ҳалклари ҳам суғдча ва туркча сўзладилар. Улар (суғдийлар) Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Суғдан бўлиб, турклашиб кетгандилар”<sup>604</sup>, деган жумлалари IX-X асрлардаги ассимиляция жараёни акс эттиради.

Бухоро воҳаси азалдан суғдий ва туркий қавмлар яшайдиган минтақа эди. Варахша қасри деворий тасвиirlарида ҳам Афросиёб ва Панжикент деворий расмлари каби воҳадаги ўтроқ ва қўчманчи ҳаёт тарзи акс этган<sup>605</sup>. Ушбу тасвиirlар суғдий ва туркий маданий алоқаларининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади.

Марказий Суғд ва Ғарбий Суғд ўртасида қалин муносабатлар Муғ архивидаги А-5 ҳужжатида акс этган<sup>606</sup>. Ҳужжатнинг 4-, 8-, 17-қаторларда: “пухар (бухоролик)ка беш... дирҳам<sup>607</sup>га... кавш, яна пухар (бухоролик)ка... икки дирҳамдан кавш... берилди. Пухар (бухоролик)ка уч дирҳам берилди” дейилса, 15-қаторда “... ҳоким бир арабга 10 бухорий (танга) беришни буюрди” деб, таъкидланади. Бу жумлалар биринчидан, Деваштич саройида бухоро - пухор (rwγ'g)лик шахс хизмат қилиб, унга кийим-бош учун маблағ (4-қаторда) ва ойлик (17-қаторда) – маош тайинлангани, иккинчидан, “бир арабга 10 бухорий (танга)” берилиши Панжикентда Самарқанд тангалари қаторида Бухоро тангалари ҳам муомалада бўлганини кўрсатади.

Бухорода умумсуғдий тилнинг бир **шевасида** гаплашилган<sup>608</sup> ва бухороликлар ўзига хос ёзув маданиятига эга бўлганлар. Бу ёзув намуналари асосан тангаларда ва кумуш идишлар сиртида сақланган<sup>609</sup>. **Бухоро ёзуви** IV асрга оид суғд ёзувининг “Кўхна хатлар” намунасига яқин бўлиб, хатто В.Б. Хенning Бухоро тангаларидағи ёзувларни “Кўхна хатлар” ёзувларидан қадимиюроқ, деган фикри ўртага

<sup>599</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 10.

<sup>600</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 144; Зуев Ю.А. Ранние тюрки. – С. 159.

<sup>601</sup> Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – С. 121.

<sup>602</sup> Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи: восстание Ань Лушаня и Ши ЧАО-И (755-762). – С. 10-20.

<sup>603</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1951. – С. 52.

<sup>604</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит-турк. 1-жилд. – Б. 65.

<sup>605</sup> Шишкин В.А. Варахша. – С. 158-159, 173, 220-221; Исаков А. Дворец правителей древнего Пенджикента // СНВ. – 1971. – Вып. X. – С. 76-82; Альбаум А.И. Новые росписи Афрасиаба. – С. 83-89; Гол Э.Ф. Проблемы этнокультурных взаимодействий античном и средневековом искусстве Узбекистана: Автореф. дисс. ... докт. искусств. – С. 16.

<sup>606</sup> Исҳоқов М.М. Унутилган подшолиқдан хатлар. – Б. 51-52.

<sup>607</sup> Дирҳам ёки драҳм, 4, 24 гр. Оғирлиқдаги кумуш танга.

<sup>608</sup> Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. – С. 349

<sup>609</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 163.

ташлайди<sup>610</sup>. Бухоро тангаларидаги ҳарф шакллари палеографияси уларни V асртага пайдо бўлганлигини кўрсатади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, бухоро ёзуви оромий ёзувига асосланган суғд ёзувининг қадимий график анъаналарини сақлаган<sup>611</sup>, бу жиҳатлар умумсуғд маданиятининг серкірра эканлигини исботлайди.

Бухоро Суғди эътиқоди ҳам ўзига хос бўлган. Бухорода марҳумларига топиниш анъанаси бўлиб, бу янги йилнинг биринчи куни Сиёвуш хотирасига хўroz қурбонлик қилиш маросими ҳисобланган. Бу маросим марҳумнинг “йўқолган суюкларини излаш” удуми билан етти кун давом этган<sup>612</sup>.

Мухтасар қилганда, Бухоро Суғдида асрлар давомида шаклланган ўзига хослик воҳага кучли таъсир этган туркий муҳит билан боғлиқ эди. Бу минтақа турк-суғд муносабатлари ва симбиозини барча жиҳатларини ўзида мужассам этган эди.

Суғд конфедерациясида **Жанубий Суғднинг икки мулки Шы (Кеш) ва Нашебо (Нахшаб)** алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Кеш муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлиб, жануби-ғарбий чегараси Бўзғола (Темир-қапуғ)гача деярли 100 кмга чўзилган эди<sup>613</sup>.

Хитой манбаларидаги Цзюйша вилоятининг пойтахти Цишига ёки ўрта аср манбаларидаги “Кеш-Кашш” (“Кас”/“Кис(с)”)<sup>614</sup>га VII асрда асос солинган<sup>615</sup> деган, фикр мавжуд эди. Ваҳоланки, археологик тадқиқотлар **Кеш (Шаҳрисабз)**нинг 2700 ёшдалигини аниқлади<sup>616</sup>.

629-630 йилларда Сюань-Цзан Кешни Цзешуанна деб, бошқа бир Хитой сайёхи Хой Чао 726 йилдаги оид маълумотида Ши номи билан келтиради<sup>617</sup>. Бу номланишлар шаҳарнинг турли даврларига оидdir.

Илк ўрта асрларда Кеш Суғднинг муҳим марказларидан бири эди. Самарқандда ҳокимият парокандаликка учраган пайтда маълум муддат Суғд пойтахтига айланди. Бу даврда Кеш хукмдорлари ўнг юзасига подшо, орқасига хукмдорнинг қилич билан шерсимон маҳлукни даф этаётганлигини акс эттирувчи тасвири тангалар зарб эттириди<sup>618</sup>. VII асрдан Кешнинг Суғдга пойтахтилик даъвоси янада кучайди. Хитой манбалари “Суй шу” ва “Тан шу”га кўра, Кешни 640 йилгача **Тичо (Дичже)** исмли хукмдор бошқарib<sup>619</sup>, 600-620 йилар давомида уни марказга айлантирган<sup>620</sup>. 642 йилдан кейин Кешга **Шашепи (суғдий Шишипир – шуғруг)** (642-655) хукмдор бўлиб, унинг даврида Кешдан Хитойга элчилик юборилган<sup>621</sup>. Бу Жанубий Суғднинг V-VII асрлардаги мустақил ташқи сиёсатидан далолат беради. Шишипир даврида (642-655) Кешнинг пойтахтилик мақоми учун кураши нафақат сиёсий, балки иқтисодий асосларга ҳам таянган. Чунки Шишипир томонидан зарб этилган “ихрид Шишипир”

<sup>610</sup> Henning W.B. The Date of the Sogdian Ancient Letters. – P. 314; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian –Persian – English. – Teheran: Farhanghan Publications, 1995, XXLII. – 517 s.

<sup>611</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дъяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 164.

<sup>612</sup> Дъяконов И.М. и др. Документы из древней Нисы (декшировка и анализ) // Материалы ЮТАКЭ. – 1951. – Вып. 2. – С. 36–37; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 359.

<sup>613</sup> Грене Ф. Заметки о топониме Наутака // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Т.: Фан, 2002. – Б. 11; Grene F. Zoroastre au Badakhan // Studia Iranika. – 2002. – Vol. 31. – С. 209–212.

<sup>614</sup> Камолиддинов Ш.С. “Китаб ан-Ансаб” Абу Саъд Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъаний как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – С. 108–109.

<sup>615</sup> Бартольд В.В. Кеш / Соч. Т. III. – С. 460; Marquart J. Erānshahr nach der Geographie des P.S. Moses Xorenq'i // AKGWG. – 1901. – Bd. III. – № 2. – S. 304; Chvannes Ed. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P. 146.

<sup>616</sup> Каранг: Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzalari тезислари. – Тошкент: Фан, 2002. – 162 б.

<sup>617</sup> Beal S. Buddhist records of the Western World. – P. 32–36; Fuchs W. Huei-Ch'ao's Pilgerreise durch Nordwest Indien und Zentral Asten um 726. – S. 451–452.

<sup>618</sup> Кабанов С.К. Кешские монеты V-VI вв. // ВДИ. – 1961. – № 1. – С. 137–142.

<sup>619</sup> Бобоёрөв F. Турк хоқонлиги даврида Кеш // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 66.

<sup>620</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 274, 316.

<sup>621</sup> Chvannes Ed. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P. 146.

(’үгуд шу́шруг) тангаларнинг Панжикентдан топилиши, VII аср ўрталари гача Суғдда Кешнинг мавқеи баланд бўлганлигини кўрсатади<sup>622</sup>. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гарча Кеш пойтахт бўлса-да, Самарқанд Суғдинг тарихий пойтахти сифатидаги ўрнини сақлаб қолган. Шу боис бўлса керак, Сюань-Цзан ўз хотираларида Суғд маркази Самарқанд деб беради. Шишпир эса тахминан 650 йилда пойтахтни Самарқандга кўчириб, Хитой намунасида ўртасида тўртбурчак тешик тангалари юзасига тамға, орқасига подшо (ихшид) Шишпир - MLK' шу́шруг деб, чекилган<sup>623</sup>.

Суғд конфедерациясида Кеш ҳокими Шишпирнинг хукмронлиги тахминан 650\655 йилгача давом этди. Самарқанд таҳтига туркий “ён ўқ” сулоласи вакили Вархуман (Авархуман) - β'γυμ'п (650\655-675) келгач, бутун Суғд марказ Самарқандга бўйсундирила бошланди<sup>624</sup>. Янги хукмдор **Чжаоу Шиагие** (Che-a-ho) даври (656-660)да Кеш мулки марказ Самарқандга тобе бўлган<sup>625</sup>. Самарқанд VII аср иккинчи ярмидан то VIII аср бошигача ўзига Кеш, Маймурғ, Иштихон, Кушония ва Кабудонни тобе қилди. 712 йилдаги Ғурак ва Қутайба ўртасидаги “Самарқанд шартномаси”га кўра, Суғд худудига Кешнинг ҳам киритилганлиги<sup>626</sup> шундан далолат беради. Бу жараён эҳтимол, 650-655 йилларда Самарқанд ва Кеш хукмдорлари ўртасидаги кураш, Шишпирнинг таҳтдан четлатилиши ҳамда Кешга туркий сулола вакили Шиагие (Che-a-ho)нинг келиши билан якунлангандир. Шундан кейингина марказга бўйсунувчи Кешда маҳаллий бошқарув давом этган бўлса керак.

660-680 йилларда Кешда номи номаълум қолган Хуттал подшосининг амакивачаси хукмрон бўлган. 700-720 йиллардаги Кеш хукмдори номаълум. “Тарихи Табарий” ва Хитой манбалрига кўра Кешнинг 720-740 йиллардаги ҳокимларини аниқлаш имкони бор. Даствор **Вик** (720-727 й.)<sup>627</sup>, сўнг хитой манбаларига кўра, **Ахубидо** (727-730/731) (Ахурпат – ”ywprt), **Йанътун** (731/732-738) (араб манбаларида Йандун, суғдий \*у'нðwn), **Хубо** (Йанътуннинг ўғли) (738-739), араб манбаларида “чокарлар подшоси” унвони берилган **ал-Ашқанд** (суғдий \*'šknðk) ёки хитой манбаларидаги **Сицзинъти** ёки **Сыгинти**<sup>628</sup> (740-746/747), **ал-Ихрид** (747-752) ва **Таран** (752-760) каби хукмдорлар Кешни идора қилган<sup>629</sup>. Кешнинг сўнги хукмдорлари хақида Табарий шундай дейди: “Хижрий 134 (752) йилда Абу Давуд Холид бин Иброҳим<sup>630</sup> Кешга юриш қилиб, унинг подшоси Ихридни, унинг кўплаб дехқонлари билан бирга ўлдириди ва укаси Тарани ўрнига Кешга подшо қилиб қолдириди”<sup>631</sup>. Манбаларда Кеш билан боғлиқ маълумотларнинг муфассал баён этилиши унинг илк ўрта асрларда сиёсий ва иқтисодий мақеи баланд бўлганлигини кўрсатади.

<sup>622</sup> Смирнова О.И. Каталог монет городища Пенджикента. – С. 62–63.

<sup>623</sup> Смирнова О.И. Каталог монет городища Пенджикента. – С. 13.

<sup>624</sup> Бабаяров Г., Кубатин А.В. К новый интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписи в росписях Афрасиаба. – С. 216–221.

<sup>625</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 316; Chavannes Ed. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 146; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 36–37.

<sup>626</sup> Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkandi zebti (h. 92-93/ m. 712). – S. 390–393.

<sup>627</sup> Бу хукмдор 104 хижрий, 723 милодий йилда Араб халифалигининг Хурсон ноиби Саид Хароший билан сулҳ тузган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 189.

<sup>628</sup> Сыгинти исм эмас, туркий тегин маъносини беради. Бу шахс Насаф ва Кешни бошқарган. Қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. 1. – С. 299; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими хақида. – Б. 78.

<sup>629</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 281. Манбалар: Ахудибо хақида - Тан шу, III. – Б. 146; Бэй шу, II. – Б. 316; Чефу, III. – Б. 47; Йанътуннинг 738 йилда ўлдирилганлиги хақида - Тан шу III. – Б. 210; Чефу, III. – Б. 59; 738 или Хубонинг ҳокимиятга келиши хақида - Тан шу, III. – Б. 210; Чефу, III. – Б. 59; 739 или Сицзинътининг ҳокимиятга келиши хақида Чефу, III. – Б. 59.

<sup>630</sup> Абу Довуд Холид бин Иброҳим – Халифаликнинг 130-140 (747-757) йилларда Тоҳаристон сўнгра Хурсондаги ноиби.

<sup>631</sup> История ат-Табари. – С. 348.

Кешнинг маъмурий бошқарувидаги ўзгаришлар бевосита Суғдда кечган жараёнлар билан боғлиқ эди. Қолаверса, VII аср ўрталаригача Кешни Кан – Самарқанд - чжаоулари хонадони вакиллари бошқарган. Сўнгра Самарқандда бўлгани каби хукмрон туркий “ўн ўқ” сулоласи вакиллари бошқарувни ўз кўлларига олган. Мазкур хонадонига мансуб шахслар конфедерация мулкларига хукмдор сифатида тайинланган.

Юкорида келтирилган 600 йилдан 760 йилгача Кеш мулкини бошқарган саккиз нафар хукмдор орасида маҳаллий суғдийлар ва туркийлар бўлган. Жумладан, Кеш вилоятидаги Хузор мулкининг ҳокими **Субуғро** туркийлардан эди<sup>632</sup>. Бутун Суғдда бўлгани каби Кеш вилоятида ҳам қатор майда деҳқон мулклари<sup>633</sup>, мулқорларнинг маҳсус гвардияси – чокарлар бўлган. Шу боис ҳам хитой манбалари Сицзинъти / Сыгинти (ал-Ашканд)ни “чокарлар подшоси” деб бежиз атамаган<sup>634</sup>.

Кеш мулки ўз салоҳияти билан Суғд конфедерациясида Самарқанд ва Бухородан кейин турган. Ички ва ташқи бозор учун Кеш ҳунармандлари олтин, кумуш буюмлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган зебу-зийнатларни ишлаб чиқарган. 624, 724, 726, 727, 744, 750 йилларда Суғддан Хитойга юборилган зотдор от уюрлари орасида Кеш отлари ҳам бўлган. Четта рангли тузлар, олтин ва ношвадил, қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар чиқарилганлиги<sup>635</sup> Кеш иқтисоди ва ҳунармандчилиги тараққиётидан далолат беради.

Кеш савдо аҳли суғдийларнинг Марказий Осиё бўйлаб кечган колониал ҳаракатида фаол иштирок этган. Жумладан, Дунхуандаги Цунхуасен қишлоғида Шы (Кеш) лик 22 киши яшаган бўлиб, рўйхатда уларнинг 6 таси зикр этилган<sup>636</sup>. Рўйхатда фақат эркаклар қайд этилганини эътиборга олсак, уларни оила бошлиқлари бўлган эди, дейиш мумкин.

Кешлик иқтидорли санъаткорлар Чочнинг раққос ва раққослари қаторида Хитой саройида ўз маҳоратларини намойиш қилиган<sup>637</sup>.

Айтиш мумкинки, Суғд конфедерациясидаги Кеш илк ўрта асрларда сиёсий ва иқтисоди барқарор, маъмурий бошқарув тизими мукаммал, бир неча мулкларни ўзида мужассамлаштирган вилоят бўлган. Турк-суғд муносабатлари жадал кечган вилоят бўлганлигини унинг маъмурий бошқарувдаги ўзгаришлар орқали ҳам кузатиш мумкин.

Жанубий Суғд – Қашқадарё воҳасининг иккинчи бир мулки **Насаф - Нахшаб** ҳам ўзига хос тараққиёт босқичини бошидан кечирган<sup>638</sup>. Жумладан, мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи ярми ва мил. I минг йилликнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган Еркўргон харобалари ўрта асрлардаги Насаф ва ҳозирги Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик тарихини белгилайди<sup>639</sup>. Бу шаҳар Кеш каби Бузгола

<sup>632</sup> История ат-Табарий. – С.190; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С.40.

<sup>633</sup> X асргача Кеш вилояти таркибида: Мийон-Кеш, Руд, Баланберин (Бартольдда Баланддарин), Расмин (Бартольдда Расмайн), Кешк, Ару, Бузманжон, Сиём, Аргон, Жажруд, Хузар-руд, Хузар, Суруда, “Ички” Санг-карда, “Ташки” Санг-карда (Бартольдда Санг-гардак) ва Маймург каби рустоклар бўлган. Қаранг: Бетгер К.Е. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля. – С. 19–20.

<sup>634</sup> Chavannes Ed. Documents sur les T’ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Pp. 147, 313.

<sup>635</sup> Shafer E. H. The golden peaches of Samarkand. A study of T’ang exotics. – P. 117.

<sup>636</sup> Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дунъхуане. – С. 149.

<sup>637</sup> Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – С. 85–88; Его же. Самарканد на Великом шелковом пути. – С. 111.

<sup>638</sup> Сулаймонов Р. Нахшаб – унунтилган тамаддун сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 20–21; Шаякубов Ш. Ш. VI–VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида Суғд (суғд ёзма ёдгорликлари асосида): Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. – Б. 13.

<sup>639</sup> Сулаймонов Р.Х. Ранние этапы развития городской культуры Каршинского оазиса // Қадимий Қарши Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 5; Сулаймонов Р.Х., Сагдуллаев А.С. Сложение и развитие урбанизированной культуры Кеша в древности и средневековье // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида туттган ўрни. – Тошкент: Фан, 2002. – С. 5–6; Грене Ф. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. – Ташкент - Карши, 2006. – С. 34–36; Яна қаранг: Қарши

(Темур Қопуғ) орқали “Буюк ипак йўли”да Суғдни Бақтрия ва Ҳиндистон билан боғловчи жанубий йўналишидаги муҳим стратегик марказ ҳисобланган. Кеш орқали карвонлар Самарқанд билан боғланса, Насаф орқали юрган карвонлар эса Бухоро билан боғланган<sup>640</sup>.

V-VI асрларда Насаф Суғдда ўз мавқеига кўра Самарқанд, Бухоро ва Кешдан сўнг тўртинчи ўринда турган. Хитой манбаларида Самарқанд Суғди тасарруфидаги мулкдан бири Нашебо (Насаф) деб, зикр этилади<sup>641</sup>. VII асрда Суғд конфедерациясида ярим мустақил мақомга эга бўлган Нахшаб “Таншу”га кўра, Ши (Кеш) таркибидаги мулк - “Кичик Ши” деб аталган. Самарқанд тахтига Вархуман келгач, яъни 650/655 йилдан Нахшаб Самарқандга бўйсунувчи ҳокимлика айланган<sup>642</sup>. Нахшаб мулки хукмдорларидан бири бўлган Ашканд (740-746/747)<sup>643</sup> Кешни ҳам ўзига бўйсундиргани бу мулкнинг туркий хукмдори Ашканд – Сыгинти (тегин)нинг сиёсий мавқеидан дарак беради.

712 йилда араб лашкарбошиси Қутайба ва Суғд подшоси Ғурак ўртасидаги “Самарқанд шартномаси”га кўра, Кеш ва Насаф мулклари шаҳар ва қўрғонлари билан Ғурак тасарруфида эканлиги тан олинган<sup>644</sup>. Ҳатто, ўрта аср муаллифлари Яқубий, Истаҳрийлар ҳам Кеш ва Насафни Самарқанд Суғди таркибида эканлигини таъкидлаганлар<sup>645</sup>. Кеш ва Насаф IX аср бошигача, яъни, сўнгги Суғд ихшиди Язид ибн Ғурак (780/782–800) давригача Суғд таркибида бўлган дейиш мумкин.

Суғд конфедерациясининг нисбатан кичикроқ мулклари **Иштихон ва Кабудан** Сюань Цзан ва Хой Чаолар маълумотларида Цао (Иштихон) ва Цзенбудана (Кабудан) деб, билан қайд этилган. Уларнинг “урф-одатлари ва (ишлаб чиқарган) маҳсулотлари Самокиен (Самарқанд) билан ўхшаш”, хукмдорларининг ҳарбий гвардияси - чокарлари бўлган<sup>646</sup>. Ҳокимлари (то VII аср ўрталаригача) Кан (Самарқанд) подшолари уруғларидан – чжао улардан тайинланган, Самарқандда ўтказиладиган барча тадбирларда, жумладан олтинчи ойда бўладиган аждодлар руҳига бағишлиланган зардўштийлар эхромидаги қурбонлик маросимларида иштирок этганлар<sup>647</sup>. Бу мулклар Бухоро ёки Кешдан фарқли асосан марказга тобе ҳисобланган. “Сўй шу” солномасида келтирилишича, 600-620 йиллардаги Кан – Самарқанд ихшиди Тайшебининг ўғли Үцзень Иштихон ва Кабудан ҳокими этиб тайинланган. Манбалар 738 йилгача Иштихон ва Кабудонга ҳокимлик қилганлар орасида, Ғуракнинг ўғли Турғар (twry'r, хитойча Догэ)ни ҳам тилга оладилар. У отаси ўринига Самарқанд тахтига келгунча Иштихонни бошқарган. “Тан шу” ва “Чефу” манбаларига кўра, Турғар Иштихон ҳокимлигига 731 йилда тайинланган. Айни вақтда “Чефу”га кўра, Кабуданга **Мосиён** хукмрон бўлган. 738 йилда у вафот этиб, ҳокимлик укаси Сутуполо (Суду – пуло), яъни Сутуқ – буғро (Суду – буғро)га

шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Қарши шахрининг 2700 йиллик юбилейига бағишлиланган ҳалқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент–Қарши: Фан, 2006. – 266 б.

<sup>640</sup> Бартольд В.В. Дер-и Ахенин / Соч. III. – С. 431.

<sup>641</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Кн. II. – С.281; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч. – М.: Наука, 1968. – Том III. – С. 205.

<sup>642</sup> Бобоёров F. Турк ҳоқонлиги даврида Нахшаб (бошқарув тизими) // Қарши шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Ҳалқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент – Қарши: Фан, 2006. – Б. 135–139.

<sup>643</sup> Бу шахс “Таншу”да Сыгинти, яъни тегин номи билан тилга олинса, ўзи зарб эттирган S белгиси туширилган тангаларда сұғдий Аскадак / Ашқадак ('skd'k) номи билан келади. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 180; Бобоёров F. Турк ҳоқонлиги даврида Нахшаб (бошқарув тизими). – Б. 137–138.

<sup>644</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311. Kurat A.N. Kuteybe ibn Müslim'in Hvarizm ve Semerkand'i zabti (Hijri 93-94, miladi 712). – Ss. 387–430; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 37.

<sup>645</sup> Бартольд В.В. Согд / Соч. III. – С. 487–488.

<sup>646</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 314; Beal S. Buddhist records of the Western World. – Р. 32–36; Fuchs W. Huei-ch'ao's Pelgerteise durch Nordwest Indien und Zentral Asien um 726. – S. 451–452; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 281.

<sup>647</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 281.

ўтган. 740-760 йилларда эса Кабудан ва Иштихонни Гэла – пуло, яни Қора – буғро бошқарган<sup>648</sup>. Чунки бу даврда “ён ўқ” сулоласи вакиллари барча мулкларда хукмрон бўлиб, ҳокимият тўла туркий сулола қўлига ўтганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Табарий Иштихон дехқони Собит Иштихони(ч) хақида маълумот беради. У 720 йилда араб истилосидан чекиниб, суғд аслзодаси Корзанич билан Хўжанд воқеаларида қатнашган. Сайд Хароший қўшинлари билан тўқнашувда ҳалок бўлгач, Иштихондаги мулки араблар тасарруфига ўтган<sup>649</sup>.

Иштихон Самарқанд-Бухоро йўлидаги муҳим стратегик шаҳар, ихшидлар қароргоҳи ҳам эди. Шу боис Ғурак ўз ўғли Туғарни Иштихонга ҳоким қилиб юборганди<sup>650</sup>. Иштихон хунармандчилик ва савдо маркази сифатида ҳам машхур бўлиб, унинг маҳсулотлари 742 йилда Хитойга юборилган совғалар орасидан ўрин олган<sup>651</sup>.

Катта даромад манбаи бўлган Иштихон бозорлари Истахрий ва Ибн Хавқалларнинг маълумотига кўра, халифа Мутасим (833-842) даврида мусодара қилиниб, улардан келадиган фойда халифа Мансур (870-892) ихтиёрига ўтган<sup>652</sup>. Иштихон кейинги асрлар (IX-X)да ҳам Суғднинг обод рустоқлардан бири бўлган<sup>653</sup>.

Суғд конфедерациясидаги **Маймурғ** мулки Самарқанд жанубий шарқида жойлашган бўлиб, уни Сюань Цзян “Мимокия” ёки “Мимоҳэ”, Хой Чао эса “Ми” деб келтирган<sup>654</sup>. Маймурғ ҳам бевосита Самарқандга тобе бўлиб, уни ҳукмрон хонадон вакиллари бошқарган. 720-740 йилларда Маймурғ Ғуракнинг кичик ўғли **Манҷко (Маничўр - Баничўр)** томонидан бошқарилган<sup>655</sup>. 712 йилги “Самарқанд шартномаси”да ҳам Маймурғ Суғд таркибида кўрсатилади<sup>656</sup>. Х аср араб географи Ибн Хавқал Маймурғ рустоқлигидаги Риввод (Толу-Барзу)ни Самарқанд ихшидларининг қасрлари жойлашган қишлоқ сифатида тилга олади<sup>657</sup>. Бу яна бир бор Маймурғнинг сиёсий ва маъмурий жиҳатдан Самарқанд ихшидлари тасарруфида эканлигини кўрсатади.

Маймурғда Суғднинг асосий суғориш тармоқлари тизими - стратегик аҳамиятга эга Варағсар тўғони<sup>658</sup> жойлашган эди. Маймурғда дехқончилик, хунармандчилик ривожланиб, унинг тоғларидан олтин, темир, палаҳса тошлар қазиб олинган. Мулкдорлари эса ҳашаматли сарой ва қасрлар қуришган. Суғд мулклари орасида Маймурғ энг кўқаламзор, қишлоқлари ва саройлари кўп жойлардан бири бўлган<sup>659</sup>.

Маймурғ савдо аҳли ташқи савдода ҳам фаол бўлиб, 624, 724, 726, 727, 744, 750 йилларда Самарқанд, Бухоро, Кеш қатори Хитойга зотдор отлар уюри ва зотли

<sup>648</sup> Смирнова О.И. Заметки о среднеазиатской титулатуре. – С. 68; Её же. Сводный каталог согдийских монет. – С. 425; Маявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследование. – С. 80; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б. 126.

<sup>649</sup> История ат-Табари. – С.187–188; Кадырова Т. Из истории крестьянского движения. – С. 79.

<sup>650</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311; Chavannes Ed. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 136.

<sup>651</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 126–127; Abel-Remusat. Nouveaux mélanges Asiatiques. – Р. 236.

<sup>652</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 132; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 147.

<sup>653</sup> Бетгер К.Е. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля. – С. 18–19.

<sup>654</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 281; Гафуров Б.Г. Таджики. Ки. I. – С. 314; Beal S. Buddhist records of the Western World. – Р. 32–36; Fuchs W. Huei-ch'ao's Pelgerreise durch Nordwest Indien und Zentral Asien um 726. – С. 451–452.

<sup>655</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 277.

<sup>656</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311.

<sup>657</sup> Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – С. 187; Бетгер К.Е. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля. – С. 16–18.

<sup>658</sup> Варағсар тўғони орқали илк ўрта асрлардан то ўрта асрларга кадар Суғднинг Панжикент, Варағсар, Маймурғ, Санжарғифон, Дарғом ва Абгар рустоқлари сув билан тъминланган.

<sup>659</sup> Маймурғ // Ўз МЭ Т. 5. – Тошкент: Ўз МЭ нашириёти, 2003. – Б. 396.

кўчкорлар юборган<sup>660</sup>. Маймурғ “латун”и, рангли тузи, тилла зебу-зийнатлари четга чиқарилган<sup>661</sup>. VI-VII асрларда Самарқанд ва Кеш каби Маймурғ усталари ясаган “санъат асарлари”да туркий хунармандчилик таъсири<sup>662</sup> кузатилди. Суғд хунармандчилигига туркий тимсоллар янада сайқал топиб, туркий анъаналар сүфдийлар ҳаётида чуқур илдиз отди<sup>663</sup>.

Маймурғ ахли сүфдийларнинг шимоли-шаркий йўналишдаги колониал ҳаракатларида фаол иштирок этишган. VIII аср бошларида Дунъхуанд үтказилган аҳоли рўйхатида Ми - Маймурғ исмли 10 киши (оила бошлиғи) кўрсатилган<sup>664</sup>. Бу тахминан 50-60 нафар аҳолини ташкил этади.

Тан саройига ташриф буюрган ўртаосиёлик санъаткорлар орасида маймурғлик раққосалар ҳам тилга олинади<sup>665</sup> ва мароқ билан тасвирланади.

Суғд конфедерациясида Зарафшоннинг ўрта оқимида жойлашган **Кушония** мулки сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлган<sup>666</sup>.

Хитой манбаларида Кушония Цюйшуванниция (Сюань Цзан бўйича) шаклида акс эттирилган<sup>667</sup>. IV-V асрларда Кушония ўз атрофидаги майда мулкларни бўйсундириб, Кушония ҳокими ўз номидан бронза тангалар зарб эттирган<sup>668</sup>. Бу Суғд конфедерациясига хос ички тузилма ва маъмурий бошқарувнинг мураккаблигидан далолат беради. Мулклик ҳокимлари ҳокимиятни тўла тасарруф этиб, ҳатто ўз пули ва юздан зиёд чокарлардан иборат қўшнига ҳам эга бўлган.

VI аср охири ва VII аср 1-ярмидан Кушония марказ таркибида Суғд ихшиди вакили томонидан бошқарилган. Кушония Суғднинг обод шаҳарларидан бўлиб, Зарафшон воҳасининг маданий марказларидан бири ва аҳолиси Суғднинг бошқа мулкларига нисбатан бадавлат бўлган<sup>669</sup>. Маълумотларга кўра, Кушония ҳокимининг таҳти олтиндан ясалган. Хукмдор саройи<sup>670</sup> деворларидағи тасвирда: шимолда Хитой императорлари, шарқида - ҳинд брахманлари ва турк хоқонлари, гарбида - форс шоҳлари ва Рим императорлари акс эттирилган. Бир бинонинг ўзида ҳам Рим, Эрон, Марказий Осиё, Ўрта Осиё, Хитой ва Ҳинд хукмдорларининг тасвирланиши бирорта бошқа жойда учрамайди<sup>671</sup>. Бу манзара Кушония Суғддаги етакчи мулк ёки **Суғд ихшидлари қароргоҳи** бўлганини кўрсатади. Тасвирлардаги Суғднинг ўз қўшнилари ва савдо шериклари билан муносабатлари акс этиши Самарқанд Афросиёбидаги “элчиларни кутиш маросими”ни эслатади. Кушония ҳам дастлаб Кан сулоласи хонадони вакиллари чжао-улар томонидан, VII аср иккинчи ярмидан эса Суғднинг туркий сулолалари томонидан бошқарилган. “Тан шу”да Хэ (Кушония) ҳокими **Подати** номи зикр этилган<sup>672</sup>. Бу маълумотлар Кушониянинг Суғд таркибидаги ўрнини белгилайди.

<sup>660</sup> Шефер Э. Золотие персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: Наука, 1981. – С. 109.  
<sup>661</sup> Schafer E.H. The golden peaches of Samarkand. – Рр. 61, 64, 217, 254, 259, 296; Шефер Э. Золотие персики Самарканда. – С. 293–299.

<sup>662</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 281.

<sup>663</sup> Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М., 1960. – С. 84–87; Стеблева И.В. Поэзия тюроков VI–VIII веков. – М., 1965. – С. 65–68.

<sup>664</sup> Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дунъхуана. – С. 150–151.

<sup>665</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 352; Schafer E.H. The golden peaches of Samarkand. – Р. 55–56. Шефер Э. Золотие персики Самарканда. – С. 83–85.

<sup>666</sup> Кушония. // Ўз МЭ. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 159.

<sup>667</sup> Beal S. Buddhist records of the Western World. – Р. 32–36; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 281.

<sup>668</sup> Смирнова О.И. Нумизматические заметки // ЭВ. – 1967. – Вып. XVIII. – С. 36–39.

<sup>669</sup> Кушония // Ўз МЭ. 5-жилд. – Б. 159.

<sup>670</sup> Хитой манбаларига суюниб, Б.Ф. Гофуров уни зардуштийлар эхроми деб, келтиради. Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 362. Бу ишшоот В.В. Бартольд таъкидлагандек, Кушония хукмдорларининг саройи бўлган.

<sup>671</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 191.

<sup>672</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 23, 25.

Сүгдий манбалардан Муғ архивидаги А-5 ва Nov. 1 хужжатларида күшонлик (*kwš'nyk/ 'kwš'nyk*) атамаси келтирилган. Бундан ташқари сүгдий матнида *kwš'ny* рүг - “Күшония (подшолиги) чегараси” жумласи бор<sup>673</sup>. Аммо бу Күшон империяси ҳақидаги жумлами ёки Күшония мулки ҳақидами бирор нарса дейиш қийин. Бирок Каттақүрғон худудидаги Күшония мулки араб манбаларида ҳам Күшәнийа (*کوشانیہ*) шаклида ифодаланган<sup>674</sup>. Ибн Ҳавқал Күшонияни Сүгднинг энг гўзал шахри сифатида таърифласа,<sup>675</sup> X аср араб мухаррихлари уни “Сүгднинг юраги” деб, атаганлар<sup>676</sup>.

Күшония савдогарлари Сүгд колониал ҳаракатида иштирок этгани VIII аср Дунъхуандга ўтказилган аҳоли рўйхатидаги Хэ исмли күшониялик 20 киши (хонадон бошлиғи) қайд этилишида ўз ифодасини топади. Бухоро-Ан ва Тохаристон - Лодан келган муҳорижлардан фарқли Күшония – Хэ ва Хэго, Кабудон - Цаолик муҳожирлар кўпроқ хитойча исм-шарифларни қабул қилганликлари кузатилади<sup>677</sup>. Самарқандлик ва бухоролик муҳожирларнинг аксарияти ўз келиб чиқишиларини сақлашга интилганлар. Лекин бошқа мулқдан келган муҳожирлар, кўпроқ ассимиляцияга учраган кўринади.

Сүгд мулклари орасида Шарқий Сүгдда жойлашган **Панж вилояти** (рпс), **Панжикент шахри** (рпсукнӣ) ҳақида Муғ архиви кўплаб маълумотлар беради. Бу мулк ва унинг маркази VII аср охири VIII бошларида Сүгднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва этномаданий ҳаётида муҳим ўрин тутган<sup>678</sup>.

Панч вилояти Панжикент шахридан ташқари VIII асрда Зарафшоннинг юқори оқимидағи ўнлаб қишлоқларни ўз ичига олган<sup>679</sup>. Улар орасида γ'γsr - Хахсар (Булок боши) алоҳида мулк бўлиб, уни Фуракнинг укаси Афарун ( $\gamma'\gamma s\gamma \gamma w\beta w'$  *prwn*)<sup>680</sup> (B-14, B-16, B-17, B-18) бошқарган. Бу шахс Сүгднинг сиёсий тарихида муҳим ўрин тутган. Хахсар мулки Панжикент ва Самарқандни боғловчи стратегик аҳамият қасб этган. Афарун бир вақтнинг ўзида Руст - *rwst* мулки (B-9)га ҳам ҳокимлик қилган<sup>681</sup>. Бизнингча, Руст мулки Афарун тасарруфидаги Хахсар атрофидаги мулклардан бўлиб, Панч вилоятига эмас, балки бевосита Самарқандга тобе бўлган.

<sup>673</sup> СДГМ II. – С. 183; СДГМ III. – С. 37–41.

<sup>674</sup> Marquart J. Die Chronologie der alttürkischen Inschriften. – Leipzig, 1898. – Ss. 59–60; Ставиский Б.Я. О северных границах Күшанского государства // ВДИ. – 1961. – № 1. – С. 112.

<sup>675</sup> Бетгер К.Е. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля. – С. 14, 19.

<sup>676</sup> Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – С. 197–198.

<sup>677</sup> Чугуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дунъхуаня. – С. 149–151.

<sup>678</sup> Распопова В.И. Согдийский город и кочевая степь в VII–VIII вв. // КСИА. – Вып. 122. – М., 1970. – С. 86–91; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – 352 с.

<sup>679</sup> VII аср охири VIII аср бошларида Паргар ва Зарафшон юқори оқимидағи Абатмаут – 'btm'wt (Б-6\*), Пахут – p'γwt ва Ахсиканд – 'γsyknɒh (ysyknɒh) (Б-1, Б-2, Б-10, Б-13), Анзоб – 'nz'ɒh (Б-18), Аскатар – 'sk'trh (Искандар) (Б-1, Б-11, Б-13, Б-15), Аски Разр – 'sky rzrh (А-2), Исфисар – 'spysr (А-1), Евшишт – 'ywšyšt (Б-1, Б-3, Б-4), Азганак – 'zynkh (Б-11), Заравада – 'zr'wðkh (zr'wðkh) (Б-11, Б-12, Б-19), 'zr'wðkc – зравадклиқ (Б-18), Фанпар – β'prth (Б-11), Варз – βrz (Б-6), ('βtmuyɒh – Фатмев (Б-10), Вурзадж – βwrzv'ɒk (Б-15), Вишак – βyšk (А-5), Даргаут – δg'wtk – Даргаут ёки Дарғ – δgħ (Б-6, Б-15), Крут – krwt (Б-16), К(у)штут – kw̥twt / 'k̥štwt (Б-7, Б-21), Мадм – mðmh (Б-12), Мартиш / Мартишкат – mrtš, mrtškt (Б-4, Б-5, А-7, Б-15, В-3, Б-7, Б-1, Nov.1), Пахут / Похуд – p'γwt (Б-5), Партан – p'rtn (Nov.2, В-15), Падхуд – pðγwt (Б-1), Фармитан / Фарнитан – pr'mudn / prmuðn (А-5), Вардакат – wrð'kkty (А-5), Зраваб / Зрунб – zr'w'ɒp / zrnw'ɒp (А-18) каби қишлоқлар Муғ архиви хужжатларидан ўрин олган. Бу қишлоқлар географик ўрнини О.И. Смирнова аниқланган. Қаранг: Смирнова О.И. Карта верховий Заравшана первой четверти VIII в. // СНВ. – М.: Наука, 1961. – Вып. II. – С. 220–230; Её же. Карта верховий Зерафшана по мугским документам // СНВ. – 1971. – С. 13; Её же. Вопросы исторической топографии и топономики верхнего Зарафшана // МИА. – № 15. – С. 56–61.

<sup>680</sup> Афарун Фурак ва Тархунларнинг укаси. Ф. Грене Муғ архивидаги Афарун исмини афшин (*afšin*) деб ўқиди. Қаранг: Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archeology. VIII. – 2002. – P.155–196. Аммо уни Ф. Грене таклиф қиландек, Афшун – *Aršwn* деб ўқиш асосга эга эмас. Ваҳоланки, сүгдий ёзма ёдгорликларда афшин – унвон учрамайди. Афшин унвони араб манбаларидагина Уструшона хукмдорларига нисбатан ишлатилган. Қаранг: СДГМ II. – С. 50; Лившиц В.А. Правители Панча (турки и согдийцы) // НАА. – М.: Наука, 1979. – № 4. – С. 57; Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 13.

<sup>681</sup> СДГМ II. – С. 157–160

Деваштичнинг арабларга қарши курашида Афарун унга иттилоқчи бўлиб, 720-722 йиллардаги курашларида иштирок этган<sup>682</sup>.

Муғ архиви айрим стратегик аҳамиятга молик қишлоқлар қайд этилган. Шундай тарихий қишлоқлардан бири Кум - kwm (kwmyh) (Б-12 ҳуж.) бўлиб, бу ерда 722 йилида араб ва Деваштич қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлган. Қолаверса, шу қишлоқдаги “Муғ қалъаси”дан Деваштич ва унинг ҳамроҳларига тегишли архив топилган<sup>683</sup>. А-9 ҳужжатидаги Шавкат - Қорашаҳар (Катта шаҳар) - š'wkth - šawkat шаҳри эса Самарқанд-Хўжанд йўлидаги муҳим пункт бўлиб, у хакда араб географлари Истаҳри ва Ибн Ҳауқал ҳам маълумот қолдирган<sup>684</sup>. Умуман олганда, Муғ арихида ва бошқа манбаларда келтирилган Зарафшоннинг юқори оқимидаги барча қишлоқ ва мулклар VII аср охири - VIII аср бошларида Суғд конфедерацияси шарқий вилояти Панч – рис мулки тасарруфида бўлган. Аммо мулклик то Деваштич ҳоким бўлгунига қадар (708 йилгача), В-8 ҳужжатига кўра, Бағт (Бахт) (βγt) мулкига қарашли эди дейиш мумкин. Чунки **Бағт (Бахт) мулки** хукмдори **Чакин чур Билга Бичут ўғли** (BRY skyn cwr pylk' βycwt) исмли турк MLK' - подшо унвони остида марказ Панжикентдан Бағт (Бахт) мулкини бошқарган кўринади. Шу боис ҳам ҳужжатда Панжикент ҳокими (рпсукнɒ MR'Y) деб ҳам юритилган. Бундай ҳолат Суғд конфедерациясига, қолаверса, илк ўрта асрлардаги давлат бошқаришга хос хусусият эди.

708 йилда Панчга ҳоким бўлган **Деваштич** (буw'štus) нафақат Панчни бошқарган, сиёсий сабабларга кўра, Самарқанд таҳтига даъво қилиб, “Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими” (sywdyk MLK' sm'rknɒs MR'Y), - деб ҳам юритилган<sup>685</sup>. Бу даврда Панч мулки Суғднинг йирик сиёсий ва иқтисодий марказларидан бири бўлган<sup>686</sup>. Араб истилочиларига пойтаҳт Самарқанд таслим бўлгач, Суғд ихшиди Фурак ва араб лашкарбошчиси Қутайбалар томонидан 712 йилда “Самарқанд шартномаси” имзоланган. Аммо бу битимни Панч ҳокимлиги тан олмаган. Шу боис Деваштич мустақил фаолиятини кучайтирган.

Панч мулки ўз ички эҳтиёжи учун танга пуллар зарб эттирган<sup>687</sup>. Бу ҳудуд ўз тасарруфидаги Зарафшон бўйи, Яғноб водийси қишлоқлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва Панч каби шаҳар ва йирик қишлоқларидағи хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳисобига Суғд иқтисодида ўз ўринига эга бўлган. Тангалар таҳлили мулкнинг учта хукмдори: Фамаукийон, Чакин чур Билга ва Деваштич хақида маълумот беради. Хукмдорларидан бири **Фамаукийон** (Ҳамаукийон): рпсу MR'Y γ'm'wky'n – “Панч ҳокими Фамаукийон”<sup>688</sup> эди.<sup>689</sup> Тангаларда унга нисбатан MR'Y / MRY' < γwβw, γwβ - “хукмдор” ва γwtw “ҳоким” маъноларини берувчи қўлланилган.

<sup>682</sup> СДГМ II. – С. 115–123 (док. В-17), 123–126 (док. В-18), 126–129 (док. В-16), 129–131 (док. В-14), 200.

<sup>683</sup> Волин С. К вопросу о замке на горе Муг // Тр. Тадж. базы АН СССР. – IX. – 1940. – С. 29–30; СДГМ II. – С. 48–49, 104; История ат-Табари. – С. 189.

<sup>684</sup> СДГМ II. – С. 102; Смирнова О.И. Место домусульманских культов в Средней Азии (по материалам топонимии) // СНВ. – 1971. – Вып. X. – С. 90–108; Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Vial Regnorum. Descriprio detionis moslemeical autore. BGA. Pars 1, Luduni–Btararum, 1967. – Р. 335; Abu-l-Kasim ibn Haukal an-Nasibi. Opus geographicum. Ed. M.J. De Goeje. BGA, Pars 2. – Lugduni–Batavorum, 167. – Р. 398;

<sup>685</sup> СДГМ II. – С. 45–53.

<sup>686</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 318.

<sup>687</sup> Смирнова О.И. Каталог монет из городища Пенджикента. – С. 202–221; Беленицкий А.М., Распопова В.И. К вопросу об уточнении датировок согдийских монет // КСИА. – 1981. – Вып. 167. – С. 9–15; Зеймаль Е.В. Монеты раннесредневековой Средней Азии / Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху раннего средневековья. – М., 1999. – С. 203–205.

<sup>688</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (турки и согдийцы). – С. 56–57.

<sup>689</sup> О.И. Смирнова рпсу MR'Y 'm'wky'n – “Панч афшини Амогион” деб ўқиди. Қаранг: Смирнова О.И. Каталог монет из городища Пенджикента. – С. 12, 91; Её же. К хронологии среднеазиатских династий VII–VIII вв. // СНВ. – М.: Наука, 1969. – Вып. VIII. – С. 217–220. Ф. Бобоёров фикрича, Фамаукийон (Ҳамаукийон) исмини Чамакион, яъни Чамуке – чжоуларга боғловчи талқинлар ҳам мавжуд. Қаранг: Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – С. 46–47; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими). – Б.124.

Тангалар стратиграфияси Чакин чур Билгани Ғамақуйоннинг бевосита вориси эканлигини кўрсатади. Демак, Ғамаукийон Чакин чур Билгадан олдин VII аср иккинчи ярми 70-80 йилларида Панчни бошқарган<sup>690</sup>. Панчни бошқарган Чакин Чур Билга эса, туркий давлатчилик анъаналарига хос чур унвони остида Бағт мулки ва Панжикентни бошқарган<sup>691</sup>.

Илк ўрта асрлардаги Панч вилояти суғдий ва туркийлар зич яшаган ҳудуд ҳисобланган. Муғ архивида қайд этилган исмлар орасида: Тархун - t'gyn ва Ўттагин – 'wttkyn (Nov. 3, Nov. 4 хуж.); фрамандар Ўтт – 'wtt (B-3, A-18, A-2, A-3, A-16, A-6, A-1, B-13, B-11 хуж.); Хун - ywn (B-6, A-5, B-2, B-17, B-1, B-9, B-14 хуж.); Эркай – 'yrk'у (B-4 хуж.)<sup>692</sup>; Хунсарак - ywns'r'k ва Кўрсарак - kwrsr'k (B-1 хуж.)<sup>693</sup>, Турк – twrk (B-5, B-9, B-1 хуж.); Тўн – twn (A-1, B-1, B-4 хуж.); Тардуш - trd(')ws (Nov. 1, B-1 хуж.); Тархон - trg'n (A-13 хуж.); Туркман – trwkk-m'n (B-1 хуж.); Тўсаҳ – tws'γ<sup>694</sup> каби исм ва этник номланишларнинг учраши аҳолининг катта бир қисми туркий эканлиги тасдиқлайди. Бу эса, Суғд жамиятида туркий қатламнинг ўрнини ва турк-суғд симбиози даражаси юқори бўлганлигини кўрсатади.

Айrim тадқиқот натижалари Панч мулки ҳокими Деваштичнинг келиб чиқиши туркийлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Унинг аждодлари Баҳром Гўр (Жўр) (421-431) асос соглан “Микола хонадони”га бориб тақалган. Сосонийлар ҳукмдорлар Йаздигирд (439-457), Пероз (459-484) каби Деваштич ҳам шу сулола вакили ҳисобланиб,<sup>695</sup> хонадон эронийлашган туркий “чур-жўр”лардан эканлиги кўп нарсага аниқлик киритди. Агар Деваштични эронийлашган “чур”лар сулоласига мансуб десак, у ҳолда B-14 хужжатига кўра, Деваштич Йодхшетак ўғли (буw'štus ywδ'γsytk BRY)<sup>696</sup> туркий Чакин чур Билгандан сўнг 708 йилда Панч мулкига тасодифан ҳоким этиб тайинланмаганлиги аён бўлади.

Умуман, Ўрта Осиёнинг ҳукмдорлари мансуб чжао улар VII аср ўрталаригача, шундан сўнг вилоятларга туркий бўлган сулолага мансуб ҳокимларнинг барчasi пойтахт - Самарқанддаги Оқсоқоллар Кенгаши ва албатта ҳоқонлик тасдиғи билан тайинлашган. Деваштич ҳам шу асосда Панч бошқарувига ўтирган ва унинг кейинчалик Самарқанд тахтига 712-713 йиллардаги даяволари<sup>697</sup> қонуний бўлгандек кўринади. Акс ҳолда унинг марказ ва ҳоқонлик билан, қолаверса, мулкдаги **Фрамандар** Ўтт каби аслзодалар билан муроса қилиш осон кечмасди. Чунки Суғдда ҳукмдорлик қилиш халқ орасидан чиққан аслзодалар ва Оқсоқоллар Кенгаши билан келишув асосида амалга оширилган. Жумладан, хитой манбалари Суғд подшоси Тархунни (700-710)ни “халқ ҳукмдори ван Тухун” деб аташи<sup>698</sup> бежиз эмас.

<sup>690</sup> О.И. Смирнова Амойондан кейин Бидайн исмли ҳоким Панчни бошқарган деб, хулоса беради Аммо В.А. Лившиц, О.И. Смирнова томонидан ғудуғ'п ёки ғудк'п деб ўқилишини асоссиз деб топди. Шу билан бирга, B-8 хужжати асосида бу исм тўлиқ ўқилиб: ck'yn cwr þylk' ZKп rycw-tt BRY – “Чакин Чур Билга Бичут ўғли”<sup>690</sup> Бидайн эмас, балки туркий Билга (þylk') эканлигини исботланди. Қаранг: Лившиц В.А. Правители Панча (турки и согдийцы). – С. 56–57; Livshitz V.A. Sogdian Alphabet from Panjikent // W.B. Henning Memorial. – 1970. – vol. L. – P. 257, n. 5. О.И. Смирнова иккала ҳукмдор исмини талқин қилишда уларни буддавийлик билан боғлаб, санскритча amogha + суғдий -у'п; санскритча vidya + суғдий -у'п асосида курилган деб тушунтиради. Қаранг: Смирнова О.И. Каталог монет из города Пенджикента. – С. 12–13.

<sup>691</sup> Чунки туркий сур унвони, кўплаб манбаларда наسابни англатиш учун исмга қўшилган. Хусусан, ўрта форс тилидаги моний матни “Мархнамак”да Чур, Харачур, Алпчур; бошқа туркий манбаларда Чуртегин, Бекчур, Инанччур, Ишбара Билга Куличур, Жам чур ту, Жеган чур, Кулуг чур, Унаған чур каби исм ва унвонларда акс этган<sup>691</sup>. Урхун ёзувларида Кул-чур ва Ўзган ҳокими Чўр-тегин исмлари Кудама ибн Жаъфарнинг “Китаб ал-хараж” асарида қайд этилган. Қаранг: Древнетюркский словарь. – С. 157, 99; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 17.

<sup>692</sup> СДГМ II. – С. 216; СДГМ III. – С. 89–104.

<sup>693</sup> СДГМ III. – С. 94–95.

<sup>694</sup> СДГМ II. – С. 217–218; СДГМ III. – С. 99–100.

<sup>695</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (турки и согдийцы). – С. 60.

<sup>696</sup> СДГМ II. – С. 59.

<sup>697</sup> СДГМ II. – С. 64.

<sup>698</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P. 103.

Фикримизни А-13 ҳужжатида қайд этилган Панч халқи (рнс н'β)<sup>699</sup> ўз хукмдорларини тасдиқдан ўтказгани шубҳасиз. Лекин Деваштич Панчни мутлақ ҳоким сифатида бошқармаган. Ҳужжатларда унинг “иш юритувчиси”- фрамандари Ўттнинг<sup>700</sup> Панчнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширган йирик шахс эканлигини кўрсатади. Уни мулкнинг “ижроия ҳокимияти” бошлиғи бўлган дейиш мумкин. Ўтт 708 йилдан то Деваштич қатл этилунча (722), Панчнинг иқтисодий масалаларни ҳал қилиган.

Суғд конфедерациясида Панч мулкининг маъмурий бошқаруви Бухоро ва Кешдан фарқли марказ Самарқанд томонидан амалга оширилган. Аммо бу Панч вилояти маркази Панжикентнинг мустақил иқтисодий сиёсат олиб боришига тўсқинлик қилимаган. Панжикент бу даврда Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф каби йирик савдоситик, хунармандчилик ва маданий марказга айланган. Ишлаб чиқаришнинг ривожи ички ва ташқи бозорни тўлдириб, савдога ижобий таъсир этган. Айниқса, шахар бозорлари ўзига хос меъморий асосида қурилиб, шаҳар кўркига кўрк қўшган<sup>701</sup>. Панч хукмдорлари зарб эттирган кумуш ва мис тангалар<sup>702</sup> эса, мулкнинг иқтисодий ривожи: қишлоқ ҳўжалиги, хунарманчилиги юқори даражада эканлигидан далолат беради. Ташқи бозорда панчлик хунармандлар ясаган металл буюмлар, қуроласлаҳалар машҳур бўлган<sup>703</sup>. Археологларнинг кейинги 50-60 йил ичida олиб борган тадқиқотларида топилган ашёлар, шаҳар ҳокимининг саройида акс этган тасвирий санъат намуналари<sup>704</sup> эса Панч мулки ҳаётида туркий ва сұғдий симбиознинг нақадар кучли из колдирганлигини исботлайди.

Хулоса қилганда, Суғднинг тарихий географик жиҳатдан Марказий Суғд – Самарқанд Суғди, Ғарбий Суғд – Бухоро Суғди ва Жанубий Суғд – Қашқадарё (Кеш ва Насаф) каби бўлиниши унинг ўзига хос маъмурий тузилишини белгилади. Бу даврда Бухоро Суғди нисбатан мустақил фаолият юритиб, дастлаб бухорхудотлар, Аброй исёнидан сўнг бухорхудот унвонини қабул қилган Эл Арслонийлар сулоласи томонидан 585 йилдан 782 йилгача бошқарилди ва воҳа турк-суғд симбиози, интеграцияси ҳамда ассимилияция марказига айланди. Шу билан бир вақтда Жанубий Суғд – Кеш мулки ихриди Шишпир анъаналарини, Самарқанд ихшиди Авархуман давом эттириб, Суғд кофедерациясини мустаҳкамланди. Бунда, айниқса Тўн ябғу ислоҳатлари ўз самарасини кўрсатди. Насаф эса чўл ва воҳа ўртасида, Суғдни жануб билан боғлашда стратегик аҳамиятга эга мулклик эди. Суғд конфедерациясининг Иштихон, Кабудан, Маймурғ, Кушония каби мулклари асосан марказ Самарқандга тобе ҳокимлар томонидан бошқарилди. Бу мулклар ичida Панч вилояти, унинг маркази Панжикент шаҳри муҳим мавқега эга эди. Бу вилоятдан топилган Муғ архиви ҳужжатлари унинг маъмурий бошқарувидаги ўзига хослик, яъни турк-суғд симбиози ҳолатини яна бир бор тасдиқ этади.

<sup>699</sup> СДГМ II. – С. 69.

<sup>700</sup> Муғ архивининг иқтисод билан боғлиқ 18 та ҳужжати: А-18, А-2, А-3, А-16, А-6, А-1, Б-13, Б-11, Б-15, Б-19, Б-18; В-3, А-1, А-2, А-3, А-6, А-8, А-16, А-18, Б-4, Б-11, Б-13, Б-15, Б-18, В-6, Б-9 лар бевосита фрамандар Ўтт (pr'm'nɒ'r' wtt) номи билан боғлиқ. Қаранг: СДГМ II. – С. 132–156; СДГМ III. – С. 97.

<sup>701</sup> Распопова В.И. Один из базаров Пенджикента VII–VIII в. // СНВ. – М.: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 67–75.

<sup>702</sup> Смирнова О.И. Каталог монет из городища Пенджикента. – С. 175.

<sup>703</sup> Бентович И.Б. Находки на горе Муг (Собрание Гос. Эрмитажа) // МИА. – М., 1958. – № 66. – С. 362–376.

<sup>704</sup> Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда (по материалам пянҷикентских храмов). – С. 39–52; Его же. Новые памятники искусства древнего Пянҷикента. Опыт иконографического истолкования. – С. 11–87; Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII–VIII вв. в искусстве Пенджикента // Искусство и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976. – С. 75–89.

### **2.3. Турк хоқонликлари даврида Суғд маъмурий бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар**

562 йилда Мухан хоқон эфталийларни батамом таслим этиб, Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлади. Турк хоқонлиги, 603 йилдан Ғарбий Турк хоқонлиги 742 йилгача минтақадаги етакчи куч бўлиб қолди. Ҳарбий–сиёсий ҳукмронлик, туркий давлат тузилишига хос ҳокимиятни ташкил этиш, майда, мустақил мулкларга бўлинган Ўрта Осиёнинг сиёсий ва маъмурий тузилиш анъаналари билан омухта бўлиб борди. Турклар дастлаб эфталийлар каби Ўрта Осиё мулклари, жумладан Суғддаги маъмурий бошқарув ва ҳукмрон сулолани сақлаб қолди<sup>705</sup>. Кейинчалик эса, яъни VII аср иккинчи ярмидан ҳокимиятни бевосита туркий амалдорлар ўз қўлига ола бошладилар. Самарқанддаги “ўн ўқ” сулоласи, Насаф ва Панжикентдаги туркий сулолалар шулар жумласидан эди.

Қадимги туркий давлатчиликда хоқон давлатни ўзида мужассам этувчи шахс ҳисобланган. Осмон (Тангри), Ер-сув кучи ва хоқон иродаси турк ҳалқи учун гоявий асос эди<sup>706</sup>. Туркларда хоқон бирлик, озодлик ва мустақиллик рамзи бўлиб, хоқонлик ҳудудида ягона улуғ хоқоннинг ҳукмронлик қилиши шарт эди. Туркий битикларга кўра, хоқон Тангри (худо) ва будун (ҳалқ) ўртасида воситачи ҳисобланган<sup>707</sup>. Хоқони нафакат ўз ҳалқи туркийлар учун, балки ўзига тобе бўлган барча элату ҳалқлар учун ҳам қайгуриши зарур эди. Шу боис ҳам турк хоқони Қора - Чўрин ўз ўғли Эл Арслон Шери Кишварни нотинч Бухоро воҳасига Пойкентдаги Абрўй (Абахон) исёнидан бостиришга юборган эди<sup>708</sup>. Шу каби 605 йилда Чоч, кейинчалик Фарғона ва Тоҳаристон бошқарувига ҳам ашина авлодлари юборилди.

581-603 йилларда кечган ўзаро низолар, узлуксиз урушлар ва хитойлар томонидан ўюштирилган фитналар оқибатида ҳамда улкан давлат бошқарувидаги такомиллашув натижасида Турк хоқонлиги иккига бўлиниб кетди. Ўтрок воҳалар - Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Еттисув марказ сифатида Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида қолди. Суғд бу даврда ички маъмурий-бошқарувга эга Турк хоқонлиги, сўнг Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлиб, хоқонлик таркибида тобелик муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари асосида яшади. Асрлар давомида шаклланган Суғд маъмурий бошқарув тизими хоқонлик томонидан деярли ўзгартирилмади. Аксинча, хоқонлик бошқарувига яқинлаштиришга ҳаракат қилиниб, Суғд ва бошқа Ўрта Осиё мулкларида бошқарув тизими такомиллаштирилди. Ислоҳатчи Тўн ябғу (618-630) маҳаллий анъаналарни инобатга олиб, туркий маъмурий унвонлар жорий этди. Бу сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда ўз самарасини берди.

Бу даврда қонунчилик соҳасида ҳам ўзгаришлар қилинди. Ғарбий Турк хоқонлиги (603-742) ҳудудида суғд ёзуви қатори, туркий ёзув ҳам амалда бўлса-да,<sup>709</sup> “Суй шу”га кўра, бу ерда “қонунлар ва ёзув туркча” эди. Суғдда мавжуд маҳаллий қонунчилик илдизлари “Авесто”га – зардуштийлик таълимотига бориб тақаларди. Бироқ Турк хоқонлиги даврида у ерда туркий давлатчилик ва қонунчилик анъаналари ҳам йўл қўйилди ва Хоқонлик қонунлари жорий этилди<sup>710</sup>. Хусусан,

<sup>705</sup> Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алокалари. – Б. 54; Маршак Б.И., Распопова В.И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата, 1989. – С. 423.

<sup>706</sup> Кычанов Е.И. Кочевники государства от гуннов до маньчжуров. – С. 98–100.

<sup>707</sup> Кычанов Е.И. Кочевники государства от гуннов до маньчжуров. – С. 107; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – В. 69–72.

<sup>708</sup> Наршахи, Бухоро тарихи. – Б. 91–92; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 281–283.

<sup>709</sup> Кляшторый С.Г. Древнетюркская культура в свете древнейших тюркских текстов // ИБ МАИКЦА. – М., 1988. – Вып. 13. – С. 103–104.

<sup>710</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 280–281.

Хитой солномачиларнинг ёзишича, Суғд пойтахти Самарқандда “Турк йўриқ(қонун)лари” бўлиб, улар эҳромда сақланган. Жазони аниқлашда ушбу йўриқни олиб, ишни ҳал қилишган”. Туркларнинг жиноятни жазолаш қонунлари Суғддаги каби юмшоқ эмас эди. Бу жазо қонунлари қаттиқ бўлиб, оғир жиноятларга ўлим жазоси белгиланган. Жазо хатто бутун оиласа нисбатан ҳам қўлланилган. Ўғирлик учун оёғи, енгилроқ жиноят учун қўли кесилган. Суғдда туркий қонунлар оғир жиноятлар учун,<sup>711</sup> фуқаролик ишларида эса маҳаллий қонунлар амал қилган. Жумладан, Муғ архивининг “Никоҳ битими ва мажбурияти” (Nov 3, Nov 4)<sup>712</sup>; “Ер харид қилиш ҳақида” (В-8)<sup>713</sup> ва “Тегирмон изараси ҳақида” хужжат (В-4)лари<sup>714</sup> VIII аср бошлари Суғд фуқаролик қонунчилигининг ҳақидаги маълумот беради. Бу қонунлар турк қонунлари каби эҳромда эмас, балки маҳсус “Қонунчилик уйи”да сақланган.

Муғ архиви хужжатлари таҳлили шуни кўрсатади-ки, 562-567 йиллардан то 700 йилга қадар, яъни, деярли 150 йил давомида Турк хоқонлиги ўз вассали Суғд маъмурий бошқарувига айрим унвонлар жорий этиб, жузъий ўзгартиш киритганини кўрсатади.

Ёзма ёдгорликлар ва бой нумизматик материаллар илк ўрта асрлар Суғд маъмурий бошқарувини тиклаш имконини беради. Суғдни бу даврда маҳаллий ҳукмдорлар – **ихшид** (’γš’у”δ) лар бошқарган. Жумладан, Муғ архиви В-16 хужжатидаги 9-қаторда: rtβγ tdu ’γš’-”уд š’u-knu’ w’γuzw – “Ва жаноб сен ихшид (ҳукмдор) томон саройга тушдим”<sup>715</sup>, жумласи учрайди. Ихшид унвонини манбаларида: γšуд, γš’уд ва бошланғич протетик алиф билан ’γšδ (В-16 хужжатида<sup>716</sup>) ёзилган. И. Гершевич ’γšуд / γšуд унвони авесто тилидагидаги xšâēta дан бўлиб, суғд тилига ғарбий эроний тиллар таъсирида ўтган деб, хулоса берса<sup>717</sup>, В.А. Лившиц бу атамани қадимги форсий xšâyabdiya – “подшоликка оид, подшо” билан тенглаштиради<sup>718</sup>. Хатто суғд-буддавий матнларида ҳам γšуд ва γš’уд – “ҳукмдор, подшо” маъноларида учрайди<sup>719</sup>. Баъзи туркшунослар эса туркий “шад”- (š’δ) ҳарбий унвонини суғдий ихшидга боғлаши<sup>720</sup> рамзий маъно касб этади. Аммо ихшид ва шад унвонлари алоҳида мазмунга, ихшид – ҳукмдор, подшо маъносида Суғдда, шад - олий ҳарбий маъмурий унвон - кўмондон ва шахзода маъносида, асосан, Турк ва Уйғур хоқонликларида амалда қўлланилган.

Суғд ёзма ёдгорликларида “ихшид” ’γšуд / γšуд унвони кўпроқ оромий MLK’ идеограммаси билан учрайди<sup>721</sup>. Жумладан, Nov 3 ва Nov 1 хужжатлари (R-1)да “tr̄wn MLK’ – Тархун подшо”,<sup>722</sup> жумласида ва A-2; A -3; A – 14; A-16, A – 18, A –

<sup>711</sup> История Киргизской ССР. – Фрунзе, 1989. – Том 1. – С. 234.

<sup>712</sup> СДГМ II. – С. 17–45; Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 135–136; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 37–46.

<sup>713</sup> СДГМ II. – С. 45–53. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 13–17.

<sup>714</sup> СДГМ II. – С. 53–63; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 17–24.

<sup>715</sup> СДГМ II. – С. 127.

<sup>716</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 50.

<sup>717</sup> Geshevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – 269 p. (loan-words). Б. Лауфер сосоний матнларида i-ts‘at нинг хитойча ўқилиш шакли \*i-dzād ни келтириб, унинг фикрича, бу Беруний келтирган “ихшид” унвони транскрипцияси деб, тахмин қилинади. Қаранг: Laufer B. Sino – Inanica. – Chicago, 1919. – 530 р.

<sup>718</sup> СДМИ II. – С. 128.

<sup>719</sup> Benreniste E. Textes Sogdian. – Paris, 1940. – Bd. I. – P. 5; – Bd. II. – P. 2. – Pp. 59-219.

<sup>720</sup> Древнетюркский словарь. – С. 519.

<sup>721</sup> MLK’ идеограммаси суғдча ихшид – “подшо”нинг оромийча шакли сифатида суғдий матнларга Аҳмонийлар подшолиги (мил. ав. VI) даври идора бошқарув хужжатчилиги анъаналари оркали кириб келган ва Суғдда девон хужжатчилигида гетерографик шаклини сақланган. Қаранг: Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 20.

<sup>722</sup> СДГМ II. – С. 17–45; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 37–46; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 37.

20, В – 4, В – 8, В – 10, В – 17, В – 18; Nov 2 , I.1<sup>723</sup> каби ҳужжатларда қўлланилган. Фақат В–8 ҳужжатида: “бытук MLK’... ск’ун cwr ылк” –“Бағт (Бахт) подшоси Чакин чур Билга”га ва В–17 ҳужжатидан ташқари барча ҳужжатларда MLK’ – “ихшид – подшо” ибораси Панч ҳокими Деваштичга нисбатан: “сүбдук MLK’ – “Суғд подшоси” шаклида қўлланилганлиги қузатилади.

Ихшид унвони нафақат Суғдда, балки Фарғонада ҳам амал қилган бўлиб, В–17 ҳужжатида, Фарғона ҳукмдорларига нисбатан ҳам MLK’ – ’ӯшуд унвони қўлланилган. Ибратнинг: “... Косонда муғний (оташпарамалар – А.О.) қўргони ва ўрдаси деб машҳурдир... Ани тарихлар кўрган кишилар бўлса Ихшид деб зикр қиладурғон Суғд подшолари ҳам бул ерда ҳукмронлик қилган”<sup>724</sup>, - деб ёзиши бу унвоннинг Суғдан Фарғонага ўтганлигини кўрсатади. Буни Фарғонадаги суғдийларнинг илк колониал ҳаракатлари (мил. авв. VI-IV асрлар) билан белгиланади. Қолаверса, ихшидлик Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам амал қилган. X аср ўрталарда Миср ва Сурияни бошқарган ўртаосиёлик Ихшидийлар сулоласи мисолида буни кўриш мумкин<sup>725</sup>.

Е. Бенвенист суғд-буддавий матнларидаги (’)ӯшуд атамасини “соф суғдий атама” деб, уни IV асрга оид “Кўхна хатлар” матнида ва монувий матн “Mahrnamag”да учратганлигини таъкидлайди. Жумладан, «Кўхна хатлар»га оид XI мактубнинг б-қаторида tm'r'ywš xšud - “Тамархуш ихшид” жумласидаги Тамархуш атамаси Исфара яқинидаги шу номли қишлоқ билан ҳамоҳангдир. О.И. Смирнова фикрича, илк ўрта асрларда (IV аср) бу қишлоқ ўз қасрига эга йирик аҳоли манзилгоҳи бўлган. “Mahrnamag”да Кошғар (Шарқий Туркистон) ҳокими ҳам “ихшид” (к’шу ’xšyd) унвони билан юритилгани айтилади<sup>726</sup>. Бу суғдийларнинг Шарқий Туркистонга ҳижрати, у ерда ўрнатган тартиблари ҳамда туркий давлатчиликдаги иштироки билан асосланса ажаб эмас.

О.И. Смирнова Муғ архивида (’)ӯшуд унвони учрамайди дейди. Аммо аниқланган В–16 ҳужжатидаги ”ӯш’уд” деб ёзилиш шакли, олиманинг юкоридаги фикрини рад этади. О.И. Смирнова к’шу ’xšyd – Кошғар подшоси бўлган, аммо у суғдий эмас эди,<sup>727</sup> деб хulosा чиқаради. Кошғар ҳукмдори туркий ёки сүғдий бўлишидан қатъи назар суғдий “ихшид” унвони қабул қилгани муҳимдир. Бу ҳолат яна бир бор суғдийлар ва турклараро маъмурий бошқарувдаги боғлиқлик нафақат атамага, балки азалий умумий бирлик, симбиоз илдизларига эга эканлигининг исботидир.

VII асрнинг биринчи чорагига оид суғд бронза тангаларида **MLK'** идеограммаси қўлланилганлиги,<sup>728</sup> бу истилоҳнинг фақат подшоларга даҳлдорлигини кўрсатади.

<sup>723</sup> СДГМ II. – С. 136–138; СДГМ III. – С 67–68. ( док. А-12); СДГМ II. – С. 138–139; СДГМ III. – С 68. (док. А-3); СДГМ II. – С. 77–91; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 5–13 (А-14 ҳуж.); СДГМ II. – С. 139–140; СДГМ III. – С. 70–71; СДГМ II. – С. 203; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 24–26 (А-16 ҳуж.); СДГМ II. – С. 132–136; СДГМ III. – С. 69–70.(док. А-18); СДГМ II. – С. 203 (голосари), (док. А-20); СДГМ II. – С. 53–63; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 17–24 (В-4 ҳуж.); СДГМ II. – С. 45–53; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 13–17 (В-8 ҳуж.); СДГМ II. – С. 106–108 (док. В-10); СДГМ II. – С. 115–123 (Вг'пк MLK’ – Фарғона подшоси – В-17 ҳуж.); СДГМ II. – С. 123–126 (док. В-18 ); СДГМ II. – С. 104–106 (док. Nov. 2) ва СДГМ II. – С. 108–114; Исҳоқов М.М Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 33–37 (I.1 ҳуж.).

<sup>724</sup> Ибрат. Фарғона тарихи. – Б. 277.

<sup>725</sup> Икки авлоди Аббосийлар хизматида бўлган ибн Туғж ал-Ихшид (935–946 мил./ 323–334 ҳижрий) ва унинг сулоласи вакиллари Ўнжур / Ўнчур (946–961/334–349); Али (961–966/ 349–355), аввал Алига регент (оталик) бўлган Кафур (966–968/355–357) ва Ахмад (968–969/ 357–358) кабилар Ихшидийлар давлатини бошқарганлар. Қаранг: Босворт К.Э. Мусульманские династии. – М.: Наука, 1971. – С. 76–77; СДГМ II. – С. 51, прим. 23. Сулола асосчиси ўртаосиёлик туркий Мухаммад ибн Туғж аждодлари ўз юртларида юқори мартабали шахслардан, эҳтимол подшо хонадони вакилларидан бўлган. Араб Халифалигидаги хизматлари эвазига ўзларини мансуб бўлган “ихшид” унвонини тиклашган. Бу сулола вакиллари Миср ва Сурия тарихида то Мисрни Фотимиylар қўмандони Жавхар томонидан 969 йилда батамол эгалланишига кадар яшаган.

<sup>726</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 50; СДГМ II. – С. 51.

<sup>727</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 51.

<sup>728</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 10–13.

Аммо Суғд ихшидлиги Тархунгача (700-710) сулолавий бўлмаган. Шу боис ҳам нумизматик материаллар Суғдни: Шишпир - шу́шруг, Вархуман - ۋىرمۇن, Тукаспадак - тۈكىپىر, Мастон-Навиан - مُسْتَن - نَوْيَان, Тархун - تارخۇن, Ғурак - ئەورەك/ ئەورەك/ ۋەرەك ва Турғар - تۈرگەر لар бошқарганини кўрсатади<sup>729</sup>. 710 йилдан сўнг Тархун ўлгач, тахтга Ғурак келиб, сулолавий бошқарувга асос солинган. Ғуракдан кейин 738 йилда ўғли Турғар Суғд тахтига ўтирган. 700 йилгача ихшидлар ҳокимият олий органи - Оқсоқоллар Кенгashi томонидан сайланган ва подшолик қилганлар. Гарчи хукмрон сулоладан бўлмаса-да, фақат Деваштич “даъвогар” сифатида, ўз даъвосини “Тархунга қариндошлиги ва болаларига хомийлик” орқали ифодалаган. Аммо Ғурак конуний равишда ўзидан сўнг ўғли Турғарни тахт ворислигини таъминлаган. “Даъвогар” Деваштич 722 йилда ўлдирилгач, Ғуракнинг жиянлари - Тархуннинг икки фарзанди тақдири номаълум эди. Аммо Насафий Деваштичнинг Тархун (исломий Бакр) исмли ўғли бўлганлигини эслатади. Эҳтимол, Бакр ва Тархун алоҳида шахслар бўлиб, Тархуннинг ўғиллари бўлган<sup>730</sup>. Фақат Деваштич уларга оталиқ сифатида иш кўриб, ўзига ўғил қилиб олган. Бу эса унинг Ғурак билан Суғд тахти учун курашдаги “даъво”сига асос бўлган.

Ғураккача Суғд подшоларининг барчаси (Шишпир, Авархуман, Тукаспадак, Мастан-Навион, Тархун) тенг хуқуқлик асосида Оқсоқоллар Кенгashi томонидан ҳокимиятга тайинланган. Бу Суғд бошқарув тизимида демократик тамойилларнинг мавжуд бўлганлиги Хоқонлиқдаги уруғ-қабилавий, қариндошлиқ тамойилларига асосланган<sup>731</sup> бошқарувдан фарқланганлигини яна бир карра исботлайди. Ўз навбатида Турк хоқонлигининг ҳам Суғддаги мавжуд маҳаллий маъмурий бошқарув масаласида муроса йўлни танлаганлигини кўрсатади.

Манбалар орқали бизга маълум бўлган илк ўрта асрлардаги Суғд хукмдорларидан бири Шишпир - шу́шруг тахминан 640-645 йиллардан то 654-655 йилларгача ихшидлик қилган. Унинг даврда Суғд Кешдан бошқарилган, Шишпир номидан тангалар зарб этилган ва 642 йилда Ша-шеби (Шишпир) Хитой императорига элчи юборган<sup>732</sup>. Манбаларда унинг бошқа фаолияти ҳақидаги маълумотлар учрамайди. 654-655 йилдан сўнг Суғд ҳокимияти Самарқанд ихшидлари, яъни туркий “ўн ўқ” сулоласи вакили Вархуман (Авархуман) – ۋىرمۇن қўлига ўтган<sup>733</sup>. VIII аср ўрталарида хитой манбаларида Кангго – Самарқанд давлати подшоси Фухуман деб,<sup>734</sup> келтирилади. У ҳақидаги илк маълумотлар берган Афросиёб деворий суратларидағи ёзувларни ўқиган В.А. Лившиц дастлаб уни: “Хун подшоси Вархуман” деб, талқин қилган бўлса, кейинчалик “Унаш” уруғига мансуб хонадон вакили деб, изохланган<sup>735</sup>. Сўнгги йилларда “унаш” атамаси F. Бобоёров томонидан “ўн ўқ” деб ўқилиб, дулу уруғидан бўлган Вархуман Еттисувдаги туркий сулолалар ўртасидаги низолардан сўнг Самарқандга келиб ҳокимиятни қўлга олган<sup>736</sup>. Бу эса унинг келиб чиқиши Фарбий Турк хоқонлиги сулолалари билан боғлиқлиги

<sup>729</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 27. Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 41.

<sup>730</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // НАА. – 1979. – № 4. – С. 67–68.

<sup>731</sup> Баратова Л. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алокалари. – Б. 48–50.

<sup>732</sup> Смирнова О.И. Сводный каталог sogдийских монет. – С. 425.

<sup>733</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 27; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275; Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда. – Б. 216–220.

<sup>734</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 27; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311.

<sup>735</sup> Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. – М., 1965. – С. 13–17; Он же. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С. 19; Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 33; Шайкубов Ш.Ш. VI–VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида Суғд: Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. – Б. 13–14; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 40.

<sup>736</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – С. 36; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 40.

асослайди<sup>737</sup>. Хитой манбаларига кўра, Самарқанд (Кан)га Қанғ (Кангюй) хукмдори<sup>738</sup> дуду фу – генерал-губернатор лавозимини жорий этган. Самарқанд хукмдори (вани) Фухуман тутуғ (дуду) лавозимига қўйилган. Ван-суй-тун-тен даврида катта сардор (да шоу-лин) Дусаботи (Тупаспадак - twk'sp'd'k), сўнг Ниниешвили ва Ту-хун (Тархун - trұwn)лар ван этиб тайинланган<sup>739</sup>. Ван унвони Суғдни Хитой вассали деган хулоса бермайди. Факат Хитой манбалари Суғд ихшидини ван – ҳоким деб, берган холос. Қолаверса, Суғднинг Хитой билан муносабатлари Турк хоқонлиги манфаатларини четлаб ўтмаган. Хоқонлик ҳеч қачон Суғдга Хитой таъсири бўлишига йўл қўймаган.

Юқоридаги ван Фухуманга дуду (**тутук**) унвони берилиши масалага ойдинлик киритади. Хитойча дуду, туркий тутуғ - “тутиб турувчи” мазмунидаги ҳарбий-маъмурий лавозим хисобланиб, Муғ архивидаги А-14 ҳужжатида: *βrγ'nk twttk'y* – “Фарфона тутуғи”,<sup>740</sup> жумласида учрайди. Бу бевосита Турк хоқонлигининг вассаллардаги ҳарбий-маъмурий вакилини англатади. Вархуман дастлаб хоқонликнинг Суғддаги тутуғи – ҳарбий маъмури бўлиб, сўнг Оқсоқоллар кенгashi томонидан ихшидликка тайинланган. Унинг бошқаруви эса Суғддаги туркий сулолага асос солган.

VII аср охири ва VIII аср бошларида Суғдда хукмронлик қилган Тархун - trұwn<sup>741</sup> (хит. Ту-хунь, араб. طرخون (700-710) ва Ғурак - 'wyrk / 'wrkk, хит. У-ле-га, араб. غورك (710-738)лар Суғд тарихидаги йирик шахслардир. Хусусан, Тархун араб истилосига қарши олиб борилган курашда ўзига хос ўрин тутади. У 710 йилда арабларга ён босганилиги боис, Оқсоқоллар Кенгashi томонидан ихшидликдан четлаштирилган. Ориятга чидолмай “ўзини қиличга ташлаб”,<sup>742</sup> ўз жонига қасд қилган. Аммо унинг укаси Ғурак томонидан ўлдирилган<sup>743</sup> деган фараз асоссиз.

Тархун ўз жонига қасд қилгач, “Оқсоқоллар кенгashi” укаси Ғуракни Самарқанд таҳтига тайинлади. У ҳам арабларга қарши кураш олиб борди. Кучлар тенг бўлмагач, 712 йилда араб лашкарбошиси Қутайба билан “Самарқанд шартномаси”ни<sup>744</sup> имзолади. Шартномага кўра, у бевосита Суғд ихшиди – подшоси эмас, балки ихшиднинг ўғли “ас-Суғд” афшини Ғурак – اخشىد - أفسين السعد غورك – деб, зикр этилди. Қутайба уни Самарқанд, Кеш ва Насаф, яъни Суғд “подшоси” деб эътироф этган<sup>745</sup>. Истилони оқлаш мақсадида Қутайба ўзини Тархуннинг ўлими учун “қасоскор” деб, эълон қилди. Бу Суғдан, унинг ихшиди Ғуракдан олиниши баҳона эди. Айни вақтда бу Ғуракнинг Суғд таҳтида хукмронлигини хавф остига қўярди. Араб истилочиларининг бу каби “сиёсий ўйинлари” Суғд аслзодаларини чалғитишига қаратилганди. Шундан бўлса керак, Панч ҳокими Деваштич бу найрангдан боҳабар, ўзини Суғд таҳтига “даъвогар” сифатида эълон қилган. Унинг Суғд таҳтига “даъвоси” В.А. Лившиц ва М.М. Исҳоқов фикрича, 717/718-719 йилларга тўғри келади. Улар А-14 ҳужжати ёзилган санани ҳам шу икки йилдан бири билан

<sup>737</sup> Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда. – С. 216–220.

<sup>738</sup> Хитой манбаларида анохронизм кўзга ташланади. Чунки бу даврда Қанғ давлати бўлмаган. Унинг худудида Фарбий Турк хоқонлиги бўлган. Хитой солномачилари ўзларига маъқул вариантдан фойдаланиб, Фарбий Турк хоқонлигини тарихий Қанғ деб беришган.

<sup>739</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311; Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 27.

<sup>740</sup> СДГМ II. – С. 85 (док. A-14); Исҳоқов М.М. Унутилган подшолик хатлар. – Б. 5; Бобоёров F. Тутук / Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2004. – Б. 68

<sup>741</sup> СДГМ II. – С.21–26 (док. Nov 3 и Nov 4); Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 37–46.

<sup>742</sup> История ат-Табари. – С. 123.

<sup>743</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 29.

<sup>744</sup> Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. // КСИВАН. – 1960. – Вып. XXXVIII. – С. 69–79; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 32.

<sup>745</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 20, прим. 80.

белгилашади<sup>746</sup>. Аммо бу “даъво” 712-714 йиллардаги вазият, “Самарқанд шартномаси” ва Ғуракнинг арабларга ён бериш сиёсати билан боғлиқ бўлиши керак.

Деваштич 718-719 йиллар давомида амир ал-Жавҳар ибн Абдуллоҳ мавлоси бўлган<sup>747</sup>. Орадан бир неча йил ўтгач, 720-722 йилларда у Ғурак сиёсатидан норози бўлиб, Ўрта Осиёда арабларга қарши қаолиция тузишга ҳаракат қилган ва А-14 ҳужжатига кўра, у ўз ўз элчиси Фатуфарнни Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлиги билан иттифоқчиликка жўнатган<sup>748</sup>. 720-722 йиллардаги Суғд озодлик ҳаракати раҳбари сифатида Деваштич I.1. рақамли ҳужжатга кўра, араб амири Абдураҳмон ибн Субҳ<sup>749</sup> буйруғига итоат қилмаган. Мазкур ҳужжатда: “буйруқ бажарилмаган тақдирда, оқибат яхши бўлмаслиги”<sup>750</sup> таъкидланган. Лекин амирнинг кўрсатмаси нима эканлиги бизга қоронғу. Бу кўрсатмани бажармаган Деваштич тақдири 722 йилда сўнгги таянчи Муғ қалъаси араблар томонидан эгаллангач, фожиали интиҳо топди<sup>751</sup>. Бу ҳам Суғддаги мураккаб сиёсий ва айни вақтда маъмурий бошқарув жараёнларидаги курашлар билан боғлиқ.

Суғд ихшиди Ғурак эса мураккаб шахс бўлиб, арабларга ён босиш баробарида, уларга қарши курашни ҳам тўхтатмаган. У Насаф хукмдори ал-Ашканд билан бирга араб лашкарбошиси Важаф<sup>752</sup>га қарши курашларда иштирок этиб, ўзини ал-Важафга: “Мен [ахир] хоқоннинг қулларидан ва чопарларидан бириман”, - деб<sup>753</sup> танишидиради. Шу ўринда бир мулоҳазага эътибор берайлик. Ғурак гарчи араб истилочиси Қутайба ибн Муслимнинг мавлоси бўлса-да, ички мустақил сиёсат юритишга жазм этган. Бунда у Ғарбий Турк хоқони Сулуҳон (718-738) ва Шарқий Турк хоқони Билга (716-734)нинг ҳимоятига суюнган. Ҳатто туркий давлатлар бу даврда ички низолар ва Хитой билан муносабатларда қийинчиликни бошдан кечираётган бўлсалар-да, хоқонлар арабларга қарши курашда Суғд каби иттифоқчисини имкон қадар қўллаб туришган. Табарийнинг ёзиича, Ғурак арабларни ҷалғитиб, туркларнинг ёрдамидан унумли фойдаланган. 112 х./ 731 мил. йилда Ғурак ва араб лашкарбошиси ал-Важафга қарши жангда турклар билан бирга иштирок этган<sup>754</sup>. Бу воқеа баёнидан сўнг Табарийда Ғурак ҳақида бошқа маълумотлар учрамайди.

Араб истилосидан сўнг ҳам Суғддаги маъмурий-бошқарувида вассаллик даражаси сақланди. Шундай бўлса-да, Ғурак Суғдни 738 йилгача бошқарган. Унинг ўрнига Суғд таҳтига ўғли Турғар (*twrγ'r*, хит. Доге)нинг келиш жараёни Суғд маъмурий бошқарувига хос бўлмаган сулолавий анъанага асос солган. 738 йилдан эътиборан Суғд подшоси сифатида тарих саҳнасига Ғуракнинг катта ўғли Турғар чиқди. Бу даврда у Хитойга (750 й.) элчилик юбориб ва ўз номидан бронза тангалар зарб эттириди. Бу билан, у Суғддаги маҳаллий бошқарувнинг давомийлигини таъминлади. Унинг даврида ўлқада нисбатан осойишта сиёсий мухит ҳукмронлик қилган бўлса-да, Ҳурсондаги араб маъмурияти Турғар ҳокимиятини Ғурак каби тан

<sup>746</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С. 62–63; Его же. Правители Пенджикента VII - нач. VIII вв. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. – Душанбе, 1977. – С. 43–46; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 7.

<sup>747</sup> СДГМ II. -С. 91; Крачковская В.А., Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // СС. – С. 56–59.

<sup>748</sup> СДГМ II. – С. 77–91; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 33.

<sup>749</sup> Абдураҳмон ибн Субҳ номи Ҳурсон ноibi Саид ибн Абдулазиз – Ҳузайнанинг 720-721 йилларда Кешдаги турк-суғд қаршилигини бостиришдаги ҳаракатларида тилга олинади. Қаранг. История ат-Табари. – С. 181.

<sup>750</sup> СДГМ II. – С. 108–112; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 221–224.

<sup>751</sup> История ат-Табари. – С. 189–190; Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 30; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 37. Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 44.

<sup>752</sup> Ал-Важаф ибн Холид ал-Абди, Маура бин ал-Хурранинг Самарқандда қолган қўшинлари қўмондони маслаҳатчиси бўлган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 400 (указ.).

<sup>753</sup> История ат-Табари. – С. 225.

<sup>754</sup> История ат-Табарий. – С. 225.

олишмаган кўринади. Чунки араб ва форс манбалари Турғар ҳақида маълумот бермайди. Фақат хитой солномаси “Чефу”да Турғар – Дохе / Доге номи эсланади<sup>755</sup>. Турғар Суғд хукмдори бўлишдан аввал Ғуракнинг тўнгич ўғли сифатида маълум муддат Цао - Иштихон ҳокими бўлган<sup>756</sup>. Шундан сўнг Хитой манбаларига кўра, у 738 йилдан 760 йилгача Самарқандда туриб Суғдни идора қилган. Ғуракнинг иккинчи ўғли Йазиднинг эса 780-800 йилгача Суғдни бошқаргани манбаларда айтилади<sup>757</sup>. Наршахий ёзишича, Йазид ибн Ғурак Хурросон маркази Марвга бориб, ноиб амир Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон Тусий (783-787) билан учрашган<sup>758</sup>. Хитойшунос Э. Шаванн Ғуракнинг Мо-чжо исмли ўғли ҳақида сўз юритиб, уни Қапағон<sup>759</sup> исми билан қиёслайди. П. Пельо эса Мо-чжо иероглифини туркий Бекчўр номи билан айнанлаштириди<sup>760</sup>. Ғуракнинг арабий – ал-Мухтор (“Танланган”) насабли ўғли ҳақидаги маълумотлар ҳам хитой манбаларидаги Мочжо исми билан қиёсланган<sup>761</sup>. Демак, Ғуракнинг биринчи ўғли Турғар, иккинчиси Бекчўр ёки Баничўр деб туркий номлагани<sup>762</sup> ойдинлашади. Кейинги давр ўзбек манбашунослари эса ан-Насафийнинг “Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд” асарига ишора этиб, Баничўр Ғуракнинг иккинчи ўғли бўлиб, араблар томонидан Тохаристон хукмдори этиб тайинлангани ҳамда IX–X асрларда Тохаристонда хукмрон Баничўрий (Довудийлар) сулоласига асос согланини илгари суришади<sup>763</sup>. Аммо бу маълумотни бошка манбалар орқали тасдиқлаш зарурати бор.

Истахри ва Муқаддасий каби географлар IX асргача Самарқанд маликлари қароргохи Ривдод қишлоғидаги сарой - “Қаср ал-ихшидий” бўлгани айтиди<sup>764</sup>. Демак, Йазид ибн Ғурак шу ердан Суғдни бошқарган. Чунки Самарқанд у пайтда араблар томонидан “мусодара қилинган” эди. Ривдод эса Йазидга мерос Маймуғ мулки маркази ҳисобланган<sup>765</sup>.

Суғд подшоси – ихшиди (‘үшуб) ва Самарқанд ҳокими – **хвабу (ywβw)**си араб ва суғдий манбаларда ёнма-ён кўлланилади. Йақубийда – “ихшид الصغد افشين سمرقد” – “ихшид ас-Суғд афшин Самарқанд” деб берилса, суғд манбаларидан Muғ архиви хужжатларида: sywðy'nk MLK' smarknōc MR'Y шаклида қайд этилади. Аммо суғдий манбаларнинг тадқиқотчилари араблар сингари MR'Y идеограммасини –’ршун эмас, балки ywβw - хвабу деб ўқишган. Қолаверса, ихшид насаби қачондан Суғдда амал қилгани ноаён. О.И. Смирнова фаразича, бу унвон VII аср ўрталарида Вархуман (650/655) даврида кўлланган<sup>766</sup>. Бироқ бу насабни фақат Тархун билан боғлиқ Nov 3, Nov 4 – рақамли Muғ архиви хужжатларида<sup>767</sup> учратамиз холос.

<sup>755</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 276. Манба: Чефу, III. – Б. 59; Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 30; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 42.

<sup>756</sup> Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 122.

<sup>757</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 277; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 112.

<sup>758</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 112, 170 (изоҳ)

<sup>759</sup> Қапағон хоқон 692-716 йилларда Шаркий Турк хоқонлигини бошқарган. Хитой манбаларида уни Мочжо деб юритишган. Ғурак ўз ўғлига унга нисбат бериб, Мочжо (Бекчўр) номини берган бўлиши эҳтимол, Мочжо Ғурак ўғли арабий Йазид деб ном олган ва исломга шу ном билан кирганини фараз килиш мумкин. Қаранг: Смирнова О.И. Согдаийские монеты как новый источник для истории Средней Азии // СВ. – 1949. – Вып.VI. – С. 365.

<sup>760</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) Occidentaux. – Р. 136. 5-изоҳ: Kafesog'lu I. Türk Milli kültürü. – S. 108, n. 345.

<sup>761</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 30.

<sup>762</sup> Бобоёров Ф. Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 122–123.

<sup>763</sup> Камолиддинов Ш.С., Мухаммедов У.З. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний. – С. 91–97.

<sup>764</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 52; Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Vial Regnorum. Descripicio detionis moslemical autore. Ed. M.J. De Goeje. BGA. Pars 1. – Luduni-Batavorum, 1967. – P. 321; Schamso'd-dīn Abu Abdollah Mohammed ibn Ahmed ibn Abī Bekr al-Bannā al-Basschārī al-Mokaddasi. Descriptio imperii moslemici auctore Ed. M.J. De Goeje. BGA, Pars 3. – Lugduni-Batavorum, 1967. – P. 289.

<sup>765</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 145.

<sup>766</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 30.

<sup>767</sup> СДГМ II. – С. 17–45.

Умуман олганда, Суғд Турк хоқонлиги даврида ҳам маҳаллий бошқарувини сақлаб, ўз хукмдорлари – ихшидлар томонидан бошқарилган. Бу унвоннинг Суғд ва Фарғонада қўлланилгани унинг маҳаллий характерда эканлигини кўрсатади. Мусулмон манбаларига кўра, ихшид фарғоналиклар тилида “подшолар подшоси” (малик ул-малик) даражасига teng бўлган<sup>768</sup>.

Суғд маъмурий бошқарувида айрим тадқиқотчилар худудларга хос маҳаллий бошқарув ҳам амал қилганлигини таъкидлашади. Шулардан бири Кеш (хит. Шы)да хукмронлик қилган **ихрид** унвони ҳисобланади. Бу унвон Табарийда اخريد шаклида келган. Ҳижрий 112 / мил. 730-731 йил воқеалари баёнда Табарий, Турк хоқон ва унинг иттифоқчилари (суғдийлар, шошликлар, фарғоналиклар)га қаршилигига учраган Усмон ибн Абдуллоҳ аш-Шихлур<sup>769</sup> бошчилигидаги араб авангардига хужум қилганини баён қиласди. Турклар аш-Шихлурни таъқиб остига олган пайтда Кеш ҳокими ал-Ихрид<sup>770</sup> бу ҳақда Хурросон ноиби ал-Жунайд<sup>771</sup> (111-116/729-734)ни огоҳлантиради<sup>772</sup>. Бу пайтда Кеш ҳокими ал-Ихрид араблар томонида бўлган. Аммо ҳижрий 134 (751-752) йили Абу Довуд Холид бин Иброҳим<sup>773</sup> Кешга юриш қилиб, ал-Ихридни ўлдириб, ундан ўлжа олинган қимматбаҳо буюмлар ўша пайтда Самарқандда бўлган Абу Муслимга жўнатилди<sup>774</sup>. Бу воқеалар Кеш хукмдори ал-Ихрид (Ихрид)нинг фожеали қисмати ҳақида ҳам маълумот беради. Аммо бу шахс ўз даврида Кешда тангалар зарб қилдирган. Панжикентдан топилган бронза тангада арабча – “Ихрид Кеш дехқони” жумлалари чекилган<sup>775</sup>. Ал-Ихриддан аввалги Кеш ҳокими Вик Сайд ал-Харашиб билан 10 минг (бошқа маълумотларда 6 минг) бош чорва тўлови эвазига 40 кунлик тинчлик битимиға эришган<sup>776</sup>. Бу маълумотлар Кеш хукмдорлари – ихриларнинг араб истилоси давридаги мураккаб сиёсий фаолиятидан дарак беради.

Мусулмон манбаларидан **афшин** унвони учрайди. Аммо сугдий манбаларда, жумладан Муғ архивида “афшин” унвони қайд этилмаган. Фақат, 712 йилдаги “Самарқанд шартномаси”да - “ихшид ўғли, Самарқанд афшини” унвонининг Фуракка нисбатан қўлланилган<sup>777</sup>. А.А. Фрейман ва О.И. Смирновалар Муғ архивидаги MR’Y идеограммасини хутав ( $\gamma w t' w$ ) ёки хвабу ( $\gamma w \beta(w)$ ) – жаноб ёки ҳоким деб, MLK’ идеограммаси эса  $\gamma s u w n$  (?) деб ифодалайдилар<sup>778</sup>. Аммо биз MR’Y холосасига қўшилсак-да, MLK’нинг  $\gamma s u w n$  (?) деб, талқин этилишига қўшила олмаймиз. MLK’-  $\gamma s u d$  - ихшид маъносини беришини юқорида ҳам таъкидлаган эдик.

<sup>768</sup>Лерх П.И. Монеты бухархудатов. – СПб., 1909. – 159 с.; Смирнова О.И. Согдийские монеты, как новый источник для истории Средней Азии. – С. 51, прим. 23.

<sup>769</sup> Усмон бин Абдуллоҳ бин Мутарриф бин аш-Шихлур – “фордаги жанг”даги авангард қўшинлар қўмандони, Асад бин Абдуллоҳнинг Хутталга қарши юришларида иштирок этган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 423 (прим.).

<sup>770</sup> ал-Ихрид 134/751-52 йиллардаги Кеш ҳокими. Табарий 112 йил воқеаларини, 130 йил бўлган бўлса керак деб, изоҳлаиди. Демак, ал-Ихрид 130-134/747-752-52 йилларда Кешда ҳоким бўлган.

<sup>771</sup> ал-Жунайд ибн Абдураҳмон ал-Мурри – Хурросон ноиби (111-116/729-734).

<sup>772</sup> История ат-Табари. – С. 221.

<sup>773</sup> Абу Довуд Холид бин Иброҳим аз-Зухлий – Аббосийлар томонида Хурросонда тарғибот олиб борган раҳнамолардан бири. Асли Марв аслзодаларидан, Фанин қишлоғи соҳиби бўлган. 130/747-748 йилда Абу Муслим қўмандонларидан бўлган. Сўнг Тоҳаристон ҳамда Хурросонга ноиблик қилган. 140/757-758 йилда вафот этган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 389 (указ.).

<sup>774</sup> Абу Муслим Абдураҳмон – Хурросондаги Аббосийлар ҳаракати раҳбари (128-131/745-748). Аббосийлар Олий бош қўмандони ва Хурросондаги ноиби (137/755), халифа Абу Жафар Давонакий ал-Мансур амри билан ўлдирилган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 348, 390 (указ.).

<sup>775</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 31; Кеш хукмдорлари санавий жадвали ҳақида қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 280–282.

<sup>776</sup> История ат-Табари. – С. 189.

<sup>777</sup> Kurat A.N. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkend'i zabti. – S. 407; Смирнова О.И. К истории Самарканского договора 712 г. – С. 69–79; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 53.

<sup>778</sup> Фрейман А.А. Нахodka sogдийских рукописей и памятников материальной культуры в Таджикистане // СС. – 1934. – С. 12; Смирнова О.И. О двух группах sogдийских монет владетелей Согда VII-VIII вв. // ИООН АН Тадж. ССР. – 1957. – Вып. 14. – С. 121–122.

Қолаверса, на Суғд тангалари ва ёзма ёдгорликларида үшүн - “афшин” атамасини тасдиқловчи маълумот учрамайди. Қолаверса, Ф. Грененинг Афарунни афшин деб ўқилиши<sup>779</sup> ҳам ўз тасдигини топмайди. Аслида, афшин унвони, худди дехқон унвони каби араблар томонидан сосонийлар таъсирида ўзлаштирилган ва араб хужжатларида сүфдий унвонга мос келган ўринларда ишлатилиб кетилган. Шу боис араб манбаларда Уструшона хукмдори афшин унвони билан учрайди<sup>780</sup>. Табарий ҳам ал-Афшин - Уструшонанинг сўнгги афшини Ҳайдар ибн Қобус<sup>781</sup> экани ҳақида тўхтаб ўтган. Араб манбалари келтирган афшин унвони, Суғд маъмурий бошқарувидаги **хутав** (*ywt'w*) ёки **хвабу** (*ywβ(w)*) – жаноб ёки ҳоким мансабларига тўғри келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий бошқарув тизимиға Турк хоқонлиги таъсири масаласи шуниси билан характерлики, хоқонлик ўз вассали Суғднинг маъмурий бошқарувига гарчи жиддий ўзгаришлар киритмаган бўлса-да, маълум маънода таъсир ўтказиш тамойилини тутган. Хоқонликка қадар ҳам бутун Ўрта Осиё маҳаллий маъмурий бошқарувда сүфдийлар, хоразмийлар, бақтариylар, оччиликлар, фарғоналиклар билан туб ерли автохтон: - туркий тилли элатлар ҳам иштирок этган. Фақат тудун, тутук, шад, чур, тархон, элтабар каби унвонларни жорий этган Фарбий Турк хоқони Тўн ябғу маъмурий ислоҳатлари орқали маҳаллий бошқарув такомил топиб, хоқонлик бошқарув тизимиға мослаштирилган. Бу ўз ижобий самарасини берган. Унинг жойлардаги вакиллари маҳаллий ва хукмрон ҳокимият ўртасида боғловчи восита вазифасини бажарган. Н.Я. Бичурин кўрсатганидек, ўлпонлар йиғиш<sup>782</sup> улар вазифаларининг бир қирраси ҳисобланса, Б.Ғ. Фофуров эътироф этгандек, Тўн ябғу кўзлаган асосий мақсад – майда бўлакларга бўлинган мустақил мулкларни ягона давлат ташкилотига бирлаштириш<sup>783</sup> бўлган. Бу бошқарув тизимини VIII аср бошларига оид Муғ тоги архиви хужжатлари ўзида акс эттирган. Хусусан, А-14 хужжатида Деваштичнинг элчиси Фатуфарн ўз мактубида “Чоч хукмдори (тудуни) хузурига келдим” ва “Фарғона подшосига мўлжалланган хатни Фарғона тутуғи кўли билан Фарғона подшоси томон жўнатдим”,<sup>784</sup> - деб маълумот бергани фикримиз тасдиғидир. Бу икки лавозим ҳам Турк хоқонлиги маъмурий-бошқарув тизимидан маҳаллий бошқарув тизимиға ўзлаштирилган унвонлар эди. Ҳужжат VIII аср бошларида Чоч ва Фарғонанинг маҳаллий ва туркий маъмурияти ҳамда турк хоқонининг жойлардаги вакиллари ҳақида маълумот беради. Аммо унда Чоч подшоси ҳақида гап йўқ, фақат Чоч ҳокими - *ywβw* –хвабуси дейилган холос. Бундан ташқари Чоч хоқон томонидан билвосита *tkyn* – тегин ва *twδwn* – тудунлар<sup>785</sup> орқали бошқарилган бўлса, Фарғона ўз подшоси томонидан бошқарилиб, сиёсий, иқтисодий ва айниқса, ҳарбий ишлари хоқон тайинлаган *twttk* – тутук назоратга олган<sup>786</sup>. Қолаверса, тутукнинг ўша пайтда Чочда бўлиши, Фарғона ва Чочнинг хоқонлик билан сиёсий муносабатларга, хоқонлик ва маҳаллий бошқарувлардаги масалаларга ойдинлик киритади. Жумладан, хоқон (*y'γ'n*), Чоч ҳокими (*ywβw* - хвабу) хоқонлик жорий этган - тудун (*twδwn*)<sup>787</sup> унинг ёрдамчиси -

<sup>779</sup> Grenet F., Vaissière de la E. The last days of Pandikent. – Р. 162–165.

<sup>780</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений Хорасана и Мавераннахра. – С. 147; Абаев В.И. Среднеазиатский политический термин “афшин” // ВДИ. – 1959. – № 2. – С. 112–116.

<sup>781</sup> История ат-Табари. – С. 251, 253; Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С. 59.

<sup>782</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. I. – С. 283.

<sup>783</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 280.

<sup>784</sup> Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 5.

<sup>785</sup> Тудун унвони Бугут ёдномасида ҳам тилга олиниб, *twδwnt* шаклида учрайди. Қаранг: Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 139.

<sup>786</sup> Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 59–60.

<sup>787</sup> Тудунларнинг мавкеи ҳақида С.П. Толстов: “Бу (тудун) унвонига анча йирик бўлган бўйсундирилган вилоятларнинг ноиблари эга бўлган. Қолаверса, улар хоқонга кариндош эмасдилар. Уларнинг асосий вазифалари

(n'zt̄tyw)<sup>788</sup>, Фарғона подшоси (βγ'nyk MLK'), тутуғи (twttw) кабилар мисолида хоқонлик ва маҳаллий маъмурий – бошқарув акс этган. Баъзи хитой манбаларида эса маҳаллий ҳокимликлар ва хоқонлик вакиллари тудунлар маъмурий-бошқарувнинг қўшҳоми сифатида тилга олинади. Жумладан, манбалар Чоч мисолида “Ши-го-ван -теле (Shi-guo-Wang T'ele) - Чоч давлати ҳокими - тегини ва “Ши-го-фу-ван (Shi-guo-Fu-Wang) - Чоч давлати ҳокими муовини - тудун<sup>789</sup> каби келтирган. Ушбуларига кўра, “фу-ван” – ҳоким муовини унвони нафақат Чочда, балки Бухоро ва Самарқанд Суғдида ҳам амал қилгани<sup>790</sup> Турк хоқонлиги ва маҳаллий маъмурий бошқарувдаги синтез жараёни юз берганини кўрсатади.

А-14 ҳужжатида қайд этилган маҳаллий бошқарувдаги тутуқ (twttk) унвони нафақат Фарғонада, балки Суғдда ҳам амал қилган. Ҳужжатга кўра, Фарғона бошқаруви подшо - βγ'nk MLK' томонидан бажарилган<sup>791</sup>. Тутуқ – twttk лавозими эса Фарғона мулки маъмурий бошқарувининг бир бўғини ҳисобланиб, асосан ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилган.

Муғ ҳужжатлари Суғдда амалда бўлган нафақат маҳаллий маъмурий бошқарув, балки Суғдда амалда бўлган туркий унвонлар ҳакида маълумот беради. Жумладан, Суғд ихшиди Тархун - **trywn** исми ва **тархан** (**try'n**) унвони эквивалент сифатида Суғддаги туркий маъмурият ва унинг амалдорлари унвони билдиради. Эҳтимол туркий тархан (tarxan) кейинчалик суғдий тархун (trywn)га ва ундан исмга айланган бўлиши мумкин. Худди туркий бек, арабий амир, малик, султон каби. Шу боис ҳам Муғ архивидаги Nov. 3 ва Nov. 4 ракамли “Суғд никоҳ гувоҳномаси” ва “куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари”<sup>792</sup>да қайд этилган Тархун (trywn) Суғд подшосининг исми ҳисобланади. Хитой йилномаларида “Самарқанд ахли Ту-хун исмли шахсни 700 йилда ўзларига ҳукмдор этиб тайинлайдилар”<sup>793</sup> деб, маълумот берган. Табарий эса, бу шахсни Тархун - طرحن<sup>794</sup> шаклида беради. Тархун исмининг асоси тархон унвони эди. Муғ архиви A-13 ҳужжатидаги try'n Деваштич саройидаги амалдорларидан бирининг унвони бўлган<sup>795</sup>. Айни пайтда Беруний ҳам “тархун”ни тархон – طرحن шаклида унвон сифатида келтиради<sup>796</sup>. Тархон (try'n) унвони суғд тилли туркий ёдгорлик Буғут ёдномасида қадимги туркий унвонлар қаторида: “шадапитлар, тархованлар, курқапинлар ва тудунлар” – “…šd'put, tryw'nt, γwγ'ru('y)-n, twdwnt”<sup>797</sup> қаторида ҳам тилга олинади. Бу даврда Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган унвон тархон бўлган. Жумладан, турк хоқони вакили Тархон Низак<sup>798</sup>, Хутталон подшоси Тудун Тархон<sup>799</sup>, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Турон қаҳрамонларидан бири Тархон<sup>800</sup>, Истами ябгу хоқоннинг Маниҳдан сўнг

ўлпонлар йигимини кузатиш ва маҳаллий ҳокимлар устидан назоратни амалга ошириш бўлиб, *tudun* - тудунлар ўз навбатида хоқон хукуматининг вакиллари эди” деб, улар фаолиятига тўғри баҳо берган. Қаранг: Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологических исследований. – М.: Наука, 1948. – С. 260.

<sup>788</sup> Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 8 (изох).

<sup>789</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI-VIII вв. н.э.). – С. 57.

<sup>790</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) Occidentaux. – Р. 142, п.1.

<sup>791</sup> Араб манбалари, жумладан, Табарий 712-723 йиллар воқеалари баёнида бу подшонинг номини – “Фарғона малики ат-Тар” деб қайд этилган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 185; СДГМ II. – С. 84; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 9.

<sup>792</sup> СДГМ II. – С. 17-45.

<sup>793</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 311; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 135; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 170; Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 121.

<sup>794</sup> История ат-Табарий. – С. 100 и сл.

<sup>795</sup> СДГМ II. – С. 69-70.

<sup>796</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. – Б. 129.

<sup>797</sup> Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. – С. 139.

<sup>798</sup> СДГМ II. – С. 70.

<sup>799</sup> История ат-Табари. – С. 256.

<sup>800</sup> СДГМ II. – С. 70; Фирдоуси. Шах-наме / Критический текст в 9-томах. – М., Наука, 1971. – Т.9. – С. 446.

Византияга юборилган элчиларидан бири Тағма Тархон<sup>801</sup> номлари кўп бор учрайди. Ҳатто нумизматик материалларда ва VII-VIII асрларга оид кумуш идишда сүфдий ёзувда *try'n* (тархан) унвони битилгани ҳам маълум<sup>802</sup>. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, “тархон-тархун-тахан-тархван” каби ёзма ёдгорликларда қайд этилган унвон қадимги илдизларга эга бўлиб, Суғдда Тўн ябғу ислоҳатларидан (VII аср биринчи чораги)дан аввал ҳам муомалада бўлган кўринади.

Чунки бу унвон ўрта асрларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, ҳар қандай солиқ ва тўловлардан озод этилган юқори тоифа вакилига нисбатан кўлланилган.

Хоқонлик даврида туркий **чур-чўр** (cwr) унвони ҳам кенг амалда бўлган. Муғ архиви ҳужжатларидан В-8 – “Ер харид қилиш ҳақидаги ҳужжатидаги: (I) ’LKŠNT ’YKZY ZKn ғұтык (2) MLK’ ресу MR’Y скун cwr (3) ғулk” ZKn ресу-тт BRY (4) XIII II ŠNT – “Бу йил Вахт (1) подшоси Панч ҳукмдори Чакин чур (3) Билга Бичут ўғли ҳукмронлигига 15 йил”,<sup>803</sup> - деган жумлалар туркий чур унвонининг Суғд маъмурий-бошқарувидаги аҳамиятини очиб беради. Чурлар Панч каби мухим аҳамиятга молик вилоятларни бошқарғанлар. Бу унвон ҳам юқори табака вакиллари исми-шариғига қўшилгани кузатилади. Жумладан, Суғд подшоси Ғуракнинг иккинчи ўғли Баничўр ёки Бекчўр исмларининг иккинчи қисми “чўр” бўлиб, бу Турк хоқонлигига юксак унвонлардан бири эканлигини<sup>804</sup> яна бир исботлайди.

Шу тариқа, Турк хоқонликлари даврида Суғд маъмурий бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар илк ўрта асрларда Суғднинг Турк хоқонлиги таркибидаги ўзига хос ва хоқонликка мос бошқарув тамойилларини кўрсатади. Гарчи Суғд Биринчи Турк хоқонлиги (552-603) ва Ғарбий Турк хоқонлиги (603-742) таркибида вассаллик даражасида бўлса-да, ўзининг асрлар давомида шаклланган маҳаллий маъмурий бошқарувини сақлаб қолди. Шу билан бирга маҳаллий ва хоқонлик қонунлари жорий этилди. Турк хоқонлигига мавжуд хоқоннинг давлат бошқарувида қариндошлар томонидан ҳамҳукмронлик қилиши анъанаси Суғднинг азалий маъмурий бошқарувидаги демократик тамойиллар билан фарқланди. Суғд ҳукмдорлари давлат бошқарувини монарх сифатида эмас, балки, заминдорлар, савдогарлар ва шаҳарлик зодагонлардан ташкил топган Оқсоқоллар Кенгаши - олий органи томонидан тайинланар ёки лавозимидан четлаштириларди. Суғд ҳукмдорлари - ихшидларнинг Оқсоқоллар Кенгаши олдида хисоб бериб турганлигини, Тархун билан 710 йилда кечган воқеа исботлайди. Тўн ябғу хоқон (618-630) эса Суғдда ўз маъмурий ислоҳатларини амалга ошира бориб, анъанавий маҳаллий бошқарувга таъсир этмайдиган йўлдан борди. У жойлардаги ҳукмдорларга ўз маъмурлари (тудунлар, тархонлар, тутуқлар, чурлар)ни нозир сифатида юбориб, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлади. Қолаверса, Суғд ихшидлари: Шишпир, Вархуман, Тархун, Ғурак, Турғар каби йирик сиёсий арбоблар давлат ва жамият ҳаётида муносиб ўринга эга эдилар. Умуман, Суғд маҳаллий бошқаруви ўзига хос бўлиб, Самарқандга бўйсунувчи Маймурғ, Иштихон, Кушония мулклардан ташқари Бухорода бухорхудотлар, Усрушонада афшинлар маъмурий бошқарувни мустақил, Кешда ихридлар конфедерация тамойиллари остида амалга ошириш имконига эга бўлдилар. Ўз навбатида Турк хоқонлиги вакиллари – тегинлар, тудунлар, тархонлар, тутуқлар ва чурлар ўз вазифалари доирасидан чиқмаган ҳолда сиёсий вазият, иқтисодий ахвол ва харбий масалаларни ҳал этишда Суғдни хоқонлик билан узвий боғлиқлигини таъминладалар. Ҳатто Суғд ҳукмдорларининг ўзлари хоқонликнинг минтақадаги мақеини сакланишидан

<sup>801</sup> Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – С. 138.

<sup>802</sup> Ливвиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах. – С. 172.

<sup>803</sup> СДГМ II. – С.47; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 13.

<sup>804</sup> Бобоёрғов Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 121.

манфаатдор эдилар. Чунки улар доимо иқтисодий макон, сиёсий ҳимояга мухтож бўлганлар. Суғдни бошқарган чжао улар хонадони ва Ғарбий Турк хоқонлиги давридаги “ўн ўқ” туркий сулолалар вакиллари бўлмиш суғдийлар ва туркийлар минтақанинг ҳамда ўлканинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий тараққиёти учун бирдек ҳаракат қилганликлари турк-суғд муносабатларининг мустаҳкам пойdevorga эга бўлганлигини исботлади.

#### **2.4. Суғднинг ижтимоий сиёсий ҳаёти ривожида туркийларнинг тутган ўрни**

Ўрта Осиёning туб – **автохон аҳолиси туркий тилли элатлар** Биринчи Турк хоқонлиги даврида (552-603) нуфуз жиҳатдан шарқий эроний тилли элатлардан ортиб борди. Бу даврда туркийларнинг минтақадаги ўрни мустаҳкамланди. Гарчи маҳаллий маъмурий бошқарув **суғдий ва автохтон туркийлар** қўлида бўлса-да, хоқонлик даврида “ном” ташувчи қатлам “турк”лар бутун Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар даври сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида етакчилик қила бошлади. Улар асосий сиёсий ва ҳарбий куч сифатида ўлкани ташки тажовузлардан ҳимоя қилдилар ва иқтисодий тараққиёт омили - савдо йўллари хавфсизлиги кафолатланди. Маҳаллий мулклар ўртасидаги низолар барҳам топиб, сиёсий барқарорликка эришилди. Элатлараро аҳиллик, диний бағрикенглик – толерантлик принципига амал қилинди. Буларнинг барчаси асрлар давомида шаклланган турк-суғд симбиози маҳсули эди.

Илк ўрта асрлардаги Суғднинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туркийлар нуфузини даражаси ёзма ва нумизматик материиллар тасдиқлайди. XX аср бошларида В.В. Бартольд, И. Маркварт ва В. Томашек каби тадқиқотчилар аввалгига Турк хоқонлигининг минтақадаги сиёсати эфталийлар сиёсатидан фарқ қилмаган<sup>805</sup>, - деб баҳолаган эдилар. Улар Турк хоқонлигининг давлат бошқаруви амалиёти, маъмурий – сиёсий тузилишдаги салоҳиятига шубҳа билан қарагандилар. Шу боис улар маъмурият вакиллари маҳаллий шарқий эроний тилли халқлардангина иборат эди, деб билишган. Давлат бошқарувидаги асосий ургу туркий бўлмаган этносларга берилган. Аммо ушбу мавзуга оид суғдий, хитой, юонон, араб-форс манбаларни ўрганиш янги хуласаларга олиб келди. Суғдан топилган нумизматик материаллар ва Муғ тоги архиви ҳужжатлари минтақада туркий қатлам ўрни масаласини янада ойдинлаштируди.

Турк хоқонлиги дастлабки бошқарув йилларида маҳаллий бошқарув тизимиға туб ўзгаришлар киритмаганини, ерли бошқарувда кўплаб маҳаллий туркийларнинг фаолияти билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бироқ Турк хоқонлиги иккига бўлингач (603), Ғарбий Турк хоқонлиги бу масалага жиддий эътибор берди. Тўн ябғу (618-630)нинг маъмурий ислоҳатлари айнан хоқонлик ва маҳаллий бошқарув фаолиятини мувоффиқлаштиришга қаратилган эди. Қолаверса, хоқонлик туркийларининг ўтрок ҳаёти ва ўзига хос давлатчилик анъаналар эфталийлардан фарқланган. Турк хоқонлигининг маҳаллий сулолалар бошқарувини сақлаб қолишдан мақсади ўтрок ўлкаларда сиёсий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ривожини тўхтатмаслик ва ҳарбий жиҳатдан кўмаклашув бўлган. Бундан ташқари маҳаллий подшоларнинг аксарияти у ёки бу маънода Турк хоқонлиги ҳукмдорлари билан яқинлашиб, қардошлиқ алоқаларини ўрнатгани сиёсий маънода хоқонлик дипломатиясининг маҳоратидан дарак беради.

Турк хоқонлиги маъмурлари маҳаллий мулклардан йиғилган ўлпон ва солиқларни барчасини ўzlари ўзлаштирган дея, олмаймиз. Манбаларда улар томонидан

<sup>805</sup> Тревер К.В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV-VII вв. – С. 140; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 279.

маҳаллий мулкларни бехуда талон-тарож қилгани ҳақида бирор бир маълумот учрамайди. Хоқонликнинг жойлардаги вакиллари, тўлов ва ўлпонлардан тушган маблағнинг бир қисминигина марказга – хоқон қароргохига юбориб, асосий қисмини ўлканинг иқтисодий ривожи ва сиёсий барқарорлиги учун сарфлаганлар дейиш мумкин. Чунки бу даврда Суғдда иқтисодий тушкунлик, сиёсий бухронлар кузатилмайди. Қолаверса, хоқонлик асосий эътиборни ўз вассалларини ташки душман хавфидан сақлашга қаратган. Шу боис маҳаллий қўшин - чокарларнинг ҳарбий салоҳияти кучайтирилган бўлиши керак. Маълумки, сугдийлар ва туркийлар ҳарбий-сиёсий соҳада азалдан иттифоқчи бўлиб келган. Бу ходиса ҳам турк-суғд муносабатларидаги энг муҳим жиҳатларидан бири эди.

Турк хоқонлиги Ўрта Осиёга кириб келгач, ўлка бошқарувининг ўзига хос кирраларини кузатиб борилган ва аста-секин маъмурий бошқарув тизимидағи муҳим жиҳатлар ўзлаштира бошланган<sup>806</sup>. Юқорида айтганимиз, Фарбий Турк хоқони Тўн ябғунинг маъмурий бошқарув тизимидағи ислоҳатлари узоқни кўзлаган ва асосланган ислоҳат эди. Янги тартиблар орқали сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ютуқларни қўлга киритиш мумкин эди. Қолаверса, Тўн ябғунинг шахсан “бебош” ҳокимларни тартибга чақириб қўйиш қудратига эга эди. У нафақат куч, балки дипломатия воситасини ҳам ишга солиб, иш юритган. Чунки манбаларда хоқонлик ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида юз берган низолар ҳақида маълумот учрамайди.

Хоқонлар Ўрта Осиёни ўз қавмдошлари яшайдиган юрг сифатида билиб, маҳаллий аслзодалар билан қуда-андачиликни йўлга қўйганлар. “Бей ши”, “Суй шу” ва “Тан шу” каби солномаларида келтирилишича, Тарду хоқон (576-603) Кан ҳукмдори Ши-фу-бига, Тўн ябғу эса Кан ҳукмдори Кюе-му-чжига ўз қизларини турмушга беришган<sup>807</sup>. Бундай қариндошлик алоқалари Турк хоқонлиги ва Суғднинг барқарорлиги, иқтисодий ривожида ҳамжиҳатликни таъминлаган. Аслида турк хоқонларининг ҳарбий қудрати ҳар қандай ҳокимликни тобе қилишга етар эди. Бироқ хоқонлар учун Ўрта Осиё мулклари тараққиёти муҳимроқ ҳисобланган. VI аср сўнгги чораги ва VII аср бошларидаги Кан – Самарқанд подшолари Ши-фу-би (Тейши-би) (VI аср сўнгги чораги) ва Кюе-му-чжи (600-620)лар хоқонлик ҳимояти остида дехқончилик, хунармандчилик айниқса, халқаро савдони ривожлантиришдан ўзаро манфаат топдилар. Хитой ва Эронга иқтисодий ва сиёсий рақобатда томонлар позицияси солномалардаги турк-суғд муносабатлари доирасида алоҳида эътибор билан белгиланади<sup>808</sup>. Чунки Ўрта Осиё масаласида Хитой, Эрон ва Турк хоқонлиги манфаатлари доимо тўқнаш келган. Суғд учун Турк хоқонлиги қудрати ҳаёт-мамот масаласи эди.

630 йилда Тўн ябғу-хоқон вафотидан сўнг рўй берган парокандалик натижасида Фарбий Турк хоқонлиги таназзулга юз тутди<sup>809</sup>. Тўн ябғудан сўнг то 742 йилгача Фарбий Турк ва Туркаш хоқонлигига 17 та ябғу<sup>810</sup> алмашди. Бу даврда Фарбий турклар Суғдга аввалгидек таъсир қила олмади. Натижада Суғд ихшидларининг фаолиятида бир қадар мустақил ҳаракатлар кўзга ташланди. Фарбий Турк хоқонлиги

<sup>806</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 280.

<sup>807</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. – Т. II. – С. 271; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) Occidentaux. – Р. 24, 132 (2-изоҳ), 135 (5-изоҳ).

<sup>808</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 271, 281, 311; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 132–135, 156 (1-изоҳ); Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275–277; Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 120–121.

<sup>809</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 280–281.

<sup>810</sup> Фарбий Турк хоқонлари: Сиябуғ (630-633); Бағоша Тўлис (633-634); Ишпара Тириш Тўнга (634-639); Ёпи Тўлу (639-651); Ашина Алп (651-658); Ашина Меш (658-662); Ашина Бордин (622-666); Ашина Тўрчи (671-679); Ашина Низун Бек (679-680); Ашина Ёлчин (686-693); Ашина Ҳужилў (686-690); Ашина Қайду (699-704); Ашина Шан (704-710); Турсағи хоқонлари: Ужило (710-716); Сўғи (716-718); Сулухон (718-738); Ашина Ўн Ўқ (738-742). Қаранг: Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. I. – С. 145

таназзули юз йилдан зиёд вақт давом этди. Суғдга эса Шарқий Турк хоқонлигининг таъсири орта борди. Айниқса, Шарқий Турк хоқонлиги Қапағон хоқон даврида (692-716) ўзининг минтақадаги етакчи ўрнини қайта тиклаб, геосиёсий позициясини мустаҳкамлади. Шу боис ҳам Муғ архиви А-14 хужжатига кўра, VIII аср бошларида (717-719) “Суғд подшоси” Деваштич элчиси Фатуфарн Чочда “вақтинча” бўлиб турган Шарқий Турк хоқони билан музокаралар олиб боришига юборилган. Деваштич ўзини ҳам Ғарбий, ҳам Шарқий хоқонликнинг вассали<sup>811</sup> деб билган. Арабларга қарши курашда улардан ёрдам ва мадад кутган. Бу ҳақда В-17 хужжатида шундай сатрлар учрайди: ZKh m'yw 'zyntt cnn 'sky mrt's'r (11) "ysnt rty mn' cnn γ'γ'n mrt's'r RB pðþrw ZY 'γ'n'wkw "þrnt rtenn 'skys'r tym γrþ 'sp'd w'yz wþyw ywn ZY сун – “бизнинг (Деваштичнинг) чопарлар бу ерга тушишиб, менга хоқондан юксак ишонч ва ҳурмат олиб келди. Ҳамда турклар (ywn)<sup>812</sup> ва хитойлар (сун)лардан иборат кўплаб қўшинлар келди”<sup>813</sup>. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳужжатни таҳлил қилган В.А. Лившиц VIII аср бошларида Еттисувда ўз ҳокимиятини ўрнатган Туркаш хоқонлигини ҳам назардан қочирмайди. Туркаш хоқонларининг қароргоҳи Суёб (Суе) шахри бўлиб, улар арабларга қарши ҳарбий ҳаракатларда суғдийларнинг иттифоқчisi сифатида майдонга чиқишиган эди. Туркашлар ҳақида гап борар экан, айрим тадқиқотчилар Суғд ихшидлари Тархун ва Ғуракнинг келиб чиқишиларини уларга тақашади. Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд” асарида берилган шажара: Абу Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марбузон ибн Туркаш Бақи ибн Касир ибн Тархун ибн Баничур ибн Ғурак ал-Бобдостоний<sup>814</sup> шахси исмига эътибор беришган.

**Туркашлар** 712-714 йилларда, яъни А-14 хужжати битилган даврда, шарқий турклардан мағлубиятга учраб, ўз мавқеларини йўқотган эдилар. Шу боис ҳам улар Суғд, Чоч ва Фарғона сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тута олмас эдилар<sup>815</sup>. 712 йилда эса, айнан Суғд чегарасида Мочжо (Қапағон) хоқоннинг кичик ўғли Инал-хоқон бош кўмондон - апа-тархонлигидаги қўшин турар эди<sup>816</sup>. А-14 хужжатида ҳам шаҳзода Инал-хоқон зикр этилган дейиш мумкин<sup>817</sup>. Деваштичнинг Шарқий Турк хоқонлиги билан муносабатларини ифодаловчи далилларни Муғ архивининг Nov.1 ва Б-1 хужжатларида учратамиз. Бу хужжатларда тардуш (trð'wš, trðwš) атамаси эсга олинади<sup>818</sup>. Тардушлар эса, тўлислар билан конфедерацияда бўлиб, Шарқий Турк хоқонлиги қабилаларининг асосини ташкил қилган<sup>819</sup>. Шу боис, VIII аср бошларига келиб Суғд ижтимоий ҳаётида маҳаллий турклар ва Ғарбий Турк хоқонлиги вакиллари мухим ўрин тутган бўлсалар, сиёсий ҳаётида Шарқий турклар ва туркашларнинг таъсири ортган.

VII-VIII асрларга келиб марказ Самарқанд ва мулкларда суғдий ва туркий амалдорлар бошқарувининг қатъиyllашуви икки қавмнинг қардошлиги, ҳамжиҳатлиги ва манфаатларининг мос бўлиб, ўлкада тинчлик ва барқарорликка хизмат қиларди. Жумладан, хитой манбаларида VII асрнинг биринчи ярмигача Кеш мулкининг

<sup>811</sup> СДГМ II. – С. 84.

<sup>812</sup> Суғдийлар маҳаллий туркларни хунн - ywn ва шарқий туркларни турк – twrk деб атаган бўлишлари мумкин.

<sup>813</sup> СДГМ II. – С. 116-117. Бу ўринда Чин дейилганда айнан Хитойни эмас, балки унинг аксарият ҳудудида ҳукмронлик килаётган Шарқий Турк хоқонлигини назарда тутмоқ керак бўлади.

<sup>814</sup> Камолиддинов Ш.С., Мухамедов У.З. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний. – С. 91-97; Бабаяров Г., Кубатин А.В. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. – С. 216-220. Манба: Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд. – Мадина. 1991. – Б. 323.

<sup>815</sup> СДГМ II. – С. 84.

<sup>816</sup> Кляшторный С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов // ЭВ. – 1954. – Вып. IX. – С. 62.

<sup>817</sup> СДГМ II. – С. 84. Кляшторный С.Г. Титул социального владельца в древнетюркском тексте // ПВ. – 1960. – № 6. – С. 134, прим.11.

<sup>818</sup> СДГМ III. – С. 37-41 (док. Nov. 1), 43-47 (док. Б-1).

<sup>819</sup> Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarihi’ne giriş. Cild 1. – S. 55-56.

бошқарган Ди-чже (600-640), Ша-ши-би (Шишпир) (640-650)<sup>820</sup> ва VIII аср бошидаги Кеш ва Насаф ҳокими ал-Ашканд<sup>821</sup>, “Тан шу”да келтирилган Кеш ҳокими - ихриди Сагинти кабилар туркийлардан эди<sup>822</sup>. Чунки “сыгин” туркий “эркин” унвонининг хитой иероглифидаги шакли ҳисобланади<sup>823</sup>. Кеш ва Нахшабда зарб этилган VII-VIII аср тангаларда “хукмдор Турак” ёки “Турон хукмдори” жумлалари ҳамда туркий қиёфадаги хукмдор тасвири акс этган<sup>824</sup>. Баъзан, араб-форс манбаларида Кеш ҳокимлари унвонини Чочдаги каби тудун деб келтиради<sup>825</sup>. VIII аср биринчи ярмида Самарқанд яқинидаги Фай (Нарпай) мулкининг ҳокимини Табарийда Турк-хоқон деб келтирилган<sup>826</sup> бўлса, Кабудан (хит. Цао) мулкни “Тан-шу”га кўра 738 йилда Суду-пуло (Суду-буғро) бошқарган<sup>827</sup>. Хузор (Фузор) мулки ҳокими ҳам Су-Буғро<sup>828</sup> исмли турк бўлган. Буларнинг барчаси Ўрта Осиё мулклари бошқарувида туркийлар ўрни ва нуфузи юқори бўлганлигини исботлайди.

Биргина Самарқанд Суғдидаги Панч вилоятидаги туркийларнинг мавқеи мисолида буни кузатиш мумкин. Жумладан, “Бафт (Бахт) мулки подшоси, Панч ҳокими Чакин чур Билга Бичут ўғли” тахминан 693-708 йилларда вилоятни бошқаргани Муғ архивининг В-8 - “Ярим бўлтак асксак ерни сотиш” ҳакидаги ҳужжатда акс этган. Унда шундай дейилади: (I) 'LKŠNT 'YKZY ZKn ӯtyk (2) MLK' рпсу MR'Y cк'yn cwr (3) ӯylk" ZKn русw-tt BRY (4) XIII II ŠNT ' γ m'yy zymtcy-h (5) туд 'sp'ntr-mt rwc – “(1) Бу йил Бахт (2) подшоси Панч хукмдори Чакин Чур (3) Билга Бичут ўғли (хукмронлигига) (4) 15 йил бўлган пайтда - жимтич ойининг (5) спандармат кунида (6) ҳужжат битилди”<sup>829</sup>. Бу ҳужжат Деваштичдан аввал 15 йил давомида Панч мулкини бошқарган туркий хукмдор ҳакида маълумот беради. Бизнингча, уни бу лавозимга турк хоқони ва Самарқанддаги Оқсоқоллар Кенгаши биргаликда тайинлашган. Сабаби, Панч туркийлар зич яшайдиган вилоят бўлгани боис томонлар шу қарорга келишган. Ҳужжатга асосан, Чакин Чур Билга Бафт (Бахт) мулки ва Панжикент шаҳрини 15 йил (693-708) самарали бошқарган<sup>830</sup>. Бундай бошқарув Турк хоқонлиги ва Суғд манфаатларини ифодалаб, биринчидан, Турк хоқонлиги Суғд бошқарув тизимига ўз таъсири кўрсатган, иккинчидан, марказ Самарқанддаги Оқсоқоллар Кенгаши хоқонлик билан муносабатларда маъаллий туркийлардан унумли фойдаланган. Бу эса турк-суғд давлатчилиги барқарорлигини таъминланган.

Вилоятлар ва мулклар маъмурий бошқарувида туркий амалдорларнинг нуфузи баланд бўлган. Айрим тарихчилар Суғдда туркийларнинг ўрни масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашиб, имкон қадар ўлқадаги туркийлар иштирокини ёритмасликка ҳаракат қилишган. Аслида эса Суғд тарихини туркийларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Айниқса, VII-VIII асрларда бу жараён янада

<sup>820</sup> Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – С. 425; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Т.: Фан, 2000. – С. 69.

<sup>821</sup> История ат-Табари. – С. 225, 230 и др.

<sup>822</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. I. – С. 299; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 147, п.1; Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - начала XIII вв. – С.46.

<sup>823</sup> Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 125.

<sup>824</sup> Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. – С. 14–15, 46.

<sup>825</sup> Togan A.Z.V. Ummü'l Türk tarihi'na giriş. – S. 412.

<sup>826</sup> История аи-Табари. – С. 173 (1423); Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 40.

<sup>827</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – С. 80. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – С. 425.

<sup>828</sup> История ат-Табари. – С. 190; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – С. 40; Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. – С. 273; Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Суғд. – Б. 125–126.

<sup>829</sup> СДГМ II. – С. 47; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 13.

<sup>830</sup> Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 13–15; Шаякубов Ш. VI-VIII асрлар Марказий Осиё сиёсий тарихида Суғд: Тарих фан. номзоди дисс. ... автореф. – Б. 16; Ўша. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 53.

яққолроқ акс этади. Чунки Суғднинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти бевосита туркий этнос билан узвий эди. Хусусан, Муғ тоғи архивида Панч вилояти ва Панжикент ҳокимлиги саройидаги амалдор-аъёнларига тегишли хужжатлар сақланган<sup>831</sup>. Жумладан, **Nov 3 ва Nov 4** рақамли “Никоҳ битими шартлари ва мажбуриятлари”да Ўт-тегин, яъни шаҳзода Ўт ҳақида<sup>832</sup> бўлса, I.1 рақамли “араб амири Абдураҳмон ибн Субҳнинг Деваштичга номаси”да коҳин Кўрчи (Кўрчи-кўр (оловхона) эгаси) номи<sup>833</sup> зикр этилган. Хужжатларнинг бир қисми вилоятда етакчи мавқега эга, иктисодий масалалари бўйича масъул, Деваштич саройининг “иш юритувчиси”-фрамандар Ўтт (prm’нб’г ’wtt)га тегишли<sup>834</sup>.

Муғ архиви бизни араблар истилоси арафасидаги (VII аср охири – VIII аср бошлари) Суғднинг сиёсий ва иктисодий ахволидан воқиф этиш баробарида Суғд хўжалиги, маъмурий бошқаруви, маҳкамаси, сарой мухити, ички ва ташқи вазият, қонунчилиги ва хуқуқ соҳасидаги амалиётлари ҳақида батафсил маълумотлар беради. Айниқса, сиёсий ҳаётнинг ўзига хослиги, ички маъмурий - бошқарув тизими ва сарой аҳли орасидаги мансаб ва унвонлар, жамиятдаги табақалар муфассал баён этилган. Хужжатлар Суғд подшоси – ихшиддан тортиб то уй қуллари – бандак ва чўрилари – дояларигача бўлган ижтимоий поғоналарни таҳлил этишга имкон беради. Шулардан бири фрамандар лавозимидағи мансабдор Ўтт эди. Бу шахснинг жамиятдаги мавқеи вилоят ҳокими Деваштичдан кам эмаслиги аҳамиятлидир. У туркийлар орасидан чиққан, Деваштич саройида ўз вазифасига эга, ижтимоий-иктисодий ҳаётда фаоллиги билан ажраб турган<sup>835</sup>. Буни Муғ архиви тадқиқотчилари<sup>836</sup> эътироф этганлар.

“Фрамандар” (prm’нб’г) - “фармон тутувчи” Ўтт “сарой хўжалигининг бошқарувчиси”<sup>837</sup> бўлган. Хужжатлар таҳлилига кўра, “фрамандар”нинг асосий вазифаси иктисодий масалаларни хусусан, Зарафшоннинг юқори оқимидағи қишлоқлар (Фатмев, Искодар, Кум, Зрунб, Мадм кабилар)дан келиб тушишини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар (дон, май, чорва ва чорва маҳсулоти, кийим-кечак, курол-аслаҳа кабиларни)ни Панч ҳукмдори саройи омборига келиб тушишини, рўйхатини ва тақсимотини назорат қилиш бўлган. Баъзи ҳолларда Деваштич эътиrozига қарамай “фрамандар” вазият тақозоси билан ҳоким - Деваштич буйруқларини эътиборсиз қолдириб, мустақил иш юритган. Жумладан, А-18 ҳужжатига кўра, иктисодий ночор ахволида қолган Изровадқ қишлоғи аҳли Деваштичга “фрамандар” устидан шикоят қиласи. Деваштич арзига дон бериш зарурлиги ҳақида икки бор “фрамандар” Ўтта мактуб - буйруқ йўллаб, мактубда: “... Мен сенга “дон бер” деган одамларга (дон) бермаяпсан. (Дон) берилиши зарур бўлмаганларга эса (дон) беряпсан. (Эшитишимча,)

<sup>831</sup> Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 3.

<sup>832</sup> СДГМ II. – С. 17–45; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 37–46; Исҳоков М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Т.: Фан, 1990. – Б. 15–18.

<sup>833</sup> СДГМ II. – С. 108–114; Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 33–37.

<sup>834</sup> Бу шахсни ифолаловчи Ўтт – ‘wtt атамасини А.А.Фрейман A-2 ва A-3 хужжатлари нашрида “удел (?) бошлиғи” деб, кайд этган. Қаранг: Фрейман А.А. Два согдийских рукописных документа на коже с горы Муг в Таджикистане // ВДИ. – 1952. – № 1. – С. 182–186. О.И. Смирнова эса ‘wtt атамасини Суғддаги юқори табака вакиллари: дехқонлар – хутав, ихшид, афшин, ҳоким, азат қаторида кўриб, “фрамандар” атамаси ҳақида фикр юритмайди ва Ўтт деган исмни аниклаш керак, деган масалани ўртага ташлайди. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 14. Бироқ В.А. Лившиц ‘wtt – Ўтт туркий исм эканлигини таъкидланиб, унга тегишли хужжатлар туркуми маҳсус тадқиқ этди ва Ўтт исми этимологиясини туркий “ўт-олов” билан изоҳлади. Қаранг: СДГМ II. – С. 132–156. Бу атама қадимий туркийдаги “Ўтчи-маслаҳатчи” мазмунига ҳам мос келади. Қаранг: Тутушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – С. 148.

<sup>835</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С. 58.

<sup>836</sup> Мамараимов Б.И. Суғднинг Панҷ ҳокимлигига лавозим эгалари ва маҳкамавий хужжатчилик масалаларига доир (VII–VIII асрлар) // Ўрта Осиё тарихи манбаҳунослиги масалалари. – Тошкент, 2003. – Б. 44–45; Шоёкубов Ш. Муғ хужжатларида илк ўрта аср Суғд жамияти // Шарқшунослик. – 2001. – № 2. – Б. 65.

<sup>837</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. – С. 375.

сен анча бевош бўлиб кетибсан”, қабилида танбех беради<sup>838</sup>. Ўттнинг бундай фаолияти Деваштич томонидан унга юборилган А-2<sup>839</sup> ва А-3 рақамли хужжатларда<sup>840</sup> кузатилади. А-2 хужжатига кўра, Деваштич фрамандарга Аски (Юқори) Разреда оч қолган одамларга 300 кафиз<sup>841</sup> дон бериши, А-3 мактубида эса, Хуфарн ва Хутачон исмли шахсларга 200 кафиз дон бериш буюради. А-16 хужжатида<sup>842</sup> Деваштич Ўттга лой муҳр билан мустахкамланган ва тоғ эчкиси(?)нинг тасвири туширилган мактубни олиши билан Литтпир (руттхур / дуттург)<sup>843</sup>га “Канизаклар ичадиган вино (төв)дан” бериш лозимлиги қайд этган<sup>844</sup>. Бу хужжатлар Деваштич ва Ўтт муносабатларининг айрим кирраларини намоён қиласди. Аммо Муғ архивида Ўтт тегишли хужжатлар орасида бошқа шахсларнинг фрамандарга юборган номалари ҳам мавжуд. Жумладан, А-6 хужжати<sup>845</sup> фрамандар Ўттга Ғмир - Амир (ұттүрг)<sup>846</sup> “жаноб ҳукмдор” деб мурожаат қиласди. Аслида бундай мурожаат шакли кўпроқ Деваштичга йўлланган мактубларда учарди. Бироқ бу хужжат Панч мулкида Ўттнинг обрўси юқорилигини кўрсатади. Мактуб эгасининг: “... мен сенинг (бу ердаги – саройдаги) вакилингман ва (сенинг доимий ҳимоятингда бўламан), деб сенга нома йўллаб мурожаат қилмоқдаман”,<sup>847</sup> – деб, ёзиши яна бир бор Ўттнинг сарой ишларида ҳал қилувчи лавозим эгаси эканлигини тасдиқлайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фрамандар Ўтт нафақат хўжалик ишларини юритибгина қолмай, у яхши куролланган бўлинмага ҳам эга бўлган. Чунки шаҳар ташқарисидаги сарой омборхонасини Ўттнинг ёлғиз ўзи ўша давр шароитида сақлаб туролмасди. Қолаверса, туркийларга хос ҳарбий салоҳият унга бегона бўлмаган. Буни Ғмир (Амир)нинг ҳимоят сўрагани ҳам тасдиқлайди.

А-1 хужжатида ҳам Апанак (’р’nk) исмли шахс “фрамандар” Ўттга “жаноби ҳукмдор” деб мурожаат қиласди. Мактубда “Читчит (сүтсүт) орқали сен (Ўттга) қимматбаҳо нарсалар (?) бериб юбордим”, дейилади. В.А. Лившиц юборилган нарсалар қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган нарсалар бўлса керак, деб тахмин қиласди<sup>848</sup>. Бу “фрамандар”нинг нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кийим-бош ва аслаҳалар, балки сарой хазинасига тушадиган қимматбаҳо нарсаларни рўйхатидан ўтказиб, Панжикентдаги хазинабонга топширилганини тасдиқлайди. Чунки А-5 хужжатида сарой аёnlари орасида хўпат (ғупат) – ұwpt - бош молиячи лавозими қайд этилган<sup>849</sup>. Эҳтимол “фрамандар” бу буюмларни (нарсаларни) ўз омборида сақлаган бўлиши ҳам инкор этиб бўлмайди.

Б-11, Б-13, Б-15 ва Б-19 хужжатлари Эспадак (’срд’kk)нинг “фрамандар” Ўттга мактублари<sup>850</sup> бўлиб, номалар: “Жаноби ҳукмдор, буюк таянчимиз (!) фрамандар Ўттга”, деб бошланади. Аввалги мактублардан фарқли ўлароқ бу номаларда “буюк таянчимиз” – RBch ’nwth ибораси қўлланилган<sup>851</sup>. Ушбу хужжатларга кўра, Эспадак Деваштич ва Ўтт ўртасида воситачилик-чопарлик қилган. Номаларни Деваштичга

<sup>838</sup> СДГМ II. – С. 132–136; Мамараимов Б.И. Суғднинг Панж ҳокимлигига лавозим эгалари ва маҳкамавий хужжатчилик масалаларига доир (VII–VIII асрлар). – Б. 44.

<sup>839</sup> СДГМ II. – С.136–138 (док. А-2).

<sup>840</sup> СДГМ II. – С.138–139 (док А-3).

<sup>841</sup> Кафиз ёки кафич – тахминан 8 килограммни ташкил қиласди.

<sup>842</sup> СДГМ II. – С. 139–140. Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Б. 23.

<sup>843</sup> Литтпир – руттхур / дуттург – Ф. Грене ва Е. Де ла Вассье томонидан туркий iltäbir – элтабар деб талқин килинмоқда. Қаранг: Grenet F., De La Vaissière E. The last days of Pandjikent. – Р. 177–178.

<sup>844</sup> Исҳоқов М.М. Унутилган пошоликдан хатлар. – Б. 25–26.

<sup>845</sup> СДГМ II. – С. 141–142.

<sup>846</sup> Ғмир – ұттүгни Амир деб ўқиши хақида қаранг: Grenet F., De La Vaissière E. The last days of Pandjikent. – Р. 156.

<sup>847</sup> СДГМ II. – С. 142.

<sup>848</sup> СДГМ II. – С. 142.

<sup>849</sup> СДГМ II. – С. 181–182.

<sup>850</sup> СДГМ II. – С. 144–153.

<sup>851</sup> Хужжатлар орасида фақат Б-19 хужжатининг манзили ва мурожаат қисми йўқ бўлиб кетган. Аммо котиб дастхати уни Эспадак (’срд’kk) йўллаган дейишга асос беради. Қаранг: СДГМ II. – С. 152.

етказиб, маълумот учун Ўттга хабар берган. Ҳужжат икки нусхада тайёрланиб, бир нусхаси сарой девонхонасида қолган. Б-13 ҳужжатига кўра, Эспадак “фрамандар” Ўттга Деваштич учун юборилган кийим-кечаклар, меваларнинг ҳаммаси етиб келмаганлиги тўғрисида хабар беради<sup>852</sup>. Бу билан у ўша даврда Панчда юз бераётган воқеалар тафсилотини баён этади. Шулар асосида айтиш мумкинки, бундай ахборот кейинги ҳисоботлар учун зарур бўлиб, катъий тартиб, молиявий интизом ва хўжалик юритишида тадбиркорликни талаб қилган. Деваштич ҳузуридаги ҳар бир амалдор суғдийми, туркийми қатъий назар ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, маҳкамадаги ҳисобкитоб ишларини юқори даражада юришган. Энг асосийси, рўйхатга олинган барча ҳужжатлар архивда сақланиши саройдаги кучли назорат ва ички тафтиш амалиёти қўлланилганлигидан далолат беради. Бу эса айниқса, араб истилоси даврида иқтисодий барқарорлик, тақчилликни бартараф этиш учун ҳам зарур эди. Балки шу боис “фрамандар” Ўтт қишлоқлардаги ахволни ўрганиб, ноchor халқдан маҳсулот ундиришини ўзига эп топмай, Деваштичга буйруғига ҳам эътибор бермай, адолатли сиёsat юритишига ҳаракат қилган. Хусусан, Б-11 ҳужжатига<sup>853</sup> кўра, Эспадак “фрамандар” Ўттга: “Зравадқ, Эскатор ва Аншак қишлоқларидан дон келиб тушгани” ҳакида хабар бериб, “уларни рўйхатга олиб, бу ёққа (саройга) юборишни” сўрайди. Ўтт эса Деваштич амрига кўра, қишлоқлардан келадиган маҳсулотларни қаттиқ назоратга олган. Б-15 ҳужжати<sup>854</sup> мазмунига кўра, Литтпирнинг қишлоққа фақат мевалар олиб бориши у ерда тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкинлигидан хавотирга тушган Эспадак, Ўттдан қишлоққа ўз одамларини юбориб, нохуш воқеанинг олдини олиш зарурлигини сўраган. Эҳтимол солик ишлари ва бошқа тушумлар билан ҳам “фрамандар” шуғулланган кўринади. Б-19 ҳужжати<sup>855</sup> мазмуни аввалгиларига қараганда нотинч шароитда битилганлигини кўрсатади. Муаллиф Зравадқ қишлоғига “кимлардир келганлигини, агарда ўзида ушбу дон бўлса, ўзи Зравадкка боражагини” билдиради ҳамда ҳукмдор Деваштичнинг Ўттга дон ва бошқа маҳсулотларни “кўздан панада” тутиши тўғрисида фармон берганлигини айтади. Бунда араб истилочилирининг Панжикентга яқинлашиб қолганлиги, маҳсулотлар душман қўлига тушмаслиги назарда тутилган бўлиши керак. Чунки мактуб давомида “донни олиб бориб, уни сақлаш тўғрисида қайғуриш зарур”лиги уқтирилади. Шундан сўнг Эспадак Ўттга битта совут<sup>856</sup>, яна қандайдир (?) нарса, битта эгар ва оёқ кийимлари (“этиклар”) юбораётганини маълум қиласди. Санаб ўтилганлар кўпроқ ҳарбий аслаҳа ва анжомлар бўлиб, вазият тинч эмаслиги боис, қуролланиб чора кўриш заруратидан далолат беради.

Б-18 ҳужжати Эзравадқ қишлоғи арспани Хуфарн (’rspn γwprn)нинг фрамандар Ўттга мактуби ҳисобланади. Арспан (’rspn)лар ўз вазифасига кўра қишлоқ ҳўжалиги бошқарувчилари бўлишган, лекин оқсоқол вазифасини бажаришмаган. Улар ўз қишлоқларидан тушадиган солик йиғимлари ҳамда ҳарбий анжом ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан марказни таъминлаганлар<sup>857</sup>. Шу боис ҳам бевосита фрамандар Ўттга бўйсунишган ва унинг назоратида бўлиб, керакли маълумотларни, ҳисобкитобларни Ўттга етказиб туришган. Бу Суғд маъмурӣ бошқарув тизимидағи ўзига хос

<sup>852</sup> СДГМ II. – С. 144.

<sup>853</sup> СДГМ II. – С. 147.

<sup>854</sup> СДГМ II. – С. 150.

<sup>855</sup> СДГМ II. – С. 152.

<sup>856</sup> Хитой манбаларида Суғд совутлари (“занжирсимон аслаҳалари”) ҳакида шундай дейилади: 384 йилда Кучани химоя қилиш учун Ғарбдан келган “ху”ликлар совутлардан фойдаланишган. Хитойликлар эса совутларни ўз кўшиниларига VII асрнинг 30-йилларида жорий этишган. Уларни самарқандлик суғдлардан ўзлаштирган кўринади. Суғд совутлари кейинги асрларда ҳам шуҳрат топган. XI аср форс-тожик шоири Асади Тусий “Гиршасп-нома” асарида “Чоҳ камонлари ва Самарқанд совутлари”га маҳсус тўхталиб ўтган. Қаранг: СДГМ II. – С. 153–155; Laufer B. Sino-Iranica. – Рр. 237, 253–256.

<sup>857</sup> Мамаримова Б.И. Суднинг Панж ҳокимлигига лавозим эгалари ва маҳкамавий ҳужжатчилик масалаларига доир (VII–VIII асрлар). – Б. 46.

таркибий қисмдан далолат беради. А-5 ҳужжатида сарой аўёнлари, хизматчилари рўйхати ва оладиган иш ҳақлари келтирилган<sup>858</sup>. Лекин улар орасида фрамандар лавозими учрамайди. Балки бу Ўттнинг асосий фаолияти шаҳар ташқарисида кечгани ёки рўйхат унинг амри билан тузилгани боис, бу рўйхатга у ўзини киритмаган билан изоҳласа бўлади. Қолаверса, Ўттга девонхонадаги дапирпат (бр'урpt) - мирзабоши, арспан ('rspn) - қишлоқ ҳокимлари ёки маҳалла бошликлари, ашарспан ('рш'rspn) - унинг ўринбосари ва катуабшаус (kty'вsh'yws) - хонадон (оила ёки жамоа) соҳиблари – оқсоқоллар бўйсунгандан<sup>859</sup>. Бу “фрамандар” Ўттнинг Панжикент саройидаги ва вилоятдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ҳал қиливчи шахс бўлғанлигини кўрсатади. Деваштич VIII аср бошларидағи оғир сиёсий вазиятда қишлоқлардан марказга маҳсулотлар келтириш, солиқ йиғиш каби жараёнларнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, ўзидан аввалги Панжикент ҳокими Чакин Чур Билга саройида ҳам шу вазифа билан шуғулланиб, катта тажрибага, қолаверса, вилоятда етарли обрў-эътиборга эга бўлган Ўттни шу лавозимга қўйган бўлиши ҳам мумкин. Аслида молия, сарф-харажат, кирим-чиқим ишлари билан шуғулланиш учун ҳам билим, ҳам тажриба керак эди. Айниқса, араб истилоси арафасида бундай вазифани бажариш масъулиятини тушуниш қийин эмас. Шу боис ҳам Деваштич қаттиқўл, ўзига ишонган, масъулиятни тўла зиммасига ола биладиган, ўз ишига ҳалол ёндашадиган, маълум даражада ҳарбий салоҳият ва кучга эга бўлган туркий Ўттга бу вазифани лозим топган. Чунки VIII аср бошларидағи ҳарбий-сиёсий вазият шундай хулоса беришимизга асос бўлади.

Панчда бутун Суғдда бўлгани каби **диний коҳинлар** мавқеи баланд эди. Шулардан бири 1.I ҳужжатида акс эттирилган вағнпат Кўрчи (βүп्रтв kwrcy) бўлиб<sup>860</sup>, бу исм аввалги тадқиқотларда таҳлил қилинмаган. Суғддаги ижтимоий ҳаётда суғдийлар ва туркийлар нафақат иттифоқчи, балки ягона манфаатлар атрофида бирлашган қондош ва диндош халқлар бўлишган. 1.I ҳужжати – истилочи арабларнинг амалдор вакилларидан бири Абдураҳмон ибн Субҳнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичга мактуби”,<sup>861</sup> бўлиб, 720-721 йиллардаги Суғд озодлик ҳаракати ҳақида маълумот беради<sup>862</sup>. Ўша мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятда коҳинлар томонлар ўртасида воситачи-элчи сифатида муҳим ўрин туттганликлари матнда акс этган. Уларнинг этник мансубликлари ҳам турлича. Нижитак (nuz(y)tk) суғдий бўлса, вағнпат Кўрчи (βүпրт kwrcy) турк эди<sup>863</sup>. Бу иккиси ҳам Деваштич атрофидаги баобрў шахслардан ҳисобланишган ва мактубда: “Сенга (Деваштич) маълумки, Нижитак билан вағнпат Кўрчи сенинг энг яқин дўстларингдир ва сенинг фароғатинг учун (тинчинг учун) жуда қайғурадилар ва сенга (осойишта) келажак тилайдилар”,<sup>864</sup> - дейилади. Вокеалар 720-721 йилларда рўй берив, бу даврдаги сиёсий жараёнларда туркийларнинг фаол иштироқи яна бир бор ўз тасдигини топади.

Коҳин Кўрчи (βүпրт kwrcy) туркий бўлиб, зардуштийлик динига эътиқод қилган. Бу Суғднинг асосий дини зардуштийлик шу юртдаги суғдийлар ва туркийларнинг умумий дини бўлган. Бинобарин, зардуштий ибодатхоналари бош коҳинлари-мағупатлар (mъwpt) ва коҳинлари - вағнпатлар (βүпрт) жамиятида катта мавқе эгаси эдилар.

Суғднинг ижтимоий ҳаёти туркийлар билан бевосита боғлиқлиги Муг архивининг Nov 3 ва Nov 4 рақамли ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топади. Nov 3 ҳужжати “никоҳ гувоҳномаси” бўлса, Nov 4 ҳужжатида “куёвнинг келин олдидағи

<sup>858</sup> СДГМ II. – С. 181–185.

<sup>859</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 98; СДГМ II. – С. 182 (док. А-5)

<sup>860</sup> СДГМ. II. – С. 113.

<sup>861</sup> СДГМ. II. – С. 108–114.

<sup>862</sup> Исҳоқов М.М. Унтуилган подшоликдан хатлар. – Б. 34.

<sup>863</sup> Кўрчи атамаси “Кўрчи”, кадимий туркий “кўр” – олов сакланадиган жойни ва –чи эгалик кўшими часини англатади. Туркий “кўрчи” суғдий вағнпатта мантиқан боғлик.

<sup>864</sup> Исҳоқов М.М. Унтуилган подшоликдан хатлар. – Б. 34.

мажбуриятлари”ни акс этган<sup>865</sup>. Мазкур хужжатларда Еттисувнинг Навикат (nwykt) шаҳридан бўлган суғдий қизи Дуғдғунча (dýwtýwnch) лақаби Чата Вийус (ctth wy'ws)нинг қизи, суғдлик турк аслзодаси Ўттегин ('wttkyn), лақаби Нидон (nydnh) бўлган шахс никоҳланади. Хужжат “Қонунлар уйи” (bwntyn’k ’st’ny)да унинг бошлиғи Вахгукон Вархуман ўғли (wýwywk’n vğym’n BRY) ҳузурида тузилади. Бир қанча гувоҳларнинг номлари хам хужжат сўнггида акс эттирилган. Хужжатнинг мухим жиҳати шундаки, на куёвнинг, на келиннинг ва на гувоҳларнинг қайси элат ёки динга мансублиги қайд этилмайди. Улар ҳеч қандай истисно ва тўсиқсиз, teng ҳукуқ ва эркинликларган эга бўлган оиласи муносабатларга киришганлар. Шундан хам кўринадики, Суғд фуқаролари турли элат ва дин вакиллари бўлишган. Мазкур аҳдлашув тузा�ётган икки халқ вакилларининг фарзандлари эса этник ва диний мансублик даражасидан қатъий назар “суғдлик” деб аталган. Бу битим мисолида халқимизнинг азалий хислати – миллий ва диний толерантлиги – бағрикенглиги илдизлари намоён бўлади. Минтақадаги этногенетик ва маданий умумийлик, турмуш тарзининг яқинлиги изларини суғдий ва туркий этнослар мероси сифатида қабул қилишимизга асос беради. Келтирилган маълумотлар Суғддаги туркий қатлам хусусида холис фикрлаш заруратини талаб этади.

Умуман олганда, турк-суғд муносабатлари масаласида манбалар бизга бу алоқаларининг чуқур қатламлари мавжудлигини кўрсатади. Суғд жамиятининг бошқарувида уларнинг баб-баравар иштироки кўпгина тарихий масалалар ва этник муаммоларга ойдинлик киритади. Ҳатто минтақада икки тиллилик ва тил масаласида тўсиқ бўлмаганлигини хам исбот этади. Жойларда аралаш яшаш – симбиоз шароитида икки тилни teng қўллаш одатий ҳол бўлиб, бу этномаданий бирлик ҳосиласи эди. Ўтра Осиёнинг туб-автохтон ахолиси орасида қадимдан прототурк этносининг мавжудлиги ва бу қатламнинг шарқий эроний тилли суғдийлар билан симбиоз ҳолатида асрлар давомида ҳамжиҳат бўлиб яшashi Суғдда ўзига хос тарихий – маданий маконни вужудга келтирди. Суғддаги мавжуд мулкликларнинг барчаси бошқарувида туркий қатламнинг иштироки аввал ҳам, Турк хоқонлиги қарор топгач ҳам салмоқли ўринда қолаверди. Шу билан бирга туркий ва суғдий қавмлар Суғдда ўзига хос давлатчилик анъаналарини шакллантирилар. Нафақат марказ Самарқандда, балки унга тобе мулкликларда ҳам ҳокимият тепасида туркий хукмдорларнинг мавжудлиги тарихий давомийлик эди. Суғд давлатчилиги анъаналари ўз тараққиётида туркий давлатчилик анъаналарига қанчалик таъсир этган бўлса, Турк хоқонлигидан сўнг туркий давлат бошқарув усуллари Суғдда ҳам жорий этилиб, сиёсий, иқтисодий ва айниқса, ижтимоий масалаларда ўзининг ижобий натижаларини берди. Тўн ябӯ хоқон ислоҳатларининг аҳамияти буни исботлайди. Панч мулки мисолида Суғддаги бошқарув, ижтимоий ҳаёт, маҳаллий ва хоқонлик туркларининг ўрни янада ёрқинроқ манзарани акс эттиради. Ислоҳатлар натижасида Суғд тараққиётида сиёсий барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва маданий юксалиш рўй берди. Ғарбий Турк хоқонлиги таназзули пайтида эса Суғд бевосита Шарқий Турк хоқонлигига ва Туркаш хоқонлигига суюнган ҳолда, сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишга муваффақ бўлди.

<sup>865</sup> СДГМ II. – С. 17–45; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан ҳатлар. – Б. 37–46; Ўша. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Б. 15–18.

### **III БОБ. Араб истилоси ва халифалик даврида Мовароуннахрда кечган этник жараёнларда туркийлар ва сугдийларнинг роли**

#### **3.1. Араб истилосига қарши қурашда Суғд ва Турк хоқонлиги иттифоқининг вужудга келиши ва унинг дастлабки босқичи (651-715 йиллар)**

Суғдий ва туркий яқдиллик араб истилоси даврида ҳам синовдан ўтди. Гарчи **Араб халифалиги** қўшинлари миңтақадаги асосий сиёсий куч Турк хоқонлиги ва маҳаллий ҳокимликларни хийла ва ҳарбий куч билан бартараф этган бўлсалар-да, Марказий Осиёда улар мислсиз қаршилик, қўзголонлар эҳтимоли кучли бўлган таҳлика га дуч келдилар.

Ўз даврнинг қудратли давлатлардан саналган **Сосонийлар Эрони** Араб халифалиги қўшинлари томонидан забт этилгач, истилочиларга Мовароуннахр томон йўл очилди. Жумладан, 636 йилдаги Кадис ва 642 йилдаги Нехованд тўқнашувлари<sup>866</sup> Сосонийларнинг беш асрлик салтанатига барҳам берди. Ўн йил давомида Эрон худуди эгалланди. Сўнгги сосоний **Йездигерд III** нинг аҳолини истилого қарши қурашга чақириғи ҳам зое кетди<sup>867</sup>. Чунки Сосонийларнинг ўзаро қурашлари, эфталийлар, византияликлар ва турклар билан бўлган тинимсиз тўқнашувларидан Эрон халқи безор бўлган эди. Маҳаллий хукмдорлар ҳам арабларга қарши қурашда марказга ёрдам беришдан бош тортди. Натижада Сосонийлар салтанати 633-651 йиллар давомида кулади<sup>868</sup>. 642-644 йилларда **Хуросон** араблар қўлига ўтгач, араб истилочилари катта ўлжалар илинжида Амударёнинг нариги томони - **Мовароуннахр** томон шошилдилар. Ҳатто бу ҳаракатга илоҳий тус ҳам берилди<sup>869</sup>.

Араблар истилоси Мовароуннахр ва Хуросон тарихида катта ўзгаришлар ясади<sup>870</sup>. Бунга қадар Мовароуннахр Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, мустақил ички сиёsat юргизиш имтиёзига эга эди. Кучли марказлашган ҳокимият йўқ бўлиб, ўлка бир неча мулклардан ташкил топган конфедерацияга бирлашиб туради. Жумладан, Суғд ва Тоҳаристон конфедратив мулкларга, Чоч ва Илок хоқонлик вассаллигидаги ярим мустақил мулкларга, Фарғона эса шимолий ва жанубий ҳокимликларга бўлинниб кетган эди<sup>871</sup>. Уструшона, Чагониён, Кабодиён, Хутталон, Рашт, Дарвоз, Бадахшон (Вахон, Шуғнон, Рушон) каби ўлкалар ҳам ярим мустақил мулклар сифатида ўз ҳокимлари томонидан бошқариларди<sup>872</sup>. Ҳар бир мулк хукмдорлари ички мустақил бўлгани боис, ўзларини кўп ҳам марказга тобе, деб ҳисоблашмасди. Бу араб истилосига қарши Мовароуннахр халқарининг бирлашишига тўсик эди. Фақат Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонликларининг ҳарбий устунлиги Ўрта Осиё халқарини араб истилосига қарши қурашишини уюштириши мумкин эди. Қолаверса, бу даврда Балх, Бадғис, Хутталон, Чагониён, Чоч, Уструшона ва Суғд аҳолисининг катта қисмини жанговар туркийлар ташкил этарди.

<sup>866</sup> Большаков О.Г. История халифата. Кн 1. – С. 216; Vaissiere de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – Р. 238.

<sup>867</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 8.

<sup>868</sup> Бу салтанат араблар томонидан А.Н. Бернштам таъкидлаганидек, беш йилда (637-642) ёки Турғун Олмас кўрсатгандек, ўн беш йилда (636-651) эмас, балки (633-651) ўн етти йил деганда батамом тутатилди. Қаранг: Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – 1947. – № 3. – С. 93; Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 167.

<sup>869</sup> Наршахий ва географ Ёкулларнинг ёзишларича, ислом дини асосчиси Мухаммад (с.а.в) Мовароуннахрни забт этиш, унинг дини қавми учун мукаддас ва шарафли бурч ҳисобланган. Қаранг: Гафуров Б. Г. Таджики. Кн. 2. – С. 9. Аслида бу ривоятлар Мухаммад (с.а.в)га тегишли бўлмай, кейинчалик араб истилосини оқлаш масадида ўйлаб чиқилган.

<sup>870</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 33.

<sup>871</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 281; Beal S. Buddhist records of the Western World. – S. 37-38.

<sup>872</sup> Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 154.

642 йилдаги Нахованд ғалабасидан сўнг, 644 йилда араб қўшинлари туркий сулола бошқараётган Тохаристон чегараларига чиқди. Халифа Умар (13/634-635 – 23/643-644) ва халифа Усмон (23/643-644 – 35/655-656) даврларида араблар Ўрта Осиёдаги ички сиёсий вазиятни ўрганиб, таҳлил қилдилар<sup>873</sup>.

651 йилда Басра ноиби Абдуллоҳ ибн Амирнинг лашкарбошиси ал-Ахнад ибн Қайс Йездигирд III ни Марвгача таъкиб қилиб келди ва шаҳарни жангсиз эгаллади. Иложисиз қолган Йездигирд Марверруддан турклар хоқони ва Суғд подшосига нома ёзиб, элчилари орқали Хоқонга<sup>874</sup> ва Суғд подшоси<sup>875</sup> томонга юборди”<sup>876</sup>. Номаларни Йездигирд III элчилари манзилга етказган. Бироқ Йездигердинг кейинги ҳаракатлари турклар ва суғдийларни араблар билан тўқнашувдан қайтарган. Табарий ахборотчиси Сайфдан эшитган ҳикоясидаги воқеалар санасини ҳижрий 22 (642-643) йил билан белгилайди. Аслида Табарий келтирган воқеалар кечроқ ҳижрий 32 (652-653) йилда рўй бергани аниқланган<sup>877</sup>. Йездигирд элчилари Фарбий Турк хоқони Ашина Алп (651-658) ёки Шарқий Турк хоқони Иби Тўлу (647-653) хузурига борган. Аммо, бу даврда Шарқий Турк хоқонлиги таназзулга учраб, Уйғур хоқони ва Тан императори вассали эди. Аммо шу йили Ашина Алп Улуғ Ишбара хоқонга зарба бериб, Фарбий туркларни қайта бирлаштирган эди<sup>878</sup>. Бироқ Йездигердга керакли ёрдамни беролмади.Faқат Амударёдан ўтгач, турк хоқони бошчилигига Фарғона ва Суғд қўшинлари арабларга қарши бирга ҳаракат қилиш учун Йездигирд билан Хуросон (Балх) томонга боришиди. Арабларга қарши форс, турк ва суғд қўшинлари иттифоқи ҳаракат қилиб, Балхни қайтариб олдилар.Хоқон қўшинлари Балхда қолди. Йездигирд эса Марв уш-Шоҳижонга қайтди. У ердаги хазина қўлга киритилгач, Сосоний амалдорлари Йездигердинг турклар билан бирлашиш режасига қарши чиқиб, туркларни “азалий рақиб” экани баҳонасида араблар билан келишишни афзал билдилар<sup>879</sup>. Йездигирдан хазина тортиб олиниб, араб лашкарбошиси ал-Ахнаф билан музокарага киришдилар. Бу воқеадан хабар топган ва иттифоқчисини йўқотган Хоқон ҳам Балхни ташлаб чиқишига мажбур бўлди. Бу орада Йездигирд 31 (651\652) йилда Разик қишлоғида ўлдирилди<sup>880</sup>. У ўлгач, Марв араблар томонидан эгалланиб,<sup>881</sup> Халифаликнинг Хуросондаги вакили Абдуллоҳ ибн Амир ва Марв аҳли ўртасида сулҳ имзоланди<sup>882</sup>. **Марв** Ўрта Осиё шаҳарлари орасида биринчи бўлиб араб истилочилари томонидан эгалланган шаҳар эди. Йездигердинг ўлими ва туркларнинг Балхни ташлаб чиқиши, истилочиларнинг Мовароуннаҳрга юриш имкониятини оширди. Араб қўмондонлари Византия ва Эрон билан бўлган урушлар тажрибаси асосида аввал Мовароуннаҳргаги вазиятни ўргандилар. Faқат 654 йилда Амударё ўнг соҳилига босқинчилик юришларини бошладилар.

Арабларнинг енгил ва оғир яроқлар билан куролланган қучли отлик қўшини асосини араб қабилалари вакиллари, пиёда қўшинлар таркибини эса забт этилган халқлар вакиллари ташкил этган<sup>883</sup>. Бу қўшинларнинг асосий мақсади Мовароуннаҳрдан бой “ўлжаларни қўлга киритишга” қаратилган босқинчилик

<sup>873</sup> Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923. – Р. 15.

<sup>874</sup> Агар Фарбий Турк хоқони бўлса, бу Ашина Алп (651-658) бўлади, агар мактуб Шарқий Турк хоқони бўлса Иби Тўлу (647-653) бўлади. Аммо Табарий қайси хоқонга мактуб йўлланганлигини кўрсатмайди.

<sup>875</sup> Бу даврда Суғд подшоси ихшид Шишипир (645–650/655) ёки Вархуман (650/655-675) эди. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275; Ахун-бабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – С. 65.

<sup>876</sup> История ат-Табарий. – С. 18.

<sup>877</sup> История ат-Табарий. – С. 372, прим. 7–8.

<sup>878</sup> Турғун Алмас. Уйгурлы. Кн. 1. – С. 100.

<sup>879</sup> История ат-Табарий. – С. 20–21.

<sup>880</sup> Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – С. 141.

<sup>881</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 10.

<sup>882</sup> История ат-Табарий. – С. 30.

<sup>883</sup> Турғун Алмас. Уйгурлы Кн. 2. – С. 168.

юришлари эди<sup>884</sup>. Қолаверса, миңтақада уларга жиддий түсқинлик қиласынан күч ҳам йўқ эди. Чунки 640 йилдан бошланган<sup>885</sup> Тан империясининг Ғарбий Турк хоқонлигига хужумлари ғарбий туркларни иккى фронтда кураш олиб боришга мажбур қиласынан. Ўрта Осиё мулкликлари ва Ғарбий Турк хоқонлигидаги сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви арабларнинг ҳарбий юришларини тезлаштириди. 654 йилда араб қўшилари Маймурға хужум килиб<sup>886</sup>, Мовароуннахрдаги ички вазиятни ўргандилар.

659 йили Тан империяси ва Уйғур хоқонлиги қўшинларининг Баротолда Ғарбий Турк хоқони Йинчу Ябғу (Ашина Хулу)га зарба бериси Ғарбий туркларни янада кучсизлантириди<sup>887</sup>. Бундан фойдаланган араб қўшинлари 667 йилда Чағониёндаги туркий хукмдор (ябғу)га<sup>888</sup> зарба берди. Хурасонда кенг кўламдаги ҳарбий юришлар қилиш ва сиёсий вазиятни мустаҳкамлаш мақсадида халифалик Басра ва Куфанинг ҳар биридан 25 мингдан (50 минг) араб оиласини Хурасонга қўчириб келтириб, гарнizon сифатида беш манзилгоҳга жойлаштириди<sup>889</sup>. Бундан кўзланган мақсад: биринчидан, ишғол қилинган ҳудудлар хавфсизликни таъминлаш, иккинчидан кейинги ҳарбий харакатларга замин яратиш эди.

Арабларнинг Амударёдан **Бухорога** ўтиши Муъавий I ибн Абу Суфиён (41\661-662-60\679-680) даврида, яъни 671 йилда Хурасон ноиби Рабиъ ибн Зиёд ал-Харисий томонидан амалга оширилди<sup>890</sup>. 45 (665\66) йилда Зиёд ибн Абихий<sup>891</sup> асосий аҳолиси турклар бўлган Ҳирот ва Бадғисни эгаллади. Шу юриш иштирокчиси Хулайд ибн Абдуллоҳ ал-Ханафий<sup>892</sup> Хурасон ноиби этиб тайинланди. Кўчириб келтирилган Куфа ва басраликларга эса Рабиъ ибн Зиёдни бош қўмондон бўлди<sup>893</sup>. У 51 ҳижрий (671\672) йилда бош қўмондонликдан Хурасон ноиби даражасига кўтарилди ва ҳарбий харакатларга зўр бериб Балх ва Кўҳистон<sup>894</sup> таланди. Бадғис ҳокими Низак Тархон (Абул Хайёж) бошчилигидаги маҳаллий турк қўшинларининг мағлуб этилиши араб истилочилари юришларини янада енгиллаштириди.

53 (672\673) йилда Хурасонга **Убайдуллоҳ ибн Зиёд** ноиб этиб юборилди.<sup>895</sup> У 674 йилдан араб қўшинларининг Мовароуннахрда юришларига бош бўлди. Асосий эътибор Бухоро шаҳри ва воҳасига қаратилди. Ромитон ҳамда Пойкентнинг ярмини эгалланди<sup>896</sup>. Бу даврда Бухорони Туғшода ёш бўлгани боис, онаси **Малика Қабаж хотун**<sup>897</sup> бошқарарди. Бухороликларнинг араб қўшинига қаршилиги мувоффақият

<sup>884</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 199.

<sup>885</sup> Тұрғун Алмас. Ұйғуры Кн. 2. – С. 168.

<sup>886</sup> Маймурғ номи билан Сүфдда иккита жой аталган. Арабларнинг хужуми Сүфд ихшидларининг кароргохи Маймурғ (хит. Миға эмас, балки Насаф яқинидаги Маймурғ қишлоғига уюштирилган. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 199; Vaissiere de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – Р. 238.

<sup>887</sup> Тұрғун Алмас. Ұйғуры Кн. 2. – С. 169; Шониёзов К. Ўзбек халқынинг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 154.

<sup>888</sup> Б. Фоуров бу даврдаги Чағониён хукмдорларини эфталийлар эди, деб таъкидлайди. Ф. Бобоёров улар туркийлар эди, деган фикрда: Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 10; Бобоёров F. Турк хоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқаруви. – Б. 76–77. Бизнингча, Ф. Бобоёров фикри асосли бўлиб, эфталийлар юз йиллар олдин, яъни 567 йилдан сўнг ўз мавқеини туркларга топширган эди.

<sup>889</sup> Gibb N.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 17.

<sup>890</sup> История народов Узбекистана. Том 1. – Ташкент: Изд. АН Уз ССР, 1950. – С. 163.

<sup>891</sup> Зиёд ибн Абихий – Муавийа даврида Халифаликнинг шарқий қисми ноиби. Қаранг: История ат-Табари. – С. 405 (коммент.)

<sup>892</sup> Ҳулайд ибн Абдуллоҳ ал-Ханафий – араб лашкарбошчиси 45 (665–666) йилда Хурасонда хирож йиғувчи, сўнгра 51 (671–672) йилгача Хурасон ноиби. Қаранг: История ат-Табари. – С. 439 (коммент.)

<sup>893</sup> История ат-Табари. – С. 38.

<sup>894</sup> Кўҳистон - Нишопур жанубидаги вилоят.

<sup>895</sup> История ат-Табари. – С. 40–42.

<sup>896</sup> История ат-Табари. – С. 44; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 199.

<sup>897</sup> Хотун-Кабаж Хотунни В.В. Бартольд Бухоро хукмдори Ҳунукухудотнинг маликаси, Туғшоданинг онаси бўлган деб келтиради: Қаранг. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии / Соч. – М.: Наука,

келтирмади<sup>898</sup>. Қабаж хотун турк хоқонидан ёрдам сўраб одам юборди<sup>899</sup>. Ўн кун ичида хоқондан ва Самарқанддан ёрдамчи куч етиб келди. Жангда гарчи араб қўшинлари қўли баланд келса-да, улар узок урушга тайёр эмаслиги боис, турклар, бухороликлар ва самарқандликларнинг бирлашган қўшини билан тинчлик битими тузишга мажбур бўлдилар<sup>900</sup>. Битимга кўра, Бухоро маликаси арабларга катта микдорда ўлпон тўлашни ва икки минг бухоролик<sup>901</sup> камонбозни асир қилиб беришни зиммасига олди<sup>902</sup>. Бу билан хавфни бартараф этгандек бўлди. Аммо истилочилар нафас ростлаши билан яна юришларини давом эттиридилар.

55 (674\675) йили Хуросон ноиблигини Аслам бин Зуръя эгалади<sup>903</sup>. Аммо у ҳарбий ҳаракатлар қилмагани боис, 56 (675\676) йилда **Сайд ибн Усмон** билан алмаштирилди. У эса шу йили Амударёдан ўтиб Пойкентни эгаллаб, Бухорога қайта юриш қилди<sup>904</sup>. Малика Қабаж хотун бу сафар вақтдан ютиш мақсадида Сайд ибн Усмонга аввалги ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузилган битимни эслатди. Бу орада Самарқанд, Кеш ва Нахшабдан етиб келган кучлар ҳисобига Бухоро ҳимоячилари сони 120 минг кишига етди<sup>905</sup>. Бироқ яна араб қўшинлари ўз мақсадига эришдилар. Ўртада тузилган сулҳга кўра, аслзодалардан иборат элликта ўспирин арабларга гаровга берилди<sup>906</sup> ҳамда 300 минг дирҳам<sup>907</sup> ўлпон ҳам тўланди. Мовароуннахрда жиддий қаршиликка учрамаган Сайд ибн Усмон 676 йилда **Самарқандни** ҳам бир ой қамал қилиб, битим тузишга эришди. У ердан Наршахий бўйича, ўттиз минг асир ва элликта аслзодани гаровга олиб, Марвга қайтган<sup>908</sup>. Аммо Табарий маълумотида, Сайд ибн Усмон Бухородан сўнг **Термизни** эгаллаган<sup>909</sup>. Кейинги тадқиқотларга<sup>910</sup> кўра, Наршахий келтирган маълумотлар асосли ҳисобланади.

Сайд ибн Усмон Бухорода келишилган битим шартларига амал қилмай, гаровга олинганларни озод қилиш ўрнига, тўғри Мадинага олиб кетди<sup>911</sup>. Бу билан Сайд ибн Усмон гаровга олинганларни қалқон қилиб ўзини турклар ва сүғдийлар хужумидан сақланган эди. Мадинага келтирилган бухоролик бу гаровга олинган ўспириналар Наршахий ва Белазурий бўйича, Язид ибн Муавийа (680-683) халифалик қилган вақтда банди этилиб, устларига шолча кийимлар кийдирилиб, дала ишларига жалб қилинган. Аммо улар: “Бу киши (Сайд ибн Усмон) бизга бермаган яна қандай

1968. – Т. V. – С. 290 (коммен.); Қиёс. Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 203.

<sup>898</sup> История ат-Табари. – С. 144; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115; Вамбери X. Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи. – Т.: F. Ғулом номидаги нашриёт, 1990. – Б. 9.

<sup>899</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115

<sup>900</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. II. – С. 11; Вамбери X. Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи. – Б. 9.

<sup>901</sup> Наршахий улар сонини тўрт мингта деб келтиради. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115. Бизнингча, Табарий маълумотлари асосли.

<sup>902</sup> Бу мохир камондоzlар 55 (674\673) йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд Басра ноиби этиб тайинлангач, унинг шахсий гвардиясини ташкил қилди. Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 11; Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 17.

<sup>903</sup> История ат-Табари. – С. 144.

<sup>904</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 169.

<sup>905</sup> Аммо Наршахий келтирган ҳимоячилар сони (120 минг) жангда арабларнинг осонликча ғалабани қўлга киритганлигини эътиборга олсан, бўрттириб кўрсатилгани аён бўлади. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 116; Вамбери X. Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи. – Б. 9.

<sup>906</sup> История ат-Табарий. – С. 47; Наршахийда бу рақам 80 та деб келтирилган. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 116.

<sup>907</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 11.

<sup>908</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 117; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 200; Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 169; История Самарканда. Том первый. – С. 79.

<sup>909</sup> История ат-Табарий. – С. 47.

<sup>910</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 11.

<sup>911</sup> Гаровга олинган аслзодалар сони манбаларида 80 та ва 20 та деб, икки хил кетирилади. О.И. Смирнова улар сони 20 эканлигини ҳақиқатга яқин деб, билиши ҳақиқатга яқин. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – С. 117; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 47.

хорлик қолди? У бизни қул қилиб оғир ишларга буормоқда, биз хорлик билан ўлгандан кўра, бир йўла фойдали иш қилиб ўлайлик”, - деб Сайднинг қароргоҳига бостириб кириб аввал уни, сўнгра ўзларини ўлдиришган<sup>912</sup>. Бу сұғдийларнинг эркесвар, ориятли ва мағрур бўлганлигини исботидир.

Халифа Йазид ибн Муавийа 61(680\681) йилда Салм ибн Зиёд ибн Абийхни Сижистон ва Хурносонга амири этиб тайинланди<sup>913</sup>. 61-64 (680-684) йиллардаги Суғд юришида хотини Умм Муҳаммаддан кўрган ўғлига Суғдий деб ном берди<sup>914</sup>. Бу даврда Хурносон ноиблари Мовароуннахрга жиддий ҳарбий ҳаракатларни амалга оширмадилар. Наршахий келтиришича, Бухоро маликаси 64 (683\684) йилдаги араблар юришига қарши Суғд подшоси **Тархун**<sup>915</sup>дан ёрдам сўраган<sup>916</sup>. Наршахий келтиргандек, воқеаларни Тархунга боғласак, у ҳолда 700-710 йиллар Тархун хукмронлигининг иккинчи даври бўлиб чиқади<sup>917</sup>. Бундан ташқари Наршахийнинг Суғд хукмдори Тархуннинг ва турк хоқонининг бир юз йигирма минг қўшини Бухорога етиб келиши ҳақидаги маълумоти изоҳ талаб. Агар иттифоқчилар сафида шунча қўшин бўлганда Хотун Муслим ибн Зиёдга Бухоро дарвозаларини очиб бермаган бўларди. Чунки Харконрудга келиб тушган турк-суғд қўшинлари жангларда чекиниб, Бухоро хукмдорлари яна араблар билан битим тузишга мажбур бўлган<sup>918</sup>. Демак қўшин сони Наршахий келтиргандек, бир юз йигирма минг эмас, анча кам бўлган кўринади.

64 (683\684) йилда халифа Йазид ибн Муавийа вафот этиб, Халифалик тахти Муавийа ибн Йазид ибн Муавийа қўлига ўтди<sup>919</sup>. Қайсийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Хазим ибн Забиан ас-Сулами исён кўтариб, Хурносон ноиблигини қўлга киритди ва 72 (691\692) йилгача Хурносонни бошқарди<sup>920</sup>. Аммо араблараро низолар натижасида ас-Сулами ўлдирилди. 73 (692\693) йилда Бухайр ибн Виших ас-Сақафий, орадан бир йил ўтмай, Умайя ибн Абдуллоҳ Хурносонга ноиб этиб тайинландилар<sup>921</sup>. Бу маъмурий ўзгаришлар ҳам арабларнинг Мовароуннахрга босқинчилик ҳужумларни тўхтатмади.

77 (696\697) йилдан Хурносон ноиби бўлган Умайя ибн Абдуллоҳ Бухоро юришига хузая қабиласи мавласи Абу Холид Собитни бошчилигига йўл олди. Бироқ Умайя ибн Абдуллоҳ Бухородан етарли ўлжа қўлга кирита олмай яна Марвга қайтди. Унинг бу ҳаракати халифа Абдумалик ибн Марвон (65-684\685 - 86\705)ни қониқтирмай 78 (697\698) йилда у Умайя ибн Абдуллоҳ ўрнига ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздийни Хурносон ноиби қилиб тайинлади. Ал-Мухаллаб ибн Абу

<sup>912</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 117–118; Вамбери X. Бухоро ёҳуд Мовароуннахр тарихи. –Б. 9; Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 18–19; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 47; Джалилов А. Согда накануне арабского нашествия и борьба согдийцев против арабских завоевателей в первой половине VIII в. // Тр. ИИАЭ Тадж. ССР. – Т. XXX. – Сталинабад, 1961. – С. 82–103; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 11.

<sup>913</sup> История ат-Табари. – С. 47–48; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 118; Тарихи Систан (“История Систана”). Пер., введ. и коммен. Л.П. Смирновой. – М.: Наука, 1974. – С. 118.

<sup>914</sup> История ат-Табари. – С. 50; Vaissiere de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – Р. 239.

<sup>915</sup> Хитой манбаларига кўра, Суғд ихшиди Тархун 700-710 йиллар подшолик килган. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 275; Ахун-бабев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – С. 70; История ат-Табари. – С. 430 (коммент.)

<sup>916</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б.118; Вамбери X. Бухоро ёҳуд Мовароуннахр тарихи. – Б. 9.

<sup>917</sup> Агар воқеалар Наршахий бўйича, милодий 681–684 йилларда кечган бўлса Тархуннинг бу пайтда Суғд подшоси бўлганлиги изоҳ талаб қилади. Чунки 696– 698 йилларда Суғдни Тукаспадак (*twk'sp'ð'k*, хит. Дусаботи) бошқаргани маълум. Хронологик жиҳатдан 655–675 йилда Суғдни бошқарган Урк Вартрамуқадан кейин 675–696 йилларда Тархун ўзининг Суғд таҳтидаги биринчи ихшидлик даврини кечирган. 696–700 йиллар эса Тукаспадак бошқарган давр сифатига оидинлашади. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 276; Ахун-бабев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – С. 67.

<sup>918</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 118– 120;

<sup>919</sup> Тарихи Систан (“История Систана”). – С. 124

<sup>920</sup> История ат-Табари. – С. 51.

<sup>921</sup> История ат-Табари. – С. 72.

Суфра ал-Аздий 79 (698\699) йилда Марвга етиб келди ва кейинги йили ёк Амударёдан ўтиб, **Кешни** қамал қилди<sup>922</sup>. Шу пайтда ўзаро курашаётган маҳаллий ҳокимлардан **Хуттал** подшоси ас-Сабл (туркий Ишбара)<sup>923</sup> унга Хутталга юриш қилишни таклиф қилди. Бу Ал-Мухаллаб учун айни мудао эди. Фурсатни бой бермай ўз ўғли Йазидни ас-Саблга қўшиб Хутталга жўнатди. Араблар ёрдамида ўз рақиби бўлган амакиваччасидан ҳокимиятни тортиб олган ас-Сабл катта сиёсий хатога йўл қўйган эди. Кейинчалик у хатосини тушиниб арабларга қарши курашларда иштирок этди<sup>924</sup>. Аммо кеч бўлганди, чунки араблар ўз позицияларни мустаҳкамлаб олгандилар. Қолаверса, бу пайтда Турк ҳоқонликлари Ўрта Осиё ишларига аралаша олмасди, чунки 698 йилда Идуқбошида хитой ва турк қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлиб, турклар катта курбонлар эвазига хитойликларни чекинтиридилар. Бундан ташқари туркашлар сардори Учжиланинг ҳокимият учун кураш бошлиши<sup>925</sup> хам Фарбий Турк ҳоқонлигини заифлаштириди.

Ал-Мухаллаб Мовароуннахрни талаш учун ўғли Ҳабибни Рабинжонга юборди. У 40 минг кишилик маҳаллий қўшинлари қаршилигига дуч келиб, таҳлика солиш мақсадида Бухоро қўшинлари турган қишлоққа хужум қилиб, унга ўт қўяди ва қишлоқни ал-Мухтарика (“Ўт қўйилган”) деб номлади<sup>926</sup>. Ал-Мухаллабнинг иккинчи ўғли Йазид 60-70 суворий билан **Насафга** юриш чоғида чўлда 500 га яқин турклар хужумига учраб, базур омон қолди. Шундан сўнг ал-Мухаллаб Кеш аҳли билан сулҳ тузди<sup>927</sup>. Бу иттифоқчи кучларнинг нисбий бўлса-да, истилочилар устидан ғалабаси эди.

Ал-Мухаллаб вафот этгач, ўғли Йазид Хурносон ноиби этиб тайинди<sup>928</sup>. У талончилик юришларига фаол киришди. 84 (703\704) йилда Бадғисдаги Низек қалъасини эгаллади. Хоразмга халифа ал-Хажжож ибн Юсуф изнисиз қилган юриши уни 85 (704\705) йилда Хурносон ноиблигини укаси ал-Муфаддалга топширишга мажбур қилди. Ал-Муфаддал эса халифа топшириги билан туркий қўшинлар тўплланган Бадғис, Ахарун ва Шуманга юриш қилди<sup>929</sup>.

Хурносон ноиблари жанубий вилоятлар ва **Хоразмда** ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган бир пайтда Суғд подшоси Тархун 64-72 (683-692) йилларда Хурносон ноиби бўлган Абдуллоҳ ибн Хазимнинг ўғли, исёнчи Мусодан Суғдни тарқ этишни талаб қилди. Тархун унга Мовароуннахрни тарқ этиш имконини берди. Аммо Мусо Термизга келиб, Термизшоҳдан шаҳарни тортиб олди. Гарчи бундан хабар топган бўлса-да, турклар ҳукмдори Мусо билан урушмаслик йўлини танлади<sup>930</sup>. Бу эса 689-704 йилларда Мусога Термиз атрофларида талончилик қилишга йўл очди. Унинг бебошлиги Хурносон ноибларига хам маъқул эмасди. Шу боис улар 704 йилда исёнчи Мусони Тархун ёрдамида бартараф этишга эришди<sup>931</sup>. Бу билан араблар исёнчи Мусодан қутулиб, кейинги юришлар учун имкониятни қўлга киритган бўлса, Тархуннинг мақсади эса, араблараро низолардан фойдаланиб, уларни Суғдга киритмаслик эди.

<sup>922</sup> История ат-Табари. – С. 72–78.

<sup>923</sup> Ас-Сабл – Тардуш ҳоқон авлодлари – ябгулардан бўлиб, унвони “эркин” маъносини беради. 680–720 йилларда Хуттал подшоси бўлган. Қаранг: Gibb N.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 9; Бобоёров F. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқаруви. – Б. 77.

<sup>924</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений. – С. 94; История ат-Табари. – С. 237–238.

<sup>925</sup> Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни. – Б. 154–155.

<sup>926</sup> История ат-Табари. – С. 237–238.

<sup>927</sup> История ат-Табари. – С. 81–89.

<sup>928</sup> Йазид икки давр оралиғи (82–85/701–705) ва (97–99 / 715–717 йиллар)да Хурносонга ноиблик қилган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 89.

<sup>929</sup> История ат-Табари. – С. 98–99.

<sup>930</sup> История ат-Табари. – С. 99–102.

<sup>931</sup> Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. –М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 242.

86 (705) йилда ал-Валид I ибн Абдулмалик (86-705–96-714\715) **Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийнинг** Хурросон ноиблигига тайинлаб<sup>932</sup>, Мовароуннахрга талончилик юришларини, истилочилик юришларига айлантириди<sup>933</sup>. Хусусан, Қутайбанинг ноиблик даври шу жиҳати билан ажралиб туради. Айни пайтда араб истилосигага қарши кураш Шарқий Турк хоқони Ашина Қутлуғ Элтариш (682-692) ва Ғарбий Турк хоқони Ашина Қайду (699-704) даврларида бироз жонланди<sup>934</sup>. Улар эътиборни шарқдаги рақиби Хитойга эмас, балки ғарбдан кириб келаётган душман арабларга қарши қаратса бошлади. Чунки Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликлари арабларнинг Ўрта Осиёни эгаллашига йўл қўя олмасди. Агарда, Ўрта Осиё араблар томонидан эгалланса, айниқса Ғарбий туркларнинг минтақадаги сиёсий мавқеига путур етарди. Қолаверса, Ўрта Осиё тақдирни **турк-суғд иттифоқи** масъулиятини оширади.

Араб қўшинлари VII аср охири – VIII аср бошларидаги юришлари чоғида нафақат Балх ва Бадғис турклари, Суғд, Бухоро, Чоч ва Фарғона ахолиси, балки VIII аср бошларидан Тоҳаристон ва Балх вилоятларида зич яшаётган қарлуқлар билан ҳам тўқнаш келди<sup>935</sup>. Бу янги кучлар араб истилосига қарши курашда турк-суғд иттифоқини янада мустаҳкамлади. Айни вақтда Қутайба Моваруннахрни бутқул эгаллашга киришиб,<sup>936</sup> 86 (705) йилдан бутун Хурросон ва Тоҳаристон (Балх, Ҷағониён, Шуман)ни бўйсундирди<sup>937</sup>. Унинг мувафакиятига Ҷағониён подшоси Тишнинг араблар томонига ўтиши ҳам сабаб бўлди. Гарчи Аҳарун ва Шуман ҳокими Гуштасбон Тишни Ҷағониён тахтидан туширган бўлса-да, Қутайба у билан сулҳ тузиб, ўз укаси Солих ибн Муслимни Термизга ноиб этиб тайинлади<sup>938</sup>. 87 (705\706) йилда эса Бадғис ҳокими Низак Тархон ҳам Қутайба билан сулҳ имзолаб, исломий Абул Хайёж номини олди<sup>939</sup>. Маҳаллий ҳокимларнинг бундай таслимчилиги Қутайбанинг Пойкентга юриш бошлашига имкон яратди. У шаҳарни қамал қилиш чоғида турк-суғд қўшинлар қуршовига тушиб, икки ой (50 кун) ташқи оламдан узилиб қолди<sup>940</sup>. Фақатгина маҳаллий ҳимоячилар орасида чиққан келишмовчилик оқибатидан айрим лашқарбошилар ўз қисмларини ўровдан олиб кетди. Пойкент ҳимоячилари орасидаги бу ихтилоф Қутайбани мұқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди<sup>941</sup>. Аммо Қутайба узоқ уриниб Пойкент қўргонини эгаллади. Шаҳар аслзодалари “омонлик тилаб” Қутайба билан сулҳ тузди<sup>942</sup>. Натижада Қутайба беҳисоб бойликларни кўлга киритди. Жумладан, Пойкент ҳимоячиларининг қимматбаҳо қурол-аслаҳалари араб аскарлари томонидан бўлиб олинди. Ўлжанинг катта қисми Марвга жўнатилди<sup>943</sup>. Қутайба қўшинлари таркибида Балх ва

<sup>932</sup> История ат-Табари. – С.96; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120.

<sup>933</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений. – С. 33; Вамбери X. Бухоро ёхуд Моваруннахр тарихи. – Б. 11; Босворт К.Э. Мусульманские династии. – С. 29.

<sup>934</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 169.

<sup>935</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек ҳалқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – Б. 7–9.

<sup>936</sup> Табарий Қутайбанинг Ҳажжож номидан Хурросон ноиби этиб тайинлаганлигини айтади. Қаранг: История ат-Табари. – С. 113; Тарихи Систан (“История Систана”). – С. 136.

<sup>937</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б.120; Вамбери X. Бухоро ёхуд Моваруннахр тарихи. – Б. 11.

<sup>938</sup> История ат-Табари. – С. 114; Тарихи Систан (“История Систана”). – С. 136.

<sup>939</sup> История ат-Табари. – С. 115.

<sup>940</sup> История ат-Табари. – С. 115–116. Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120. История ат-Табари. – С. 116; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 191; История Самарканда. Том первый. – С. 79.

<sup>941</sup> Вамбери X. Бухоро ёхуд Моваруннахр тарихи. – Б. 12; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 13. Изоҳ: Бу икки тадқиқотчи Пойкент ҳимоячилари ҳакида иккى хил фикр беради. Ҳ. Вамбери Пойкентни фақат турклар ҳимоя килган деб кўрсатса, Б.Г. Фоғуров ҳимоячилар сүғдийлар эди деб, беради. Бизнингча, шаҳар ичидаги ҳимоячилар кўпчилиги маҳаллий сүғдийлар ва туркйлар бўлган. Ташқарида туркйлар сони кўпчиликни ташкил этган. Чунки ўровдаги кўшин асосан отликлар бўлган. Туркйлар эса қўшиннинг суворий қисмини ташкил этган. Яна қаранг: Vaissiere de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – Р. 241–242.

<sup>942</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120.

<sup>943</sup> История ат-Табари. – С. 117.

чагонхудот қўшинлар ҳам бўлганлиги,<sup>944</sup> уларнинг бойлик илинжида истилочиларга кўмаклашгани таасуфли ҳолдир.

Қутайба Пойкентда қолдирган амир Варқо ибн Наср Боҳилийга<sup>945</sup> карши Пойкентда қўзгалон кўтарилиб, араб гарнizonини яксон қилинди. Қутайба Пойкентга қайтиб, шахарни вайронага айлантириди<sup>946</sup>. Истилочилар томонидан аҳолининг эркак қисми қириб ташланди. Аёл ва болалар эса асир олиниб, ўлжага тушган иккита бебаҳо марварид билан бирга Хажжож ибн Юсуфга жўнатилди<sup>947</sup>. Гарчи Пойкент араблар томонидан эгалланган бўлса-да, қаршилик ҳаракати тўхтамади. 88 (706\707) йилда Қутайба Нумушкент (Кумушкент) ва Ромитанг юриши чоғида ҳам туркий, сұғдий ва фаргоналиклардан иборат иттифоқчи кучлари қаршилигига дуч келди<sup>948</sup>. Бу сафар Қутайба **Низак Тархон** – Абул Хайёж ёрдамида бирлашган кучларни бартараф этишга эришди<sup>949</sup>. Ўрта Осиёдаги вазият қўлдан чиқаётгани боис, арабларга қарши Шарқий Турк хоқони Қапағоннинг жияни, шаҳзода ва лашкарбоши **Кўрмаганун (Култегин)** бошчилигидаги 200 минг<sup>950</sup> қўшинни Суғдга юборди<sup>951</sup>. Гарчи манбада қўшин сони бўртириб кўрсатилган бўлсада, бу минтақа халқлари душманга қарши катта кучни бирлаштира олганлигини кўрсатади. Шу билан бирга Бадғис ҳокими Низак Тархон кабиларнинг душман тарафида урушгани яна бир бор маҳаллий кучлар орасида ҳам жиҳатлик бўлмаганлигини билдиради.

89 (707\708) йилда Қутайба Хажжож ибн Юсуф кўрсатмаси билан Бухоронинг мудофаа учун нокулай бўлган шимоли ва шарқини ёрдамчи турк қўшинларидан кесиб, Вардона, Ромитан ҳамда Суғд мулкларини забт этишни режалаштириди. У аввалига орқадан бўладиган хужумдан ўзини ҳимоялаш мақсадида Кеш ва Насаға юриб, маҳаллий кучларни тор-мор келтириди. Аммо икки кунлик жангда Қутайба талофат кўриб, Марвга қайтди<sup>952</sup>. Бу сафар ҳам қаршилик ҳаракати иттифоқчи кучлари курашни охиригача давом эттирамадилар. Қутайбанинг Мовароуннаҳрини тарқ этишига имкон бердилар. Қолаверса, шу йили **Туркаш хоқони Соғи** ҳокимиятга келиб, арабларга қарши курашиш учун уч юз минг қўшин тўплаган эди<sup>953</sup>. Бирок бу қўшин бу пайтда Ўрта Осиёда қарор топган қаолицион кучлар билан бирлаша олмади. Акс ҳолда вазият умуман бошқача бўлиши мумкин эди.

Қутайба Бухорога қайта юришини 90 (708\709) йилда давом эттириди. Унинг Ўрта Осиёдаги босқинчилигига қарши Шарқий Турк хоқони Қапағон (692-716), ўз жияни, Элтаришнинг ўғли 22 ёшли **Култегин** (687-732) бошчилигига қўшин юборди. Унга бош маслаҳатчиси ва қўмондон **Билга Тўньюқуқ** ҳамкорлик қилди<sup>954</sup>. Маҳаллий ҳокимликлардан Суғд подшоси Тархун бошчилигидаги қўшин шарқий турклар

<sup>944</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 13

<sup>945</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120; Табарий Варқо ибн Наср Боҳилийнинг Пойкентга ноиб этиб тайнинланганлигини эслатмайди. Факат 102 (720\721) воқеаларида лашкарбоши сифатида тилга олади. Қаранг: История ат-Табари. – С. 176.

<sup>946</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120

<sup>947</sup> История ат-Табари. – С. 115–119; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 120–121; Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Б. 13; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 14–15.

<sup>948</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. II. – С. 14.

<sup>949</sup> История ат-Табари. – С. 119.

<sup>950</sup> Турк шаҳзодаси Кўрмаганун, яъни Култегин қўшини сочининг 200 минг деб келтирилиши хақикатдан йирок. Аслида қўшин сони 40 минг бўлган. Қаранг: История Самарканда. 1 том. – С. 79.

<sup>951</sup> История ат-Табари. – С. 119–120; X. Вамбери Кўрмаганунни Хитой императорининг укаси “кўримағон” деб, беради. Қаранг: Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Б. 13. Табарий келтирган маълумот асослидир. Турк хоқонлари, тегинлари ва аслзодалари орасида Хитой императорининг кизларига, сингилларига ва канизакларига уйланиш одати бўлган. Бу ўртада тузилган тинчлик битимларини мустаҳкамлаш билан боғлик эди.

<sup>952</sup> История ат-Табари. – С. 120; Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Б. 13.

<sup>953</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 156–157; Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – С. 69.

<sup>954</sup> Тургун Алмас. Ўйтуры. Кн. 2. – С. 169–170.

билан бирлашди<sup>955</sup>. Бухорода эса маҳаллий кучлар **Вардонхудот** атрофига тўпланди. Қуий Харқонда Тархун, Хуннак худот<sup>956</sup> ва Вардон худотларнинг бирлашган кучлари ҳамда 40 минг кишилик Кўрмаганун, яъни Култегин қўшинлари 709 йил кузида Кутайбани Тароб, Хунбун ва Ромитан қишлоқлари оралиғида қуршовга олди<sup>957</sup>. Оғир вазиятда қолган Кутайба ўз қўшинини: “туркларни даф этишга”<sup>958</sup> даъват қилиб, ҳар бири бошига 100 дирҳамдан ваъда берди<sup>959</sup>. “Иттифоқка садоқат туркийларнинг миллий хусусияти”<sup>960</sup> бўлса, жасорат Суғд чокарларига<sup>961</sup> хос эди. Бу **турк-суғд иттифоқининг** катта куч эди. Бу куч қаршилигидан арабларни синалган тактик усул - хийла кутқариб қолиши мумкин эди. Шу боис Кутайба ўз одами **Ҳайёни Набатий** жанг чоғида маҳфий равишда Суғд ихшиди Тархун билан учрашириди. Ҳайёни Набатий эса Тархунда шарқий туркларга нисбатан шубҳа уйғотишга эришади. Тархун Кутайба олдига одам юбориб, у билан сулҳ тузди ҳамда 2 минг дирҳам тавон тўлади. Сўнгра ёрдамга келган шарқий туркларга: “арабларга Кеш ва Насаф томонидан қўшимча куч келаётпи”, - деб баҳона қилиб, жанг майдонини ташлаб чиқди<sup>962</sup>. Бу билан Тархун “муқаддас иттифоқ”қа хиёнат қилганини англаб етмади. Туркларнинг араблар билан ёлғиз жангга кириши натижасида хоқон ва унинг ўғли<sup>963</sup> ярадор бўлди<sup>964</sup>. Шундан сўнг шарқий турклар ҳам, у билан қолган суғдийлар ҳам жанг майдонини ташлаб чиқдилар. Айниқса, хоқон ва унинг ўғли (Култегин)нинг ярадор бўлиши бирлашган қўшинлар руҳига салбий таъсир қилган эди, дейиш мумкин.

Бу воқеалар ҳақида **Тўньюқўқ битигтошининг** 45-47 қаторларида: “Инал хоқонга араб, тухор хужум қилди. Ўшанда ажраладиган чoki бор дубулға кийган сўғдоқ ҳалқи ҳаммаси келди. Ўша куни хужум қилди. Турк ҳалқи Темир дарвозагача, Тинси ўғли ётадиган тоққа етди” дейилса, **Култегин битигининг** 3-4 қаторларида: “Фарбда Инжу Ўкуз (Сирдарё)ни кечиб, Темир Қапуғ (дарвоза)гача лашкар тортдим”<sup>965</sup>, - дейилади. Бу маълумотлар ҳақиқатдан ҳам Тўньюқўқ ва Култегиннинг арабларга қарши курашдаги иштирокини кўрсатади. 709 йил Култегин мағлуб бўлиб, ортга қайтди, Кутайба эса Бухорони эгаллади<sup>966</sup>. Душман алдовига учган Тархун 709 йилда Кутайба билан сулҳ имзолаб катта хатога йўл қўйди. Унинг йиллар давомида арабларга қарши курашларга бош бўлиб, юрт озодлиги йўлида қилган ҳаракатлари чиппакка чиқди.

Шу пайтда аввалига Кутайбага иттифоқчи бўлган Бадғис ҳокими Низак Тархон Тоҳаристонда Кутайбага қарши ҳаракат бошлади. У ўзига янги иттифоқчилар қидириб Балх испехбодига, Марверруд ҳукмдори Базамга, Талликон шоҳи Сехрикка,

<sup>955</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений. – С. 63.

<sup>956</sup> Ушбу бу исмни Хунн, эфталийлар ёки маҳаллий туркийларга нисбатан ишлатиладиган хунн атамаси билан боғлаш асосли.

<sup>957</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 79. Наршахийда Кўрмағонун деб берилган шахс Култегин хисобланади. Қаранг: Наршхий. Бухоро тарихи. – Б. 121.

<sup>958</sup> Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Б. 13.

<sup>959</sup> История ат-Табари. – С. 122; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 14.

<sup>960</sup> Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Б. 13.

<sup>961</sup> Суғд чокарлар жангларда ўз жасоратлари билан машхур бўлган. Азалдан Суғд жамиятида чокарлик фахр хисобланган. Хатто Суғд ихшиди Үурак ҳам, турк хоқонига садоқат рамзи сифатида ўзини “хоқоннинг чокариман” деган бўлса, Нахшаб ва Кеша испахбодлари ҳам тарихга “чокарлар подшоси” сифатида кирди. Қаранг: История ат-Табари. – С. 49, 225; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 238; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Рр. 95, 137, 147, 313 (коммент.); Шишкин В.А. Варахша. – М.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 240; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 48–49.

<sup>962</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 122–123; Вамбери X. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Б. 14–15.

<sup>963</sup> Бу ерда гап Тўньюқўқ ва Култегин ҳақида бораётган бўлиши керак. Бу пайтда муаррихлар Култегинни Тўньюқўнинг ўғли деб талқин этган бўлиши керак.

<sup>964</sup> История ат-Табари. – С. 122.

<sup>965</sup> Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Қадимги туркий битиклар. Ўкув қўлланма. – Самарқанд, 2001. – Б. 26–27, 31.

<sup>966</sup> Турғун Алмас. Уйгуры. Кн. II. – С. 170.

Фарёб<sup>967</sup> хукмдори Турсулга, Жузжон шохи Жузжонийга мактуб йўллаб, уларни Кутайбага бўйсунмасликка чақирди. Шу билан бирга у Тохаристон подшоси, араблар тарафдори Жабгуй (Жабгу)ни банди қилди. Тохаристондан араб ноиби ва маслаҳатчиси ҳисобланган Муҳаммад ибн Сулаймани ҳайдаб чиқарди. Кутайба бу ҳақда хабар топгач, дастлаб Талликон шахрини эгаллаб, ахолисини жазолади<sup>968</sup>. 91(709\710) йилда эса Фарёб, Жузжон ва Балхни қайта бўйсундирди. Низак Тархонни таъқиб этиб, жиянлари Сул ва Усмонлар билан бирга маҳв этиб, Шуман подшоси Филсаншаб Базик - Гислаштанга юриш қилди<sup>969</sup>. Улар ўртасидаги жангда Шуман подшоси Гислаштан ўлди<sup>970</sup>. Сўнг Кутайба ўз укаси Абдураҳмонни Тархундан гаровдагиларни қайтариш эвазига олинадиган тўловга жўнатди. Тўловга эга бўлган Абдураҳмон гаровдагиларни Тархунга топширди. Бу ходиса Суғд маъмурияти ва **Оқсоқоллар Кенгашининг нафсониятига** тегди. Улар **Тархунни** хиёнатда айбладилар. Тархун эса бу ҳақоратга чидай олмай ўз жонига қасд қилди<sup>971</sup>. Оқсоқоллар Кенгashi Суғдга Тархуннинг укаси **Ғуракни** ихшид килиб тайинлади<sup>972</sup>. Бу шахсни кейинчалик тадқиқотчилари “давлат арбоби ва ватанпарвар”<sup>973</sup> бўлган, - деб таърифлашган.

Кутайба 93 (711\712) йилда Хоразмдаги **афригий хоразмшоҳлар Чагон ва Хурзод** ўртасидаги низолардан фойдаланиб, уни қўлга киритгач, асосий эътиборни Суғд пойтахти Самарқандга қаратди. Ўз сафига хоразмшоҳ Чагон ва бухорхудот қўшинларини ёллаб, Самарқандга юриш бошлади. Энди суғдийлар нафақат асосий душман - араб босқинчилари билан, балки араблар томонига ўтиб кетган ҳамюртлари: хоразмликлар ва бухороликлар билан жанг қилишларига ҳам тўғри келди<sup>974</sup>. Қолаверса, Суғд марказида ҳам яқдиллик етишмасди. Тархун ўлгач, унинг тарафдорлари **Панч вилояти ҳокими Деваштич** атрофида Ғуракка карши кайфиятда эдилар. Деваштич эса Тархуннинг фарзандларини ҳомийликка олиб, ўзини Суғд таҳтига “даъвогар” деб эълон қилди. Ғуракнинг 712 йилда Кутайба билан “Самарқанд шартномаси”ни имзолаши, 712-714 йиллар давомида Деваштичнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳоким”лигига даъвосини<sup>975</sup> кучайтириди. Бундан ташқари Кутайба ҳам: “Тархуннинг қони учун ўч оламан, у мендан паноҳ топганлардан бири, яъни менинг мавлоим эди”<sup>976</sup>, - деб эълон килиб, ўз юришига баҳона топди.

Кутайба Самарқандга юриш бошлаганда Суғд маъмурияти мадад сўраб Чоч (Шош) хукмдори ва Фаргона ихшидига: “Агар араблар бизни енгса, сизларни ҳам бизнинг куйга солади, шу боис ҳеч бўлмаса ўзларинг учун ҳаракат қилинглар”<sup>977</sup>, - деган мазмунда нома йўллади. Шаркий Турк хокони Қапағон эса 712 йилда иккинчи бор Култегинни Ўрта Осиёга Самарқанд ҳимоясига жўнатди<sup>978</sup>. Дастлаб бирлашган

<sup>967</sup> Фарёб – Кеш (Шаҳрисабз) якинидаги йирик кишлок.

<sup>968</sup> История ат-Табари. – С. 124–125.

<sup>969</sup> История ат-Табари. – С. 125–132.

<sup>970</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 15.

<sup>971</sup> История ат-Табари. – С. 132. Frye R.N. Tarxun – Turxun and Central Asian History. – Р. 125–127; Тархунни ўз укаси Ғурак ўлдириди, деган қараш асосли эмас. Асли воқеа Табарий келтиргандек бўлган, яъни Тархун ўз жонига қасд қилган.

<sup>972</sup> Аммо 712 йил “Самарқанд шартномаси” матнига кўра, Ғурак ихшид эмас, афшин, яъни таҳт вориси деб, келтирилган. Каранг: Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 29–30. Эҳтимол, араблар уни подшолигини тан олмай, Деваштич билан рақобатига қасддан йўл очган бўлишлари ҳам мумкин.

<sup>973</sup> Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 42.

<sup>974</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 80–81.

<sup>975</sup> СДГМ II. – С. 63–67; Крачковская В.А., Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. – С. 70.

<sup>976</sup> История ат-Табари. – С. 141.

<sup>977</sup> Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 382–384.

<sup>978</sup> Тургун Алмас. Уйгурсы. Кн. 2. – С. 170.

кучлар арабларга катта талофат етказди. Бу ҳақда Ғурак Хитой императорига шундай ёзади: “бизнинг кўплаб қўшинларимиз ҳалок бўлди ва ярадор бўлди, даши (араб)ларнинг пиёда ва отлиғи ниҳоятда кўп сонли эди ва биз уларга қаршилик қилолмадик. Мен қалъа девори пастига тушиб, ўша ерда ҳимояланишга мажбур бўлдим”<sup>979</sup>. 712 йилдаги Самарқанд ҳимоясига шарқий турклар бош қўмондони апартхони Қапағоннинг кичик ўғли Инал хоқон бошчилигига қўшини ҳам чочлик ва фарғоналиклар ҳамроҳлигига етиб келди. Ғуракнинг эса жаъми 13 минг қўшини бор эди<sup>980</sup>. Ғурак иттифоқчилари билан бирлашиб Ромитан<sup>981</sup> яқинида араблар билан тўқнашиб, мағлубиятга учрагач, Самарқандга қайтди<sup>982</sup>. Шу пайтда шарқий туркларнинг Тан империяси билан муносабати яна кескинлашиб, Қапағон хоқон Култегинни чақириб олишга мажбур бўлди<sup>983</sup>. Бу эса, арабларга, иттифоқчиларнинг бирлашган кучларга зарба беришни енгиллаштириди. Суғдийларнинг руҳиятига эса салбий таъсир қилди. Култегин ва Иналхон бошчилигидаги шарқий турк қўшинлари йўлига Кутайбанинг укаси Солих ибн Муслим бошчилигидаги 600 кишилик пистирма қўйилди. Пистирмага тушган шарқий турк қўшинлари Самарқандга етмай тор-мор этилди. Бу воқеа таъсирида араблар сафидаги бухоролик ва хоразмлик ёлланма аскарлар яна суғдийларга қарши уруша бошладилар. Бундан ғазабланган Ғурак Кутайбага: “сен менга қарши менинг араб бўлмаган оғаларим ва қариндошларим ёрдами билан курашмоқдасан, сен менга арабларни қарши қўй!”,<sup>984</sup> - дея хитоб қилди. Натижада ҳимоячилар муваффақиятсизликка учраб, Кутайба қўшинининг қўли устун келди. Самарқанд эса қамал қилинди. Бу ҳақда Ғурак Хитой императорига номасида: “Даши (араб)лар шаҳарни қамал қилишгач, деворларни бузиш учун 300 та манжаниқ ўрнатиши. Уч жойдан деворни тешиб улгуришиди. Улар бизнинг шахримиз ва подшолигимизни тугатишмоқчи бўлишиди”,<sup>985</sup> - ёзган эди. Бир ойлик қамалдан сўнг араблар шаҳарга кириб келди. Ўртадаги сулҳга кўра, Ғурак шаҳарни ташлаб чиқишига мажбур бўлди. Кутайба эса Хажжож ибн Юсуфга Самарқандни эгаллагани ҳақида хабар жўнатди. Самарқандга муовини Абдуллоҳ ибн Муслимни қолдириб, ўзи Марвга жўнади<sup>986</sup>. Ғуракнинг араблар билан имзолаган нотенг битими шартларига кўра, бир вақтнинг ўзида у араб томонига **2 млн. дирҳам** тўланиши, **3 минг ўспиринни қулликка топшириши**, оташхона ибодатхоналардаги бутларнинг бутун бойликлари билан арабларга бериш ҳамда йилига **200 минг дирҳам товон** тўлаб туриши керак эди. Бундан ташқари, битимга кўра, самарқандликлар ўз шаҳарларида мусулмонлар учун масжид қуришлари ҳамда Самарқандда Суғд қўшинларини тутиб турмасликлари шарт эди. Шу шартлар эвазига Кутайба Ғуракнинг “Самарқанд ва унга тегишли ерлар билан ҳамда Кеш ва Нахшаб шаҳарлари, қалъалари” устидан ҳокимлигини таниб, шаҳарда араб қўшинларини қолдиришга эришди<sup>987</sup>. 712 йил кузида самарқандликлар турк ҳоқонлиги қўшинлари ёрдамида Самарқанддаги ноиби ва унинг гарнizonига ҳужум ўюштирилар<sup>988</sup>. Фақат Кутайбанинг 713 йил баҳорида етиб келиши араб

<sup>979</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P. 103.

<sup>980</sup> Kurat A. H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkahd'in zebti. – S. 402.

<sup>981</sup> Табарийда Арбинжон деб келтирилди. Қаранг: История ат-Табари. – С. 141.

<sup>982</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 64.

<sup>983</sup> Тургун Алмас. Уйгурьы. Кн. 2. – С. 170.

<sup>984</sup> История ат-Табари. – С. 138.

<sup>985</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – P. 205.

<sup>986</sup> История ат-Табари. – С. 141–142.

<sup>987</sup> Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkend'i zebti. – S. 348–430; Смирнова О.И. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии. (Договор арабского полководца Кутейбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.) // СВ. – 1957. – № 2. – С. 119–134; Её же. К истории Самаркандского договора 712 г. – С. 69–79; Её же. Каталог monet с городища Пенджикента. – С. 29; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам). – С. 55–64.

<sup>988</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 18.

гарнizonининг батамом тор-мор бўлиш олдини олди. Бу ҳақдаги қадимги турк битикларидағи маълумотларга кўра, суғдийлар Сук бошчилигига ўз элчиларини Шарқий Турк хоқони (Қапағон) хузурига юборганлар<sup>989</sup>. Чунки ўртаосиёликларнинг катта қисми араблар ҳокимиятини тан олмаган эдилар<sup>990</sup>. Шу боис 94 (712/713) йилда Кутайба Бухоро, Кеш, Насаф ва Хоразмдан йигирма минг қўшин тўплаб, **Шош ва Фарғонага юриш қилди**<sup>991</sup>. Қўшинлар Шошда учрашгач, яна Марвга қайтилди<sup>992</sup>. Бу юришлар асосида разведка мақсади ётарди.

712-713 йилларда араб истилосига қарши **Турк хоқонлиги**, Суғднинг арабларга бўйсунмаган шарқий қисми, **Чоч ва Фарғонадан** иборат **коалицияси** тузилди<sup>993</sup>. Суғд томонидан бу иттифоқка ўзини “Самарқанд тахтига даъвогар” деб билган Деваштич бош бўлди. Бу воқеалар баёни айнан, Муғ архивидан топилган А-14 хужжатида<sup>994</sup> акс этган. 712 йилдаги “Самарқанд шартномаси”, Фуракнинг арабларга таслим бўлиши, Панч ҳокими Деваштични арабларга қарши курашда ташаббускорлигига сабаб бўлди. У ўз элчиси **Фатуфарнни** Чоч ва Фарғонага, улар орқали Турк хоқони хузурига жўнатди. Фатуфарн топшириқни бажариб, ҳисобот тарзида Деваштичга нома (**А-14 хуж.**) йўллаб: “Ва жаноб мен бу ерга, Чоч хукмдори хузурига келдим. Жаноб хатларини ҳам топширдим, оғзаки (айтилиши) лозим бўлган мурожаатни ҳам оқизмай-томизмай (“қолдиксиз”) баён этдим. Тудунга ҳам унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб, ҳоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи қўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим”,<sup>995</sup> - дейди. Бу Фатуфарн томонидан зиммасидаги вазифани бажарилганинг кўрсатса, кейинги сатрлар унинг қайтиши билан боғлиқ мураккабликларни баён қиласди. “Жаноб мен шу туфайли юқори томонга юра олмадим. Хабарларга кўра, ҳоқон ҳеч кўринмас эмиш”, бу жумлалар уни Турк хоқони билан учраша олмаганини англаради. Аввалига Деваштич хоқонни Чочда деб эшитган, шу боис Фатуфарнни унинг хузурига жўнатган, аммо Фатуфарн етиб келгунча хоқон ўз қароргоҳи Еттисувга кетган эди. Деваштич номаларининг бир нусхаси Фатуфарн томонидан Фарғона подшосига топширилиши керак эди. Фатуфарн келгунча Чочда бўлган Фарғона подшоси ҳам кетиб ултурган эди. Шундай бўлса-да, Фарғона тутуғи ҳали Чочда бўлиб, у Фатуфарндан ўз подшосига мўлжалланган хатни олган<sup>996</sup>. Бизнингча, Фатуфарн келгунга қадар Турк хоқони, Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари Чочда бўлишиб, араб истилосига қарши курашиш чораларини маслаҳатлашишган, фақат Фатуфарн ўз вақтида етиб келолмаган. Бунинг сабабларни арабларнинг 712 йилдаги Чоч ва Фарғонага юриши билан боғлаш керак.

95 (713/714) йилга келиб Кутайба яна Шошга юриш уюштириди. Орадан бир йил ўтиб эса, Кошғар ва Хитой томон юришни режалаштириди<sup>997</sup>. А-14 хужжати тафсилотларидағи Фатуфарннинг Чочга келиши, **Чоч тудуни** ва унинг ёрдамчиси билан музокара олиб бориши, айнан шу йилларга тўғри келади. Чунки Фатуфарн Панчга қайтишида Уструшона араблар қўлига ўтиб, йўли бекилиб қолганди. У ўз хатида: “(16) ... Уструшона вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган. Жаноб, мен якка-ёлғиз, (18) беҳамроҳ ҳолда (йўлимда давом этиб) юришга журъат

<sup>989</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – С. 40–69.

<sup>990</sup> Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 47.

<sup>991</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 80.

<sup>992</sup> История ат-Табари. – С. 143–144. Vaissiere de la E. Histoire des marchands Sogdiens. – Р.239.

<sup>993</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 80.

<sup>994</sup> СДГМ II. – С. 77–91; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 228–236.

<sup>995</sup> Исоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 5.

<sup>996</sup> Исоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 5; Ўша. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Б. 24–27.

<sup>997</sup> История ат-Табари. – С. 144–149.

қилолмаяпман. Жаноб, (19) иккинчи қайта Чоч томон қайтиб келдим”, дейди. Шундан маълум бўладики, Фатуфарн Деваштич ҳузуридан Чоч томон йўлга тушганда бу ҳудудлар хали мустақил бўлган. Орадан ҳеч вақт ўтмай, араблар Уструшона устидан назорат ўрнатиб, Фарғона йўналишига чиқкан. Бундай вазиятда Фатуфарннинг жавоб мактублари билан ортга қайтиши хатарли эди<sup>998</sup>. Мактубнинг иккинчи кисмида Фатуфарн ўзи гувоҳ бўлган ҳарбий–сиёсий вазиятни баён этади. Унга кўра, Чоч тудуни Чадрчикда<sup>999</sup> “този (араблар)лар билан тузган битимиға биноан чекинади”. Иттифоқчилари Жамраваз ва форс лашкарбошчиси қуи томон кетишади. Фатуфарн келтирилишича, “тудун Тарбанд(даги хоқон) билан битим тузган. (Чунки ердаги ҳамма жойларни (Хоқон тасарруфга) олган”, деб Чочнинг шимолий қисми хали мустақил эканлигини Деваштичга маълум қилади ҳамда мактуб сўнгиди: “Жаноб, бу хатни мен Марвон (исмли киши) қўли орқали Канд (Конибадом)<sup>1000</sup> томонидан (айланма йўл билан) жўнатдим” деб, ёзади. Матнга кўра, Марвон Фатуфарн ёзган ҳисбот-мактубни Исфара ва Матчоҳ орқали Деваштич қароргоҳига етказган<sup>1001</sup>. Мактубдаги тарихий шахсадан бири Чоч тудуни хитой манбаларига кўра, 712-713 йилларда **Мохэду-тутунь** (Баҳодир тудун) бўлиб, унинг қароргоҳи **Бинкат** эди<sup>1002</sup>. Бу даврда Фарғонага **Алутар** (ат-Тар) хукмдорлик қиларди<sup>1003</sup>. Матндаги Жамраварз ва форс лашкарбошчиси В.А. Лившиц фикрича, Сосонийларнинг сўнгги вакили Йездигирд III нинг арабларга қарши курашни давом эттираётган авлодларидан бири эди<sup>1004</sup>. Ҳужжатда зикр этилган турк хоқонини В.А. Лившиц туркаш хоқони деб тахмин қилади<sup>1005</sup>. Бироқ бу даврда **Туркаш хоқонлиги** ўз мавқени анча йўқотганди. Чунки 710 йилда шарқий турклар туркашларга жиддий зарба бериб, Туркаш хоқони **Учжилэнни** асир олиб, катл этирганлар.Faқатгина Учжилэннинг ўғли Соғи (710-717/718<sup>1006</sup>) Фарбий Турк хоқонлигига қарашли Олтой ва Шарқий Туркистон, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Чочга қадар ерларда Туркаш хоқонлигига асос солинган ва суғд–турк шаҳарларидан бири **Суёб** (хит. Суйе) пойтахт этиб танланган<sup>1007</sup>. Мактуб битилган 712-714 йилларда туркашлар юқоридаги сабабларга кўра, Суғд, Чоч ва Фарғонанинг арабларга қарши иттифоқчиси бўлолмасди. Қолаверса, шарқий турклар бош қўмондони – апа-тархони Қапағоннинг кичик ўғли Инал хоқоннинг 712 йилдаги Самарқанд ҳимоясида ҳам иштирок этиши 713-714 йиллардаги қаршилик ҳаракатида **Суғд, Чоч ва Фарғона билан Шарқий турклар иттифоқчилик** қилган дейишга асос беради. Улар биргаликда Қутайбанинг Чоч, Фарғона ва Уструшонага юришларига қаршилик кўрсатишган<sup>1009</sup>. Мактубга кўра, бу пайтдаги (712-715 йй.) Суғднинг аксилараб ҳаракатига Деваштич бош бўлиб, Чоч ҳокими, Фарғона ихшиди ва Турк хоқони

<sup>998</sup> СДГМ II. – С. 84; Исҳоков М. Унутилган подшолиқдан хатлар. – Б. 7.

<sup>999</sup> М. Исҳоков фикрича, Чодирчик-Зомин, Минзачўл, Жиззах ҳудудлари. Каранг: Исҳоков М.М. Унутилган подшолиқдан хатлар. – Б. 7. Бизнингча, бу битим Чирчик (Чадирчик) дарёси атрофида араблар ва Чоч тудуни ўргасида тузилган.

<sup>1000</sup> Канд – тадқиқотчилар фикрича Конибодом ҳисобланади.

<sup>1001</sup> СДГМ II. – С. 90-91; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 19. Исҳоков М.М. Унутилган подшолиқдан хатлар. – Б. 9–12; Ўша. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Б. 26–27.

<sup>1002</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 313; СДГМ II. – С. 82–83.

<sup>1003</sup> История ат-Табари. – С.185; СДГМ II. – С. 84.

<sup>1004</sup> СДГМ II. – С. 84; Исҳоков М.М. Унутилган подшолиқдан хатлар. – Б. 10.

<sup>1005</sup> СДГМ II. – С. 84.

<sup>1006</sup> Л.Н. Гумилев келтиришича, Соғи 711 йилда ўлдирилган. Каранг: Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 319.

<sup>1007</sup> Тургун Алмас. Уйгуры 2. – С. 170; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 240; Кызласов Л.Р. Городская цивилизация срединной и северной Азии. – С. 219–350; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Изв. НАН РК. Серия общественных наук. Средневековая археология. – 2009. – № 1. – С. 107.

<sup>1008</sup> История ат-Табари. – С. 136–141; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов. – С. 60–64; Кляшторный С.Г. Титул согдийского владетеля в древнетюркском тексте. – С. 134, прим. 1; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 294.

<sup>1009</sup> СДГМ II. – С. 84. Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Док. А-14 с горы Муг) // СЭ. – 1960. – № 2. – С. 92–109.

билин иттифоққа эришган. Шу боис Кутайбанинг 712 йилда Чоч ва Фарғонага юриши ва кейинги йиллардаги (95-96 /713-715) ҳарбий ҳаракати Суғд, Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлигидан иборат қаолицияга зарбага қаратилди. Хусусан, 95 (713-714) йилда у Чочга иккинчи қайта юриб, уни ўз қароргоҳига айлантиришга, бу ердан эса Исфижоб томонга ҳаракатланишга режа тузди. Кутайбанинг Исфижобга қизиқиши бежиз эмасди. Бу шаҳар нафақат Ипак йўлидаги муҳим стратегик ва савдо-тижорат маркази, балки туркларнинг Ўрта Осиёга берадиган ёрдами учун ҳам муҳим эди<sup>1010</sup>. Шу мақсадларда Кутайба **турк-суғд иттифоқини** енгид, 715 йилдаги иккинчи юришида бутун Фарғона водийини эгаллади. Бироқ унинг режалари амалга ошмади. 96 (714\715) йилда Кутайба Фарғонадалигига Оммавийлар халифаси Валид ибн Абдулмаликнинг вафоти ҳақидаги хабар этиб келди<sup>1011</sup>. Халифалик тахти Сулаймон ибн Абдулмалик қўлига ўтган<sup>1012</sup>. Сулаймон эса Кутайбанинг рақиби эди. Шу сабабли Кутайба Кошғарга юрадиган қўшинига ўғли Касирни қўмондон этиб юборди<sup>1013</sup>. Халифа Сулаймон ибн Абдулмалик эса асосий рақиби Шарқий вилоятлар ноиби Хажжож ибн Юсуф тарафдорларини бартараф қила бошлаган эди. Кутайба ҳам Хажжож ибн Юсуфнинг одами сифатида Марвга қайтиб, халифа Сулаймон ибн Абдулмаликка қарши исёнга бошчилик қилди. Аммо халифа тарафдорлари бўлган қўшинлар Кутайба, унинг оғи-инилари ва ўғли Касирни қатл этдилар<sup>1014</sup>. Шундан сўнг араб истилочилик ҳаракатлари бироз сустлашди.

Суғднинг расмий ҳукмдори ҳисобланган Ғурак бу даврда аксилараб ҳаракатига бош бўлолмади. Чунки у 712 йилда “Самарқанд шартномаси” орқали ўз имкониятларини чеклаб қўйган эди. Қолаверса, у Суғдни Самарқанддан эмас, балки уласи **Афарун мулки маркази Афарункет** (Фаринкат)дан бошқаарди. Айни пайтда Деваштич аввалги Суғд ҳукмдори Тархуннинг фарзандларига ҳомийлик қилиб, Самарқанд тахтига “даъвосини” қонунийлаштириб олган эди<sup>1015</sup>.

Халифа Сулаймон ибн Абдулмалик 97 (715/716) йилда Кутайба ўрнига Хурсонга Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздиини тайинланди. У отаси даврида Мовароуннаҳр юришларида иштирок этган эди<sup>1016</sup>.

Кутайба даврида (706-715) Ўрта Осиё араб истилочилари томонидан деярли эгалланди. Аммо **“нотинч” Суғд** ҳамон араблар истилочилари учун муаммо бўлиб қолаверди. Йазид ибн ал-Мухаллаб Кутайба ишини давомчиси сифатида исёнларни бостириши ва қаршилик қилаётган турк-суғд иттифоқини енгиши керак эди.

Ушбулардан хулоса қилиб айтганда, араб истилосиниг биринчи босқичи Кутайба томонидан ниҳоясига етказилди. Бунда Араб халифалари Муавия I ибн Абу Сўфийон (41-660\661–60-679\680)дан то Абдумалик ибн Марвон (65-684\685–86\705)гача деярли 50 йил давомида тайинланган Хурсон ноиблари Қайс ибн ал-Хайсам (42-662\663–43-663\664)дан то ал-Муфадал ибн ал-Мухаллаб (85-704\705)гача Мовароуннаҳрда асосан талончилик юришлари билан машғул бўлиб, Ўрта Осиёни забт этолмадилар. Аммо 706 йилда Кутайба ибн Муслим Хурсон ноиби этиб тайинлангач, у ҳарбий ҳаракатларни ягона мақсадга бирлаштириб, Мовароуннаҳр ўлкаларидағи сиёсий тарқоқликдан унумли фойдаланди. Ўн йил (706 – 715 йй.) давомида режали истило олиб бориб, иттифоқчи кучлар Турк хоқонлари

<sup>1010</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 20; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 107–109.

<sup>1011</sup> История ат-Табари. – С. 145.

<sup>1012</sup> Босфорт К.Э. Мусульманские династии. – С. 29–30.

<sup>1013</sup> История ат-Табари. – С. 149–152.

<sup>1014</sup> История ат-Табари. – С. 159. Айрим манбаларда Кутайбанинг Фарғонада ўлдирилгани хусусида маълумотлар ҳам мавжуд. Қаранг: Турғун Алмас. Кн. 2. – С. 170. Бироқ Табарий маълумотлари анча асосли кўринади.

<sup>1015</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 231; СДГМ П. – С. 91.

<sup>1016</sup> История ат-Табари. – С. 159–164.

ва Суғд ҳокимликлар ўртасига нифоқ солди ва улар ўртасида ўзаро ишончсизликни уйғота олди. Қолаверса, Шарқий ва Ғарбий турк хоқонликлари, Суғд, Чоч, Фарғона иттифоқининг барқарор эмаслиги ҳам араб истилочиларига қўл келди. Бундан ташқари, маҳаллий қўшинлар ҳам ҳарбий маҳорат бобида етарли даражада эмасди. Тажрибали араб қўшинларининг кучи ва лашкарбошиларининг ҳийлагарлиги устун келди. Айрим ҳокимликларнинг (Кеш, Насаф, Хоразм) араб қўшинларини қўллаб қувватлаши ва истилочилар сафини ўз қўшинлари билан тўлдириши ҳам араблар мувоффакиятини таъминлади. Гарчи Қутайба араб лашкарбошиси бўлса-да, унинг сиёсий жиҳатдан тадбиркор эканлигини, кучли стратег, тактик маҳорат эгаси ва вазиятни баҳолай оладиган дипломат бўлганлигини эътироф этмоқ ҳам ўринлидир. Айтиш мукинки, Араб халифалиги истилосининг биринчи босқичи турк-суғд иттифоқини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди. Гарчи истилочилар Мовароуннахрни эгаллаган бўлсалар-да, иттифоқчилар ҳали жиддий қаршилик қилиш имкониятини йўқотмаган эдилар.

### **3.2. Суғд–турк қаршилик ҳаракатининг иккинчи босқичи (715-751 йиллар) ва унинг оқибатлари**

**Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим** (86-96/705-715) араб истилосининг биринчи босқичини (651-715) талончилик юришларидан исломлаштириш жараёнига айлантириди. Бу даврда Мовароуннахр эгаланса-да, тўлиқ бўйсундирилмади. Суғдийлар, чочликлар, фарғоналиклар, Тоҳаристон қарлуқлари, Еттисув туркашлари, шарқий туркларнинг истилочиларга қаршилиги давом этди.

Қутайба уюштирилган ҳарбий ҳаракатлар, баъзи маҳаллий ҳокимларни чўчитиб, арабларга ён босишга мажбур этди. Йирик шаҳарлар (Марв, Самарқанд, Бухоро)га араб ҳарбий гарнizonини жойлаштиришдан мақсад, аҳолини итоатда ушлаб туриш, солиқ ундириш ва ўлпонлар йиғиши бўлди. Бу маҳаллий аҳолининг ҳақ-хукуқларини чекларди. Айниқса, зардуштийлик ибодатхоналари бузилиб, масжидлар бино этилиши, маҳаллий расмий ёзувларда (суғдий, хоразмий) иш юритиш таъқиқланиши, бой мерос ва маданий бойликларнинг талон-тарож қилиниши ҳамда соҳа вакиллари таъқибга олининиши маънавий жиҳатдан катта йўқотиши бўлди. Хоразм мисолида Абу Райҳон Беруний таъкидлагандек, Қутайба бутун Ўрта Осиёда ўз маҳаллий ёзувини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўргангандан ҳамда билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни жисмонан йўқ қилинди<sup>1017</sup>.

Ҳарбий ҳаракатлар ва шаҳарлардаги гарнizon таъминоти учун маҳаллий аҳолидан ундирилган ўлпон ва соликлар иқтисодга зарар келтирди. Шаҳар ва қишлоқлардаги қаср ва кўшклар, экин майдонлари ва сув иншоотларига араб аслзодалари ҳамда уларнинг эронлик ва маҳаллий мавлолари эгалик қилишга киришди. Ўрта Осиёдаги маъмурий бошқарув ва солиқ тизимиға араб истилочилари Сосонийлардан ўзлаштирган айрим элементларни жорий этдилар. Мулк ва ер эгаси **хвабуларнинг “дехқон” деб аталиши**, ерга хирож, жон бошига **жизъя солиғи** солинини шулар жумласидан эди. Жизъя солиғи дастлаб исломни қабул қилмаганлардан, **хирож солиғи** эса барча зироатчи, савдогар ва ҳунармандлардан ундирилди. Одамлар турли ҳашарларга жалб этилди. Солиқ тўлаш ва ҳашарга чиқишдан бош тортганларнинг мол-мулки ва ерлари мусодара қилинди. Ҳатто араб гарнizonи ва маъмурияти учун аҳоли турар-жойларининг ярмини бўшатиб берилиши мусодара учун баҳона бўлди. Уй соҳиблари **“чакирилмаган меҳмонлар”**га хизмат қилишга мажбур этилди<sup>1018</sup>.

<sup>1017</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Б. 72.

<sup>1018</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. II. – С. 22.

716 йилда **Шарқий Турк хоқони Билганинг** ўлими турк давлатчилигига катта йўқотиш бўлди. Шу даврда Фарбий Турк яғулиги ўрнида **Туркаш давлатининг** қарор топишидан Хитой манфаатдор эди. Бу билан туркий давлатлар бўлинниб кетар ва кучсизланарди. Мовароуннахрнинг маҳаллий ҳукмдорлари вазиятдан чиқиб кетиши чораларини излаб<sup>1019</sup>, янги туркий давлат Туркаш хоқонлигидан мадад кута бошладилар.

97 (715/716) йилда Кутайба ўрнига Хуросон ноиби бўлган **Йазид ибн ал-Мухаллаб** 98 (716/717) йилдаёқ Дехистон, Журжон ва Табаристон ғалаёнларини бостиришга киришди. Аммо у Дехистон турклари, Табаристон испехбоди ҳамда **Сул-турк** бошчилигидаги туркий қўшинлар қаршилигига дуч келди. Ғалаёнчиларнинг мағлубиятига эса Сул-турк билан Журжон марзбони Фируз ибн Кулнинг келишмовчилиги сабаб бўлди. Бундан фойдаланган ал-Мухаллаб исённи бостирди. Жангларда 14 минг турк жангчисининг ўлдирилгани халифа Сулеймон ибн Абдулмаликка маълум қилинди. Табаристон испехбоди билан тинчлик битими имзолаган ал-Махаллаб Журжонда 40 минг кишини қиличдан ўтказди<sup>1020</sup>. У Хуросондаги туркий ва маҳаллий аҳоли қаршилигини қаттиқ қўллик билан бостиришга эришди.

99 (717/718) йилга келиб ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳ (ал-Ҳакимий) Хуросон ноиби этиб тайинланди. Халифалик эса Сулеймон ибн Абдулмалиқдан Умар ибн Абдулазиз – Умар II (99/717-101/720) қўлига ўтди<sup>1021</sup>.

717 йилда Туркаш хоқонлиги тепасига “**ўн ўқ**” иттифоқидаги сариқ ва қора туркашлар гурухига кирувчи **сариқ туркашлар** вакили **Сулухон** келди<sup>1022</sup>. Унинг даврида Туркаш хоқонлигининг араб истилочиларига қарши курашиш имкони ошди. Хоқонлик қароргоҳи Навакат шаҳрига кўчирилди<sup>1023</sup>. Туркашлар ўзларига худудий яқин бўлган Чоч мулкида кучли сиёсий таъсирга эга эдилар<sup>1024</sup>.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (Умар II) (99-101/717-718 – 719-720) Мовароуннахр ҳокимликларига мактуб йўллаб, уларни исломни қабул этишга даъват қилди<sup>1025</sup>. Араб халифалиги маъмурияти христианлик динидан ташқари барча динлар (зардуштийлик, шаманлик ва монийлик динлари)ни **соҳта динлар** деб эълон қилди<sup>1026</sup>. Ибодатхоналарда сақланаётган барча диний ва дунёвий характердаги ёзма ёдгорниклар йўқ қилиниб, маънавий ҳаётга зарба берилди.

**Ислом** динини қабул қилдириш усууларидан бирига қўра, халифа Умар II нинг молиявий ислоҳати бўйича, исломга кирган маҳаллий аҳолидан жизъя солиги олинимади. Одамлар расман исломга кирсалар-да, аслида эски эътиқодларида

<sup>1019</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 213; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1020</sup> История ат-Табари. – С. 164–170; Frey R.N., Sayili A.M. The Turks in Khorasan and Transoxania at the time of the Arab conquest // The Moslem World. – Hartford. – 1945. – Р. 308–315; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 147–148.

<sup>1021</sup> История ат-Табари. – С. 171; Босворт К.Э. Мусульманские династии. – С. 29–31; Тарихи Систан. (“История Систана”). – С. 139.

<sup>1022</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 319; Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 170; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1023</sup> Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья. – С. 34; Каравеев О.К. Арабские источники / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – Бишкек: Илим, 2004. – С. 92.

<sup>1024</sup> Бу Чоч худудидан сұғдий ёзуви туркаш хоқонлари тангаларининг топилиши билан кузатилади. Қаранг: Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 54; Кызыласов Л.Р., Смирнова О.И., Щербак А.М. Монеты городища Ак-Бешим // Уч. зап. ИВАН. – 1958. – Т. XVI. – С. 182–212; Ртвеладзе Э.В. Монета Туркаша – правителя Чача. – С. 43–47; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. н.э.). – С. 33–34.

<sup>1025</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 65; Ал-Балазури, Ахмад ибн Йаҳи亞 ибн Джабир. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». Пер. с араб., предисл., коммен. и указ. Г. Гайбова. – Душанбе: Дониш, 187. – С. 26–27; Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi’ne giriş. Cild I. – S. 55.

<sup>1026</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 22.

қолавердилар<sup>1027</sup>. Умар II нинг исломга ўтган маҳаллий заминдорларга ерларини қайташи буйругини Хуросон ноибининг хирож ишлари бўйича масъули **Сулаймон Абу-Сари** бажармади. У бунга Қутайба ва Фурак ўртасидаги **712 йилдаги “Самарқанд шартномаси”**ни рўкач қилиб кўрсатди<sup>1028</sup>. Сўнг халифа Умар II Хуросон ва Мовароуннахр аҳолиси исломга ўтмагунча йифимлар тўплашни таъкилади<sup>1029</sup>. Бу кўрсатма ҳам бажарилмади. Қолаверса, Хуросон ва Мовароуннахр аслзодалари солиқ тўламаслик учун оммавий исломга ўта бошлаб, хазинага тушум камайиб кетди. Шунда исломга ўтишнинг янги шартларини белгилаб чиқилди. Унга кўра, мусулмон бўлганлар **хатна қилдиришлари ва “Қуръон” сураларини ёд олишлари** шарт эди. Бу чоралар исломга кириш жараёнини секинлаштириди<sup>1030</sup>. Шу жараёнлар бошида Хуросоннинг янги ноиби Жарроҳ ибн Абдуллоҳ (99-100/717-719) туради. Ҳатто Панж ҳокими Деваштич унга нома йўллаб,<sup>1031</sup> ўзини амир (Жарроҳ)нинг мавлоси деб билдирган эди<sup>1032</sup>. Аммо бу хатнинг манзилга етиб боргани номаълум, унинг нусхасигина Деваштич архивида сақланган холос<sup>1033</sup>. Эҳтимол, Деваштич Тархун болаларининг тақдирини ўйлаб мактубни жўнатмаган бўлиши ҳам мумкин.

719 йилнинг май ойи охирида, яъни 100 ҳижрий йилда Умар II Жарроҳ ўрнига Хуросон ноиби этиб Абдураҳмон ибн Нуайм ал-Ҳамидийни (100-101/719-720) тайинлади<sup>1034</sup>. Жарроҳнинг маҳаллий мусулмонларга бўлган салбий муносабати Хуросон ноиблигидан олинишига сабаб бўлди<sup>1035</sup>. Ал-Ҳамидий ҳам солиқ сиёсатда Умар II нинг “мавлоларини хирож ва жизъядан озод қилиш” топшириғини бажармагани исломни янги қабул қилганларнинг Абдураҳмон ал-Ҳамидийга нисбатан кайфиятини ёмонлаштириди.

101 (719|720) йилда халифа Умар II фитна қурбони бўлгач<sup>1036</sup>, Аббосийлар ва Уммавийлар ўртасида кураш бошланиб кетди<sup>1037</sup>. Бу вазиятни Фурак озодлик кураши учун қулай фурсат деб, билди<sup>1038</sup>. Вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган **бухорхудот Туғшода**, Суғд ихшиди Фурак, Кумед (Қоратегин) ҳокими Нурайан 719 йил февралида Хитой императорига арабларга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраб нома

<sup>1027</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 23; Турғун Алмас. Уйгурлы. Кн. 2. – С. 170.

<sup>1028</sup> Kurat A.N. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkand'ı zabti. – Ss. 413–414.

<sup>1029</sup> Бартольд В.В. Халифа Омар II и его противоречивое известие о его личности // Христианский Восток. Том. IV. Вып. III. – С. 224; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 65; Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – Berlin, 1902. – S. 84.

<sup>1030</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 67; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 23–24.

<sup>1031</sup> Муғ архиви ҳужжатлари орасидаги ягона арабча мактуб мазмуни кўйидагича: “Мехрибон ва раҳмидил Аллоҳ номи билан амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳга, унинг мавлоси Деваштичдан. Эй амир, Сенга саломим бўлсин ва Аллоҳнинг шафқати (бўлсин). Мен сени олқишлийман Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Сўнгра Аллоҳ амирни кўлласин ва сақласин уни, мен ... амирга мен ўз хоҳишмни ва Тархуннинг иккى ўғли хоҳишни баён этаман, ахир амир, Аллоҳ уни паноҳида сақласин, Тархун фарзандларини яхши ният билан эсга олгин. Агар амир карор қилишимга ва (мактуб) ёзишимга ижозат эта, Сулаймон Абу Сари, бу иккала болани амирга юборишин истаса майли юбораверсин. Агар амир менга ёмчи отлардан бирини юборса, мен унга (қўшиб) хизматкоримни юбораман. (Шунда) уларнинг иккиси ҳам амирга етказилиди. Ахир Аллоҳ ахли оиласизга пешвоз чиқмоқда ..... мадад ва раҳмонлик. Ва Аллоҳдан сўрайманлики.... ва эй амир, сенга салом (тинчлик) ато этсин ва Аллоҳнинг шафқати (бўлсин)”. Қаранг: Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии / Изб. соч. – М.: Изд. АН СССР, 1955. – Том 1. – С. 182–212; Его же. Письмо из Согдианы / Над арабскими рукописями. – М.: Изд. АН СССР, 1945. – С. 93–99.

<sup>1032</sup> Крачковский И.Ю., Крачковская В.А. Древнейший арабский документ. – С. 55–56.

<sup>1033</sup> Крачковский И.Ю., Крачковская В.А. Древнейший арабский документ. – С. 70.

<sup>1034</sup> История ат-Табари. – С. 171–175; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 215; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 67.

<sup>1035</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 214–215.

<sup>1036</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 69.

<sup>1037</sup> История ат-Табари. – С. 174.

<sup>1038</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 83; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 200.

йўлладилар<sup>1039</sup>. Бухорхудот ўз мактубида, араблар босқинидан азият чекаётган юртинг нотинчлиги ҳақида ёзиб, ёрдамга туркашларни юборишни ва биргалиқда ҳаракат қилиш манзилини сўрайди. Кумед (Қоратегин) ҳокими эса, ўз мактубида юрт бойликларини араблар ташиб кетаётганини хабар қиласи. Фурак мактубида, 35 йилдан бери суғдийлар арабларга қарши урушаётгани ва “биз ҳар йили кўплаб пиёда ва отлиқ қўшин тўплаймиз, аммо сиз (император) ёрдамга ўз қўшинингизни юбормаяпиз”,<sup>1040</sup> - деб шикоят қилиб, Қутайбага қарши кураш, Самарқанд қамали ҳамда араблар қуввати нари борса юз йилга етиши, кейин кучсизланиши тўғрисидаги башоратларини маълум қиласи<sup>1041</sup>. Қутайбанинг ўлимидан сўнг Фурак Суғд подшоси сифатида Шарқий ва Ғарбий турклар (туркашлар) ҳамда Хитой ёрдамига суянар эди. Худди у каби Деваштич ҳам тахт даъвогари сифатида марказга итоат қилмай, мустақил равишда турклар ва хитойлар ёрдамидан умидвор эди<sup>1042</sup>. Бироқ, Хитой императори Ўрта Осиё ҳалқларига амалий ёрдам беришга ва араблар билан юзма-юз келишга ботина олмади. Муғ архивининг **А-9 ҳужжати**<sup>1043</sup> даги чин (сун) атамаси эса, матн мазмуни ва тарихий воқеликларга кўра Хитойга эмас, балки шарқий туркларга нисбатан қўлланилган эди, дейишимиз мумкин. Чунки, Шарқий Турк хоқонлиги таркибидаги **Куча аҳолисидан** иборат 14 минг қўшин (улар орасида муҳожир суғдийлар бўлганлига шубҳасиз) ўз буддавий раҳномалари бошчилигига Суғд химоясида бўлишган. В-17<sup>1044</sup> ва В-18<sup>1045</sup> ҳужжатлари – Деваштичининг **Фуракнинг укаси Афарунга**<sup>1046</sup> йўлланган мактублардаги “чин (сун)дан келган чопар” ҳам Шарқий Турк хоқонлиги вакили бўлган. Қолаверса, 718-719 йилларда Хуросон ноиби Жарроҳ томонидан Кошғарга юборилган Йашкурий бошчилигидаги қўшин Шарқий турклардан катта талофат кўрган эди. Араблар товон эвазига турклар куршовидан чиқиб, Чочга қайтишганди<sup>1047</sup>.

Орадан бир йил ўтгач, 101 (719\720) йилда янги халифа Йазид II ибн Абдулмалик<sup>1048</sup>, Маслама ибн Абдулмаликни Шарқий вилоятларга, **Сайд Абдулазиз (Хузайна)**<sup>1049</sup> (101-103 / 720-722)ни эса Хуросонга ноиб этиб тайинлади<sup>1050</sup>. Умар II нинг ўлимини қулай фурсат деб баҳолангандан<sup>1051</sup> Фурак хирож йиғимини топширмай кўйди. Аммо у ҳарбий чоралар қўллашга журъат этолмасди. Чунки Суғддаги кучлар Фурак ва Деваштич ўртасида бўлиниб кетган, аксига олиб арабларнинг Деваштич

<sup>1039</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Рр. 203–205; Э. Шаванн фикрича, Фурак ва бошқа хоқимлар томонидан Хитойга юборилган мактуб 718 йилда йўлланган. Бироқ мактуб 719 йил санаси билан хитой манбаларида кайд этилган. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 213. Бизнингча, мактуб ҳақиқатдан ҳам 718 йилда ёзилган, лекин мактубни чопар 719 йилдагина Хитойга етказиб борган. Бунга сабаб Суғддан чиқиб кетишнинг мураккаблиги бўлган. Фатуфарн каби бу чопар ҳам вазиятни ўрганиб, кейин ҳаракат қиласи.

<sup>1040</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Р. 215.  
Бу даврда ҳалқ орасида “100 (718/719) – йилда “араблар қудрати интиҳо топади” деган, овоза ҳам тарқалган эди. Қаранг: Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 382, 384–387.

<sup>1042</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикета. – С. 10, 19; Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi’ne giriş. Cild I. – S. 75.

<sup>1043</sup> СДГМ II. – С. 91–104.

<sup>1044</sup> СДГМ II. – С. 115–123.

<sup>1045</sup> СДГМ II. – С. 123–126.

<sup>1046</sup> Афарунни Фуракнинг укаси эканлигини В.В. Бартольд Насафийнинг “Қандийа” асари асосида кўрсатиб ўтган. Унда “...Фуракнинг икки биродари бор, бирининг номи Тархун ва бирининг номи Афарун” дейилади. Қаранг: Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов / Соч. – М.: Наука, 1968. – Т. V. – С. 305.

<sup>1047</sup> Лившиц В.А. Правители Панча. – С. 63; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 12.

<sup>1048</sup> Тарихи Систан (“История Систана”). – С. 141.

<sup>1049</sup> Суғдийлар томонидан Сайд Абдулазизга “Хузайна” таҳаллуси берилган. Бу арабча *ywt'unh* – “малик” сўзининг суғдий ифодаси эди. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 41; Rosenberg F.A. Deux fragments sogdiennes-boudhiques du Ts'ieng-fo-Tong de Touen-huang (Mission S. d'Oldenburg 1914-1915) // ИРАН. – 1920. – Т. XIV. – С. 418.

<sup>1050</sup> История ат-Табари. – С. 175.

<sup>1051</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 68; История Самарканда. Том первый. – С. 80.

били муносабатлари яхшиланаётган эди. Ҳатто араб маъмурияти бу бўлинишни сақлаб туриш учун Деваштичнинг “подшоликка даъвоси”ни қўллашга ҳам тайёр эди<sup>1052</sup>. Бироқ Фурак ва унинг атрофидаги арабпаст аслзодалардан умидини узган Деваштич, истиочиларга курашда турклар, чочликлар ва фарғоналикларга суянди. Арабларнинг Деваштичга ҳайриҳоҳлиги эса Фуракнинг арабларга ишончини йўқотди. Натижада Фурак Суғддаги хокимиятни сақлаб қолиш учун яна кураш майдонига чиқди. У Суғд аслзодаларининг аксилараб қисмини турклар ёрдамида курашга отлантириб, турк-суғд иттифоқини тиклашга ҳаракат бошлади.

720 йили Сайд Абдулазиз (Хузайна) томонидан Самарқандга Шуаб ибн Зухайр ан-Нахшалийни ҳоким этиб тайинланиши қўзғолонга баҳона бўлди. Суғдий ва туркий қўзғолончилар билан Сайд Абдулазиз (Хузайна) ўртасида Қаср ал-Баҳилийдаги жангга Туркаш хоқони Сулухон ёрдам учун Курсул (Кулчур) Туркаш бошчилигига ўз қўшинини юборди. Курсул ва Фурак қўшинлари Самарқанддаги араб гарнizonини қамалга олди<sup>1053</sup>. Шуаб ибн Зухайр ўрнига Самарқандга ҳоким этиб тайинланган Усмон ибн Абдуллоҳ вактдан ютиш учун туркашлар ва суғдийлар билан битим имзолаб 40 минг дирҳам ва 17 та араб аслзодасини гаровга<sup>1054</sup> топшириди<sup>1055</sup>. Шу пайтда арабларга ёрдамга Хурсондан Самарқанддаги **турк-суғд иттифоқига** қарши ал-Мусаййаб ибн Бишр бошчилигидаги қўшин, араблар хизматидаги туркийлардан Фай<sup>1056</sup> ҳокими Турк хоқоннинг 300 та қўшини<sup>1057</sup> ва Сулаймон ибн Абу-Сари<sup>1058</sup> кучлари келаётган эди.

Табарий бу воқеани: “суғдийлар шартномани бузиб, мусулмонларга қарши туркларга ёрдам берди”,<sup>1059</sup> - деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу арабларга қарши курашга Фай мулкидан ташқари Суғднинг барча мулкларининг ҳокимлари қатнашиб, араб гарнizonига катта таҳдид солди. Араб қўшинлари товон пули эвазига жон сақлаб қолишга мажбур бўлди<sup>1060</sup>. Бу кураш **турк-суғд қўшинларининг** жиддий ғалабаси эди. Бироқ кураш ҳаракати давомий бўлмади. Чунки иттифоқчилар узоқ муддатли жанговар ҳаракатларга моддий жиҳатдан тайёр эмас ва **турк-суғд иттифоқига** нифоқ солишуви араб тарғиботи ишлаб турарди.

Сайд Абдулазиз (Хузайна)нинг Суғддаги бу мағлубиятидан сўнг халифалик маъмурияти 103 (721/722) йилида унинг ўрнига қаттиққўл ҳарбий қўмондонлардан бири **Сайд ал-Харашийни** тайинлади<sup>1061</sup>. У қўзғалончилар билан музокара олиб бориб, Фурак бошчилигидаги бир гуруҳ аслзодаларни яна арабларга ён беришга кўндириди. Бу гуруҳ **Деваштичга** қарши арабларга кўмак беришни ҳам зиммасига олди<sup>1062</sup>. Бошқа бир гуруҳ суғдийлар курашни давом эттиргани Деваштич хузурига –

<sup>1052</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С.63; Крачковский И.Ю., Крачковская В.А. Древнейший арабский документ. – С. 56; Якубов Ю.А. К вопросу о времени “правления Деваштича Согдом / ИООН АН Тадж. ССР, 1968. – № 1. – С. 81–82.

<sup>1053</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1054</sup> Бошка манбаларда 4 минг динор ва гаровга олингандар сони 14 та дейилади. Қаранг: Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 70. Манба: Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. Полный свод истории. Изб. отрывки / Пер. с араб., прим. и коммен. П.Г. Булгакова. Допол. к пер., прим. и коммен., введ. и указ. Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – С. 44. Бизнингча, Табарий маълумотлари ҳақиқатга яқин. Қаранг: История ат-Табари. – С. 177–178.

<sup>1055</sup> История ат-Табари. – С. 177–178; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 70; Gibb N. A. R. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 61; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 217–218.

<sup>1056</sup> Т. Қодирова Кий деб, хато келтирган. Қаранг: Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 70. Суғдда бундай жой номи йўқ.

<sup>1057</sup> История ат-Табари. – С. 178.

<sup>1058</sup> Крачковский И.Ю., Крачковская В.А. Древнейший арабский документ из Средней Азии / Изб. соч. Т. I. – С. 189.

<sup>1059</sup> История ат-Табарии. – С. 183; История Самарканда. Том первый. – С. 84

<sup>1060</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 24.

<sup>1061</sup> История ат-Табари. – С. 183–184; Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 27.

<sup>1062</sup> Джалалов А. Согд накануне арабского нашествия. – С. 36–37.

**Панчга чекинди.** Гуракнинг ён босиши Деваштичнинг Суғддаги нуфузини янада ошириди. У озодлик курашини ўз тасарруфидаги Суғд шарқида давом эттириди<sup>1063</sup>. Ўз вилоятидаги барча ҳарбий ва моддий заҳираларини иш юритувчиси - **фрамандар** Ўтт ёрдамида курашга сафарбар қилди. Бу даврдаги (720-722) вазият ҳақида Муғ архивининг А-9 ҳужжати – “қўшни ҳокимлиқдаги аҳвол тўғрисида Деваштичга хуфия томонидан ёзилган ахборот”,<sup>1064</sup> маълумот беради. Ахборотчи Паргар вилояти, Буттам, Хўжанд, Уструшонадаги аҳвол, мудофаага жалб қилинган 14 минг ҳимоячи, Шавкат<sup>1065</sup> шахрида ўз лашкарбошчиси билан мухолиф кучлар<sup>1066</sup> турганлиги ҳақида ёзади. Мактуб муаллифи ўз ваколатидан келиб чиқиб, Шавкатдаги мухолиф кучларга қарши пиёда аскарларни жўнатганини баён қилиб: “(Сен) Паргардаги катта (яҳши) ерларни унга ташлаб кетмагин, чунки лашкарбоши сенгача етиб бормайди”, - деб ёзади. Мактуб мазмунидан қўринадики, Шавкатдаги куч Деваштич рақиблари бўлган. Шу боис уларга қарши пиёда қўшин жўнатилиб, хавотир бартараф этилган. Мактуб эгаси бу ҳақда Деваштични огоҳ қилиб, мактубни: “ Ва, жаноб (Деваштич) янги гап-сўзлар(га эътибор берма) ... бундан хавотир олма”,<sup>1067</sup> - деб тугалланган.

Деваштич Панчдаги ва қўшни мулклардаги вазиятни назоратда тутишга ҳаракат қилган. Жумладан, **Nov. 2.** рақамли ҳужжатга<sup>1068</sup> кўра, Партан ҳокими Ревахшйон: “...Ва жаноб, сенинг кучинг туфайли биз, тўла хавфсизликдамиз” деб ёзади. Мактуб орқасига эса: “Жаноб - ҳукмдор ҳар қандай буйруғинг бўлса... тортинма ...буйруғини бош устига қабул қиласан”, - деб ўзини Деваштичга содиқлигини билдирган. Бундан ташқари В-10 ҳужжатда, Деваштичга номи сақланмаган бир мулозим мактуб йўллаб, ўз мулкида бўлган воқеаларни баён этади ва “яна қандай воқеалар бўлса, хабар бериши”ни маълум қиласи<sup>1069</sup>. Шундан қўринадики, Деваштич ўз тасарруфидаги мулкларни тўлиқ назоратга ола бошлаган. Бунда айниқса, истило арафасида Деваштичнинг рақиби Ғуракнинг укаси Афарун билан муносабатлари мухим ўрин тутади. Ҳусусан, **B-17 ҳужжати**<sup>1070</sup>да келтирилишича, Деваштич ўзини “турк ҳоқонининг вассали” деб билган вақтлардаги воқеалар баён этилган. Ҳужжатда Фарғона ҳукмдорининг ҳарбий лашкарбошчиси (ш’уқн) Суғдга етиб келган. Аммо Деваштич бу лашкарбошига нимагадир шубҳа билан қараган. Агар А-14 ҳужжати битилган пайтда (712-714) Фарғона ҳукмдори ва Деваштич ўртасида иттифоқ мавжуд бўлган бўлса, В-17 ҳужжати битилган 720-722 йилларда Фарғона билан Панч ҳокимлиги ўртасидаги муносабат ўзгарган. Мактубдаги Деваштичга ёрдамга келган хун - ғўн (турк ёки туркаш) ва чин – сун (шарқий турк) ҳарбий отрядлари ҳақидаги маълумотлар VIII аср бошларида содир бўлган ҳарбий-сиёсий аҳволни оидинлаштиради. Ҳужжатдаги **Деваштич – Афарун муносабатлари** эса мазкур вазиятни тасаввур қилиш имконини беради. Деваштич ўз рақиби Ғуракнинг укаси Афарунга юмшоқроқ муомалада бўлган. У Афарунга буйруқдан кўра, илтимос оҳангода номалар битган. Чунки таҳлиқага тушган ҳокимлар, истаган пайтда Ғурак каби арабларга ён босиши мумкин эди. Уларни тинчлантириш мақсадида Деваштич, турклардан ҳарбий ёрдам келаётгани ва иттифоқчилар билан имзоланган шартномалар тўғрисида хабарлар ёзиб турган. **Хахсар**<sup>1071</sup> ҳокими Афаруннинг акаси Ғурак билан эмас, унинг рақиби Деваштич билан иттифоқи катта сиёсий ютуқ эди.

<sup>1063</sup> Vaissire de la E. Histore des marcands Sogdiens. – P. 244–245.

<sup>1064</sup> СДГМ II. – С. 91–104; Холматов А. Илк ўрта асрларда Суғдда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида // О’zbekiston tarixi. – 1999. – № 3. – Б. 14–16.

<sup>1065</sup> Шавкат – Уструшона билан Хўжанд оралиғидаги қадимги шаҳар.

<sup>1066</sup> Бизнингча, Ғурак тарафдорлари ҳақида гап бормоқда.

<sup>1067</sup> Исҳоқов М.М. Унтуилган подшоликдан хатлар. – Б. 49–50.

<sup>1068</sup> СДГМ II. – С. 104–106.

<sup>1069</sup> СДГМ II. – С. 106–108.

<sup>1070</sup> СДГМ II. – С. 115–118.

<sup>1071</sup> Хахсар – ғ’яср – Булоқ боши, Самарқанддан 2 фарсах масофдаги йирик мулклиқ.

Афарун билан илиқ алоқалар Деваштич фойдасига ҳал бўлаётганди. Аммо Афарун баъзида Деваштичга маъқул келмайдиган харакатларга ҳам қўл урган. Бу ҳақда В-18 хужжатида<sup>1072</sup>: “Гап шундай: агар сен аҳмоқлик ва қайсарлик қиласан (?) ... (сени) бундай ишга йўламаслигим (5) керак эди”, - дейди Деваштич. Хужжатга кўра, Афарун хоқон хузурига элчи бўлиб бориб, “кўрқоқлиги туфайли ўзбошимчалик қилган”. Шу боис Деваштич унинг ўрнига бошқа элчиларни юбориб, унга: “...юқорига бошқа элчиларни юбораман, сен эса менинг олдимга қайтасан”, - деб буюрган. Мактуб сўнгида: “Фақат ўзингча мўъжиза яратма: чин (шарқий турк) чопарини (?) ўзим олдинроқ юборишни (буюргандим), хоқонга уни элчи қилиб юбор дегандим. Агар сен уни жўнатмаган бўлсанг, жўнатмай тур ва (хоқонга) мактубни ҳам юборма...” деб, Деваштич Афарундан ҳам илтимос, ҳам талаб қилган. Бу икки шахс 722 йилдаги Кум жангидаги ёнма-ён ҳарбий харакатларни амалга оширган ва бирга Муғ қальясига чекинишган. Муғ архивидаги Ревакнинг Афарун номига ёзган иккита мактуб (В-14, В-16 хуж.)нинг сақланиши Афарунга тегишли айрим хужжатларнинг Деваштич архивидан жой олганини<sup>1073</sup> кўрсатади. В-14 хужжатида Ревак “араблар хавфидан кутилганлигини ва **миллион (!) дирҳам** рад этилганини” баён этади. Ушбу ҳажмдаги пул миқдори, В.А. Лившиц фикрича, 712 йилги “Самарқанд шартномасига” оид<sup>1074</sup>. Шартноманинг форсий матнида шунча пул миқдори кўрсатилган<sup>1075</sup>. Демак, Ревак Афаруннинг акаси Ғурак хузуридаги вакил бўлиб, у ердаги воқеалардан Афарун ва Деваштични хабардор қилиб турган.

720-722 йиллар сиёсий воқеалари Муғ архи **1.1 хужжати** орқали янада ойдинлашади. Бу хужжат Кеш ва Насаф юришларидаги қўмондонлардан бири Абдураҳмон ибн Субҳ ал-Харақонийнинг Деваштичга мактубидир. Мактуб: “Яратилган борликни ўзида мужассам этган худо номи билан - “рӯ n’m βγп δ’тδ’nk”<sup>1076</sup>. Амир **Абдурраҳмон ибн Субҳ**дан Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори Деваштичга” деб, бошланган. Мактубга кўра, араблар Ғурак билан муросалари келишмаган пайтда Деваштични қўлга олишга харакат қилганлар. Деваштични “Суғд подшоси ва Самарқанд ҳоким”лигига даъвоси тан олингандек иш тутиб, Деваштичининг Тархуннинг фарзандларига оталифидан араблар унумли фойдаланганлар<sup>1077</sup>. Хужжатга кўра, Деваштич вакиллари Нижитак ва вағнпат Кўрчи Саид Харашийдан Субҳга мактуб келтиришган. Абдураҳмон ибн Субҳ эса Саид Харашийдан кўрсатмалар олиб тургани боис, Деваштичининг аввалроқ Саид Харашийга йўлаган мактубини кўрмаганини айтади. Саид Хараший эса жавоб мактубини ҳам Деваштичга, ҳам Субҳга ёзган, чунки хужжатда: “Сен (Деваштич)га (амир Хараший) хат ёзган бир вақтда, менга ҳам ўша киши (котиб) ёрдамида хат ёзган”, - дейилади. Шу билан бирга Деваштичга ўзбошимчалик қилмасдан “Агар сен ўз ташаббусинг ва ироданг билан амир (Хараший)га қачон бўлмасин шу тарзда хат ёзмоқчи бўлсанг, (у ҳолда) менга ҳам (айнан) шундай хат ёзгин,” дейди. Ҳамда **“Нижитак ва Кўрчи коҳин** орқали амир оғзаки жавоб йўллагани” айтилади. Субҳ Деваштичга кўрсатма бериб: “Сен энди бундай қилгин: улардан амирнинг хатини олиб, амирдан келтирган оғзаки жавобни (ҳам) диққат билан тинглаб, доимо унга амал қилгин. Ҳеч қачон, ҳеч бир ҳолатда бошқача йўл тутма.... Агар, мабода

<sup>1072</sup> СДГМ II. – С. 123–126.

<sup>1073</sup> СДГМ II. – С. 124.

<sup>1074</sup> СДГМ II. – С. 131.

<sup>1075</sup> Смирнова О.И. К истории Самарканского договора 712 г. – С. 57–81.

<sup>1076</sup> М.М. Исҳоков фикрича, мактуб дастлаб араб тилида битилган. Сўнг сүфдий котиб томониан суғд тилига ўтирилган. Исломий “Бисмилоҳ ир-раҳмон ир-раҳим” каломини котиб сүфдий шаклда тарзида келтирган. Аслида сүфдий хужжатчиликда бу каби бошланув ишлатилмаган. Қаранг: Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 35.

<sup>1077</sup> Исҳоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 36.

амирнинг буйруғини ҳозироқ бажармас экансан, тез орада амирдан яна бошқа кўплаб буйруқлар келади”, - деб таҳдид солади. Чунки Абдураҳмон ибн Субҳ 102 (720/721) йилларда Суғдда фаолият юритиб, Сайд Харашийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилиб турувчи вакили бўлган. Бироқ Деваштич шахсан ўзи Сайд Хараший билан боғланишга ҳаракат қилган ва Нижитак ҳамда коҳин Кўрчини унинг хузурига юборган. Аммо Деваштич ўз вакилларига етказилиши керак бўлган “махфий гап”ларни оғзаки баён қилишни топширган. Ҳатто Сайд Хараший ҳам Деваштичга ошкора жавоб хати ёзишдан чўчиган<sup>1078</sup>. Чунки бу мактублар Ғурак ёки бошқа аскилараб кучлари қўлига тушиб қолиши мумкин эди. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Деваштич Хараший билан ўз томонида **Нижитак ва коҳин Кўрчи** билан ва араблар эса Субҳ орқали боғланган. Бизнингча, Деваштичнинг мақсади арабаларга ён босиш эмас, фақат **Тархун болаларининг оталиғи – регенти** сифатида таҳтга бўлган даъвосини мустаҳкамлаш ҳисобланган.

Деваштичнинг Субҳ йўллаган мактубга муносабати маълум эмас, аммо Суғддаги вазият Сайд Хараший ноиблигидан сўнг тубдан араблар фойдасига ўзгарган. Ғуракнинг “ён босиш сиёсати”дан сўнг, Деваштичнинг кураш майдонига чиқиши табиийдек кўринади, аммо Деваштич Ғурак каби нуфузга ва ҳарбий салоҳиятга эга эмасди. Шу боис у доимо Фарғона, Чоч ва турклардан умид қилиб ҳаракат қилган. У Суғдга турклар ёрдам беришига ўзини ва иттифоқчиларини ишонтирган. Қолаверса, Ғурак ва Деваштич ўртасидаги зиддиятда Сайд Харашийнинг ҳам қўли бор эди. Суғддаги бўлинининг яна бир сабаби, Сайд Харашийнинг Суғдга “ёрдамга келган туркларнинг суғдийларни қатағон қилиш” ҳақидаги уйдирмаси ҳам айрим Суғд аслзодаларини таҳлика солди. Шу боис бир гурух Суғд аслзодалари араблар билан келишиб, уларга итоат қилишни ва тўланмаган хирож солиғини тўлашни,<sup>1079</sup> зарур пайтда истилочиларга Суғддаги “коғир”ларига қарши юришларида кўмак беришни зиммаларига олдилар<sup>1080</sup>. Шундай қилиб, Ғурак тарафдорлари бўлган 10 минг киши Самарқандда қолишид<sup>1081</sup>. Йирик заминдор ва савдогарлардан иборат арабларга итоат қилишдан бош тортган иккинчи гурухга Ғуракнинг арабларга таслим бўлиб, хирож тўлаш тўғрисидаги таклифини рад этганлардан бири Иштихон ҳокими **Корзанч** ва унинг жияни Чаланч бошчилик қилди<sup>1082</sup>. Гурухда Кашшин, Бойорқат ва Собит исмли аслзодалар ҳамда уларнинг қўл остидаги одамлари бўлган. Улар **Хўжанд** орқали ўтиб, **Фарғонадан** паноҳ топишни мақсад қилиб, Фарғона подшоси **Алутар** (араб. ат-Тар, хит. A-leao-ta – Аляода)дан Фарғона шаҳарларидан бирига киришлари учун ижозат сўраб мактуб йўллаган. Аммо Алутар ўз онасининг маслаҳати билан ва Сайд Харашийнинг суғдийларни таъқиб қилиб келаётганини билгач, суғдийларга ёрдам беришдан бош тортади<sup>1083</sup>. Аммакивачаси, таҳт вориси - **Исфара** ҳокими Нилан-Балазни<sup>1084</sup> Сайд Хараший хузурига – Рих қасрига юборди<sup>1085</sup>. Сайд Хараший воқеадан огоҳ бўлгач, Абдураҳмон ал-Қушайрий бошчилигидаги қўшинни Ниланга қўшиб Хўжандга жўнатди. Алутардан рад

<sup>1078</sup> Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). – С. 62; СДГМ II. – С. 110.

<sup>1079</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху арабского нашествия. – С. 241–242.

<sup>1080</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 241.

<sup>1081</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 240; История ат-Табари. – С. 185; Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 27–28.

<sup>1082</sup> История ат-Табари. – С. 184; Якубовский А.Ю. Итоги работ Согдийско–таджикской экспедиции // МИА. – М., 1950. – № 15. – С. 30–40.

<sup>1083</sup> История ат-Табари. – С. 185; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 242. Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 25.

<sup>1084</sup> Нилан ва Фарғона подшоси Алутар туркийлардан эканлигини О.И. Смирнова Табарийга сунянган холда: “У (яни Нилан) ҳозирги подшо Алтучўрнинг отаси” ибораси билан изоҳлади. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 256.

<sup>1085</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 246; История Самарканда. Том первый. – С. 86.

жавобини олган сұғдийлар вактингалик бирор ерда күниб топиб, Саид Хараший билан музокаралар олиб бориша уларни қўллаб-куватлашини сўради<sup>1086</sup>. Саид Хараший эса, Алутардан қочқин сұғдийларни тутиб беришни талаб қилди. Алутар бу вазифани 20-40 кун орасида бажара олишини айтиб, сұғдийларни Исфара туманидаги **Исама ғорига** жойлаштирадиган бўлди<sup>1087</sup>. Саид Хараший юборган қўшинлар келаётганидан хабар топган Корзанч олдида уч йўл турарди: биринчиси, ал-Қушайрий қўшинлари билан жанг қилиб, Саид Харашийни ўз ниятидан қайтариш; иккинчиси, қимматбаҳо совға-саломлар юбориб, Саид Харашийнинг шартларини қабул қилиш; учинчиси, Чоч (Сирдарё) дарёсидан ўтиб, гарбий турклар пойтахти бехавотирроқ Суёб шахрига чиқиб кетиш эди<sup>1088</sup>. Гурухнинг бошқа раҳбарлари Алутарнинг ҳимоясига ишониб, Корзанч таклифларини рад қилди. Уларнинг аксарияти савдогар ва заминдорлар бўлиб, истилочиларнинг ўлжага ўчлигидан фойдаланиб, бу вазиятдан ўз бойликлари орқали чиқиб кетишга ишонардилар<sup>1089</sup>. Чунки тилла камарлар таққан бу зодагонларнинг аксарияти воқеалар гувоҳи Собит Кутна маълумотига кўра, асосан туркий маликлари эди<sup>1090</sup>. Демак, Корзанч раҳбарлигидаги сұғдийларнинг катта қисми Суғднинг туркий аслзодалари ва мулкларнинг ҳокимлари бўлишган.

Корзанч гуруҳи Хўжандни тарк этмай, **Нилан** ортидан Абдураҳмон ал-Қушайрий бошчилигидаги араб қўшинлари етиб келган. “Собит Иштихоний томонидан бир араб аёли ўлдирилиб, девор тагига қўмилган”и ҳақида тухмат баҳона араблар сұғдийларга ҳужум бошлайди<sup>1091</sup>. Суғдийлар ўзларини ҳимоя қилиб, Хўжанд қалъасига яширишади. Корзанч ва унинг чокарлари арабларга ҳужум қилиб, уларнинг қурол-яроғларини тортиб олишга ҳаракати самарасиз кетди. Натижада Саид Хароший кўрсатмаси билан сұғдийларга нисбатан қирғин уюштирилди. Суғдийлар қуролсиз, оддий ёғоч сўйиллар билан душманга қаршилик қилдилар. Фақат 400 савдогар ўз жони эвазига “хун тўлаб” омон қолди<sup>1092</sup>. Суғдийларга ҳайриҳох бўлган хўжандликларнинг бўйинларига эса тахқиромуз қўроғшин тамға осилди. Қирғинда сұғдий ва хўжандликлардан тахминан 300 дан 700 гача, жумладан, Корзанч, Собит Иштихоний ўлдирилди<sup>1093</sup>. Ҳатто Саид Хараший Фарғона ҳукмдорини ҳам жазолаб, ундан 100 минг динор, 50 та ғулом<sup>1094</sup> ва 50 та канизак талаб қилди. У ўлпон ундиргач, Самаркандга йўл олди. Аммо Фарғона ҳукмдори бу ноҳақлигига чидолмай, 50 минг қарлуқлардан иборат қўшин билан тунда арабларга ҳужум қилиб, берган ўлжаларини қайтариб олди<sup>1095</sup>.

Мазкур даврнинг мураккаб воқеалари ҳақида Муғ архивининг **B-17 ҳужжатидан** ҳам маълумот олиш мумкин. Деваштичнинг Хахсар ҳокими Афарунга мактубда:

<sup>1086</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 25.

<sup>1087</sup> История ат-Табари. – С. 185; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 242–243; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 25; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 73.

<sup>1088</sup> История ат-Табари. – С. 185; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 25; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 74; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1089</sup> Байҳаки, Абу-л-Фазл. История Мас’уда (1030-1041). Пер. с перс., введ., комм. и прил. А.К. Арендса. – М.: Наука, 1969. – С. 435.

<sup>1090</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 74; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 246.

<sup>1091</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 75.

<sup>1092</sup> История ат-Табари. – С. 188; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 76.

<sup>1093</sup> История ат-Табари. – С. 188; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 256; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 76; Якубовский А.Ю. Вопросы периодизации истории Средней Азии в средние века (VI-XV вв.) // КСИИМК. – 1949. – Т. XXVIII. – С. 34–36.

<sup>1094</sup> Ғулом - асосан аслзодалар учун хизмат қиладиган ҳарбийлар гуруҳи. IX-XII асрларга келиб, айрим ғуломлар хаттони ўз хўжайнларидан ҳам кучайб кетганлар.

<sup>1095</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 77.

“Фарфона подшосидан апвох руч куни Ғўанакка<sup>1096</sup> ҳарбий бошлиқ келди, мен хозир уни ушлаб турибман”, - дейилади. Фарфона подшосининг ҳарбий бошлиғи – қўмондонининг “ушлаб турилиши” Фарфона ҳукмдорининг Панч ҳокими Деваштич билан эмас, балки Самарқанддаги Суғдинг қонуний подшоси Ғурек билан муносабат ўрнатганга ишора беради. Шу боис Деваштич ўз иттифоқчиси Ғуракнинг укаси Хахсар ҳокими Афарунни<sup>1097</sup> бу хақда огохлантирган. Воеалар баёни тахминан 719-720 йилларга тўғри келади.

Хурросон ноиблари маҳаллий халқлар (асосан, Насаф, Кеш, Хоразм)дан тузилган қўшинлардан ўлкадаги қўзғолонларни бостиришга фойдаландилар. Жумладан, Деваштични енгишда ҳам шу усул қўлланилди. Ал-Мусайиб билан бўлган жанглардан сўнг Деваштич чиқиб бориш қийин бўлган, уч тарафдан Қум дарёсининг баланд даралари билан, бир тарафдан Зарафшон дарёси билан ўралган **Муг – Абгор қалъасидан**<sup>1098</sup> паноҳ топган эди. Деваштични бартараф этишда Саид Хараший бану увафа қабиласи мавлоси Сулаймон Абусари, маҳаллий қўмондонлар Шавкар ибн Хумайк (Жамук) ҳамда хоразмшоҳ Чагон, Ахарун ва Шуман ҳокими Ғурам қўшинларидан фойдаланди<sup>1099</sup>. Узоқ қамалдан сўнг Саид Хароший топшириғига биноан Сулаймон Абу-Сари Деваштич билан музокараларга киришди. Сулаймон Абу-Сари Деваштичга ўзи, сафдошлари ҳамда уларнинг оилалари даҳлсизлиги сақланишни ваъда берди. Шунга кўра, Деваштич ал-Мусайиб билан бирга Саид Хароший хузурига жўнатилди. Шартномага мувофиқ, юз оила озод қилиниб, Деваштич тарафдорлари қаршиликни тўхтатишган эди. Саид Хараший Ғуракнинг қароргоҳи Рабинжонда Деваштични Суғд аслзодалари қўлига топширишга қарор қиласди. Ҳатто ўша даврда Шарқий вилоятлар ва Ироқ ноиби бўлган Умар ибн Хубайрнинг адолат юзасидан Деваштични авф этилиш ҳақидаги талабига қарамай, Саид Хараший **Деваштични Рабинжондаги зардуштийлар ибодатхонасида** хочга михлаб қатл эттириди. Уни дағн этмоқчи бўлган рабинжонликларга “қиличдан ўтказиш” билан таҳдид солди. Деваштичининг боши Шарқий вилоятлар ва Ироқ ноиби Умар ибн Хубайрга, чап кўли эса, Деваштични бартараф этишда иштирок этган, эндиликда Тоҳаристондаги маҳаллий исёнкор ҳокимларга карши курашаётган Сулаймон Абу-Сарига юборилди<sup>1100</sup>. Бу ваҳшийликдан чўчиган маҳаллий ҳокимлар, жумладан Хузорнинг туркий ҳокими **Субуғро**<sup>1101</sup> ҳам араблар билан муроса қилишга мажбур бўлди. Аммо Саид Хараший уни ҳам Деваштич каби ҳийла билан қўлга олиб, Майдон деган жойда қатл эттириди<sup>1102</sup>. Бу арабларнинг рақибларни жисмоний тугатишнинг Саид Хараший бошлаган мунофиқона режаси эди. Шу йўл билан ҳокимларни бўйсундириш ва исёнларни олдини олиш мумкин деб ўйларди. Унинг бу ҳаракатини ҳатто халифалик маъмурияти ҳамда Шарқий вилоятлар ва Ироқ ноиби Умар ибн Хубайр ҳам маъқулламади. Шу боис, 104 (722/723) йилда Саид Хараший ўрнига Муслим ибн ал-Килабий ноиб этиб тайинланди<sup>1103</sup>. Бироқ Саид Хараший ўз ноиблиги даврида, яъни 723 йил кузигача Мовароуннаҳрнинг асосий қисмида

<sup>1096</sup> Бу ерда Ғўанак – “гуноҳкор” маъносидан Суғд подшоси Ғуракка нисбатан қўлланилган бўлиши мумкин. Чунки 712 йилдаги “Самарқанд шартномаси” уни гуноҳкор дейишга асос берарди.

<sup>1097</sup> СДГМ II. – С. 119–121.

<sup>1098</sup> Фрейман А.А. Находки согдийских рукописей и памятников материальной культуры в Таджикистане. – С. 11; СДГМ I. – С. 8; Васильев Н.А. Согдийский замок на горе Муг // СС. – Л., 1936. – С. 30–31.

<sup>1099</sup> История ат-Табари. – С. 189.

<sup>1100</sup> История ат-Табари – С. 189–190; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 254; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 78; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 26.

<sup>1101</sup> Табарийда Сабқари тарзида берилган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 190; Аслида бу шахснинг Субуғро эканлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 40; Бобоёров F. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳакида. – Б. 78.

<sup>1102</sup> История ат-Табари. – С. 190; СДГМ II. – С. 85, 91–104; Смирнова О.И. Очерка из истории Согда. – С. 255; Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – Pp. 148, 291, п.3.

<sup>1103</sup> История ат-Табари. – С. 190.

Халифалик ҳокимиятини ўрнатди. Бу ҳокимиятни Суғд ҳукмдори Ғурак ҳам тан олишга мажбур бўлди<sup>1104</sup>.

105 (723/724) йилдан истилочиларига қарши кураш майдонига араб найранглари қурбони бўлган **Фарғона ҳукмдори Алутар** чиқди<sup>1105</sup>. Бу пайтда Хурасон ноibi бўлган Муслим ибн ал-Килабий (104-106/723-725) аввал турклар, сўнг Уструшона афшини устига юриш қилиб, 3 минг бош чорва эвазига сулҳ тузди. Сўнг Фарғона томонга юришини давом эттириди. Бундан хабар топган **Туркаш ҳоқони Сулухон** (717-738) қўшинлари фарғоналикларга ёрдамга шошилди<sup>1106</sup>. Уни араблар **Абу Музҳим**, яъни **Сузагон** деб аташарди<sup>1107</sup>. Муслим ибн ал-Килабий ўз хуфияси орқали туркашлар ҳақида хабар топгач, ўзини Сулухонга рўбарў бўлишдан олиб қочди. Лекин туркашлар араб аръергардига<sup>1108</sup> хужум қилиб, кўплаб ўлжаларни қўлга киритди. Манбаларга кўра, жангларда араблар томонида бўлган Ғуракнинг укаси ҳам ўлдирилади<sup>1109</sup>. Туркаш ҳоқони қўшини таркибиға Фарғона ва Чочдан ҳарбий кучлари келиб қўшилгач, 20 минг туркаш, суғдий, чочлик ва фарғоналик қўшинлар туркаш шаҳзодаси бошчилигига арабларни Самарқандгача таъқиб қилиб борди. Бу ҳақда хабар топган халифа Хишом ибн Абдулмалик (105-125/ 724-743) шу ўили (105-723/724) Хурасон ноibi Муслим ибн ал-Килабий ўрнига Асад ибн Абдуллоҳни (106-109/724-728) тайинлади. Бу пайтда Фарғона таҳтида Алутар ўрнини аммакивачаси Нилон (Алтичўрнинг отаси) эгаллади<sup>1110</sup>.

Мазкур йилларда иттифоқчилар, хусусан **турк-суғд қаршилик ҳаракати** ўз курашини тўхтатмади. Натижада Мовароуннахрда муваффақиятга эриша олмаган Асад ибн Аблуллоҳ ўрнига 109 (727/728) йилда халифа Хишом Хурасон ноиблигига Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламийни (109-111/727-729) тайинлади. У исёнларни бостириш ва ахолини тинч йўл билан исломга киритиш мақсадида, Мовароуннахр ахлини исломга даъват этиб, мусулмонларни жизъя солигидан озод қилишни ваъда қилди. Айрим маҳаллий аҳоли вакиллари исломга ўта бошлади. Аммо ноиб ўз ваъдасида турмай мусулмонлардан жизъя солиги олишни давом эттириди. Бу эса яна норозилик кайфиятини қучайтириди<sup>1111</sup>. Энди маҳаллий аҳоли на арабларнинг ва на Ғуракнинг ҳокимиятини тан олмай қўйди. Аслзода суғдийларнинг бир қисми Туркаш ҳоқони Сулухон томонга **Сүёбга** чиқиб кета бошлади<sup>1112</sup>. Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий вазиятни ўнглаш мақсадида “араблар ва араб бўлмаганлар мусулмонлар хуқуқини тенг” деб, эълон қилди. Ноараб мусулмонлардан хирож ва жизъя солиги олиш тўхтатилди. Ихшид Ғурак ва бухорхудот Туғшодалар хирож тўламаслигини маълум қилдилар. Бу сиёsat асосчиси **Солих ибн Тариф - Абу Саид**

<sup>1104</sup> История Самарканда. Том первый. – С. 90.

<sup>1105</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 80.

<sup>1106</sup> История ат-Табари. – С. 199.

<sup>1107</sup> История ат-Табари. – С. 242; Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья. – С. 34; Караев О.К. Арабские источники. – С. 92; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1108</sup> Аръергард (фр.artière-garde) – қўшин ортидаги қўриқчи қисм, юриш чоғида қўшиннинг орт томондан бўладиган хужумлардан муҳофаза қиласи. Бу қўриқчи қисм асосий кучлар ва душман ўртасидаги муайян масофада вактдан ютиш учун душманин чалғитиб турган. Асосий кучларнинг ҳаракатига замин яратган. Шу билан бирга аръергард асосий кучлардан бўйруқ кутмай ҳарбий тўқнашувга мустасил киришган.

<sup>1109</sup> История ат-Табари. – С. 199; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 80. Манбада келтирилган Ғуракнинг укасининг исми айтилмаган. Бизга маълум бўлишибча, Ғуракнинг укаси Афарун Деваштич билан бирга Муғ қальаси қамалида бўлган. Унинг кейинги тақдирни номаълум эди. Юқоридаги маълумотлар масалага бироз ойдинлик киритади. Табарий маълумотига асосланадиган бўлсак, Афарун 723 йилдаги жангда халок бўлган. Аммо унинг араблар томонида жанг қилгани шубҳа ўйғотади.

<sup>1110</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 256.

<sup>1111</sup> История ат-Табари. – С. 208.

<sup>1112</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 82; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109..

эди<sup>1113</sup>. Ашраснинг бу ислоҳатлари хазина тушумини камайишига олиб келди. Яна Хуросон ноиби Жарроҳ ибн Абдуллоҳ даври (717-719 йиллар)даги каби жизъя солиғи олмаслик учун исломни қабул қилганлардан Куръони каримни ёд билишни ва хатна қилдиришни шарт қилиб қўйди. Абу Саиднинг исломни қабул қилганлардан хирож йиғишни таъқиқлаш ҳақидаги талабига қарамай, ноибнинг молия ишлари бўйича омили Хани ибн Хани Ашрас кўрсатмаси билан хирож йиғишни давом эттириди<sup>1114</sup>. Натижада, исломни қабул қилган, лекин хирож тўловидан бош тортган 7 минг суғдий Абу Саид бошчилигида Самарқанддан етти фарсаҳ масофадаги тўплоқ (лагер)ка жойлашди. Уларга бир неча араб қўмондонлари ҳамроҳ бўлди. Вазиятни қўлдан чиқармаслик учун Ашрас топшириғи билан Абу Саид қўлга олиниб, Марвга олиб кетилди ва зинданбанд этилди. Исёнчи арабларга **Абу Фотима** бошчилик қилди<sup>1115</sup>. Ашрас ноилож уларга ён босишга мажбур бўлиб,<sup>1116</sup> Хани ибн Ханига Суғд аслзодаларини хирождан озод қилишни ва имтиёзлар беришни буюрди<sup>1117</sup>. Шундан сўнг Абу Фотима Самарқандга қайтди.

Сулаймон Абу-Сарининг Ханига ёрдамчиси этиб тайинланиши аввалгидек солиқ сиёсати давом этирилишига олиб келди. Суғдда яна қўзғолон кўтарилиб, Самарқанд ва Дабусиядан ташқари барча мулклар қўзғалончилар томонидан эгалланди<sup>1118</sup>. Ашрас Мовароуннаҳрга 10 минг кишилик Катан ибн Қутайба бошчилигидаги қўшинни юборди. Аммо бу қўшин Суғд, Бухоро ва турк (туркаш) қўшинлари томонидан тор-мор этилди. Турк (туркаш)лар Амударёдан ўтиб, Ашрас тўплоги (лагери)га ҳужум уюштиргач, Ашрас “ғазоват” эълон қилиб, катта қўшин билан Амударёдан ўтди. У Бухоро яқинида каолицион куч (туркаш, суғдий, бухоролик, чочлик ва фарғоналик)лар билан тўқнашиб, Амударё томон чекинишга мажбур бўлди. Фақат бир қисм араб қўшинлари **Хорис ибн Сурайж** ва Катан ибн Қутайба бошчилигига Бухоро томонга юрди. Бухорхудот қасри яқинида турк суворийлари Ашрас гвардиясини қуршовга олди. Аввалига Ашрас томонида бўлган Ғурак вазиятдан фойдаланиб Сулухон қўшинларига бориб қўшилди. Шундан сўнг Ашрас, Катан ибн Қутайба гуруҳи билан Самарқанддаги **Наср ибн Сайёр** гарнizonига қўшилишга харакат қилди<sup>1119</sup>. Аммо улар турк-суғд қўшинлари сикувидан сўнг Самарқандга этиб бормай Камаржа қалъасига жойлашди. Туркларнинг қалъани қайтариб олиш ҳаракатини **Ғуракнинг ўғли Мухтор** отасининг тақдирини ўйлаб тўхтатди ва у томонларни келишувга эриштириди. Шартга кўра, арабларнинг бир қисм қўшини Сулухонга, туркларнинг **Курсул** бошлиқ бешта қўшини эса арабларга гаров сифатида топширилди. 58 кунлик Камаржа қамали бўшатилиб, Ашрас эълон қилган “ғазоват” мағлубият билан тугади<sup>1120</sup>. Ашрас нафакат ҳарбий, балки сиёсий

<sup>1113</sup> Абу Саид Солих ибн Тариф – банну дабба қабиласи мавлоси, нуфузли диний раҳнома сифатида Ашрас томонидан суғдийлар орасида исломни тарғиб қилишга, 728 йилда юборилган. Унинг ташаббуси билан Самарқанд ва Бухорода масжидлар курилган. Қаранг: История ат-Табари. – С. 391 (указ.); Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 82; Балзури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 428–429.

<sup>1114</sup> История ат-Табари. – С. 209; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 83; Балзури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 28–29.

<sup>1115</sup> История ат-Табари. – С. 209–210; Абу Фотима ал-Ияди ал-Аздиий Хуросон ноиби Ашраснинг Суғддаги соиқ сиёсатига карши чиққанлардан бири бўлиб, Абу Саид тарафдори эди. 117/735 йилда ўлдирилган.

<sup>1116</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 247–248; История Самарканда. Том первый. – С. 92..

<sup>1117</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 84.

<sup>1118</sup> Камолиддинов Ш.С. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии: к биографии Сулаймана ибн Абу-с-Сари / Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. – Самарқанд–Бишкек: МИЦАИ, 2005. – С. 203–209.

<sup>1119</sup> История ат-Табари. – С. 211–212; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 85; Vaissire de la E. Histoire des marcands Sogdiens. – Р. 239.

<sup>1120</sup> История ат-Табари. – С. 216–217.

жиҳатдан ҳам Мовароуннахри бой бериб қўйди. Бунда яна иттифоқчи кучларнинг ҳамжиҳатлиги катта роль ўйнади.

111(729\730) йилда халифа Хишом Ашрас ўрнига Хуросон ноиблигига Жунайд ибн Абдураҳмонни тайинлади. У Хуросондаги илк ҳаракатидаёқ Амулда 17 минглик турк қўшинига дуч келди. Жунайдга ёрдам учун юборилган Самарқанд гарнizonидаги Ашраснинг 7 минг қўшини иттифоқчилар томонидан Пойкент яқинида тўхтатилди. Ашрас маҳаллий мусулмонлардан бўлган, қайс қабиласи мавлолари Васл ибн Амр ва Асим ибн Умайр Самарқандийни ўз чокарлари билан туркларга қарши жўнатиб, вазиятдан чиқиб кетди<sup>1121</sup>. Шу билан бирга Жунайд бошчилигидаги араб қўшинлари Самарқанддан 7 фарсаҳ масофадаги Зорман қишлоғида турк-суғд иттифоқчилари билан бўлган жангда Чоч хукмдори ва хоқоннинг жиянини асир олдилар. Бу иттифоқчилар учун катта йўқотиш бўлди. Шундан сўнг Хоқон (Сулухон) Мовароуннахри тарк этишга ва кейинчалик қайтиб арабларга зарба беришга аҳд қилди<sup>1122</sup>. Ҳақиқатдан ҳам Сулухон араблардан жияни учун қасд олишни унутмади. Орадан бир йил ўтмай 112 (730\731) йил баҳорида у Сурра ибн Хурра бошчилигига 10 минг араб қўшини Мовароуннахрга жўнатилганини эшишиб, ўзининг 15 минг қўшин билан Суғдга кириб келди. Аввалига араб қўшинининг Мовароуннахрга киритишига имкон берилди. Сўнгра туркий, суғдий, бухоролик, фарғоналик ва кешликлардан иборат **каолицион кучлар** араб қўшинларини қуршовга олидилар. Шундан сўнг Жунайд тўплости (лагери)даги 27 минг кишилик қўшин Сулухон қўшинларининг ўнг қанотидан ҳужум қилиш мақсадида Сурра ибн Хурра бошчилигига қальъадан чиқариб турк-суғд қўшинини чалғитишга ҳаракат қилди. Араблар режасини пайқаган Сулухон 12 минг кишилик Сурра ибн Хурра қўшинини таъкиб қилиш учун Фурак ва Ашканд бошчилигидаги маҳаллий кучларни жўнатди. Фуракнинг буйруғи билан араб қўшинлари ўтадиган қамишзор ёқиб юборилди. Араблар катта йўқотиш эвазига омон қолган 2 ярим минг қўшини билан Самарқандга етиб келди. Каолицион кучлар Самарқандни қамал қилгач, Жунайд Самарқандга Хорис ибн Сурайж ва Ибн аш-Шихир бошчилигига Хуросон ва Тоҳаристондан келган 13 минг қўшинни юборди. Сулухон Самарқанд қамалини бўшатишга қарор қилди. Чунки араб қўшинлари орасида кўплаб асир олинган турклар ва суғдийлар бор эди. Шу боис ўз қавмдошлари билан жанг қилишдан бош тортган Сулухон каолицион кучларга Бухоро томонга чекинишни буюрди<sup>1123</sup>. Жунайд Самарқанддан чиқقا, Сулухон унга қарши юрди. Аммо жангда турк лашкарбошиларидан бири халок бўлгач<sup>1124</sup>, Сулухон яна ортга қайтишга қарор қилди<sup>1125</sup>. Туркларнинг бу карори каолицион кучларнинг кейинги ҳаракатларини тўхтатиб қўйди.

Гарчи Жунайд маълум ютуқларга эришса-да, Мовароуннахрдаги қаршилик ҳаракатини синдира олмади. Каолицион кучлар Туркаш хоқони (Сулухон – Абу Музахим) етакчилигига араблар ва уларнинг ўртаосиёлик гумашталарига етарлича зарба бера олди.

Хуросон ноиблигига Жунайд ўрнига 115 (733/734) йилда Асим ибн Абдуллоҳ тайинланди. Бу даврдаги Уммавийлар ва Аббосийлар ўртасидаги кураш

<sup>1121</sup> История ат-Табари. – С. 218–219; Смирнова О.И. Каталог монет из городища Пенджикента. – С. 48; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 87.

<sup>1122</sup> История ат-Табари. – С. 219; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 147–148; 176; История Самарканда. Том первый. – С. 92; Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – S. 289; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 88.

<sup>1123</sup> История ат-Табари. – С. 221–226; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С.109.

<sup>1124</sup> Турклар ўта иримчи бўлиб, жангда бирор-бир кўмондон халок бўлса, албатта ўз юртлари Суёбга бориб, азаси ўтгач ортга қайтардилар.

<sup>1125</sup> История ат-Табари. – С. 226–230; История Самарканда. Том первый. – С. 96.

Хурросондаги вазиятга ҳам таъсир этди. Уммавийлар тарафдори Хорис ибн Сурайж ва Аббосийлар вакили Асим ибн Абдуллоҳ ўртасида кураш бошланди. Бу курашга Туркаш хоқони **Сулухон – Абу Музахим** ҳам тортилди<sup>1126</sup>. Хорис уни ўзига ҳомий деб, билди. Қолаверса, Хорисни маҳаллий ҳалқ манфаатлари ҳимоячиси ва диний раҳнамо Абу Саид тарафдорлари қўллаб турди<sup>1127</sup>. Хорис эса, Абу Саид ишларини давом эттириш, **зиммия-маҳаллий мусулмонлар** билан тузилган шартномага амал қилиш, мусулмонлардан хирож солигини олмасликка аҳд қилди. Бу маҳаллий зодагонлар орасида тарафдорларини кўпайтирди<sup>1128</sup>. Хорис ўз сиёсати билан Туркаш хоқони Сулухон ва маҳаллий ҳокимликларнинг эътиборини қозонди. Ҳатто Амударё бўйидаги ҳаракатларида унга **Насаф ҳокими Ашканд** ёрдам берди. Айрим йирик заминдорлар ўз чокарлари билан Хорис қўшини сафини тўлдирди. Бундан руҳланган Хорис, Абу Фотим Аздий маслаҳатига қулоқ солмай, 60 минг қўшин билан Марвга юриш қилди<sup>1129</sup>. Аммо жанг чоғида араб қўмондонлари Мұхаммад ибн Мусанна ва Ҳаммад ибн Амрларнинг Асим томонга ўтиб кетиши Хорисни мағлубиятга олиб келди<sup>1130</sup>. **Уммавийлар ва Аббосийлар ўртасидаги курашлар** ҳам Туркаш хоқони Сулухонга ва маҳаллий ҳокимликларга озодлик учун курашларида натижа бермади. Аммо Хурросон ва Мовароуннахрдаги вазият оғир бўлиб қолаверди. Шу сабабли халифалар тез-тез ўз ноибларини алмаштиришга мажбур бўлдилар. Бу сафар халифа Хишом 117 (735/736) йилда Асим ўрнига Хурросон ноиблигига Асад ибн Абдуллоҳни (117-122/735-740) тайинлади. Унга Хорисни бартараф этиш ва **турқ-сүғд иттифоқини** тор-мор келтириш вазифаси қўйилди. Бироқ Асаднинг Хорисни таъқибга олишига Насаф ҳокими Ашканд тўскинлик қилди<sup>1131</sup>. Шунда у Хорис тарафдорлари тўпланган Самарқандга юриб,<sup>1132</sup> шаҳарни қамал қилди. Асаднинг шаҳарни сувсиз қолдириш ҳаракатига суғдийлар стратегик объект - **Варагсар тўғони** ҳимоя қилиш орқали қатъий жавоб бердилар<sup>1133</sup>. Жиддий қаршиликка учраган Асад мақсадга эришолмай ортга қайтди. 119 (737) йилда у Хутталонга юриш қилди. Хутталон ҳокими Ибн ас-Сайджи Сулухондан ёрдам сўради<sup>1134</sup>. Хоқон қўшинлари Амударёдан ўтиб, Асад қўшинларига хужум қилгач, Асад Балхга қочди. Турк қўшинлари ўлжалар карвонига хужум қилиб, ўлжаларни қайтариб келди<sup>1135</sup>. Бу ҳаракатларда Хоқоннинг 30 минг қўшини сафида каолиция кучларидан ташқари, Тоҳаристон қарлуқлари ҳамда Хорис қўшинлари ҳам бор эди<sup>1136</sup>. Бу яна бир бор араб истилочиларига **каолицион кучлар** томонидан берилган жиддий зарба бўлди.

<sup>1126</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1127</sup> История ат-Табари. – С. 231; Кадырова Т. Мавераннахр и восстание Хариса ибн Сурейджа в Хорасане в средине VIII в. // ОНУ. – 1962. – № 6. – С. 40–45; Её же. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 93.

<sup>1128</sup> История ат-Табари. – С. 238; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 93–95; Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – S. 288; Т. Қодирова Ж. Вельхуузеннинг барча Хурросон аҳолиси арабларнинг шартлари билан келишиб кетганликлари ҳақидаги фикрларига қўшилмайди. Бизнингча ҳам, Ўрта Осиённинг барча аҳолиси Хорис ғояларига эргашмаган. Улар орасидан араблар истилосидан қутилиш тарафдорлари кўп бўлган.

<sup>1129</sup> История ат-Табари. – С. 231–233.

<sup>1130</sup> История ат-Табари. – С. 234–235.

<sup>1131</sup> История ат-Табари. – С. 235–236; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 96.

<sup>1132</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 99; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 93.

<sup>1133</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 249; Бартольд В.В. Орошение Туркестана. – С. 8; Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – S. 292, п. 1.

<sup>1134</sup> История ат-Табари. – С. 241–242; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 100, прим. 172; Беленицкий А.М. Историко-географический очерк. Хутталян с древнейших времен до X в. н.э. – С. 109–128.

<sup>1135</sup> История ат-Табари. – С. 243–247; Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1136</sup> История ат-Табари. – С. 246–247.

Сулухон Мовароуннахр хокимлари билан Асадга қарши Хурасон томон юриш бошлади. Асад Жузжон подшосидан мадад олиб, Туркаш хоқонига қарши чиқди. Сулухон Хорис маслаҳати билан ўз қўшинларини Марв ва Жузжон оралиғида қолдириб хатога йўл қўйди. Асаднинг Салим ибн Мансур бошчилигидаги авангарди, бор-йўғи 400 кишилик хоқон қўшини енган бўлса, Марверрудда 4 минг турк суворийси араб қўшинлари томонидан тор-мор этилиб, қурол-аслаҳаларини бой берди<sup>1137</sup>. Асад бу ютуқлардан сўнг Балхга мустаҳкам ўрнашиб олди. Сулухон эса бу мағлубиятлардан сўнг яна Сүёбга йўл олди. У Сүёбда Хорис қўшинини қайта қуроллантириди. Аммо Сулухоннинг кейинги режалари амалга ошмай қолди. Арзимаган низо оқибатида у ўз аммакиваччаси Курсул томонидан ўлдирилди<sup>1138</sup>. Натижада Курсулга итоат этишдан бош тортган турк қўшини Чочга, суғдийлар эса Суғдга қайтишди. Жамуклардан бўлган Зарир Кушоний эса Тоҳаристонга жўнаб кетди. **Иттифоқчи кучлар** сафига путур етиб, кейинги харакатлар масаласи сўрок остида қолди. Чунки иттифоқчилар Курсулнинг арабларга қарши курашга бош бўлишига кўзи етмасди. Бу вазият Асад учун кўл келди. У Хурасон аслзодалари кўллаши билан **Бадртархон** (Тудун тархон) бошқараётган Хуталлонга юриш бошлади<sup>1139</sup>. Аммо Асад Бадртархон билан тўқнашувда яраланиб, халок бўлди. Ўрнига Хурасон ноиби этиб, аввал 120 (737\738) йилда Жудия ибн Али Кермоний, сўнгра Абу Муслим Аббосийлар тарғиботини кучайтиргани боис унга қарши **Наср ибн Сайёрни** тайнинлади<sup>1140</sup>. Наср Хурасондаги ўз мақеидан фойдаланиб, маҳаллий аслзодалар билан яқинлашиш мақсадида буҳорхудот Туғшоданинг қизига уйланди<sup>1141</sup>. Шу билан бирга у солик тизимини ислоҳ қилиб, мусулмонларни жузъя солиғидан озод қилди. Жузъяни **мушриқ** (**мусулмон бўлмаган**)лар зиммасига юклиди. Хирож умумийлигича қолди<sup>1142</sup>.

Мовароуннахрда нисбий тартиб ўрнатган Наср ибн Сайёр Хорисга қарши харакатини давом эттириди. Хорис тарафдорлари Самарқанддан Шошга чекинди. Наср 20 минг мовароуннахрлик (Насаф, Кеш, Бухоро, Самарқанд, Уструшона) мусулмонлар мадади билан Хорис ортидан Шош томон юрди. Наср ибн Сайёрга қарши Шош ҳокими Кадар, Хорис тарафдорлари ва Курсул бошчилигидаги 15 минг туркашларидан иборат ёлланма қўшин **Шош дарёси (Сирдарё)** бўйида пешвоз чиқди. Аммо Курсул тундаги хужумда араб пистирмасига учраб, асирга тушиб қолди. Турклар Насрга Курсул боши эвазига мингтадан от ва тую тўлашни ваъда қилдилар. Бироқ Наср тўловлардан воз кечиб, Курсулни қатл эттириди ва жасадини ёқиб юборди. Буни “бехосият” деб билган иримчи турклар яна Сүёбга қайтиб кетди<sup>1143</sup>. Бу эса ўз-ўзидан **турк-суғд иттифоқи** кучини заифлаштириди. Шунда Шош ҳокими Кадар Насрга сулҳ тузишни таклиф қилди. Хорисни эса Фаробга жўнатишга рози бўлди<sup>1144</sup>. Наср ибн Сайёр бу харакатлари билан Суғд, Шош, Фарғона ва туркашлар иттифоқига жиддий зарба берди. Айниқса, туркашлар дастлаб Сулухондан, сўнг Курсулдан ажраб катта йўқотишга учрадилар

123 (740\741) йилда Наср Самарқандда суғдийларни ўз юртларига қайтиши бўйича сулҳ тузди. Унга кўра, араблар исломдан қайтганларни таъқиб қилмаслиги, ноҳақ солик ундирамаслиги, асирларни жазоламаслиги керак эди<sup>1145</sup>. Наср бу билан

<sup>1137</sup> История ат-Табари. – С. 247–253.

<sup>1138</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюргешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. – С. 109.

<sup>1139</sup> История ат-Табари. – С. 253–258; Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – S. 195.

<sup>1140</sup> История ат-Табари. – С. 261–262.

<sup>1141</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 28.

<sup>1142</sup> Wellhausen J. Das arabische Reich und sein Sturz. – S. 297–298.

<sup>1143</sup> История ат-Табари. – С. 266–268.

<sup>1144</sup> История ат-Табари. – С. 268–270.

<sup>1145</sup> История ат-Табари. – С. 271–272; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 250.

турк-суғд ва бошқа иттифоқчиларини бирлашини олдини олмоқчи бўлди<sup>1146</sup>. Унинг бу қароридан Ироқ ноиби Юсуф ибн Умар норози эди. Бироқ халифа Насрни ўз ўрнида қолдирди. Халифанинг бу қарори Наср имкониятларини яна оширди. Шу йили Наср Фарғонага иккинчи бор юриш қилди<sup>1147</sup>.

125 (742/743) йилда вафот этган халифа Хишом ўрнини аввал Волид ибн Йазид ибн Абдулмалик (Волид II), сўнг у вафот этгач, 126 (743/744) йилда унинг ўрни Йазид III ибн Волид – Ноқис эгалади<sup>1148</sup>. У мавлоларига яхши муносабатда бўлиб, Насрга Хурсонни бошқариш учун ёрлик берди ҳамда исёнчи Хорисни афв этди<sup>1149</sup>. Шу йили яна халифалар алмашуви рўй бериб, Халифа Йазид III ибн Волид – Ноқис ўрнини Иброҳим ибн Волид ибн Абдулмалик келди<sup>1150</sup>. Бир йил ўтмай эса, тахт Марвон II ибн Мұхаммад (127-132 /744-750) кўлига ўтди. Аммо бу пайтда, яъни 129 (746/747) йилда **Аббосийлар имоми Иброҳим ибн Мұхаммад** ҳарбий саркарда **Абу Муслимга** Хурсонда “қора байроқ остида” Уммавийларга қарши курашишга фатво берган эди<sup>1151</sup>. Абу Муслим бу курашда **хорижийлар**<sup>1152</sup> ғояларидан фойдаланиб, Кирмоний билан жангда ҳалок бўлган Хорис тарафдорларини ўз атрофига бирлаштириди. Кирмоний Наср томонидан ўлдирилгач, унинг тарафдорлари ҳам Абу Муслимга қўшилди. Наср ибн Сайёр бу қўзғолонни бостириш учун халифа Марвон II дан мадад сўрашга мажбур бўлди<sup>1153</sup>. 42 кун давомида Абу Муслим дъяватчилар Ҳирот, Бомиён, Марверруд, Талликон, Марв, Нисо, Нишопур, Сарахс, Баліх, Чагониён, Тоҳаристон, Хуталл, Кеш ва Насафдан 100 минг қўшин тўплади. Катта куч билан у Насрни Нишопургача таъқиб қилиб, Хурсонни эгаллади<sup>1154</sup>. Шаҳарларга ҳокимлар - уммалар юборди. Марвон II катта қўшин юбориб, имом Иброҳимни қатл эттириди. Кўзғалончилар Дамашқни эгаллашга киришди. Оқибатда ҳокимият Уммавийлардан Хошимийлар хонадонидан Мұхаммад (с.а.в.) амакиси Аббос авлодидан **Абул Аббос Саффоҳ** (131-138/747-754) кўлига ўтиб<sup>1155</sup>, **Аббосийлар даври** бошланди.

Мовароуннахрда Абу Муслим солиқ сиёсатидан норози бўлган араб заминдорлари Бухорода **Шарик ибн Шайх ал-Маҳри** бошчилигида қўзғолон кўтардилар. Уни Бухоро амири Абулжаббор ибн Шуайб ва Хоразм амири Абдулмалик ибн Харсамий (Хузеймий) кабилар кўллаб қувватладилар<sup>1156</sup>. Бироқ Абу Муслимнинг Зиёд ибн Солих бошчилигида 10 минг қўшини **бухорхудот Кутайба ибн Тугшода** ёрдамида Шарик ибн Шайх қўзғолонини бостиридилар. Сўнгра бу кучлар Бухоро амири Абулжабборни бартараф этдилар. Бу ғалабасидан сўнг Зиёд ибн Солих Самарқанд ҳокими даражасига эришди<sup>1157</sup>. Кутайба ибн

<sup>1146</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 106.

<sup>1147</sup> История ат-Табари. – С. 272–273.

<sup>1148</sup> История ат-Табари. – С. 291; Тарих-и Систан (“История Систана”). – С. 144; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 106; Vaissire de la E. Histore des marcands Sogdiens. – Р. 242.

<sup>1149</sup> История ат-Табари. – С. 293–296; Бартольд В.В. Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. II (1). – С. 118–126.

<sup>1150</sup> Тарих-и Систан (“История Систана”). – С. 145–147.

<sup>1151</sup> История ат-Табари. – С. 311–317; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 251; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 33; Тарих-и Систан (“История Систана”). – С. 148.

<sup>1152</sup> Хорижийлар – VII аср 2-ярмида вужудга келган исломдаги илк оқим. Унинг тарафдорлари халифа Алини Уммавийлар билан келишувчиликда айблаб, Али сафидан ажраб чикиб, ҳам Алига, ҳам Уммавийларга қарши курашганлар.

<sup>1153</sup> История ат-Табари. – С. 319–321.

<sup>1154</sup> История ат-Табари. – С. 344–347; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 33.

<sup>1155</sup> Тарих-и Систан (“История Систана”). – С. 149.

<sup>1156</sup> История ат-Табари. – С. 347; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 253; Якубовский А.Ю. Восстания Шерика в Бухаре против Аббасидов в 750-751 гг./ История Узбекской ССР. – Ташкент: Изд АН Уз ССР, 1955. – Т. I. Кн. 1. – С. 159–165; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 33–34.

<sup>1157</sup> Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 114; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 34; История Самарканда. Том первый. – С. 99.

Туғшода бу харакатлари билан қайсиdir маънода Бухородаги ўз ҳокимиятини тиклаб олишни режалаштирган эди.

133 (750\751) йилда Абу Довуд Холид ибн Иброҳим Вахшдан Хутталонга юриш бошлаган чоғда унинг подшоси Канаш ибн Сабл ўз тарафдорлари билан дастлаб Фарғонага сўнг, турклар тарафига ўтиб кетди. 134 (751\752) йилда эса, Абу Довуд Кеш хукмдорини ўлдириб, ўрнига хукмдорнинг укаси Тарани ҳокими этиб қолдирди<sup>1158</sup>. Шу йўл билан араб маъмурлари жойларга ўзлари учун маъкул бўлган ҳокимларни тайинлаб, Мовароуннахрдаги сиёсий вазиятни қўлда ушлаб туришга бир қадар эришдилар. Бу йилларда иттифоқчи кучларнинг қаршилиги анча сустлашди. Бунга сабаб, 742 йилда Шарқий Турк хоқонлиги уйғур хоқони Қутлуғ Билга – Моюнчур хоқон, қарлуқ ва басмил қабилалари зарбасига учраб кучсизланиб қолган эди<sup>1159</sup>. Шарқий Турк хоқонлигининг сўнги хукмдорлари Ўзмиш (742-744) ва Бўлмиш (744-745)лар ҳокимияти **Уйғур хоқонлиги** томонидан бартараф этилди. Фарбда эса Туркаш хоқонлиги Сулухон вафот этгач, Уйғур хоқонлиги ва Тан империяси қўшинлари таъзийқи натижасида заифлашди. Сўнги хукмдори Ашина Ўн Ўқ даври (738-742)да бу давлат ҳам тутатилди<sup>1160</sup>. Суғд ўзининг асосий иттифоқчиларидан маҳрум бўлиб, **турк-суғд қаолициясининг** кучи ҳам кесилди.

Турк хоқонликлари таназзулидан фойдаланган **Тан империяси** Мовароуннахрга таҳдид сола бошлади. Фарғона ихшиди ва Шош малиги ўртасидаги ихтилофдан фойдаланган Хитой Ўрта Осиёни эгаллашга уринди. **751 йилда** корейс миллатига мансуб, Хитой генерали **Гао Сян-цзи** бошчилигидаги қўшин уйғурлар ва Фарғона ихшиди мадади билан Ўрта Осиёга юриш бошлади<sup>1161</sup>. Бундан хабар топган Абу Муслим уларга қарши **Зиёд ибн Солих** бошчилигига араб ва ўртаосиёликлардан иборат қўшинни жўнатди. **Талас яқинидаги жангда** Хитой қўшинлари тор-мор этилди<sup>1162</sup>. Бу ғалаба Ўрта Осиёни яна бир таҳдид Хитой тажовузидан сақлаб қолиб, Абу Муслимни монтакада Араб халифалиги ва ислом манфаатлари ҳимоячисига айлантириди. Унинг Мовароуннахрдаги таъсири янада ошди.

Талас жангидан сўнг авваллари бир-бирига рақиб бўлган араб ва турк-суғд иттифоқи умумманфаат йўлида бирлашди<sup>1163</sup>. Марказий Осиёда гегемонлик учун Халифалик ва Тан империяси манфаатлари тўқнашди. Арабларга рақиб бўлган туркаш ва қарлуқлар араб қўшинлари томонида туриб хитойликларга қарши кураш олиб бориши<sup>1164</sup>, **минтақа тарихий тақдирини** ҳал қилди. Тан империяси жиддий талофат кўриб, Араб халифлиги Мовароуннахрдаги мавқенини бир қадар тиклаб олди.

Абу Муслимнинг маҳаллий халкларга ён босиш сиёсати<sup>1165</sup>, халифалик манфаатлари йўлида қилган сайи-ҳаракатлари халифа Абу Жаъфар ал-Мансур томонидан таҳдид деб қабул қилинди. 754/755 йилда халифа Мансур Абу Муслимни ўз хузурига чакиртириб хиёнаткорони ўлдиртириди<sup>1166</sup>.

Шу тариқа, Ўрта Осиё халқларнинг Араб халифалиги томонидан истило қилинишининг иккинчи босқичи (715-751) маҳаллий аҳолининг истилого қарши турк, хусусан Туркаш хоқонлиги бошчилигидаги кураши, қўзғолонлари,

<sup>1158</sup> История ат-Табари. – С. 348.

<sup>1159</sup> Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX-XIII вв. – Новосибирск, 1983. – С. 6, 130; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – С. 373; Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 1. – С. 104–109.

<sup>1160</sup> Тургун Алмас. Уйгуры. Кн. 2. – С. 101–105.

<sup>1161</sup> Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии. – С. 171–173

<sup>1162</sup> Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-тарих. Полный свод истории. – С. 21.

<sup>1163</sup> Togan A.Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cild 1. – S. 55.

<sup>1164</sup> Камалов А.К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – С. 19.

<sup>1165</sup> Frye R.N. The role of Abu Mualim in the "Abbasid Revolt" // The Muslim World. – Hartford. – vol. XXXVII. – P. 28–38; Карапов О.К. Арабские источники. – С. 91.

<sup>1166</sup> Тарих-и Систан ("История Систана"). – С. 151–152.

исломлашуви жараёни билан кечди. Араблар ўз навбатида Мовароуннахрда сиёсий ҳокимиятларини тиклаб бордилар. Арабалараро ҳокимият учун кураш ҳам уларни бу йўлда тўхтата олмади. Суғд ихшиди Ғуракнинг икки томонлама сиёсати ҳам суғдийлар, ҳам туркийлар орасида норозилик келтириб чиқарган бўлса, Деваштичнинг Суғд тахтига даъвоси ва арабларга қарши курашлари турк хоқонликлари, маҳаллий иттифоқчилар томонидан қўллаб қувватланди. Бу аксилараб кучларини каолицияга бирлашишириди. Фарғона ҳукмдори Алутар, Кеш ва Насаф испеҳбоди Ашканд каби маҳаллий ҳукмдорлар сиёсий хатоларга қарамай, қаршилик харакатида иштирок этдилар. Бу ҳаракатда Туркаш хокони Сулухоннинг тарихий ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир. Араблар томонидан Абу Музахим – Сузагон номини олган бу шахс каолиция бошида туриб, араб истилочиларига жиддий зарбалар беришга, ўз ортидан Суғд ихшидлари, Бухоро бухорхудотлари, Кеш ва Насаф испеҳбодлари, Чоч тудунлари, Фарғона ҳукмдорлари ва Тоҳаристон (ябгуларини эргаштира олишга эришди. Натижада Араб халифалиги ноибларининг барчалари ҳам Мовароуннахрда етарлича муваффақиятга эриша олмадилар. Уларнинг тез-тез алмашуви, маҳаллий аҳолига муносабатдаги турли хил ёндашувлари араблараро ички низоларни келтириб чиқарди. Араблар орасида маҳаллий халқ манфаатларини ҳимоя қиласидан кучлар ҳам пайдо бўлди. Жумладан, диний уломолардан Абу Сайд ва имом Иброҳим, лашкарбоши Хорис ибн Сурайж кабилар Уммавийлар ғояси остида, маъмуриятдан маҳаллий аҳолига ён босишини талаб қилиб чиқдилар. Шу билан бирга Суғднинг исломга ўтган қисми орасида халифаликка хизмат қилган саркардалар ҳам бор эди. Ҳусусан, Сулаймон Абу-Сари бу борада жонбозлик кўрсатган эди. Ҳатто Суғд ихшиди Ғуракнинг иккиланишлари, бухорхудот Туғшоданинг ён босишлиари араб истилочиларига баъзи ўринларда қўл келди. Аммо 751 йилдаги Талас жанги Ўрта Осиё халқларини араблар билан ҳарбий кучларини бирлашишига мажбур этди. Чунки Хитой таҳдида олдида маҳаллий кучлар, туркашлар ва қарлуқларнинг араблар билан бирлашишдан ўзга чораси йўқ эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Турк хоқонликлари (Шарқий Турк хоқонлиги, Фарбий Турк хоқонлиги ва Туркаш хоқонликлари) Ўрта Осиёдаги иттифоқчиси Суғд, Чоч ва Фарғона мустақиллиги учун, Xуросон ва Мовароуннахрдаги геосиёсий таъсирини йўқотмаслик учун кураш олиб бориб, умумманфаатлар муштаклигини намойиш қиласиги турк-суғд бирлигининг амалдаги исботи бўлди. Гарчи VIII аср иккинчи ярмидан Мовароуннахр Араб халифалиги тасарруфига олинган бўлса-да, қаршилик харакатлари ҳали давом этарди. Бунда яна маҳаллий суғдийлар, туркийлар, фарғоналиклар, чочликлар етакчи куч бўлиб қолавердилар.

### **3.3. Мовароуннахрда халифалик ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва Суғд конфедерациясининг тақдир. Маҳаллий халқларнинг шаклланишида турк–суғд ассимилияциясининг ўрни**

Ўрта Осиёга уюштирилган **араб истилоси** минтақанинг кейинги даврлардаги ҳётига туб ўзгариш киритди. Истилонинг **биринчи босқичи (645-715)**даги ҳарбий ҳаракатлар ўлжаларни қўлга киритиш билан чегараланди. Шу билан бирга бу жараён анъанавий давлатчилик ва маҳаллий маъмурий бошқарув тизимининг айрим нуқсонлари, минтақадаги давлатларида ҳарбий тайёргарликнинг талаб даражасида эмаслигини намоён қилди. Ички бошбошдоқлик, Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёдаги бу давлатларга берган сиёсий ва иқтисодий имтиёзлари уларнинг кучайишига эмас, балки кучсизланишига, зарур пайтда мавжуд ресурсларни ишга сололмаслигига, душман олдида ягона мақсад сари ҳамжиҳат бўлиб бирлашиш имконияти чекланишига олиб келди. Истилонинг **иккинчи босқичи (715-751)**да

айрим нуқсонлардан хулоса чиқарған Ўрта Осиё мулклари ва Турк хоқонликлари озодлик учун жиддий ҳаракат бошладилар, бироқ имконият бой берилганди. Эътироф этиш керакки, араб истилочилари бу юртни осонликча эгаллай олмаганлар. Истилочилар деярли юз йил давомида жуда катта куч, маблағ ва талофатлар эвазига Мовароуннахрни қўл киритдилар. Ўлкани исломлаштиришдаги ҳарбий-сиёсий, мафкуравий ва молиявий сафарбарлик секинлик билан бўлса-да, ўз самарасини берди.

Аслида араб истилочиларининг Мовароуннахрдаги ғалабаси халифалик қудрати натижаси эмас, балки Ўрта Осиё халқларининг ўз вақтида душманга қарши бирлаша олмаганлиги, майда мулкларнинг ўзини оқламаган “мустақил сиёсати” ва уларни бирлаштирувчи кучларнинг ўз муаммолари билан ўралашиб қолганлиги оқибати эди. Чунки, араблар истилоси даврида бутун Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий аҳвол яхши эмас эди. Минтақанинг етакчи кучлари - Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи VI аср охири - VII бошларидагидек барқарор эмасди. Бу биринчидан туркий давлатлар (Шарқий Турк хоқонлиги, Ғарбий Турк хоқонлиги ва Туркаш хоқонлиги) ўртасида бирликнинг йўқлиги ҳамда Ўрта Осиёдаги ўз васалларига ёрдам беришда умумий мақсад йўлида сафарбарлик бўлмаганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, қудратли турк хоқонликлари таназзули нафакат араб истилочилари учун қўл келди, балки азалий рақиб бўлган Тан империяси (619–907) учун ҳам айни муддао бўлди. Чунки Хитой империялари<sup>1167</sup> доимий таҳдид солувчи туркий давлатларни йўқ қилиш, ҳеч бўлмаганда, уларнинг минтақадаги аҳамиятини тушириш учун қулай фурсат кутаётганликлари ҳам сир эмас эди. Шу боис Хитой хуружлари билан банд бўлиб қолган Шарқий ва Ғарбий турклар араб истилосига қарши курашда ўз иттифоқчиларига етарли ёрдам беролмадилар. Бир вақтнинг ўзида турклараро зиддиятлар, Ғарбий ва Шарқий турклар, туркашлар ва ўйғурлараро кечган тўқнашувлар араб истилочилари учун қулай имконият яратди. Натижада араблар қийинчилик билан деярли **юз йил (645-751)** сарфлаб, минтақадаги озодлик ҳаракатларини синдириди, маҳаллий ҳукмдор ва аслзодаларни ўз тарафига оғдириб олди ва шу йўл билан Ўрта Осиёни эгаллаб, ўлка аҳолисини исломлаштиришга эришди. Истило жараёнда Араб халифалиги: биринчидан, қўлга киритилган ўлжалар ҳисобига ўз хазинасини тўлдирди, асирлар ва гаров олинганлар ҳисобига ҳарбий йўқотишлар қоплади; иккинчидан, ўлкани исломлаштириш орқали қадимий ва бой маънавий мерос соҳиблари мовароуннахрликлар ислом дини, маданияти ва илм-фани тараққиёти учун хизмат қилишга қўшилди. Бу ҳарбий-сиёсий ва иктиносидий талофатларга қарамай нима сабабдан истилочиларнинг Ўрта Осиё учун шу даражада курашганликлари аён қиласди. Қолаверса, ўлканинг географик ўрни Буюк ипак йўлининг асосий йўналишида бўлиб, бу йўналиш Хитайдан Суғдга, бу ердан Эрон орқали Ўрта ер денгизи соҳилларига ва араб даштларига олиб чиқарди. Араб савдогарларининг истилога қадар бу юрт ҳақида тафсилотлари халифалик даврида уни “фатх” этишга чорлаган. Шу боис, истилонинг ilk босқичи талончиликдан бошланган. Кўлга киритилган бойликларнинг қиймати ва микдори араб қўшинларини ҳайратга солган. Афсуски, ўша пайтда ўлкада мавжуд хусусий ва маҳаллий иктиносидий заҳиралар микдори ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган<sup>1168</sup>.

Араб халифалиги сиёсатининг маънавий жиҳатидан устунлиги шунда эди-ки, маҳаллий дунёвий ва диний амалдорлар ўз халқи - оддий дехқонлар ҳамда хунармандлар манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилолмади. Шу боис ҳам

<sup>1167</sup> Илк ўрга асрларда куйидаги Хитой давлатлари мавжуд бўлган: Тобо Вей – Шимолий Вей (386–535), Нан Бей-Чао-Жанубий ва Шимолий сулолалар (386–589, 420–589), Суй сулоласи (589–619) ва Тан империяси (619–907).

<sup>1168</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 257.

турли табақа вакиллари ўртасида бирлик бўлмаган. Араблар эса бундан унумли фойдаланди. Араб хукмдорларининг “мусулмонлар тенглиги” ҳақидаги шиорлари маҳаллий аҳоли томонидан маздакийлик ҳаракатининг қайта тикланиши каби хато тушунчани юзага чиқарди<sup>1169</sup>. Аслида истиочилар ҳеч қандай тенгликни тан олмасди. Бу қаршилик қилаётган маҳаллий кучларни чалғитишга қаратилган ташвиқот эди, холос. Араб босқинининг ғоявий моҳияти ошкор бўлгач, истилонинг иккинчи босқичида йирик халқ ҳаракатлари кўтарилди. Натижада илғор фикрлайдиган, ислом ғоялари учун курашувчи мусулмонлар орасида Абу Саид, имом Иброҳим, Хорис Ибн Сурайж каби радикал ўзгаришлар тарафдорлари пайдо бўлди. Улар маҳаллий зодагонлар билан бирга минтақадаги бойликларни минтақадан олиб чиқиб кетиши эмас, кўпроқ шу ерда тўпланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади, деб хисоблаганлар. Бу араблараро ихтилофлар ва қуролли тўқнашувларга сабаб бўлган.

Истиочиларнинг иқтисодий қизиқишлиари уларнинг Суғд ва бошқа маҳаллий ҳокимликлар билан имзоланган шартномаларида ўз аксини топди. 715 йилгача имзоланган сулҳлар асосан ўлжа киритиш, тўлов ёки ўлпонлар ундиришга қаратилган эди<sup>1170</sup>. Араблар катта миқдордаги тўловлар билан чекланмай, кўп сонли гаровга олинганлар, асир ва асиralарни ҳам шартнома бандларида кўрсатиб ўтдилар. Бу араблар ва маҳаллий хукмдорларнинг Пойкент, Бухоро ва Самарқанддаги шартномаларида ўз аксини топган эди. Бухоро маликаси – Қабаж хотун Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузилган 674 йилги шартномага кўра, бир миллион дирҳам товоң пули ва кўплаб асиrlарни арабларга берган<sup>1171</sup>. Гаровга олинганлар ва асиrlар сонини Табарий 2 минг киши, уларнинг аксарияти моҳир камончилар эди<sup>1172</sup> деб, таъкидлаган. Наршахий эса, Пойкент ва Ромитандан банди қилиб олиб кетилган асиrlар сонини 4 минг эди деб, кўрсатади<sup>1173</sup>. Балазурий келтиришича, Саид ибн Усмон ва самарқандликлар шартномасига кўра, Суғдан 700 минг дирҳам ўлпон ва аслзодалардан иборат асиrlар ундирилган бўлса, Салм ибн Зиёд Хоразм билан шартномада 400 минг дирҳам миқдоридаги ўлпон ундиришга имзо чеккан<sup>1174</sup>. Хурросон ноиби Салм ибн Зиёд юборган ал-Мухаллаб бошлилигидаги қўшин Хоразм чегарасидаги Хазарасп шахрини қамал қилгач, маҳаллий ҳокимлар у билан битим тузган. Шартнома 20 млн.дан зиёд (!) (дирҳам) қийматга тузилган. Лекин бу қиймат тайёр маҳсулотлар шаклида олингани боис, яrim миқдорига қуллар, отлар, ошланган тери арzon нархларда ундирилиб, натижада жами қиймат 50 млн. дирҳамга етган<sup>1175</sup>. Ваҳоланки, истиочилар шартномалардаги қийматни, қуллар, чорва, тери, ва газламанинг яrim баҳоси миқдорида олишган<sup>1176</sup>. Бундай таҳқирловчи шартномалар орқали араблар ўлкаларнинг бойликларини талаш, ўз хазиналарини тўлдириш

<sup>1169</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 28.

<sup>1170</sup> Бухоро маликаси Қабаж хотуннинг Убайдуллахон ибн Зиёд ва Саид ибн Усмон билан ҳар йили 1 млн. дирҳамга, Абдуллоҳ ибн Амирнинг Хирот, Бадғис ва Бушанж ҳокимлари билан 1 млн. дирҳамга, Нишопур билан 1 млн. (баъзи манбалarda 7 млн.) дирҳамга, Ниса билан 300 минг, Абиверг билан 400 минг дирҳамга, Тус билан 600, Марв билан бир (ёки 2) млн. дирҳамга тузилган битимлари мисол бўла олади. Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115–116; Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 16–18; Вамбери А. Бухоро ёки Мовароуннахр тарихи. – Б. 10; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 258.

<sup>1171</sup> Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 16–18. Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоеваний стран) / Пер. Ш. Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003. – С. 35–43.

<sup>1172</sup> История ат-Табари. – С. 44.

<sup>1173</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 115; Frye R.N. The history of Bukhara. Translation from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – P. 37.

<sup>1174</sup> Ал-Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 21; Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоеваний стран). – С. 35–43.

<sup>1175</sup> История ат-Табари. – С. 50.

<sup>1176</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 260–261.

орқали кейинги юришларга замин ҳозирлашган. Биргина Пойкентда 87 (705\706) йилда араблар қўлга киритиб, сўнг эритиб олган тилла буюм ва зебу–зийнатларнинг миқдори 150 минг мисқол<sup>1177</sup> олтинни ташкил этган. Бу рақамлар мисолида Хуросон ва Мовароуннаҳр қўламидаги миқдорни тасаввур қилиш мушкул эмас. Биргина олтиндан ишланган санамнинг оғирлиги 50 минг мисқол, кумушдан ишланган бутнинг қиймати 40.000 дирҳам баҳоланган эди<sup>1178</sup>. Бундан ташқари, 150 минг мисқоллик кумуш жомлар ва ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид халифаликнинг Шарқий вилоятлар ноиби Ҳажож ибн Юсуфга жўнатилган совғалар орасидан ўрин олган эди.

Махаллий хокимлар гарчи араблар билан катта ўлпонлар эвазига сулҳ тузган бўлса-да, улар имкон туғилишиши билан бу камситувчи шарномаларни бузиб, арабларга қарши ҳаракат бошлашган<sup>1179</sup>. Масалан, бухороликлар Кутайба билан тузилган йилига 200 минг дирҳам халифа Сулаймон ибн Абдулмаликка ва 19 минг дирҳам амир (ноиб) Кутайба ибн Муслимга тўлови ҳамда араб аскарларининг отларига ем–хашак ва ўзларига иссиқ эгни-бош етказиб бериши ҳақидаги шартномани<sup>1180</sup> дастлабки йилларда бажариб, турклар билан иттифоқчиликдаги кураш чоғида унга риоя қилишмаган. Қолаверса, Кутайба ўлимидан кейин бу тузилган шартномалар ўз кучида қолган ёки қолмаганлиги ҳам номаълум.

Бу борада Кутайбанинг 712 йилда Суғд ихшиди Фурак билан имзолаган “Самарқанд шартномаси” ўзига хосдир. Бу шартнома матни асл арабча ва форсча таржимада етиб келган. Табарий шартнома матнини бермаса-да, у ҳақида маълумот қолдирган. Шартноманинг арабча аслини ал-Куфий, форсча таржимасини Баламий келтириб ўтади. У орқали Кутайбанинг Ўрта Осиёда имзолаган кўплаб шартномаларнинг таҳминий манзарасини ва ўша давр Суғд иқтисоди даражасини кўз олдимишга келтиришимиз мумкин<sup>1181</sup>. Шартномада йилига тўланадиган 200 минг дирҳам ва бир вақтнинг ўзида тўланадиган 2 млн. дирҳам миқдорининг 200 минги асирлар, газламалар, олтин ва кумушлар билан тўланиши белгиланганди<sup>1182</sup>. Яна шартномага кўра, суғдийлар арабларга ҳар йили 3 минг (Табарий бўйича 39 минг) асир, маълум миқдорда ипак ва парча газламалар етказиб бериш ҳам зарур бўлган. Ҳар йилги тўлов халифалик марказига ўлқадаги омили, яъни молиявий ва солик ишлари ноиби орқали жўнатиб турилган. Асирлар қайси пайтда ва қанча миқдорга жўнатилганлиги ҳақида маълумотлар етарли ва ишончли эмас. Қолаверса, ҳақиқатан ҳам Суғддан Бағдод томон 3 минг (Балами бўйича) ёки 30 минг (Табарий бўйича) асир юборилганлиги ҳам номаълум<sup>1183</sup>.

Сайд Хараший 104 (722\723) йилда Фарғона ва Панҷдаги қўзғалонларни бостириб, унинг етакчиси Деваштични хоинона қатл эттиргач, Кешга юриш қиласи. Кеш испеҳбоди билан тузилган шартномага кўра, 40 кун муддатда Кеш ҳокими Вик (ویک - Вайқ) арабларга 10 минг (бошқа манбаларда 6 минг) асирни, Харашийнинг вакили Наср ибн Сайёрга топшириши керак бўлган<sup>1184</sup>. О.И. Смирнованинг фикрича, бу миқдордаги асирлар асосан турк ғуломлари ва суғд – бандак (βntk)ларидан иборат

<sup>1177</sup> 1 мисқол 4,250 гр.ни ташкил этади.

<sup>1178</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 121.

<sup>1179</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 262.

<sup>1180</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 263; Frye R.N. The history of Bukhara. Translation from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Р. 53.

<sup>1181</sup> Смирнова О.И. К истории Самарканского договора 712 г. – С. 69–70; Её же. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии. – С. 119–134; Её же. Труд Табари – Бал’ами как источник для изучения экономических ресурсов Согда // Сборник докладов на 1-ой Всесоюзной конференции востоковедов в Ташкенте. – Ташкент, 1958. – С. 947–952.

<sup>1182</sup> Kurat A.N. Kutaybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkand'i zebti. – С. 407; Смирнова О.И. К истории Самарканского договора 712 г. – С. 75; Её же. Труд Табари-Бал’ми как источник для изучения экономических ресурсов Согда. – С. 949.

<sup>1183</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 264.

<sup>1184</sup> История ат-Табари. – С. 189–190.

бўлган. Айрим **асирлар ва асиralар** бошқа ўлжалар қаторида бозорларда “**ким ошди**” **савдосида** сотиб юборилган<sup>1185</sup>. Баъзан ортиқча асиrlар ўлдириб юборилган<sup>1186</sup>. Бу манзара арабларнинг ўлжага хирс қўйғанлиги ва инсон қадр-қимматини паймол қилғанлигини, ҳатто ислом аҳкомларини ҳам бузғанлигини кўрсатади. Хусусан, 97 (715\716) йилдаги Журжон қамалидан сўнг таслим бўлган 14 минг асир Йазид ибн ал-Мухаллаб фармони билан кириб ташланган. Бу ҳақда ҳалифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг шахсан ўзига хабар етказилган. Иккинчи бор юришида Журжоннинг 40 минг аҳолиси асир олинмай қиличдан ўтказилган<sup>1187</sup>. Худди шундай вахшийлик Қутайба ибн Муслим томонидан ҳам амалга оширилиб, у 400 минг (!) асирни ўлдирирган эди<sup>1188</sup>. Мазкур асиrlарнинг кўпчилигини эса айнан турклар ташкил этганлиги манбаларда қайд этилган. Ҳатто X асрда ҳам ибн Хурдодбехнинг келтиришича, ҳалифалик томонидан Қобул вилоятидан олиб кетилган ҳарбий асиrlарнинг асосини ҳам **турк – гуз (ўғуз)**лар ташкил этган. Самарқанддан олиб кетилган асиrlарнинг аксарияти ҳам Истархий фикрича, Туркистон томондан келтирилган, яъни Сирдарё бўйи туркларидан бўлган<sup>1189</sup>. Шундан хулоса қилиш мумкинки, араблар томонидан **асир – қул** сифатида олиб кетилганларнинг бир қисмини маҳаллий аҳоли, бир қисми уларга ёрдамга келиб асир тушган турклар ташкил этган. Олиб кетилган бу асиrlар омиллар назоратида маҳсус **тўплок (лагер)**ларга жойлаштирилган. Аксинча эса ўлкага араб қабилалари ва ажам ҳалқлари вакиллари жойлаштирилган. Хусусан, 674 йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан 24 минг араб Амударёдан ўтиб Мовароуннахрга жойлашган бўлса, Ахнаф билан Мовароуннахрга кириб келган 4 минг араб ва мингта ажам мусулмонлар Чағониён ҳудудига ўрнашган<sup>1190</sup>. Улар асосан ўлкада араб истилоси манфаатларига хизмат қилиш баробарида бу ҳудудларнинг форсийлашувига замин яратди.

Олиб кетган асиrlардан араблар ишчи кучи сифатида фойдаланган. Бундай таҳқирга чидолмаган аслзодалар ҳаёти баъзида фожиали якун топган. Сайд ибн Усмон томонидан Суғдан олиб кетилган **80 нафар аслзодалар**, Мадинада уларга нисбатан қилинган таҳқирга чидолмай, Сайд қароргохига бостириб кириб аввал Сайдни, сўнг ўзларини халок қилғанлари<sup>1191</sup> маълум. Бошқа бир гуруҳ **ғуломлар** ҳалифа амалдорлари ишончини оқлаб, ўзларининг ҳарбий салоҳиятлари билан тан соқчиликдан тортиб хукмронлик даражасигача кўтарилиган. Табарийга кўра: “Маслама хабар қилишича, Убайдуллоҳ ибн Зиёд олиб келган 2000 бухоролик камончиларнинг ҳар бири ёғочдан ясалган ўқлар (нушшаб) отувчи аъло даражадаги мерганлар эдилар”<sup>1192</sup>. Бизнингча, бу ғуломлар Ҳалифанинг маҳсус гвардиясига жалб қилинган. Айниқса, ўртаосиёликларнинг ҳарбий маҳорати ҳалифалик томонидан ниҳоятда қадрланган. Қолаверса, 254–292 (868–905) йилларда хукмронлик қилган **Тўлунийлар** ҳалифаликда биринчилардан бўлиб Миср ва Сурияда мустақил маҳаллий сулолага асос солишган бўлса,<sup>1193</sup> шу каби ўртаосиёлик

<sup>1185</sup> История ат-Табари. – С. 245.

<sup>1186</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 265.

<sup>1187</sup> История ат-Табари. – С. 170.

<sup>1188</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 266.

<sup>1189</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 266. Манба. Мұхаммад Козим. Нома-йи ал-аморайи Нозири. – М, 1960. – Том I. – С. 10.

<sup>1190</sup> Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон». – С. 28.

<sup>1191</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 117–118; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. – С. 11; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 47; Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия. – С. 114–115, Gibb. The Arab conquests in Central Asia. – Р. 18–19; Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Б. 11.

<sup>1192</sup> История ат-Табари. – С. 44.

<sup>1193</sup> Бу давлат асосчиси Аҳмад ибн Тўлун турк лашкарбошиларидан бўлиб, унинг отаси IX асрда Бухородан асир сифатида олиб кетилган эди. Аҳмад Мисрда Аббосий ноибининг ёрдамчиси, сўнг Миср ноиби даражасига эришди. 257–870(871) – 270–883(884) йилларда эса Фаластин ва Сурияни ҳам кўшиб ўз хукмронлигини ўрнатди. Миср

турк харбийларидан хукмдор даражасига эришган шахс Мухаммад ибн Туғж эди. У **Ихшидийлар** сулоласига асос солиб, унинг сулоласи ҳам деярли 35 йил (323–358 - 934/935–968/969) давомида Миср ва Сурияда хукмронлик қилган<sup>1194</sup>. IX-X асрларда шимолий-гарбий Эрон, яъни Озарбайжонда, келиб чиқиши Уструшона туркларидан бўлган Абу-с-Сажийнинг ўғли Мухаммад 980 йилда Халифалик томонидан Озарбайжон ҳокими этиб тайинланган. У ва унинг авлодлари - **Сажийлар** сулоласи 929 йилгача хукмронлик қилишган<sup>1195</sup>. Бу халифалик шаҳарларига олиб кетилган ўртаосиёликларнинг ғуломлиқдан хукмдорлик даражасига кўтарилиганини исботидир.

Агар истилочиларинг бир йил давомида Бухоро, Самарқанд ва Фарғонанинг хар биридан 200 минг дирҳамдан олиб чиқиб кетган бойлиги жами 600 минг дирҳамни ташкил этганлигини<sup>1196</sup> ҳисобга олсак, юз йилда бу даромад миқдори қанча бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳатто IX аср бошларида Абдуллоҳ ибн Тоҳир даври (211/826-827)да Хурросоннинг халифалик хазинасига тўлайдиган солик миқдори 38 миллион дирҳамга чиққан эди<sup>1197</sup>. Бу бир асрдан зиёд вақт давомида Хурросон ва Мовароуннаҳр талон-тарож қилиниб, меҳнат кучлари олиб кетилиб, давлатчилик анъаналари барҳам топиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қанчалар зарар кўрганидан кейинги миқдор эди.

Бундан ташқари, араб истилоси натижасида Ўрта Осиё ҳалқлари халифалик таркибиға киритилгач, **умуммусулмон цивилизацияси**га муносаб ҳисса қўшиб, араб ва Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти, илм-фани ўзаро таъсир натижасида бойиганлигини ҳам эътироф этиш ўринли.

Марказий Осиёнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги ҳам **интеграцион ва этномаданий жараёнларнинг** жадал кечишини таъминлади. Минтақа ҳалқлари менталитетидаги азалдан миллий ва диний бағрикенглик - толерантлик анъаналари ҳам шу жараён маҳсулни бўлган. Бу заминдаги ўтрок ва кўчманчи элатлар тарихнинг турли даврларида ўзаро синтезлашган, юксак даражадаги тарихий-маданий маконни вужудга келтирган вакиллар эди.

Эътироф этиш керакки, Арабистон ярим оролида **Ислом динининг** қарор топиши ва минтақаларга ёйилиши VII-VIII асрларнинг муҳим воқелигидир. VII асрнинг иккинчи чорагида таназзулга учраган Сосонийлар салтанати тутилгач, 651 йилгача Хурросон ва 751 йилга қадар жиддий қаршиликларга қарамай Мовароуннаҳрнинг эгалланиши минтақадаги тарихий жараёнларни янги босқичга олиб чиқди. Араб истилочилари ва ислом дини тарғиботчилари учун Мовароуннаҳрни қўлга киришдан мақсад бу ўлка табиий бойликларига эгалик қилиш ва бу ерда шаклланган юксак маданиятнинг **умумислом маданиятига** уйғунлашувини таъминлаш бўлди. Гарчи миллий-озодлик ҳаракати узлуксиз давом этган бўлса-да, воқеалар факат қон тўкишлар ва қирғин – барот урушлар билан белгиланмайди. Манбаларга кўра, Суғд ва Фарғона ихшидлари, бухорхудот ва вардонхудотлар, Турк ҳоқонлари ва Чоч тегин ва тудунлари доимо ҳам араблар ва ислом динига салбий муносабатда бўлмаганлар. Жумладан, Суғд ихшидлари гарчи урушаётган томон бўлса-да, айрим ҳолатларда

тарихининг бу 37 йили “олтин аср” деб аталади. Бу даврда Миср юксалиб, кудрати ошди, унинг харбий флоти ҳатто Ўртаер денгизида хукмронлик қилган. Пойтахт Фустат эса тубдан кайта курилиб, машхур ал – Катъа харбий даҳаси ва Тўлунийлар масжиди меморий ёдгорлиги бунёд этилган. Қаранг: Босворт К.Э. Мусульманские династии. – С. 74–75.  
<sup>1194</sup> Сулола асосчиси Мухаммад ибн Туғж 323 (934/935) йилда Миср ноиби бўлиб, халифа ар-Радий (322–933/934 – 329–940/941)дан ўз наسابига мос сүфдий “ихшид – подшо” унвонини олган эди. Қаранг: Босворт Э.К. Мусульманские династии. – С. 76–77.

<sup>1195</sup> Босворт Э.К. Мусульманские династии. – С. 127–128; Саджиды // Советская Историческая энциклопедия. Том 12 (Репарация – Славяне). – М.: Изд. СЭ, 1969. – С. 455.

<sup>1196</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 269.

<sup>1197</sup> Тарих-и Систан. (“История Систана”). – С. 65; Смирнова О.И. Труд Табари-Бал’ми как источник для изучения экономических ресурсов Согда. – С. 947–952.

Хуросон ва Мовароуннахрдаги сиёсий барқарорлик учун араб ноиблари билан ҳамкорлик қилишга жазм этганлар. 689-704 йилларда Термизда Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Хазимнинг (683-692) ўғли Мусонинг исёнини бостиришда Суғд ихшиди Тархуннинг (700-710) Хуросон ноиби Муфаддал ибн ал-Мұхаллабга, 750 йилда бухорхудот Кутайба ибн Туғшоданинг Аббосийлар тарғиботига қарши бош күттарган Шарик ибн Шайх исёнини бостиришда Абу Мұслимга ҳарбий ёрдамини<sup>1198</sup> ўша давр қарашлари билангина баҳолаш мумкин. Бизнингча, маҳаллий ҳукмдорлар вазиятни түғри таҳлил қилиб, иш тутгандар. Ўз ўрнида айрим араб зодагонлари ҳам маҳаллий ҳалқ манфаатини ҳимоя қилишганини таъкидлаш жоиз. Улардан Абу Сайда, Рабиъ ибн Имрон ат-Тамимий, ал-Қоим аш-Шайбоний кабилар Хуросон ноиби Ашрас ибн Абдуллоҳ (727-729) нинг солиқ сиёсатига норози бўлиб чиққанлар<sup>1199</sup>. 750 йилда халифаликда уммавийлар ўрнига аббосийларнинг ҳокимиятга келиши ўз самарасини берди. Аббосийлар ҳаракати таркибида Кеш ва Насаф вакиллари анчагина бўлганлиги маълум. Чунки аббосийлар уммавийларнинг араб бўлмаганларга **мавло-озод қул** сифатида қарашига барҳам берди. Бу билан Аббосийлар Мовароуннахрни исломлаштириш, туркий ва суғдий аскарлар ҳисобига халифалик манфаатларини ҳимоя қилиш ишига йўл очдилар. 751 йилдаги **Талас жангига** Зиёд ибн Солиҳ бошчилигига араб ва ўртаосиёлик қўшинлар хитойларнинг Гао Сянчжи қўмондонлигидаги армиясига талофат етказишга муваффақ бўлди<sup>1200</sup>. Акс ҳолда, минтақадаги геосиёсий вазият умуман бошқача тус олиб, туркий давлатлар ҳам катта фожиага рўбарў келган бўлар эди.

VIII аср бошларидан Суғдда хитой намунасидағи тангалар ўрнини араб ёзуви исломий тангалар эгаллади. Бу **фульсларда** исломий “Бисмиллоҳ” каломи жорий этилди. Хусусан, Кеш ихшиди тангалари юзасида “ихшид / дехқон/ Кешш” ва орқасида “Бу фульс Кешда зарб қилинганд” жумлалари араб тили ва ёзувида чекилган эди. VIII асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд Суғдидаги халифа Мансур даврига тегишли, 143 (760/761) йилги тангалар муоммалада бўлган. Уларда Довуд ибн Гуроз, Ашрас ибн Йаҳъё исмлари битилган. 148 (765/766) йилга оид Бухордан топилган тангада Маъбад номи учрайди<sup>1201</sup>. Шу даврдан Суғдда маҳаллий сұғдий тил ва ёзуви ўрнига маҳкама ишларида араб тили ва ёзувининг кириб келаётганлигини кўрсатади.

Араблар ва ислом дини таъсирида мусулмон сұғдийлар орасида **исломий исмлар** русм бўла борган. Жумладан, Бухорхудот Туғшода ўз ўғлини Кутайба деб номласа, Суғд ихшиди Ғуракнинг бир ўғли исломни қабул қилгач, туркий Баничур исмини Йазид исми билан тўлдирди. Муғ архивининг А-б ва В-б хужжатларида Суғдда тарқалган Амир исми қайд этилган<sup>1202</sup>. Исломга ўтган сұғдийлар ўз келиб чиқишига даҳлдор наслабларини ҳам сақлаб қолганлар. Жумладан, Абу Ҳадижа Жилон ибн Варрад ас-Суғдий, Амр ал-Фадусбон ас-Суғдий ал-Бухорий, Ақил ас-Суғдий, Муқатил ас-Суғдий, ан-Надр ас-Суғдий, Амр ал-Фадусбон ас-Суғдий, Ато ат-Дабусий ва бошқалар<sup>1203</sup>.

Халифаликнинг улкан геосиёсий ва маданий имкониятлари **ўртаосиёлик ханафий уламолар** Абу Ҳафс ан-Насафий, Абу Зайд ад-Дабусий, **фақиҳлар** Абу Наср ал-Ийодий, Абу Мансур ал-Мотрудий, Абу Барокат ан-Насафий ва бошка

<sup>1198</sup> История Табари. – С. 95–113; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. – С. 114.

<sup>1199</sup> История ат-Табари. – С. 95–13, 347.

<sup>1200</sup> Хўжаев А. Талас жангига // ЎзМЭ, 8-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 240.

<sup>1201</sup> Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 54, 130–158 (каталог № 799-989).

<sup>1202</sup> СДГМ II. – С. 141–142.

<sup>1203</sup> История ат-Табари. – С. 383–441 (указ.).

олимлар етишиб чиқди<sup>1204</sup>. Улар араб тили имкониятларидан фойдаланиб, ислом дини ва маданияти ривожи учун жуда катта ҳисса қўшдилар. VII–VIII асрларда йўқотишларни, IX–XII асрлардаги уйғониш даври билан қайта тўлдирилди.

Суғдийларнинг минтақага ислом динини тарғиб қилишдаги хизматлари ҳам катта бўлди. 94 (712/713) йилда **Бухорода илк масжид** очилган бўлса,<sup>1205</sup> кейинчалик минтақада юзлаб масжиду мадрасалар кад ростлади. Бу эса Мовароуннахр шаҳарларини ислом дини маданияти марказларига айлантириди. Ўрта Осиёning мусулмон савдогарлари тижоратдан ташқари Еттисув, Шарқий Туркистон, Урал ва Волга бўйи ҳамда Шимолий Кавказда **ислом дини тарғиботи** билан шуғулландилар.

Араб истилоси ўз моҳиятига кўра босқинчилик юришлари билан бошланиб, маърифий ва диний тадбирлар билан якунланди. Шу билан бирга араб истилоси Ўрта Осиёдаги этник жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Кўп асрлик туркий ва суғдийларро муносабатлар Марказий ва Ўрта Осиё худудларидаги **этногенезда** муҳим роль ўйнади<sup>1206</sup>. Минг йиллар давомида шаклланиб келаётган бу жараённи араб истилоси тўхтатиб қўймаса ҳам, минтақанинг **туркийлашиш** жараёнини секинлаштириди<sup>1207</sup>. Шундай бўлса-да, **этномаданий макон** тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотмади.

Минтақа этнослари орасида **суғдий ва туркийлар симбиози** жараёни ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга эди. Асрлар давомида минтақада геосиёсий, тарихий, маънавий бирлик шаклланди. Этнослараро қалин муносабатлар сайқалланиб, цивилизацион даражага кўтарилиди. Марвдан Мўғулистангача бўлган улкан худудда турк-суғд этно-маданий яхлитлиги қарор топди. Икки минг йил (мил. авв. I минг йилликдан милодий I минг йиллик охиригача) давомида ягона тарихий-маданий макон вужудга келди. Шу босқичнинг энг чўққиси - илк ўрта асрлар даври - “турк-суғд даври”,<sup>1208</sup> - деб бежиз эътироф этилмаган эди.

Минтақадаги этник жараёнларда туркийлашиш илдизи мил. авв. III–II асрлар (250–140 йиллар)да **қанғ-парфиён давридан**<sup>1209</sup> бошланган эди. Бу даврда гарчи қанғ этноси номи “турк” деб аталмаса-да, унинг тили **прототурк тили** бўлган. С.П. Толстов: “ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати худудида бошланган. **Қанғ давлатининг** таркибида у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аждодлари яшаган, уларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган”,<sup>1210</sup> - деб таъкидлаган эди. Қанғ давлатининг ташкил топиши туркий этник гурухларнинг Ўрта Осиёга келиб ўрнашишларини янада жадаллаштирган<sup>1211</sup>. Умуман этник симбиоз – халқлар (этнослар) бир эмас, бир неча гурухлари ўртасида ўзаро яқинлашишлари, қоришиб боришлари натижаси бўлиб, мазкур жараённинг Ўрта Осиёга хос жихати минтақанинг этномаданий чорраҳада жойлашганлиги ва худудда бир вақтнинг ўзида турли тилли, эътиқодли кардош халқлар яшашгани билан ҳам изоҳланади. Бу жараён мил. авв. II – мил. I асрлар давомида янги халқ – қангарларни шакллантириди. Бунда туркий ва шарқий эроний тилли<sup>1212</sup> элатларнинг симбиози етакчи ўрин тутган

<sup>1204</sup> Мўминов А.К. Ханафий уломаларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётida тутган ўрни ва роли (II–VII / VIII–XIII асрлар): Тарих фан. докт. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2003. – Б. 14–21.

<sup>1205</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 124–127.

<sup>1206</sup> Лившиц В.А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. – С. 117.

<sup>1207</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳакида. – Б. 7.

<sup>1208</sup> Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет. – С. 91.

<sup>1209</sup> Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет. – С. 91.

<sup>1210</sup> Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии // СЭ. – 1947. – № VI–VII. – С. 303.

<sup>1211</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 228; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – В. 54–55.

<sup>1212</sup> Шарқий эроний тилли халқлар, асосан Ўрта Осиёning туб аҳолиси бўлиб, бу гурухга суғдийлар, хоразмийлар ва сакларнинг айрим қабилалари кирган.

эди<sup>1213</sup>. Қанғ худудидаги саклар, сакараулар, ассианлар, массагетлар гурухидаги абийлар, тохарлар, суғдийларга мил. авв. II ва мил. I-II асрларда шимолий-шарқдан усунлар, Жанубий Сибир ва Олтойдан ди, динлин, теле, хун ва бошқа туркий тилли гурухлар келиб күшилган<sup>1214</sup>. Бу давлат аҳолиси икки тилда (туркий ва суғдий) сўзлашувчи қабила ва элатлардан ташкил топган бўлиб, улар Жанубий Сибир, Олтой, жануби-шарқий Уралорти, Еттисув ва Шаркий Туркистон вилоятларида яшовчи туркий қабилалар билан алоқалари, яқинлашиш<sup>1215</sup> жараёнлари натижасида Сирдарё соҳилида шарқий эроний ва туркий **этносларнинг интеграцияси, консолидацияси** ва илк ўрта асрларга келиб симбиози рўй берди.

Бундай жараённи нафақат Қанғ давлати, балки **Кушонлар салтанати** ҳам бошидан кечирди. А.Н. Бернштам мил. авв. II аср ва мил. II аср (мил. авв. 140–мил. 180 йил)ларни кушон ва илк тоҳар даври, – деб баҳолади<sup>1216</sup>. Кушон салтанатига асос солган юэчжиларнинг келиб чиқиши хитой манбаларидан аниқлаштирилмоқда. Уларга кўра, рузие (юэчжилар), саклар, суғдийлар ва туркийларнинг келиб чиқиши Орол ва Каспий денгизи шимолий соҳили бўлиб, улар ўша ердан тахминан мил. авв. II минг йилликда жанубий ва шимолий йўналишлар бўйлаб тарқалгандар<sup>1217</sup>. С.П. Толстовнинг юэчжиларни массагетларнинг бир тармоғи “да - катта юэчжилар” ва “мас(з) – катта сакалар”,<sup>1218</sup> деган фаразини Б.Ф. Фофуров асоссиз “ноилмий қурилма”<sup>1219</sup> деб, рад этган эди. Хитой манбалари эса юқоридагидек, массагет ва юэжчиларнинг қардошлигини тасдиқлаб турибди. Массагетлар ўз юртлари – Орол бўйларида қолган бўлса, юэчжилар катта кўчиш натижасида шарққа жойлашиб, фақат мил. авв. III аср иккинчи ярмида хуннлар билан қўшини бўлиб қолишган<sup>1220</sup>.

Мил. авв. 176 йилдаги тўқнашувлардан сўнг, мағлуб бўлган **юэчжиларнинг** кичик гурухи Хўтсан (Шаркий Туркистон)да қолиб, катта қисми Ўрта Осиё худуди бўйлаб юриб, усун ва сэ (сак) қабилалари қаршилигини енгид, Фарғона ва Помир орқали Гинбинга кириб келганлар<sup>1221</sup>. Айни шу пайтда сакларнинг айrim гурухлари жанубга ҳозирги Сеистон худудига бориб ўrnashdilar<sup>1222</sup>. Тарихан юэчжилар тили эроний деб қаралган, аммо уларнинг туркий тиллар дунёсидан - Шаркий Туркистондан келиб чиқиб, шарқий эроний тилли мухит ўрта Осиёга кириб келганлиги ва тил жиҳатдан эронийлашганлиги табиий эди<sup>1223</sup>. Мил. авв. 140 йиллар атрофида юэчжилар Бақтрияни эгаллаб, беш қабила ябғулари оқсоқоли Гуйшанлар сардори Кудзула Кадфиз етакчилигида Кушон империясига асос солишган<sup>1224</sup> ва ўз

<sup>1213</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 18–19; Его же. К вопросу расселения и родовых делений канглы // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. – С. 4–12; Его же. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – 242 с.; Ўша. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – 168 б.; Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 167; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – В. 60–61.

<sup>1214</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 84; Togan A. Z.V. Oğuz destanı. Reşideddin Oğuznâması. Tercüme ve Tahlili. – İstanbul: Ahmed Sait matbaasi. – 1972. – S. 145.

<sup>1215</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 166–167.

<sup>1216</sup> Бернштам А.Н. Среднеазатская древность и ее изучение за 30 лет. – С. 91; Его же. К вопросу об усунях, кушанах и тохарах (Из истории Центральной Азии) // СЭ. – 1947. – № 3. – С. 41–47; Его же. Древние тюркские элементы в этногенезе Средней Азии // СЭ. – 1947. – № 6–7. – С. 148–158.

<sup>1217</sup> Хўжаев А. Буюк ипак ийли: муносабатлар ва тақдирлар. – Б. 217.

<sup>1218</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологических исследований. – М.: Наука, 1948 . – С. 242–245.

<sup>1219</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 165.

<sup>1220</sup> Pulleyblank E.G. Chinese evidence for the date of Kanishka // Bhāratī. – BCI X-XI. Central Asia Number. – Banaras. – Р. 166–168.

<sup>1221</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 147–151; Бернштам А.Н. Очерк истории гуннов. – Л., 1951. – С. 46–48; Mahmudov Q. Qadimgi Turkiston. – В. 54–55.

<sup>1222</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 120–121; Литвинский Б.А. Археологические открытия на Восточном Памире и проблема связи между Средней Азии, Китаем и Индией в древности. – М.: Наука, 1960. – С. 8–11.

<sup>1223</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 228–229.

<sup>1224</sup> Pulleyblank E.G. The consonantal system of old Chinese // AM. – 1962, N.S. – vol. IX. – pt. 1. – Р. 118.

хукмдорлари тасвири туширилган тангалар зарб қилишган<sup>1225</sup>. Этник маънода улар тохар номини олишган<sup>1226</sup>. Тохарларга қадар бу худудларда “урф-одати довонликларга ўхшаш”, “савдога уста халқлар яшаган”<sup>1227</sup>. Кейинчалик юэчжилар ўрнашган худудлар Тохаристон деб аталди.

Юэчжилар сұғдийларнинг этник шаклланишида ҳам иштирок этган. Улар Самарқанд атрофларида мил. авв. 133-129 йилларда пайдо бўлишган<sup>1228</sup>. Юэчжилар гарчи хукмрон табақа бўлсалар-да, турли этник гуруҳлар таркибига сингиб борган. Сұғдда ҳам улар маҳаллий аҳоли ичидаги ассимилияцияга учраган<sup>1229</sup>.

Қанғ ва Кушон давлатлари парчалангач, Сұғддаги этник жараёнлар янги боскичга кўтарилиди. Бу даврда Ўрта Осиёда **кўчманчи ва ўтрок маданиятларнинг ўзига хос синтез** жараёни янада кучайди. Сұғд эса бу жараёнлар марказига айланди. Хуннларнинг авлодлари ҳисобланган **оқ ва қизил хионийлар** “Бэй ши” солномасига кўра, 350-356 йилларда Самарқанд Сұғдидаги пайдо бўлишган<sup>1230</sup>.

Бу кўчманчи қабилаларнинг Ўрта Осиёдаги асосий рақиби Сосонийлар Эрони эди. Улар ўртасида минтақада геосиёсий таъсир учун курашлар кечди. Агар 370-380 йиллар давомида Сосонийлар Кушон салтанатига тегишли ҳозирги Афғонистоннинг шимолини эгаллаган бўлса, Ўрта Осиёда янги пайдо бўлган хионийларнинг қардошлари **Кидар** бошчилигидаги кучлар 412-437 йилларда Тохаристон ва Гандхарани ўзларига бўйсиндирди<sup>1231</sup>. Шу даврда Сосоний хукмдори **Вараҳран V Баҳром Гўр** (420-437) “турк” хоқони, яъни Кидарни ўлдиргани факти эътиборни тортади. Табарий ва Динаварийнинг Кидарни “турк хоқони” деб берганлигини, Б.Ф. Фофуров яна **Фирдавсийнинг “Шоҳнома”**сидаги: “турклардан сўнг Чағониён, Хутталаң, Балх ва Бухоро Эронга тавон тўлагани” ҳақидаги фикрига қарамай рад этади. Олим “Шоҳнома”даги “турк” атамасини аноханизм, деб ҳисоблаб, И. Марквартга суянган ҳолда, Эрон шоҳи Виштаспнинг хионийлар подшоси Аржасп устидан қозонган ғалабасини ва Баҳром Гўрнинг Балх ноиби сифатида “марзбони кушон” номини олганини далил қилиб келтиради<sup>1232</sup>. Ваҳоланки, бу давр учун “турк” атамаси ҳали жорий этилмаса-да, туркий тилли муҳит минтақа учун азалий эканлигини тан олмайди. Бунда Б.Ф. Фофуров томонидан Хионийлар ва Кидарийлар ўртасидаги даврий чегара эътиборга олинмайди ва уларнинг туркий қавмларнинг аждодлари эканлиги назардан қолади. Аслида хионийлар юебан хуннларидан ажраб чиқиб, Қанғ давлати худудига жойлашганлар. Юебанларнинг тили **гаогуй (уйғур)** тили билан бир хил бўлган<sup>1233</sup>. Бу маълумотлар хионийлар ва кидарийларнинг этник мансублигига ойдинлик киритади.

V аср ўрталаридан Ўрта Осиё тарихида Византия тарихчиси Феофан келтирган **Эфтalon**<sup>1234</sup> бошчилигидаги **эфталийлар даври** бошланди<sup>1235</sup>. Хусусан, эфталий

<sup>1225</sup> Зеймаль Е.В. Кушанские монеты из собрания института истории, археологии и этнографии АН Тадж ССР // ИООН АН Тадж ССР. – 1960. – № 1. – С. 26–32; Его же. Проблемы кушанской хронологии и монеты / Тезисы докладов на юбилейной научной сессии Гос. Эрмитажа. – Л, 1964. – С. 40–46.

<sup>1226</sup> Бартольд В.В. История Туркестана. Туркестан в древности / Соч. – М.: Наука, 1963. – II (1). – С. 112.

<sup>1227</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 152; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 122.

<sup>1228</sup> Перих Ю.Н. Тохарская проблема. – С. 120.

<sup>1229</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 25; Tezcan M. The Kushans and their role in the Turkish history and culture // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. – Тошкент, 2002. – Б. 12–15.

<sup>1230</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 206; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 127–128, 131 (2-изоҳ).

<sup>1231</sup> Enoki K. Sogdiana and Hsiung-nu // CAJ. – 1955. – vol. I. – N 1. – P.43–62; ib. The date of Kidârites // The Toyo Cakuho (Reports of Oriental Library). – 1958. – Vol. XLI. – N. 3. – P. 11.

<sup>1232</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 248–249, 262; Marquart J. Erânshahr nach der Geographie des Ps. Moses Xorenao'i. – Р. 89–96.

<sup>1233</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 258–259; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – С. 180; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 129–130.

<sup>1234</sup> Динаварийда “турк”-эфталийлар подшоси исмими Ахшуван, бошқа манбаларда Вахшунвар, Фирдавсийда Хушнавоз, Табарийда Ахшунвар шаклида келиб, В.А. Лившиц фикрича, \*ахшондар – ҳокимият эгаси ёки \*ахшанвар –

номи этник номдан кўра, кўпроқ сиёсий атама бўлиб,<sup>1236</sup> Эфталийлар давлати қайсиdir маънода Қанғ давлатининг вориси ҳам эди. Чунки Эфталийлар давлати ахолисининг этник таркиби Қанғ давлати этник таркиби билан бир хил бўлган. Эфталийлар ҳам Қанғ каби минтақа вилоятлари маъмурий бошқарувни ташки назорат асосида амалга оширган.

Арман солномачиси Егише Вардапет маълумотига кўра, 453-454 йилларда Йездигерд II “кушон”лардан<sup>1237</sup> мағлубиятга учраб, бир қатор шаҳарлари қўлдан кетган. Шу асрнинг 60-йиларида, **Сосонийлар ва Эфталийлар ўртасида зиддият** кучайган<sup>1238</sup>. 456 йилда Эфталий хукмдори Эфталоннинг Хитойга ўз элчиларини юбориши минтақа сиёсат майдонига чиқищдаги муҳим қадам бўлган. Ҳатто Сосонийлар ҳокимиyатига келишда **Перуз** (459-484) ўз оғаси Хурмуздга қарши курашда эфталийлар мададидан фойдалангани маълум<sup>1239</sup>. Аммо у ўз ҳомийсига қарши уч бор юриш қилиб, оқибатда 484 йилда халок бўлди. Эфталийлар Сосонийлар зиммасига катта миқдорда ўлпон юклади<sup>1240</sup>. Бу ўлпонларнинг асосий қисми Ўрта Осиё иқтисоди ривожига йўналтирилган дейиш мумкин. Шу давр Суғд ва суғдийларнинг Ипак йўлидаги етакчилиги Сосонийларнинг мағлубияти ҳисобига анча ошган.

Эфталийларнинг Суғд худудини эгаллаши 467-470 ва 480 йиллар оралиғи билан белгиланади. Суғдан улар Сосонийларга қарши курашда мадад олди. Чунки қудратли Сосонийлар қўшнини эфталийлар ўзларининг фақат ҳарбий кучига суюниб енга олиши мумкин эмас эди. Уларга Суғд каби ҳайриҳоҳ ўлкаларнинг катта иқтисодий таянчи ҳам зарур эди. Бу ҳамжиҳатлик нафақат сиёсий ёки иқтисодий жабҳада, балки этномаданий жараёнларда ҳам акс этди. Суғд худудидаги эфталийлар маҳаллий аҳоли орасида ўтроқлашиб, зардуштийлик динини қабул қила бошлаганини “Шоҳнома”даги эфталийлар шохи номининг Фаганич - Fâyinîc (суғдий β'γη'υς) – “илоҳий хукмдор”<sup>1241</sup> маъносини англатишидан ҳам билса бўлди.

Бундан ташқари, 509 йили Хитойдаги Судэ (Суғд) элчилигининг алмашувини ҳокимиyат эфталийлар қўлига ўтганлиги<sup>1242</sup> билан изоҳлаш мумкин. Эфталийлар 479-510 йилларда Тохаристонга юриш қўлганлар<sup>1243</sup>. Натижада V асрнинг 2-ярми ва VI аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Хурросон ва Шимолий Ҳиндистонни бирлаштирган Эфталийлар давлати ташкил топган<sup>1244</sup>. Давлат тузуми учун кучли

ҳокимиyатни тутувчи атамалари исм эмас, унвон ҳисобланади. Қаранг: Лившиц В.А. К открытию бактрийских надписей на Кара-Тепе // Буддийские пещеры в Старом Термезе. Основные итоги работ 1963-1964 гг. Надписи, терракоты, каменные рельефы. – М., 1969. – С. 67.

<sup>1235</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 251, прим. 26.

<sup>1236</sup> Адылов Ш. Эфталиты и Западный Согд // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Халқаро илмий конференция маъruzalariining тезислари. – Тошкент, 2002. – С. 20-21. Гиматола – Ш. Одилов фикрича, аввалги тадқиқотларда келтирилгандек Бадаҳшон эмас, балки Сирдарёнинг ўрта ва кўйи оқимлари ҳисобланади.

<sup>1237</sup> Е.Е. Неразик уларни манбада келтирилгандек, кушонлар эмас, эфталийлар эканлигини аниқлаган. Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 250.

<sup>1238</sup> Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. // СНВ. – 1971. – Вып. X. – С. 58-59; Егише Вардапет. История / Пер. с древнеармян. П. Шаншиева. – Тифлис, 1853. – С. 13-19, 30-31.

<sup>1239</sup> Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. – С. 63; Höldeke T. Geschichte der Perser und Araber zur Zeit der sasaniden aus der arabischen Chronik des Tabari / übersetzt... von Th. Höldeke. – Leiden, 1879. – P. 116.

<sup>1240</sup> Массон В.М., Ромодин В.А. История Ирана. С древнейших времен до начала XVII века. – М.: Наука, 1964. – С. 204; Киракос Гандзакеци. История Армении / Пер. с древнеармян., предис. и комм. А.А. Ханларяна. – М.: Наука, 1976. – С. 58.

<sup>1241</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дъяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 157.

<sup>1242</sup> Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. – С. 65; Enoki K. On the Nationality of the Ephthalites // Memoires of the Research Department of the Tôyô Bunko (oriental Library). – Tokyo, 1959. – № 18. – P. 1-58.

<sup>1243</sup> Enoki K. The date of Kidârites. – P. 11-15; Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседи в VI в. // ВДИ. – 1959. – № 1. – С. 129-140.

<sup>1244</sup> Эфталийлар давлатини бошқарган хукмдорлар: Оқ Сивар (420-470); Эфталон / Ифталонос (470-496); Тўраман (496-510); Мехрикора (510-540); Гатпара / Гатфарн (540-556) лар 510 йилгача Самарқанддан, сўнгра Панжобдаги Саркот шаҳридан бошқарганлар. Қаранг: Турғун Алмас. Ўйгуры. Кн. 2. – С. 164-165.

қонун ва қоидалар жорий этилиб, жиноят қаттиқ жазоланган. Эфталийлар давлатида асосий эътибор куролли кучларга қаратилгани боис эфталий жангчилари моҳир камончи, қиличбоз отлик-суворийлар бўлишган<sup>1245</sup>.

Этник жараёнлар учун эътиборли жиҳати **хионий, қидарий ва эфталийларнинг келиб чиқиши бир тармоқдан эканлигига** эди. Шу боис, улар ўртасида минтақадаги ҳокимият алмашуви тўқнашувларсиз рўй берган. Бу ҳол минтақадаги этник симбиоз жараёнларига ҳам замин ҳозирлаган<sup>1246</sup>. Хионийларнинг мархумларни оловда ёқиб, сўнг суюкларини кумуш идишга солиб кўмиш одати Хоразмдаги Канғқалъя ва Кўхна Увайс шаҳар манзилгоҳларидағи топилмалар билан айнанлиги, уларнинг келиб чиқишини Орол бўйларидағи сак-массагет субстратидаги хун-турк таъсирида шаклланган деган фараз мавжуд. Худди шу каби А.Н. Бернштам ҳам ўрта ва қуи Сирдарё ҳамда Амударёнинг этакларини эфталийлар шаклланган худудлар деб кўрсатади<sup>1247</sup>. Демак юқоридаги этнослар Ўрта Осиё этник муҳити учун бегона ҳисобланмаган.

Арман тарихчиси Себеос, Сосоний ҳукмдори Перозни мағлуб этган теталлар (эфталлар)ни туркларга тенглаштириб, “Хурмузд II нинг онаси турклардан эди” деган маълумот беради ва туркларни маскут (массагет)ларга алоқадор, - деб кўрсатади<sup>1248</sup>. Антик давр тарихчиси Прокопий Кесерийский ҳам эфталийлар - “оқ хуннлар” ҳақида: “...улар (эфталийлар) бошқа хунн халқлари каби кўчманчи эмаслар, аммо азалдан ҳосилдор ерларда ўтроқдурлар... Бир подшо томонидан бошқарилади ва қонуний давлатчилигига эгадурлар. Ўзаро ва қўшнилари билан румликлар ва форслардан кам бўлмаган адолатга роия қиласидилар” - деб, ёзган эди<sup>1249</sup>. Эфталийлар ҳақида маълумот қолдирган ўрта эроний тилидаги “Баҳман яшт” асарида: “босқинчилар (эфталийлар) турклар ёки қизил хионийлар” эди, - деб келтиради<sup>1250</sup>. Бу маълумот ҳам эфталийларнинг этник мансублиги хусусида айрим аниқликларни беради. Эфталийлар тили масаласида изланиш олиб борган В.Б. Хеннинг ва В.А. Лившиц каби олимлар тангалар таҳлили орқали Тоҳаристон эфталийлари тилини бақтрия тилига таққослаганлар<sup>1251</sup>. Аммо бирор-бир манба эфталийларни эроний тилли эканлигини тасдиқламайди. Фақат уларни юэчжиларга боғлиқ жиҳатлари “Бей ши” солномасида таъкидланади холос. Унда: “улар (иеда – эфталлар) гогюй (уйғурларнинг) бир тармоғи бўлиб, урф-одатлари, бир қанча жиҳатлари билан турк (тукю) ларга ўҳшаш”, - деган хуносалар мавжуд. Яна бир масала эфталларнинг “оқ” ва “қизил” ранглари орқали талқин қилинишидир. В.А. Лившиц Афросиёб деворий суратларидағи шахсларни “оқ хионлар” ва “қизил хионлар”, - деб мулоҳаза билтиради<sup>1252</sup>. Бундай бўлиниш қизил хун ва оқ хун тармоқлари, кейинчалик ҳам сариқ ва қора туркаш, оқ, сариқ, қора қипчоқ, сариқ уйғур каби бўлинишлар аслида туркий халқларда сақланган. У ҳам эфталийларнинг илк аждодлари туркийлар билан бир қавмга мансублигини тасдиқлайди<sup>1253</sup>. Бирор

<sup>1245</sup> Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и торговля шелком. – С. 164.

<sup>1246</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 255; Гюль Э.В. Симбиоз традиций в античном и средневековом искусстве Узбекистана как историко-искусствоведческая проблема // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. – Тошкент, 2002. – С. 49–51.

<sup>1247</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 244; Бернштам А.Н. Очерк истории гуннов. – М., 1951. – С. 197.

<sup>1248</sup> Маршак Б.И К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. – С. 64–65. Манба: [Себеос]. История императора Иракла / Сочинение епископа Себеоса, писателя VII века / Пер. с армян. К. Патканьяна. – СПб., 1862. – С. 75.

<sup>1249</sup> Enoki K. The Origin of the white Hung or Hepthalites // EW. – 1955. – Bd. VI. – № 3. – Р. 235; Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 258.

<sup>1250</sup> Bailey H.W. Hârahuna // Asiatica. Festschrift Fr. Weller. – Leipzig, 1954. – S. 13–14.

<sup>1251</sup> Лившиц В.А. К открытию бактрийских надписей на Кара-тепе. – С. 67; Henning W.B. The Bactrian inscription // BSOAS. – 1960. – vol. XXIII. – P. 51;

<sup>1252</sup> Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба. – С. 16.

<sup>1253</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 131–136.

Суғддаги эфталийлар тили суғдийлашиб борган дейиш мумкин. Чунки манбаларда эфталийларга нисбатан қўлланилган номланишлар<sup>1254</sup>, мазмуни X аср муаррихи Баъламий фикрича, бухороликлар тилида *hayatila* > *haytal* – “кучли одам” маъносида келтирилган<sup>1255</sup>.

V-VI аср ўрталари гача эфталийлар Марказий Осиё сиёсий ва этномаданий тарихида ўзига хос ўрин тутган бўлса, 555 йилда **хоқонлик туркларининг** уларга берган зарбаси сўнг бу давлат мавқеига путур етган. Шундан сўнг эфталийлар батамом маҳаллий аҳоли орасига сингишиб<sup>1256</sup>, суғдий этник компонентда эфталийлар салмоқли ўрин тутган. Бу эса суғдийларнинг туркийлашуви жараёни тезлашувига ҳам хизмат қилган.

Турк хоқонлигига қадар давом этган этник жараёнлар, Турк хоқонлиги даврида минтақада туркий нуфузнинг ортишига ва туркийлашиш жараённинг изчил давом этишига имкон берган. Бу жараён араб истилосига қадар жадал кечди ва факат араб истилоси давридагина секинлашди.

А.Ю. Якубовский: “агар араб истилоси бўлмаганда, туркларнинг Суғд тупроғига киришлари тезлашган бўлар эди. Араблар шубҳасиз бу жараённинг ўзини тўхтатмаган бўлсалар-да, лекин ҳар ҳолда унинг суръатини камайтирганлар. Бироқ бу ҳодиса 737 йилдан кейин, яъни араблар Ўрта Осиёнинг Амударё билан Сирдарё ўртасидаги ерларни забт этиб, Хуросондаги туркашларга қаттиқ зарба берган вақтларида очиқ кўринди”,<sup>1257</sup> - деган эди.

Турк хоқонлиги даврида **дулу, нушиби, туркаш, қарлуқ** каби қабила гурухлари Мовароуннаҳрга туташ вилоятларга келиб жойлаша бошлаган. Қарлукларнинг кўпчилиги VI-VIII асрларда Фарғона водийси, Тошкент воҳаси тоғли ва тоғ олди худудларига муқим ўрнашди. Уларнинг бир қисми халаchlар ва чигиллар билан Тоҳаристонга жойлашиб, бу ерда Қарлуқ ябгулигини ташкил қилди<sup>1258</sup>. Табарийдан маълумки, Дехистон, Кўҳистон ва Бадғисдаги турклар араб истилочиларига жиддий қаршилик кўрсатган эди<sup>1259</sup>. Бу туркий элатларнинг жанубий чегаралари ҳисобланган. Аммо араб истилосидан сўнг бу худудларга араблар билан бирга Эроннинг ички худудлари ва айниқса, Хуросондан келиб ўрнашган кўп сонли форсий тилли аҳоли бу ердаги туркий аҳолини форслаштириди. Тил муҳити ҳокимиётнинг иш юритишдаги давлат тили (аввал араб, кейинчалик форсий)га боғлиқ бўлиб қолди<sup>1260</sup>. Айни вақтда араб истилосига қадар Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасига асосан Турк хоқонлиги даврида Еттисув ва Сирдарё бўйларидан туркий қабилалар келиб ўрнашган эди<sup>1261</sup>. Умуман, Ўрта Осиёдаги туркий қатлам учта гуруҳдан иборат бўлган: 1) қадимги ўтрок аҳоли; 2) яrim ўтрок чорвадор ва дехқон аҳоли ва 3) кўчманчи чорвадор аҳоли<sup>1262</sup>. Мана шу ижтимоий бўлиниш асрлар давомида сакланиб, улар устига кейинги даврларда янги туркий қатламлар келиб қўшилган бўлсалар-да, қадимги туркий қатламнинг хаёт тарзини ўзгартирган. Суғдий ва туркий яқинлик араб истилосидан сўнг ном олган **турк (ўзбек) ва тожик этногенезини** асосини ташкил қилди. Шу боис илк ўрта аср

<sup>1254</sup> Абдел ва эпталит (суриний), абдел ва эфталит (юнон), хептал, идал, тетал (арман), ефтал ва хефтал (ўрта форс), хайтал ва яфттал (араб), йеда ва е-диен (хитой) шаклларида қўлланилган. Қаранг: Enoki K. On the Nationality of the Ephthalites. – Р. 7.

<sup>1255</sup> Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дъяконов И.М. О древней письменности Бухары. – С. 157.

<sup>1256</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 139–140.

<sup>1257</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Б. 7.

<sup>1258</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 145–146.

<sup>1259</sup> История ат-Табарий – С. 165–170.

<sup>1260</sup> Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 249.

<sup>1261</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Б. 6-7; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 149.

<sup>1262</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 149–150.

манбалари туркийлар яшаган ва Турк хоқонлиги тасарруфидаги худудларнинг ахолиси турк,<sup>1263</sup> улар яшайдиган худудни эса, **Туркистон** деб атаган. Жумладан, Туркистон атамаси VI-VIII асрлардаги бактрий ёзувли ёдгорликда, шунингдек, Шарқий Туркистондан топилган 639 йилга оид сүғдий ҳужжатда ҳам: “Туркистонлик чўри Упачаҳ” номи орқали зикр этилган<sup>1264</sup>. VII аср арман тарихчилари Себеос, Анания Ширакаци асарларида кўп бор Туркистон номи тилга олинади<sup>1265</sup>. Туркистон атамаси сиёсий ва географик ўрнига кўра, баъзида турли худудларни англатган. Бироқ Сирдарё ва Амударё оралиғи ҳамда Сирдарёнинг ўнг соҳили доимо Туркистон деб юритилаверган. Бу худудда нафақат туркийлар, балки уларнинг қардошлари сүғдийлар асрлар давомида ёнма-ён яшаб, шу юрт тарихини яратганлар.

Хулоса қилиб айтганда, араб истилоси минтақа тарихининг кейинги босқичлардаги тараққиётiga ўз таъсирини ўтказди. Бу давридаги маҳаллий анъанавий давлатчилик бошқарувидаги нуқсонлар, сиёсий поракандалак истилонинг иккинчи босқичи (715-751 йиллар)да ҳам ягона мақсад сари ҳаракатни чеклади. Қаршилик ҳаракати имкониятларни бой берди. Аммо истилонинг деярли юз йил давомида амалга оширилганлиги Мовароуннаҳрни эгаллаш ва исломлаштириш учун араблардан катта маблағ ва куч сарфлашни талаб қилди. Шу ўринда эътироф этиш керакки, араб истилосининг ғалабаси уларнинг қудратини эмас, балки Ўрта Осиё мулкларининг ўзини оқламаган “мустанқил сиёсати”, уларни бирлаштирувчи Шарқий Турк, Фарбий Турк ва Туркаш хоқонликлари ҳамда Уйғур хоқонлигининг ўзаро курашлари, Тан империясининг фитналари оқибати ҳам эди. Қолаверса, Араб халифалиги сиёсатидаги “мусулмонлар тенглиги” ғояси, маҳаллий амалдорлар билан тил топиш йўли, бир қисм ерли аҳолини истилочилар томонига ўтиб кетишига сабаб бўлди. Аммо, Хуросон ноиблари (Кутайба, Саид Хараший) ва маҳалий ҳукмдорлар ўртасида имзоланган, маҳаллий ҳалқлар манфаатини камситувчи шарномаларнинг талончилик моҳияти барибир ошкор бўлиб қолди. Энг ачинарлиси маҳаллий ҳукмдорлар ва ҳокимлар бир ёққадан бош чиқа олмадилар. Оқибатда озодлик ҳаракати вакилларидан Деваштич қатл эттилди, Ғурак эса арабларга ён босди. Алутар кўп бор иккilanган бўлса, Ашканд бесамар мустақил ҳаракатларга киришди. Сулухон ва Курсуллар эса ўз мақсадларига эришолмай халок бўлдилар. Айниқса, Ўрта Осиёдан Халифалик шаҳарларига асир олиб кетилганларнинг қисмати турлича кечди. Баъзилари қул қилиб сотилди ва баъзилари жисмонан йўқ қилинди. Бошқа бирлари халифалик хизматига ўтиб, Тўлунийлар, Ихшидийлар ва Сажийлар каби сулолаларнинг ҳукмдорлари даражасига кўтарилиб, халифалиқдан мустақил давлатларга асос солдилар.

Марказий Осиёда аср давомида шаклланган турк-суғд симбиози, маданий синтезлашуви, юксак даражадаги тарихий-маданий макон - учун имкон яратди. Ислом динининг қарор топиши ва минтақага ёйилиши VII-VIII асрларнинг муҳим воқелиги эди. Араб истилоси натижасида Ўрта Осиё халифлик таркибиға қўшилгач, умуммусулмон цивилизациясининг бир қисмига айланди. Бу жараён араб ва Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти ва илм-фанини юксалтириди. Бухорода ислом оламининг илк олийгоҳи очилди. Мовароуннаҳр шаҳарлари эса ислом дини маданияти

<sup>1263</sup> Бир тилда сўзлашувчим туркий қабилала гуруҳи хитой манбаларида тукивет, турк-ут ёки тужюэ деб номланган. Қаранг: Хўжаев А. Ўзбек ҳалқининг этник тарихини ўрганишда Хитой манбаларининг аҳамияти / Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши: илмий-методик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 14–15.

<sup>1264</sup> Исҳоков М. Номи азал Туркистон / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. – № 45–46. – Б. 1, 5.

<sup>1265</sup> Ахмедов А. Нега Турон деб аталади // Турон. – 1992. – № 1. – Б. 5–6; Бобоёров Ф. Илк ўрта асрларда Туркистон атамаси / Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши: илмий-методик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 40–41.

марказларига айланди - Ўрта Осиёлик мусулмон савдогарлар Еттисув, Шарқий Туркистон, Урал ва Волга бўйлари ҳамда Шимолий Кавказда ислом дини тарғиботи билан шуғулланди. Араб истилоси ўз мохиятига кўра босқинчилик юришлари билан бошланиб, маърифий ва диний тадбирлар билан якунланди.

Араб истилоси Ўрта Осиёдаги этник жараёнларга ҳам таъсир этди. Истило минтақанинг туркийлашиш жараёнини секинлаштириди, аммо улкан ҳудуддаги турк-суғд этномаданий яхлитлигини тўхтата оламади. Маълумки, минтақадаги этник жараёнларда туркийлашиш мил. авв. III-II асрлар (250-140 йиллар)да қанғ-парфиён давридан, яъни Қанғ давлатида жадаллашиб, қанғар элатини шакллантириди. Бунда туркий ҳамда суғдий компонентлар асос вазифасини ўтган эди. Ҳатто Кушонларнинг этно-интеграциясини, яъни келиб чиқишини Орол ва Каспий бўйларидан бўлган рузие (юэчжи)лардан бошланганлигини ҳамда уларнинг Ўрта Осиёда эронийлашганини эътиборга олсак, минтақа этник жараёнларининг нақадар ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. Суғддаги этник жараёнларда эса кўчманчи ва ўтроқ маданиятларнинг ўзига хос синтези жараёни кўзга ташланади. Бу жараён илк ўрта асрлар, яъни V аср ўрталарида вужудга келган Эфталийлар давлати этник таркибининг Қанғ давлати билан бир хиллиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис Турк хоқонлигига қадар давом этган этник жараёнлар, Турк хоқонлиги даврида минтақада туркий нуфузнинг ортишига ва туркийлашиш жараёнининг изчил давом этишига имкон берган эди. Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар биринчи ярми) дулу, нушиби, тухси, арғу, туркаш, қарлук каби қабиларнинг Мовароуннаҳрга келиб ўрнашди. Фарғона, Тошкент ва Тоҳаристонда қарлук, чигил ва халачлар етакчи этносга айланди. Зарафшон ва Қашқадарё воҳасига Еттисув ва Сирдарё бўйларидан туркий қабилалар келиб ўрнашдилар. Шу билан бирга минтақанинг жанубий вилоятларида туркий аҳоли орасида эроний тил муҳитига тушиб форслашди. Улар: қадимги ўтроқ аҳоли, ярим ўтроқ чорвадор ва дехқон, кўчманчи чорвадор ҳаёт тарзини сақлаб қолди. Энг асосий хулоса, кўп асрлик турк-суғд симбиози, минтақадаги этногенетик ва маданий умумийлик, турмуш тарзидаги яқинлик суғдий ва туркий этнослар меросини ҳозирги ўзбек, тоҷик, уйғур ва минтақанинг бошқа халқларига мерос қилиб қолдирди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, турк-суғд муносабатлари тадрижий тараққиётiga Марказий Осиёning ўзига хос геосиёсий ўрни замин ҳозирлаган эди. Асрлар давомида суғдийлар ва туркий қавмлар ёнма-ён яшаб, Суғд, Уструшона, Чоч, Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистонда ягона этномаданий маконни вужудга келтирдилар. Буюк ипак йўлининг “турк-суғд” тармоғи Марвдан Хитой девори қадар яшаган элат ва халқларни иқтисодий ҳамкорлик асосида сиёсий ва этномаданий жихатдан яқинлаштириди. Шарқда Хитой ва Ғарбда Эрон билан рақобатда, минтақа мустақиллигини сақлашда, карvon йўллари хавфсизлигини таъминлашда турк-суғд бирлиги муҳим ўрин тутди. Суғдийлар томонидан барпо этилган манзилгоҳлар Хитой билан Ғарбий Осиё ва Европа ўртасидаги савдо – тижорат, сиёсий ва маданий алоқаларида воситачилик вазифасини бажарди. Бу савдо манзилгоҳлари кенгайиб шаҳарларга айланиб борди.

Турк хоқонликлари даврида (552-744) Буюк ипак йўли учун курашда Хитой, Эрон ва Византия рақобатини Суғд ва суғдийлар бевосита туркийлар билан иттифоқчилигига енгиб ўтиб, улар минтақада етакчиликни кўлга кирита олдилар. Кўп асрлик тарихга эга “турк-суғд карvon йўллари” илк ўрта асрлар Буюк ипак йўлининг энг муҳим ва ажralмас кисми бўлиб қолди. Суғдийлар таъсирида туркийлар ўтрок маданиятга, туркийлар таъсирида суғдийлар иқтисодий шерик ва сиёсий ҳимоячига эга бўлдилар.

VI аср ўрталаридан Марказий ва Ўрта Осиё халқлари тарихида туркийлар ва суғдийларнинг миграцион, интеграцион жараёнлари кучайиб, ассимилициялашув даври бошланди. Бунда Биринчи Турк хоқонлиги яратган кенг сиёсий, иқтисодий ва маданий имкониятлар турли халқларнинг ўзаро тенг манфаатли алоқаларини таъминлади. Бу ўз навбатида 552-603 йиллар давомида Биринчи Турк хоқонлигини минтақадаги етакчи давлатга айланишида Суғд ва суғдийлар кўмаги бекиёс бўлди.

603 йилда Биринчи Турк хоқонлигининг бўлиниш оқибатида ўтрок аҳоли жамланган Ғарбий Турк хоқонлиги Византия ва Эрон билан, аксарияти кўчманчи бўлган Шарқий Турк хоқонлиги Хитой билан турли даражадаги муносабатларга киришди. 630-679 йилларда Хитой асоратида қолган Шарқий Турк хоқонлиги ярим асрлик курашлардан сўнг яна ўз давлатларини тиклашга эришди. Ғарбий турклар эса Шарқий Туркистон, Еттисув ва Ўрта Осиёning ўтрок маданияти вакиллари билан аралашиб ўзига хос этномаданий синтез ҳосил қилишни давом этдилар. Бу Ўрта Осиё тарихида, эфталийлар даври тушкунлигига барҳам берди. Эфталийлардан фарқли ўлароқ Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёга кириб келиши замирида турк-суғд манфаатлари умумийлиги ётарди. Бу манфаатдорлик Турк хоқонлигининг Ўрта Осиёда хукмронлигини таъминлаган бўлса, Суғд учун минтақада туркийларнинг етакчилиги сиёсий ва иқтисодий жихатдан кўра, ҳаётий зарурат хисобланарди. Чунки, Сосоний хукмдори Хусрав I Анушервон ва Ғарбий Турк хукмдори Истеми ябгу ўртасидаги муносабатлар Ўрта Осиё, жумладан Суғд тақдирини ҳал қилища муҳим аҳамият касб этди.

Биринчи Турк хоқонлиги қанчалар қудратли бўлмасин, ўзаро низолардан қутила олмади. Натижада минтақадаги сиёсий жараёнда Хитойнинг Суй ва Тан сулолалари ўрни ошиб, хитойлар “туркларни турклар қўли билан енгиш” йўлидан бориб, ўйғурлардан кенг фойдаландилар.

Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз вассали Суғд билан муносабати Ўрта Осиёning VI – VIII асрлар ўрталаридаги тарихи, интеграцион жараёнлари, этник симбиози учун аҳамиятли бўлди. Ғарбий Турк хоқонлигига минтақа учун анъанавий бўлган хунармандчилик ва савдо-сотик, дехқончилик тез ривожланди. Суғд, Чоч, Фарғона,

Тоҳаристондаги маҳаллий турклари билан хоқонлик турклари ҳамда автохтон сүғдийлар, чочликлар, фарғоналиклар ва тоҳарийлар умумманфаат йўлида бирлашдилар. Турк хоқонлиги Ўрта Осиёда эфталийлардан фарқли маъмурий бошқарув тизимида ислоҳатлар (Тўн ябғу (618-630) ислоҳатлари) ўтказди. Энг асосийси томонлар ўртасида бир-бирини тақоза этиш, ўзаро яқинлик, юрт тақдирига қайгуриш ҳисси шаклланди.

Томонларнинг узлуксиз алоқалар ўзаро маънавий ва маданий алмашинувлар учун кулай имконият яратди. Суғддаги динлараро муроса сүғдийларнинг табиатига хос бағрикенглик намунаси эди. Ўрта Осиё зардуштийлиги Сосонийлар Эрони зардуштийлигидан фарқли, толерантлик асосидаги “маздачилик” ёки “маздаясна дини” бўлиб, бу Суғд жамиятида этник ва диний муросани таъминлади. Қолаверса, буддавийлик, христианликнинг насториан оқими, монийлик каби динларнинг Суғд орқали, сүғдийлар томонидан Марказий Осиё ва Хитойга тарқалиши диний бағрикенгликнинг яна бир исботи бўлди. Натижада бизгача сүғдий тилли бой маънавий мерос етиб келди. Бу мерос битилган ёзув турк-суғд маданияти синтезининг ўзига хос кўриниши эди. Суғдий ёзув турк давлатларини расмий ёзуви бўлиш баробарида, туркий халқлар орасида ёзув маданиятининг шаклланишига замин яратди. Турк-руний, турк-уйғур ёзувлари вужудга келди. Турк-суғд маданий алоқалари шаҳарсозлик ривожини ҳам таъминлади. Чоч, Еттисув, Шарқий Туркистонда ўнлаб суғдий манзилгоҳлар шаҳар кўринишини олиб, туркий маданият равнақига ҳисса қўшди. Бу шаҳарлар йирик ижтимоий-иктисодий, сиёсий, савдо-тижорат ва маданий марказларга айланди ҳамда турк-суғд манфаатларига хизмат қилди. Маданий симбиоз жараёнида тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва рақс санъати соҳаларида шу қадар ривож топдики, бу сўзсиз сүғдийларнинг нафақат туркийларга, балки бутун Марказий Осиё ва Хитойга цивилизацион таъсири маҳсули бўлиб қолди. Суғдийларнинг саклар, рузие (юэчжи) ва туркийлар билан турмуши ва урф-одати номад (кўчманчи)лардан фарқ қилмагани ягона тарихий-маданий маконга хослик эди.

Самарқандни пойтахт қилган Суғд Қанғ давлати таназзулидан кейин III аср охири IV аср бошларидан мустақил давлатга айланди. Суғд Турк хоқонлиги (552-603) ва Фарбий Турк хоқонлиги (603-742) вассали бўлса-да, ўзининг асрий маҳаллий маъмурий бошқарувини сақлаб, туркий бошқарув анъаналари билан бойиди. Туркий давлат бошқарувидаги қариндошлар ўртасидаги ҳамхукрмонлик ва хоқоннинг абсолют ҳукрмонлиги Суғдда шаклланган азалий демократик тамойиллардан фарқланарди. Чжаоу хонадони ва “ўн ўқ” сулоласи вакиллари Суғдда давлатни подшо орқали эмас, балки йирик дехқон, савдогар ва шаҳар зодагонларидан иборат Оқсоқоллар Кенгаши олий орган орқали бошқарганлар. Оқсоқоллар Кенгаши подшолик - ихшидлик хокимиятини чеклаб қўйган эди. Ихшидлар Оқсоқоллар Кенгаши олдида ҳисоб бериб турган. Тўн ябғу (618-630) маъмурий ислоҳатлари ҳам анъанавий маҳаллий маъмурий бошқарув тамойилларини деярли ўзгартирмади, аксинча тудунлар, тархонлар, тутуқлар, чўрлар орқали уни мустаҳкамлади. Улар ўз вазифаси дорасида иқтисодий аҳволни кузатиш, солиқлар йиғиш, ҳарбий масалаларни ҳал этиш ва хоқонлик билан узвий боғлиқликни таъминлашга хизмат қилди. Бу сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ва ривожланиш гарови бўлиб қолди. Суғд маҳаллий маъмурий-бошқарувидаги ўзига хослик Кешда ихшидлар, Бухорода бухорхудотлар, Уструшонада афшинлар бошқаруви сақланганлиги билан характерланади.

Тарихда шахсларга баҳо беришда уларни ўрнини муносиб бегилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда 700 йилда Суғд тахтига келган Тархуннинг тарихдаги ўрни алоҳида эътиборга лойикдир. У араб истилосига қарши қураш

жараёнини янги босқичга кўтариб, бу курашда унинг ўзи етакчи ўрин тутди. 710 йилда Оқсоқоллар Кенгаши Суғд тахтига яна бир йирик тарихий шахслардан бири Фуракни тайинлаши ҳам ўз объектив сабабларига эга эди. Тахт меросийлиги анъанаси сақланди. Тархуннинг укаси Фурак ҳокимият учун курашда Панч вилояти ҳокими Деваштич қаршилигини енгид ўтди. Аммо Суғд тахти тақдири араб истилоси даврида мураккаблигича қолаверди. 722 йилда Деваштич араблар томонида қатл этилгач, Суғд тахтини яна Фурак “расмийлаштириб”, ўз вориси Турғарга қолдирди. 738 йилда тахтга келган Турғар эса пул ислоҳати ўтказиб, Суғд иқтисодини бир қадар тиклаш эришди. Ҳатто араб истилоси даврида мустақил равишда Хитой билан муносабатлар ўрнатди.

Илк ўрта асрларда Суғднинг Марказий – Самарқанд Суғди, Ғарбий – Бухоро Суғди ва Жанубий – Қашқадарё (Кеш ва Насаф) қисмлари ўзига хос тараққиёт босқичида эдилар. Ҳусусан, Бухоро Суғди мустақил равишда 585-782 йилларда қадимий бухорхудотлар унвони остида Эларслонийлар сулоласи томонидан бошқарилди. Бу воҳа турк-суғд симбиози, интеграцияси ва ассимиляциясининг марказига айланди. Жанубий Суғд – Кеш ва Насаф мулклари эса Суғд тарихида муҳим ўрин тутдилар. Ҳусусан, Суғднинг марказлашувини бошлаб берган Кеш ихшиди Шишпир анъаналари, Самарқанд ихшиди Авархуман томонидан давом эттирилди. Суғд конфедерацияси вужудга келди. Иштихон, Кабудан, Маймурғ, Кушония каби Суғд конфедерацияси мулклари ўз фаолиятини марказ Самарқандга боғлади. Панч вилояти ва унинг маркази Панжикент шаҳри ҳаёти умумсуғдий ва ўзига хос жиҳатлари билан намоён бўлди. Суғднинг конфедератив маъмурий бошқаруви сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва этномаданий соҳада турк-суғд муносабатларини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги тенг иштироқини холис баҳолаш имконини берди.

Араб истилоси турк-суғд муносабатларини яна бир синовдан ўтказди. Қутайба ибн Муслим ниҳоялаган истилонинг биринчи босқичи (651-715) асосан талончилик юришларидан иборат бўлди. Араблар Ғарбий Турк хоқонлиги тасарруфидаги худудларга хужум қилиб, ўлқадаги йирик ва майдада мулкликлар ўртасидаги сиёсий тарқоқликдан унумли фойдаланди. Турк хоқонлари ва Суғд хокимликлар ўртасига нифоқ солиб, ўзаро ишончсизлик уйғотди. Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликлари, Суғд, Чоч, Фарғона иттифоқининг барқарор эмаслиги ҳам араб истилочиларига қўл келди. Айрим ҳокимликларнинг (Кеш, Насаф, Хоразм) араб қўшинларини қўллаб қувватлаши истило мувоффақиятини таъминлади. Қутайбанинг сиёсий ва ҳарбий тадбиркорлиги ўз самарасини берди. Истилонинг ҳал қилувчи иккинчи босқичи (715-751) маҳаллий аҳолининг истилога қарши туркий давлатлар (Ғарбий Турк, Шарқий Турк ва Туркаш хоқонликлари) бошчилигидаги кураши ва Суғддаги кўзгалонлар билан кечса-да, Мовароуннаҳрни исломлаштириш жараёни давом эттирилди.

Суғд ихшиди Фуракнинг икки ёқлама, аммо ноилож олиб борган сиёсати, озодлик курашчилари ўртасидаги бўлинишлар, Деваштичнинг Суғд тахтига даъвоси, арабларга қарши курашларда турк хоқонликлари, маҳаллий иттифоқчиларнинг ягона стратегик режаси йўклиги арабларга ҳарбий куч ва мафкуравий таъсир билан Мовароуннаҳрда халифалик ҳокимиятини ўрнатиш имконини берди. Бу курашда Суғд ихшидлари, Бухоро бухорхудотлари, Кеш ва Насаф испехбодлари, Чоч тудунлари, Фарғона ҳукмдор (ихшид)лари ва Тоҳаристон ябгулари ягона мақсад йўлида бирлашдилар. Айниқса, Ғарбий Турк хоқонлигига вориси Туркаш хоқонлиги ҳукмдори, араб истилочиларига даҳшат солган Абу Музажим – Сузагон деб таърифланган Сулухон (718-738)нинг ўртаосиёликларнинг арабларга қарши курашини янги босқичга кўтаргани турк-суғд иттифоқи маҳсули бўлди.

Араблар орасида маҳаллий халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган кучлар (диний уломолари Абу Саид ва имом Иброҳим, лашкарбоши Хорис ибн Сурайж кабилар) уммавийлар ғояси остида, маъмуриятдан маҳаллий аҳолига ён босишни талаб қилиб чиқдилар. 751 йилдаги Талас жангига эса Ўрта Осиё халқларига танлаш имконини берди. Маҳаллий кучлар, туркашлар ва қарлуқлар Хитой тажаввузига қарши араб истилочилар билан бирлашишга карор қилди.

Араб истилоси ва унга қарши кураш юз йилдан зиёд давом этди. Бу юртдан минглаб гаровгирлар ва асирлар олиб етилди. Улар халифаликнинг кейинги йиллардаги тарихида тан соқчилар, ҳарбий лашкарбошилар, ҳукмдорлар, маликалар даражасида из қолдиришга эриша олдилар. Айни пайтда Ислом динининг қарор топиши ва минтақага ёйилиши VII-VIII асрларнинг муҳим воқелиги бўлди. Ўрта Осиё халифлик таркибида умуммусулмон ва дунё цивилизациясига маданият ва илм-фан даҳоларини етказиб берди. Бухорода ислом оламининг ilk олийгоҳи очилишидан (94-712/713) то XVII асрга қадар Мовароуннаҳр ислом маданияти, илм-фани марказларидан бири бўлиб қолди. Араб истилоси ўз моҳиятига кўра, босқинчилик юришлари билан бошланиб, маърифий ва диний тадбирлар билан якунланди.

Истило минтақанинг туркийлашиш жараёнини секинлаштиrsa-да, улкан ҳудуддаги турк-суғд этномаданий яхлитлигини парчалай олмади. Суғддаги этник жараёнларда кўчманчи ва ўтрок маданиятларнинг ўзига хос синтези хионийлар, кидарийлар (IV-V асрларни Суғддаги ассимиляциясини тезлаштириди. Эфтальитлар давлати (V аср ўрталари) этник таркибидаги Қанғ давлати билан бир хиллик минтақада турк-суғд симбиози мавжудлигини яна бир карра исботлади. Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган туркий қабила (дулу, нушиби, тухси, арғу, туркаш, қарлуқ)лар туркий нуфузни янада ошириди. Фарғона ва Тошкент воҳасида қарлуқлар, Тоҳаристонда қарлуқ, чигил ва халачлар етакчи этносга айланди. Жанубий вилоятлардаги аҳоли араб истилосидан сўнг форслashiш жараёнини бошидан кечирди. Зарафшон ва Қашқадарё воҳасига Еттисув ва Сирдарё бўйларидан туркий қабилалар келиб ўрнашишини тезлаштириди.

Минтақадаги этногенетик ва маданий умумийлик, турмуш тарзидаги яқинлик суғдий ва туркий этнослари меросини ҳозирги ўзбек, тожик, уйғур ва минтақанинг бошқа халқларига қолдирди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва ҳукумат қарорлари**

- I.1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
- I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- I.3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
- I.4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
- I.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида // O’zbekiston tarixi. – 1999. – № 1.
- I.6. Ўзбек халқи давлатчилигининг концепцияси (лойиха) // O’zbekiston tarixi. – 1999. – № 1.

### **II. Манбалар**

1. Ал-Балазури, Ахмад ибн Йахъя ибн Джабир. Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинение «Футух ал-булдон») / Пер. с араб. предисл., коммен. и указ. Г. Гайбова. – Душанбе: Дониш, 1987.
2. Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан (Книга завоевание стран) / Пер. Ш. Закирова // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2003.
3. Ал-Истахри. Китаб масалик ал-мамалик / Пер. с перс. З.Н. Ворожейкиной // МИКК. – Бишкек, 2002.
4. Альбаум Л.И. Росписи Афрасиаба. Иллюстрации. – Ташкент: Фан, 1976. – LVII табл.
5. Байхаки, Абу-л-Фазл. История Мас’уда (1030-1041) / Пер. с перс., введ., коммен. и прилож. А.К. Арендса. – М.: Наука, 1969.
6. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. – Ташкент: Фан, 1966.
7. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ. – 1957. – Вып. IV.
8. Бичурин Н.Я. (Иакиниф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. Том II. – 1950. Том III. – 1953.
9. Вамбери Ҳ. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Faфур Fулом нашриёти, 1990.
10. Дмитриева Л.В. Хуастуанифт. Введение, текст, перевод // Туркологические исследования – М.-Л., 1963.
11. Егеше Вардапет. О Вардане и войне армянской. История / Пер. Н. Шаншиева. – Тифлис, 1853.
12. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. Полный свод истории. Избранные отрывки / Пер. с араб., прим. и коммен. П.Г. Булгакова. Доп. к пер., прим. и коммент., введ. и указ. Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: Узбекистан, 2006.
13. Ибрат, Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа. Фарғона тарихи // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991.
14. Извлечение из «Тарих ар-расул ва-л-мулук ат-Табари» / Пер. с араб. Ш. Закирова // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XII вв. – Ташкент: Фан, 1988.
15. История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с дополн. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987.
16. История епископа Себеоса / Пер. с армян. С.Т. Малхасянца. – Ереван: Армфан, 1939.
17. Киракос Гандзакеци. История Армении / Пер. с древнеармян., предис. и коммен. Л.А. Ханларяна // Памятники письменности Востока. – М.: Наука, 1976. – Т. LIII.
18. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии / Изб. соч. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1955. – Том 1.

19. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк / Тарж. ва нашрга тайёр. С.М. Муталибов. 1–жилд. – Тошкент: ЎзФАН, – 1960. 2–жилд, 1961. 3–жилд, 1963.
20. Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. – Тошкент: Фан, 1966.
21. Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991.
22. Онагава Х. Каёху ролукоши но энкаку (История шести варварских округов в Ордосе) // Тоа Цзиньбун гакухо. – Токио, 1942. – № 1-4.
23. Пугулевская Н. (В.) История Ионна Ефесского. Сирийские источники по истории народов СССР. – М.–Л., 1941.
24. Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции. Источниковедческий анализ. – М.: ИВЛ–РАН, 1997.
25. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – М.: Наука, 1963.
26. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. – М.: Наука, 1981.
27. Согдийские документы с горы Муг. Вып. III: Хозяйственные документы / Чтен., пер. и коммен. М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. – М.: ИВЛ, 1962.
28. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммен. В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962.
29. Согдийские фрагменты Центрально-Азиатского собрания института Востоковедения. Факсимиле / Изд. текстов, член., пер., предис., прим. и глас. А.Н. Рагоза. – М.: Наука, 1980.
30. Тарих-и Систāн (“История Систана”) / Пер., введ. и коммен. Л.П. Смирновой. – М.: Наука, 1974.
31. Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники о Средней Азии. V–VII вв. – М.: Наука, 1979.
32. Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана (фрагменты из ленинградского рукописного собрания Института востоковедения АН СССР). – М.: Наука, 1991.
